



Хазонрезги

ҚАСД

#ДИҚҚАТ_ПРЕМЪЕРА

Муаллиф: ХАЗОНРЕЗГИ

ҚАСД

1- ҚИСМ

.....

- Қароринг қатъийми ? Яна бир ўйлаб кўр. Нима қилсаям у қиз беайб ?!

Шохруҳнинг гапидан Алининг қони қайнаб кетди

- Обида-чи? Обиданинг айби бормиди?

- Дўстим , Алининг қасдини Валидан олишинг тўғримас ...

Али заҳарханда кулди :

- Кўнглинг хотиржам бўлсин. Алининг қасдини айнан эгасидан олаяпман. Сен қўрқсанг кетишинг мумкин . Сенсиз ҳам бир амалларман. Қаердан ҳам сени эргаштирдим ўзи? Бўпти думингни туг , вақтимни олма.

- Алиии , фақат ... - Шоҳруҳ Алининг ваъдасини эслатиб қўйгачгина унга ёрдам беришга жазм қилди , - сўзингда турасан , бўптими бола ?!

Али чирт этиб четга тупирди :

- Шубҳанг борми ? - атроф нимқоронғи бўлса-да Алининг кўзларидан чақнаган ўт Шоҳруҳга яққол сезилди , - Ишонмасанг , катта кўча. Ҳадеб ваъданг деб пешонамга даранглатиб ураверишинг шартмас .

- Кечир , - гапни қисқа қилди Шоҳруҳ , - кетдик бўлмаса.

Шоҳруҳ ва Али юзларига аввалдан тайёрлаб келган ниқобларни тутганларича ўзлари биқиниб турган пасқам жойдан чиқиб бир хафтадан бери кўз остиларига олиб қўйган кунгурали дарвозага яқинлашдилар.

Бахтларига улар мўъжалга олган уй боши берк кўчада жойлашган бўлиб , дарвоза тепасини ёритиб турган чироқ уч кун аввал шу кўчада яшовчи бешинчи синф ўқувчиси

томонидан "томдаги мушукни пойлайман деб билмасдан" синдириб қўйилган эди. (Бу "билмаслик" Алига унчалик ҳам қимматга тушмаган эди).

Шоҳруҳ ўз ишининг устаси эди. У дарвозанинг қулфини овозсиз очиши учун кўп ҳам вақт кетмади. Улар мўъжал қилганларидек бутун уйни назоратга олган вилеокамераларнинг бошқарилиш объекти кираверишдаги ўнг қўлдаги биринчи хонада жойлашган экан.

Бу хонадаги иш ҳам қўлни кўп тутмади. Йигитлар керакли объектни топиб "зарарсиэлантеришга" йигирма дақиқа ҳам вақт кетмади. Кейинги хонада улар тахмин қилганлари каби шу хонадон ҳизматчилари кекса ёшли аёл ва унинг ўспирин ўғлини ўз хоналарида ҳушсиэлантирувчи дори билан "тинчлантеришди".

Навбат Али мақсад қилган қилган "ўлжа"га келган эди.

Али ва Шоҳруҳ асосий хонадан иккинчи қаватга кўтарилишди. Иккинчи қаватда олти хона жойлашган бўлиб улар излаб келган - "ўлжа" - хонадон эгасининг бўй етган қизининг хонаси кўча юзидаги унинг сояси тушган деразага қараб қилинган тахминга кўра иккинчи эшик бўлиши керак эди. Бахтларига даҳлизнинг чироқлари тунги режимга мослаб ёритилган экан.

Йигитлар хона эшигини очишганда ажиб манзаранинг гувоҳи бўлиб қолишди.

Бу хона ҳам даҳлизники каби ним қоронғи бўлиб , унинг бир четида тўшалган жойнамозда бош-оёқ оппоқ кийинган қиз қиблага қараб дуо қилиб ўтирар эди.

Али бироз ўйланди-ю, қиз тарафга бир қадам қўйди. Аммо Шоҳруҳ унинг қўлидан ушлаб қолди. Шоҳруҳ ўзига қараган

Алига қараб "Йўқ" деган маънода бош силкиди.

Али нима қилишни билмай хона ўртасида серрайиб қолди.

**Қиз хонага бировлар кирганини ҳис қилган бўлса- да ,
уларга эътибор бермай пичирлаб дуо қилишда давом
этаверди...**

**Шу тариқа беш дақиқаларча вақт ўтди. Шу беш дақиқа Али
учун беш йилдан узоқ туюлди, бироқ жойнамоз устидаги
қизга тегина олмай диққати ошиб тураверди.**

**Ниҳоят қиз аввал ўнг , сўнгра чап елкасига салом берди.
Аста ўрнидан туриб ортига ўгирилди. У юзига ниқоб тутиб
олган йигитларга қўрқмасдан тик боқар экан қўнғироқдек
овозда салом берди :**

- Ассалому алайкум...

**Алининг қизга қараганча бир муддат тек қотди. Шу
аҳволда қанча турганини ўзи билмади . Шунда Шоҳруҳ
қўлида тутиб турган ҳушсизлантирувчи дори сепилган
рўмолчани кескин ҳаракат билан қизнинг оғиз қисмига босди.
Кўп ўтмай қиз шилқ этиб йиқила тушди. Уни ушлаб қолишга
аранг улгурган Али қизни даст кўтариб олди.**

**Бу ёғи кўз очиб - юмгунча содир бўлди. Али қизни кўтариб
дарвозадан олиб чиққанда Шоҳруҳ тезлик билан сал нарида**

турган эскириброқ қолган Нексиясини олиб келди.

@Xazon_Rezgi

Қизнинг уйи шаҳар четида жойлашганлиги учун кўп ўтмай вилоятга чиқиб кетадиган йўлга тушиб олдилар . Шоҳруҳ машинани бошқарар , орқа ўриндиқда Али қизни орқа ўриндиқда ўз елкасига суянтириб қўйганча чуқур хаёлга чўмган эди. Уларни четдан кузатган киши қизнинг беҳуш эканлиги ҳақида умуман шубҳа-гумонга бормас , балки уни пинакка кетган деб ўйлар эди.

Мўъжаланган манзилга етишга кўп вақт кетмади. Шоҳруҳ машинасини чоғроққина ҳонадон дарвозаси ёнида тўхтатди. Шоҳруҳнинг ўзи машинадан тушиб , дарвозани очди ва яна ортга қайтиб уловини ичидаги йўловчилари билан ичкарига киритди.

Али гап - сўзларсиз қизни кўтарганча ҳонадон ичкарасидаги уйга олиб кирди...

Қиз эртаси куни қуёш терак бўйи кўтарилганда ҳушига келди.

Дастлаб у бегона хонада ётганлигини англади-ю, аммо ўзининг бу ерда қай сабаб туфайли пайдо бўлиб қолганлигини англаб ололмай довдираган бўлди. Бироз вақт ўтгач , шуури тиниқлашиб , хаёли жойига келгач кеча ярим тундаги воқеалар кино тасмасидек бирин - кетин ёдига туша бошлади.

У атрофга назар ташлаб оддийгина , шу билан бирга саришта хонага кўз ташлар экан , ўзининг нима сабабдан бу ерга олиб келинганлигига ақли етмай юраги "чим" этиб ачишди. Шу пайт хона эшиги очилиб қорачадан келган , баланд бўй , кенг елкали йигит ичкарига кириб келди. Қизнинг эътиборини йигитнинг юзидаги қатъият ва мағрурлик ифодаси дарров ўзига тортди .

- Уйғондингми ? Даҳлиз орқали ҳовлига чиқсанг ўнг қўл бўйлаб йўлак келади. Йўлак охирида ювиниш хонаси жойлашган. Ўша ерда юз- қўлингни чайиб келишинг мумкин. Кейин нонушта қилиб оларсан .

Қиз бу сафар йигитга салом бермади. Йигит таъкидлаганидек бугун ҳисобидан ҳали юз - қўлини чаймаган ва шу сабаб таъби хирароқ эди. У йигитнинг буйруқ- кўрсатмасига индамай бўйсунди ва тезда юз - қўлини чайиб келди.

Хонага қайтгач ўз одатига хилоф бўлмаган ҳолда биринчи қиладиган иши ўзидан уч- тўрт ёш катта кўринган йигитга салом бериш бўлди :

- Ассалому алайкум...

Салом берди қиз оҳиста овозда .

- Ваалейкум ... - йигитнинг ортиқча гаплашишга мойиллиги йўқ эди , шу сабаб аликни ҳам ярим чала олди . У бош силкиб бурчакдаги кичкина хонтахтага ёзилган дастурхонга ишора қилди , - чойингни тезроқ ичиб ол. Иш бор.

**- Иштахам йўқ , - бош чайқади қиз , - менда нима ишингиз бор ?
Нима учун ихтиёримга қарши бу ерга олиб келдингиз ?
Билсам бўладими ?**

Қиз охирги саволни берар экан кўзлари олов шуълаланган бўлди .

**Йигит деворга тақаб қўйилган креслога оёқларини
чалиштириб ўтириб олар экан, қизга совуққонлик билан
жавоб қайтарди :**

**- Билсанг бўлади. Билгин келмаганда ҳам айтган бўлардим.
Бари суюкли аканг шарофати билан. Ўша акажонинг Собит
ғирром гулдек синглимнинг умрига зомин бўлди. Ифлос
қиморда қиз ютқазиб қўйиб , синглимни кўчадан ушлаб олиб
қиморбозлар галасига олиб бориб ташлаган . Кайфи тароқ
қиморбозлар энди ўн еттига кирган синглимни ... Эртаси куни
уйга келган синглим номус аламига чидай олмай ўз жонига
қасд қилди...**

**- Ёлғон ! - беҳол шивирлади қиз , акам ярим йилдан буён бу
ерда йўқ . У , у ...**

**- Мен ҳам сенга бу ишлар кеча бўлган деяётганим йўқ ...
Қилар ишни қилиб қўйган бойвачча акажонинг иштонига
бажариб қўйиб суриб қолганига ҳақиқатдан ярим йил бўлди.
Мен ҳам четдан келиб мустақил тергов ўтказа бошлаганимга
деярли ярим йил ўтди. Гарчи синглимнинг ўлими ўз жонига
суиқасд деб баҳоланиб "дело" си ёпилган бўлса-да , кўпчилик
айбдорлар қонун эмас , менинг олдимда жавоб бериб бўлди.**

Эндиги навбат энг асосий айбдорга келди , яъни акангга !

- Бу гапларингизга ишона олмайман ! Шундай бўлган тақдирда ҳам мендан нима истайсиз ? - қизнинг товушида титроқдан кўра ўжарлик акс этгандек бўлди

- Ҳоҳла ишон , ҳоҳла ишонма. Буни менга қизиғи ҳам йўқ. Сени ишонтираман деб вақтимни бекорга ўтказмоқчи ҳам эмасман. Сендан нима исташимни билмоқчи бўлсанг, шуни мен ўзим ҳам айтмоқчи бўлиб тургандим. Хуллас , ака учун сингил қанчалик қадрли эканлигини , жон риштаси, азоби , армони , бахти, умиди , бор- у йўғи эканлигини акажонинг ҳам бир билиб қўйсин.

Токи қонуний жазосини олгунча.

Шунинг учун ...

Ҳа айтганча, исминг Райҳонамиди ? Шунинг учун Райҳонахон ҳозир сени ўз никоҳимга оламан. Гаплашиб қўйилган домла никоҳ ўқиганда қаршилиқ қилмаслигинг учун сени оғзингни ва қўлларингни боғлаб ўртага парда тутиб қўяман .

Райҳона йигитга жиддий тикилди :

-... Аллоҳдан қўрқмайсизми ?

Йигит бирдан сесканди . У қизга яқин келиб унинг кўзларига қаттиқ тикилди :

- Қўрқаман , - деди у дона-дона қилиб , сўнг яна такрорлади,- жуда қўрқаман. Шу сабаб ифлослик қилмасдан никоҳ ўқитмоқчиман. Акангга ўхшаб ҳаром- хариш иш қилмоқчимасман !

- Ундан кейин-чи ?! Ундан кейин нима қилмоқчисиз ?!

- У ёғи билан ишинг бўлмасин. Вақтни олма .

- Сиздан яна бир бор сўрасам майлими ? Сиз Аллоҳдан қўрқасизми ? - қиз йигитга дадил тикилди

- Бу саволга жавоб бериб бўлдим,- йигит бу сафар нима учундир четга қараб жавоб қайтарди.

- Унда мени боғлашингиз шарт эмас . Сизга турмушга чиқишга розиман .

Йигит илкис бошини кўтариб Райҳонага қаради . Унинг кўзларида алдовни илғамагач , бироз бўшашди. Бир муддат шу ҳолда тургач , ерга қараб пўнғиллади :

- Яхши унда, сенга ишондим . Ярим соатларда келаман

Йигит хонани тарк этгач , Райҳона бирдан бўшашди.

Кўзларига юм- юм ёш келди. Акаси , тўғрироғи ўгай акасининг ҳеч бир қолипга сиғмайдиган, доимо қуюшқондан чиқиб юрадиган қилиқлари қизнинг кўнглини вайрон қилиб юборди. У ҳозиргина хонани тарк этган йигитнинг гапларига мутлоқо шубҳа қилмаганди. Собит акасининг бу тариқа тош босмайдиган хурмача қилиқлари ўспиринлик ёшига етиб , етмай бошланган, ҳар сафар тили икки қарич таманно онасининг ўртага тушиши билан чиройли хаспўшланиб , "туя кўрдингми - йўқ?" қабилида бости - бости , ёпти- ёпти қилиниб келинган эди. "Бечора қиз , - дея ўйлади Райҳона хозиргина хонани тарк этган йигитнинг синглиси ҳақидаги гапларини эслар экан , - инсон ўз жонига қасд қилиш учун қанчалик боши берк кўчага кириб қолган бўлиши керак экан-а ? Бояқиш нима қилган экан , ўзини осганмикан ёки ... Э нима бўлганда ҳам ... Аллоҳ берган жонга ҳиёнат қилиш кечирилмас гуноҳ , муқаддас китобларда бундай иш тутганлар дўзахга тушадилар дейилади. Аммо номус деган сўз ... Бор йўғидан айрилган қиз учун жоннинг ҳам тариқчалик қадри қолмаган экан -да . Бу ёқда акасини ҳам чидаб бўлмас қийноққа солиб кетгани...

Қизиқ, бу йигитнинг исми нима экан ? Аммо мард эканлиги кўриниб турибди . Бошқаси бўлса никоҳ деб ўтирмас эди . Шартта булғарди-қўярди. У ўзича мени акаси учун қадрли сингил деб ўйлаяпти шекилли. Менга тикан кирса уни жони зирқирайди деб режа тузгандир . Эҳ, қалби йўқ худбин инсонда жигарчилик нима қилсин ?! Бироқ ҳозир бу гапларни ҳалиги йигитга тушунтиришдан фойда бормикан ? Нима десам ҳам баҳона бўлиши аниқ . Агар ... Агар шу никоҳ туфайли кўнгли таскин топса майли. Ўзи шундоқ ҳам кунларини санаб яшаётган мендек бахтиқаро қиз кетар чоғида кимдирнинг ярасига малҳам бўлиб қололса шуям бир савобдир.

Бу йигит ҳам мендек абгор экан . Кўнгли синган. Мендек...

Эҳ , онажон... Нимага мени ташлаб кетгансиз- а ?

Меҳрингизга тўймай неча йиллар яримта юрак билан яшаш ахири панд берди. Дадамнинг ўлимларидан кейин, барчаси буткул издан чиқди. Ёрқиной опа минг айланиб ўргилмасин мени ёмон кўриши, "кўрарга кўзи , отарга ўқи" йўқлиги шундоққина совуқ қарашларидан ошкор бўлиб туради...

Райҳонанинг хаёлларини эшикнинг чертилиши бузди. Қиз йигит айтган киши келганлигини қалби билан сезиб елкасига тушиб турган рўмолини бошига тортиб уйнинг бир бурчагига бориб ўтирди.

Орадан ярим пиёла чой ичгулик фурсат ўтмай эшик иккинчи қайта чертилди. Кўп ўтмай у очилиб ичкарига бояги йигит билан ёши бир жойга бориб қолган , аммо тетиклиги кўриниб турган кексагина киши кириб келди.

Райҳона кирганларга салом бермади . Аммо ўтирган ўрнида бирозгина тебраниб қўйгандек бўлди.

Йигит билан бирга келган меҳмон тийраккина экан . У Райҳонанинг қимирлаб қўйишининг ўзиданоқ бор гапни тушуниб "Ваалейкум ассалом" овозига қироат беришга интилиб деб алик олди .

Улардан кейин хонага бир йигит ва ёшгина аёл кириб келди. Аёл кўлини кўксига қўйганча бошини эгиб қизнинг ёнига бориб ўтирди

Райҳона ўзига келин янга ва гувоҳ бўлиб келган бу аёлнинг ташрифидан ажабланмади, зеро кеча тундан буён ҳаётига шунча кўп "янгилик" кириб келганлигидан халқ тилидаги

"ажабланиш" деган термин унинг учун ўз аҳамиятини йўқотгандек эди.

Кекса киши ортиқча гап - сўзни кўпайтирмай дарҳол ишга кириша қолди.

У хонадагиларга никоҳ ва оила ҳақида қисқача тушунтириш берган бўлиб , маҳр масаласига икки оғиз сўз билан алоҳида тўхталган бўлди.

- Абдуллоҳ қизи Райҳона сиз турмушга чиқишга қарор қилганингиз Азмиддин ўғли Алидан маҳр сифатида (у шундай деб Алига қисқа назар ташлаб олди) тилло занжирини қабул қилиб оласизми ?

Райҳона йигитнинг исми Али эканлигини шунда илк бор эшитди. "Али- такрорлади у кўнглида , - нима учундир бу исмни эшитсам виқор , шиддат , мардликни ҳис қилардим".

Албатта бу қизнинг кўп ўқиши таъсири остида шаклланган туйғу эди. У тириклигидаёқ жаннат муждасини олган саҳобаи киромлардан бири, Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг куёвлари Ҳазрати Али жаноблари ҳамда ул зотнинг завжалари Фотима онамиз ҳақида жуда кўп маълумотга эга эди.

Райҳона шулар ҳақида ўйлар экан ўтирган жойида яна бир бор силкиниб қўйди. Бунини розилик аломати ўрнида тушунган қария бу ёғига маросимни бошлаб юборди.

Қиздан ўзини Алига тан маҳрамликка бағишлаш

тўғрисида сўралган илк саволдаёқ "Розиман" деган жавобни эшитган Шоҳруҳ билан Али илкис бош кўтариб бир бирларига ажабланиб кўз уриштириб қўйишди. Али Шоҳруҳга "Ўзим ҳам ҳайронман" дея елка қисгандек ишорасини берди. Бу ёғи тезлашиб кетди. Никоҳ хутбаси ўқилгач, кўп ўтмай гувоҳлар хонани тарк этишди. Хонада ёлғиз Али ва Райҳонанинг ўзлари қолишди. Райҳона ҳали ҳануз бояги-бояги ўтиришда ўтирар эди.

Али кўйлагининг ён чўнтагидан ўртача қалинликдаги тилла занжирни чиқариб , қизнинг этагига ташлади.

- Раҳмат , кам бўлманг,- деди қиз бошини кўтармай.

Али шунча ўйлаганлари бутунлай тескари кўринишда содир бўлаётганлигидан ҳайрон эди. У қизни дод- вой солишини , "Акам сени топиб келиб тилиб ташлайди" дея аюҳаннос солишини , қатъий қаршилиқ қилишини ва шу орқали дастлабки хумордан чиқишни кутган эди.

Бироқ ... Қизнинг ўзини бундай тутиши уни тамомила гангитиб қўйган эди.

Али қиз ҳақида қандай фикрга боришга ҳам ақли ожиз бўлиб қолган эди.

Али чалғитувчи хаёлларга берилмай режасини давомини амалга ошириш вақти келганлигини ҳис этиб , диққатини жамлаш учун муштига йўталди...

Бу сафар Райҳонани Алининг ўзи эски жигулисида уйига олиб келди. У қизнинг дарвозасига яқинлашганда яна бир бор эсанкираб қолди...

2 - ҚИСМ

Дарвоза олди гўё кеча кечқурун бу хонадонда ҳеч нарса бўлмагандек сокин эди. Бу нарса Райҳонанинг ўзига ҳам эриш туюлди шекилли уйларига яқинлашган сари асабдан бўлса керак кетма - кет йўтала бошлади.

Али ўжарлик билан машинасини қизнинг дарвозаси тагигача тақаб ҳайдаб борди. Машина тўхтаганда бирдан қўшни дарвозасидан эллик ёшлардаги бир аёл лип этиб чиқди-ю , машинадан тушаётган Райҳонани бағрига босди :

**- Райҳона қизим , яна дугонангникида қолганмидинг ?
Энгнингни қара юпунлигини ? Боя Розик амакинг сени кўришга келгандилар. Эшигингларни ҳеч ким очмади. Улар "Райҳона келиши билан менга қўнғироқ қилсин" деб тайинлаб кетдилар.**

Райҳона қўшни аёлга "Хўп" дея домофон эмас , балки эшик ёнбошидаги митти қўнғироғини босди. Эшик кўп куттирмай очилди. Уни очган уй ёрдамчиси Райҳонани кўриб кўзлари катта - катта очилди-ю , аммо атрофдагилар билан саломлашишдан нарига ўтмади.

Райҳона қўшни аёлга "Ҳайр" маъносида бош силкиди-ю, ичкарига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Қиз кўринмай қолгач Али машинани оҳиста юргизиш ҳаракатига тушди. Шу вақт уни киракаш деб гумон қилган уй хизматчиси Алига яқинлашиб машинанинг хиёл очиқ турган деразасидан эллик долларлик купюра узатди.

Али аёлнинг пулини қўли билан "керакмас" деган маънода рад қилиб машинани ортига ҳайдаганча кўчадан чиқиб кетди.

Али шу кетганча ўз уйига йўл олди. У кеча Райҳонани олиб борган уйни бир hafta олдин ижарага олган ва бир ойлик пулини олдиндан тўлаб қўйган эди. Бугун Райҳонани у ердан олиб чиқач, эшикни қулфлаганда тузган режасига мувофиқ ҳеч қачон бу ҳовлига қайтиб келмаслигига ишончи бир hafta аввал комил бўлганлигини эслаганди.

Али ўз уйига боргач ичкарига кирди. Тўғри ҳаммомга йўл олди. Ҳаммом ўчиқ экан. Кун етарли иссиқ бўлмаса-да, Али ҳаммомга кириб ечинмай туриб бошидан душнинг муздек сувини очиб юборди. Устидан яхдек бўлиб қўйилган сувдан бир сакраб тушган Али ўзини мажбурлаб сув тагида яна бироз ушлаб турди. Охири авзойи бадани дир- дир қалтираб, тишлари такиллашга тушганда кийимларини бир амаллаб ечиб шундоқ оёқ остида қолдирди-ю, ўзи чала ярим артинганча устига енгил халат ташлаганча ётоқхонага йўл олди.

У ичкарига кира солиб тўғри диванга ўзини отди. Қалтироғи ҳали- ҳануз босилмаган Али устига паркўрпани боши билан тортганча буркалиб олди.

У анча ойдан буён режалаштириб юрган иши амалга ошган бўлса-да , бундан дили қониқиш туймаганини , қайтага юраги бадтар ҳаловатини йўқотганини ҳис қилар экан , бунинг сабаби нимада эканлигини била олмай янада ҳуноби ошди. Анча вақт шу алфозда ётгач бирдан барча саволларга жавоб топгандек шуури ёришди :

- Райҳонаааа !

Райҳона нимаси биландир Обидага ўхшар экан. Жуда ўхшар экан. Соддалиги, маҳзунлиги , дилбарлиги , ҳақиқат талабида бўлиши ... Булар Райҳонанинг Обидага ўхшаш тарафлари эди. Бироқ шу билан бирга унинг Обидадан кескин фарқ қиладиган тамонлари ҳам кўп эди. Унинг энг биринчи кўзга ташланган айрича жиҳати бу қиздаги шаддодлик эди. Шунча ҳислатни биргина вужудида сиғдира олган қизнинг оҳанграбоси шунга яраша ўзига тортгулик эди.

Али Райҳона ҳақида ўйлаганча кўзи уйқуга кетганини билмай қолди...

**Муаллиф:
Хазонрезги**

ҚАСД



Райҳона дарвозадан киргач тўғри ошхонага борди. У музлаткичнинг охириги токчасидаги шафтоли шарбатидан бир стакан қуйиб охиригача ичди. Сўнгра изма- из келган Иноят ҳолага савол назари билан қаради :

- Ҳолааа

- Райҳона , - деди Иноят ҳола гўё бўлиб ўтган ишларда ўзи айбдордек бош эгиб,- Ёрқиной "Қиз боланинг номи ёмон отлиққа чиқмасин , ҳозирча ҳеч кимга индамай туринг , ўзим кечга яқин бораман. Шу ердан туриб ҳам тегишли одамларга кўрсатма бердим, улар қидирувни аллазамон бошлашган. Кимдир Райҳонани қаттиқ сўраса у мен билан , тушундизми ?" дедилар. Шу сабаб Розикжонга ҳам қўрққанамдан эшик очмадим.

Ҳизматчининг сўзларини эшитган Райҳона бирдан енгил тортди. Зўриқиб турган асаблари зумда бўшашганлиги сабабли боши гир айланди.

- Яхши қилибсиз,- деди у Иноят ҳолага , - ҳолажон мен бироз дам олай.

- Қизииммм ... - деди Иноят ҳола кўнглидаги саволига илтижо оҳангини жамлади

- Холажон, хавотир олманг мен яхшиман,- деди Райҳона унга таскин берувчи охангда , - майлими кейинроқ гаплашсак?

Иноят хола бош силкиди. Райҳона хонасига йўл олар экан , бирдан ортига ўгирилиб Иноят холага саволмуз боқди :

- Айтганча , кеча сиз ва Моҳирга ... ҳеч нарса қилмадими Айтмоқчийдим-кии..., - Райҳона гапини давом эттириш учун керакли сўзларни топа олмай қийналди

- Йўўқ , биз яхшимиз . Сени олиб кетганлар... , - Иноят хола "Тўғри гапиряпманми , йўқми?!" деб бироз чайналиб , сўнгра гапида давом этди,- бизга нимадир қилиб қаттиқ ухлатиб қўйишибди , чошгоҳга яқин кўзимизни базўр очдик . Кейин кузатув камерасидаги ёзувларни ҳам , унинг ўзини ҳам ўчириб ташлашибди. Бошқа ҳеч қандай талофат йўқ ...

- Холажон , нима учун кўпликда гапиряпсиз ? Сизнингча улар кўпчилик бўлишганми ? - гап олиш илинжида ўсмоқчилаб сўради Райҳона

- Ҳар ҳолда бу бир кишининг иши эмаслиги аниқ- ку ? Ўзинг...

- Мен ҳам ҳеч нарсани билганим йўқ . Кўзимни очсам бир овлоқ ҳовлида боғлоғлиқ ётибман. Бахтимга ҳалиги йигит мол боқиб ўтиб қолди. Мени эгасиз дала шийпониға олиб боришган экан. Ким билсин балки кейин у ердан олиб кетиб пул талаб қилиш ниятида бўлишгандир,- Райҳона шу топда тўқиган ёлғониға ўзининг ҳам ишонгиси келиб кетди , - хуллас ўша йигит мени қутқариб ... Вой ўлмасам унга раҳмат демабмиз- ку , ҳалиям кўчадамасмикан ?

- Мен уни хожатбарор бир киракаш деб ўйлаб эллик доллар бергандим , олмай кетиб қолди. Агар сенинг ҳалоскоринг эканлигини билганимда ... - хола бўшашиб тушди.

- Майли қўяверинг , уйимизни кўриб олди- ку, боши яна бир бор айланиб келиб қолар. Боя "Битта ошга қарздорсиз" дегандек бўлувди , - деди Райҳона шунча ёлғонни бир зумда қандай тўқиб, тахлаб ташлаётганиға ўзи ҳам ҳайрон бўлганча

- Ундоқ бўлса яхши , - Иноят холанинг кўнгли жойига тушган бўлиб , -майли қизим , сен пича мизғиб олгин , уйғонгунингча озроқ товуқ шўрва солиб қўяман, - у Райҳонани кузатиб қўяр экан , қизни ўғирлаб кетган талончилар, қизгина уларни эслаб қолган, қолмаганлиги ҳақида сўрамаганлиги ёдига тушиб ичи қизиди , бироқ шу сафар учун кеч қолганлигини фаҳмлаб тақдирга тан берган бўлди "Майли, - дея ўйлади Иноят хола , - мусулмончилик- аста-секинчилик. Бу саволнинг ҳам мавриди келиб қолар" ...

Райҳона ётоғига киргач , тўғри хона ёнбошидаги ювиниш хонасига кирди. У одатига кўра енгил душ қабул қилиб бироз чўзилмоқчи эди. Шу сабаб кийимларини ечмоқчи бўлганда кўзи беихтиёр билагидаги занжирга тушиб , бўшашиб ўтириб қолди . У занжирни буткул унутган экан. Бу ўша Али томонидан икковларининг никоҳ қуришлари муносабати билан йигитнинг қизга маҳр сифатида берган занжири эди. Занжир анчагина кўримли эди. Райҳона шошилинича ва айтиқса Алининг қаршисида уни бўйнига тақишга истиҳола қилиб , шундоққина билагига икки қайта ўраб олган эди...

Райҳона ювиниб , тараниб ётоғига чўзилганда ҳам кийим илгичга омонатгина илиб қўйилган , сўнг ўзи билан олиб чиққан занжирга тикилди. У нима учундир қадимий майда - майда тангаларни эслатувчи элементлардан ташкил топган занжирни беихтиёр ҳидлаб кўрди. Назарида занжирдан қалампирмунчоқнинг билинар - билинмас ҳиди келаётгандек эди . "Анчадан буён шамоллатилмаган сандиқда ётган шекилли,- ўйлади Райҳона, Али демаганлари режа тузганда маҳр беришнияма ўйлаган экан-да , назаримда сандиқ титиб занжирни олганига кўп бўлмаган. Аммо мени олиб борган жой унинг уйи эмаслиги аниқ. Ҳар қандай ақли бор йигит бундай таваккалчиликнинг оқибати яхшиликка олиб келавермаслигига фаҳми етиши аниқ. Демакки, занжирни уйдан олиб келган. Уйи эса биз борган манзилдан анча олислиги очиқ кўриниб турган маълумот эканини ҳисобга олсак , демакким занжирни мени ўғирлаб кетишдан аввал ўзи билан олиб олганлиги аниқ. Бу дегани йигит ҳақиқатдан ҳам никоҳни муқаддас санашидан далолат беради, гарчи буни ўзи инкор этса ҳам . Тўғри унинг аламзадалиги аниқ , бироқ ...

Нима бироқ ? - ўзига-ўзи савол берди Райҳона . У ҳалитдан буён исми Али эканлигидан бошқа ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган йигит , яъни ўзининг турмуш ўртоғи (у эрим деб

ўйлашга жуда уялиб кетаётганди)нинг фақат оқлаш учун сабаб қидираётганлигини пайқаб қолганди.

"Али ,- ўйлади Райҳона , - Али ... Энди бу ёғи нима бўлади ? Тақдир бизларни шунчалар тез учраштирди ва шунчалар тез бошимизни қовуштирди. Кечагина худди шу дақиқаларда бу дунёда Али исмли йигит борлигини билмас эдим . Бугун эса унинг никоҳли маҳрами, ҳасми-ҳалолиман. Ўша йигит ҳақида бошига жуда оғир савдолар тушганидан бошқа маълумотим йўқ . Билганим шу...

Яна билганим ...

Дадамларнинг у ҳақида хабар берганлари. Уни рад қилмаслигимни сўраганлари"

Райҳона кеча кўрган тушини таъсиридан ҳали ҳам чиқа олмаган эди.

Кеча ..

У кеча яна мазаси бўлмайд анча вақт қийналганди. Шомдан кейин юраги ўз- ўзидан бежо уриб кетаверди. Шу алфозда кечки овқатни ҳам егиси келмади . Ахири Иноят холадан узр сўраб ётоғига базўр кириб олди ва тинчлантирувчи томчи дорини ярим пиёла сувга керагидан ортиқроқ томизиб ичди-ю ўрнига чўзилди . Ўн дақиқаларда нафас олиши бир меъёрга кела бошлади. Кейинги соатларда дард сабаб анча вужуди толиққанди , жони ором ола бошлагач , беҳолликдан кўзлари

илинди.

Тушига отаси кирибди. Йўқ отаси ва онаси кирган экан. Фақат онаси унга узоқдан қараб турганмиш . Қўлида оппоқ ҳаррир рўмол . У ўша рўмолини нуқул Райҳонага қараб силкитармиш. Ўзининг эғнидаги кийимлари ҳам ўша рўмол сингари ҳаррир ва бурмали эмиш. Этаклари жуда кенг ва майиндан майин ҳилпировчи.

Райҳона онасини тушларида ҳар доим шунақа узоқдан кўрарди. Бунга балки онасидан жуда ёш ажралгани сабаб бўлса керак . Онасини эслатувчи расмлар ҳам эски уйларида бехосдан чиққан ёнғин сабабли бир ҳовуч кулга айланганидан буён қизгина онаси билан боғлиқ бор - йўқ хотирасидан ҳам жудо бўлганди.

Онасидан тўрт ёшида ажраган Райҳона , отасидан ўн беш ёшида жудо бўлганди. Ҳар ҳолда Райҳона учун ота меҳрига кўпроқ қонган дейиш бироз малол гап эди- ю , бироқ шу йиллар қизга отасининг тарбиясини бир умрга ўзлаштириб олиш учун пойдевор бўлиб ҳизмат қилиб улгурганди.

Отаси...

Ҳа-я , отаси тушида аниқ таниқ гапирди :

- Мунчоққўзим , - деди у (тириклик пайтида қизини шундай эркалашни яхши кўрарди) - ёмон бўлиб кўринган ҳар нарса ҳам ёмон дегани эмас, бандалар ҳар нарсадан иллат қидирадилар , аммо билмайдилар- ки, тақдирнинг бари Ўзидандир . Баъзан ёмон деб ўйлаганинг замирида мисли

кўрилмаган яхшилик ихоталанган бўлиши мумкин.

Сўзларим ёдингда турсин.

Бахт сен тараф йўлга чиқди, гарчи у қора ёпинчиқ ёпиб олган бўлса ҳам . Сен уни қабул эт . Қабул эт...

Қабул эт...

Қабул эт...

Райҳона кўзини очганда ғарқ терга ботиб кетганди. У тушини ва айниқса отасини сўзларини бирма- бир эслади. Юраги яна бошқача ура бошлади. Бу сафар юрагининг безовта қилиши бутунлай бошқача , айтиш мумкин бўлса ёқимли эди.

Райҳона кўрган тушини қандай таъбирлашни билмай ўйлаб ўйига етолмади. Кейин хаёлига таҳажжуд намозини ўқиш келди...

Жойнамозга турганда хонасида қандайдир ёқимли эпкин эсгандек бўлди. У бўғзини тўлдириб нафас олар экан намозни бошлади :

- Қибла тамонга юзланиб ...

Намозининг сўнггида дуо қилаётганда хонасини эшиги очилгандек бўлди. У бу сафар ҳам барчаси намоздаги ҳушъу - ҳузур таъсиридан деб ўйлаб , дуосини маромида яқунлади. Намозни тугаллаб ўрнидан турганда , ортида кимдир борлигини вужуди билан сезди , ўзини аранг ўгирди ва бош - оёқ қора кийинган , юзига ҳам қора ниқоб тақилган кимсага рўбаро келди.

*Райҳона дарҳол тушини эслади. Тўғрироғи тушида
дадасининг айтган сўзларини :*

*- Ёмон бўлиб кўринган ҳар нарса ҳам ёмон дегани эмас.
Баъзан ёмон деб ўйлаганинг замирида мисли кўрилмаган
яхшилиқ ихоталанган бўлиши мумкин.*

Сўзларим ёдингда турсин.

*Бахт сен тараф йўлга чиқди, гарчи у қора ёпинчиқ ёпиб
олган бўлса ҳам . Сен уни қабул эт. Қабул эт...*

*Райҳонанинг қулоқлари остида дадасининг шу сўзлари
қайта жаранглагандек бўлди ва у бор иродасини жамлаб
қаршисида турган ниқобли кимсага сокин овозда салом
берди :*

- Ассалому алайкум...

*Ёрқиной исми жисмига монанд оппоқ юзли , қош - кўзлари
зулукдек, лаблари қизғалдоққа сифат берувчи алвон ранг ва
хуш бичимда , бурнилари чимдиб қўйгандек латофатли жувон
эди. Унга қараган инсон тегишли соҳа мутахассисларининг
"Аёл кишинининг сочларини қора рангда бўлиши уни ёшини
катта кўрсатади" деган қоидаларини эслаганда , "Бекорларни
бештасини ебсиз!" демоғи тайин эди. Сабабким сочларининг
тим қора ранги эгасининг чиройига фақат чирой қўшишга
ҳизмат қилар эди .*

Гарчи Ёрқиноининг ёши бу йил қирқ тўртни ҳатлай бошлаган бўлса-да , кўрган одам уни эндигина ўттиздан ошган деб тахмин қилар эди. Ҳаётда турфа тоифадаги аёллар бўлиб , баъзилари ўзларига қарамай ҳали ўттизга кирмаёқ ўтинликни бўйниларига олиб олсалар, баъзилари эса олмиш ёшда ҳам ўзининг дилбарлигини йўқотмайдиган- зуваласи пишиқларга бўлинадилар. Ёрқиноин иккинчи тоифага мансуб эди, у чет эл сериалларидаги аёллар каби ҳатто уйининг ичида ҳам бигиз пошна туфлида юришни яхши кўрадиган , ўзига оро беришдан асло чарчамайдиган аёл эди. У чиройини ҳаётдаги энг асосий қуроли деб билса-да , ақл, фаҳм - фаросати билан ҳам анча- мунча одамни бир чизиққа тизиб қўя оладиганлар хилидан эди.

Ёрқиноин шу сафар одатига ҳилоф равишда иш тутди. У уйига қайтиши билан кийимларини алиштириб, Райҳонанинг хонасига овоз чиқармаслик ниятида фақат ётоғидагина киядиган шиппақда бесас кириб келди.

Қоқ пешин...

Райҳона ўз ўрнида ухлаб ётарди. Ёрқиноин аста яқинлашиб унга тикилди. Қизнинг лабларини атрофи , кўзининг таглари билинар - билинмас кўкариб турарди. "Ҳммм , - ўгай қизига ўзича ташхис қўя бошлади Ёрқиноин , - юраги анча безовта қилган кўринади. Аммо юзидаги осойишталикдан кечаси бирор тажовузга йўлиқмаган , шекилли. Йўқ, шекилли эмас , бу аниқ ! Агар Райҳонага у, бу нарса бўлганда бундай хотиржам ухлаб ётмасди. Унга ўн уч йилдан буён "онаман" . Феъли кафтимдаги чизиқлардан ҳам таниш бўлиб кетган " .

Ёрқиноиннинг кўзи ухлаётган қизнинг кўлида тутамлаб ётган нарсага тушди.

"Нима бу ? Занжирми? Тилла занжирми ?" - Ёрқиной унинг нималигини билиш учун қизнинг бошига эгилди .

... Бошида атрофида шарпа туйган Райҳонанинг кўзлари катта- катта очилди .

Ёрқиной зумда қаддини ростлади :

- Қизим ...- деди у "Нима бўлди ? " деган оҳангда.

Райҳона кўлидаги занжирни кафтлари орасида йиғиштирганча индамай ўрнидан туриб нариги хонада юзини чайиб келди . Ёрқиной бу сафар занжир унинг бўйнидан кўйлагининг ёқалари орасида жой олганлигини пайқади.

- Ассалому алайкум , опа .

Райҳона уйқуси бузилганлиги сабабли хорғин ва бўғриққан овозда салом берди.

- Қизим , сенга нима бўлди ? Юрагим ёниб кетди . Жиззахдан қандай етиб келганимни билмадим . Тинчликми ?

- Тинчлик , - деди Райҳона ҳолсиз,- хавотирга ўрин йўқ эди. Сихатгоҳдан бекор қайтибсиз , телефон қилсангиз бўларди-

ку ?!

- Бу нима деганинг , қизим?! Ҳавотир олдим ахир ?! Тўғри телефон ҳам қилдим , бироқ унда аллақачон йўлга тушиб бўлган эдим. Хабарни эшитишим билан оёғимни қўлимга олиб чопиб йўлга тушгандим, - деди Ёрқиной охириги сўзларини икки мартаба қайтарганча.

Райҳона шу топда қаршисида турган аёлнинг меҳрибончилигига ишонгиси келди , бироқ бунинг уддасидан чиқа олмай қийналди

- Кел , ўтир , - Ёрқиной уни бурчакдаги креслога таклиф қилар экан , - қани ҳаммасини бир бошдан гапириб бер-чи ? Айтганча бўйнингдаги нима ?

Райҳона онаси ўзинг мушкулини осон қилиб занжир ҳақида сўраганига енгил тортганча, кўрсатган жойга бориб ўтираркан, оҳиста жавоб берди:

- Занжир. Тилла занжир , деди у мумкин қадар ўзини ҳотиржам тутишга ҳаракат қиларкан.

- Кўриб турибман заржирлигини , мен ҳам зирак деяпганим йўқ , - ва ниҳоят Ёрқинойнинг мустаҳкам асаблари қақшай бошлагани билинди , - мени шу занжирнинг қаердан келганлиги қизиқтиряпти.

- Мен , - бир ютиниб сўзида давом этди Райҳона , - опа , мен турмушга чиқдим , бу занжир маҳр сифатида берилди.

Ёрқиной Райҳона кутгандек асабийлашиб кетмади , балки хотиржамликни йўқотмаган ҳолда жиддий тарзда савол ташлади:

-Ёнимга ўтир. Ҳеч нарсага тушунганим йўқ. Қани бир бошдан гапир-чи ?

Райҳона Ёрқинойнинг ёнига оҳиста ўтирди. Ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб сокин овозда гапира бошлади :

- Бунга ҳеч тушунмайдиган ери йўқ , опа. Хабарингиз бор . Кеча мени шу ҳонамдан ярим кечаси олиб чиқиб кетишди. Ҳушсизлантириб албатта. Кейин шаҳар ташқарисига олиб боришди. Эрталаб эса мени овлаганларнинг бири ўзига никоҳлатиб олди . Бор гап шу ?!

- Бори шу ?! Никоҳлатиб олди ?! Никоҳ ўқилганда қиздан розилик сўралмас эканми ? Ким сени ихтиёрингга қарши ўзига никоҳлаб олди ? Яна маҳр берганига ўлайми ? Это ... Это фейк !

- Опа ...Бари шариат қоидасига мувофиқ бўлди . Никоҳимиз ёлғон никоҳ эмас , ҳаппаи -ҳалол никоҳ бўлди. Чунки... сабаби мен у йигитга турмушга чиқишга ўз ихтиёрим билан рози бўлдим...

- Ўз ихтиёрим билан ? Нима учун ? У йигитни танирмидинг ? У Фаррух эмасмиди?! - Ёрқиной бу сафар ўзини боса олмай савол устига савол ёғдира кетди.

- Опа ... Фаррух Россияда- ку . У аллақачон мендан умидини узиб қўйганига анча бўлган. Ўзингиз айтганингиздек "Кўрпасига қараб оёқ узатган"ига кўп вақт бўлди. . Бу бошқа йигит. У ...Фаррухдан бутунлай фарқ қилар экан. "Майлими ?" деб сўраб ўтирмас экан. "Онангизни юзига оёқ босманг , оқ фотиҳа олмасдан тузилган никоҳ- никоҳ эмас" деб ҳам ўтирмади.

- Қизим , ҳозир шу гапларни ўрни эмас . Ўша латта Фарруҳ битта рад жавобда кетига тепилган итдек бўйнини қисиб ўзини кимлигини кўрсатиб кетди. Чиндан севса курашсин эди , етишсин эди эркак бўлиб."О муҳаббат, муҳаббат" деб ойга термулиб оҳ- воҳ чекиб ўтираверса сени қўшқўллаб олиб бориб топширишим керакмиди? Сен қайтага раҳмат дегин , шундай мижғовдан халос қилганим учун, - деди Ёрқиной эътирозга ўрин қолдирмай кесиб - кесиб гапиркан.

- Раҳмат , мана энди кўнглингиздагидек йигит топилди, у ҳатто сиздан розилик сўраб ҳам ўтирмади. Мижғов эмас- да. Ҳақиқий эркак шунақа бўларкан деб мен ҳам шартта "Ҳа" деб қўяқолдим.

Қизининг овозидаги кинояни сезган Ёрқиной бир йилдан ошиқ вақт ўтган бўлишига қарамай унинг Фаррух борасидаги аламлари тарқалмаганини ҳис этди , аммо ҳозир бунга аҳамият берадиган ҳолатда эмас эди.

- Балки, барчасини тушунтириб айтарсан ҳадеб гапни айлантиравермасдан ?! Ким экан у йигит, мақсади нима ?

Райҳонанинг ҳам шу мавзуга нуқта қўйгиси келиб қолганди, тўғрироғи ўгай онаси билан ортиқча гаплашишга ҳоҳиши қолмаганди :

- У йигитни кеча , тўғрироғи бугун биринчи марта кўрдим Кеча у ниқобда эди. Айтишича Собит акам туфайли синглиси ... жувонмарг бўлибди. Шунинг қасдига мени никоҳига олиб аламдан чиқмоқчи экан ...

- Собит акам туфайли ?! - арзанда ўғлининг номи ўртага тушгач Ёрқиной жазавага тушиб кетди , - ёлғон! Тухмат бу ? Аканг Ўзбекистондан чиқиб кетганига ярим йил бўлган бўлса , қачон унинг синглисини бадном қила қолибди? Ё синглиси Россияда эканми ?

- Бу воқеага ярим йил бўлган экан.

- Ҳоооо, энди эсига келибдими ака жонворни ? Шу вақтгача қай гўрда қумалоқ териб юрган экан ?! - Ёрқиной шу кўринишда худди айри тилли илонга ўхшаб вишиллагандек бўлди.

- Билмадим , опа. Билмадим,- Райҳона унга тикилиб сесканиб кетди.

- Сенга ҳам қойилмасман , ким нима деса ишонаверасанми ?
Ўша йигитни нияти бошқадир ? Дарди мол- дунё бўлса-чи ?
Акангни ўртага қўшса хўп деб никоҳига ўтиб кетвурдингми ?
Хўп никоҳ ҳам ўқиттирди ? Энди нима қиларкан ? Сени
обкетиб хўрлаб аламдан чиқарканми ? Шуми нияти ?

- Опа ... Мен унинг гапларига ... ишондим. Бу ...акамнинг
биринчи қилиғи эмаслигини яхши биламиз- ку. Аввалги
иккита қиз ҳам акам туфайли ...Улар- ку катта пул эвазига
даъво қилишдан воз кечишганди. Бу қиз эса ўз жонига қасд
қилибди. Акасининг ғазаби шундан экан.

- Райҳона , - деди бирдан бўшашганча Ёрқиной , - мен сенга
беш ёшингдан буён оналик қиламан- а ? Аммо шу вақтгача эт
ва тирноқ бўлиб кетмаганимиз алам қиляпти. Собитни ҳам
барибир ўз аканг ўрнида кўрмадинг . Бўлмасам, у ҳақда
шунақа дермидинг ? Сингил деган акаси учун ...

- Опа , мен ҳам акамни ўйлаб шу ишларга кўндим. Балки ўша
йигитни ғазабидан тушира оларман деб хаёл қилгандирман.

- Гапир , гапиравер , - Ёрқиной бўлар иш бўлибди деган оҳангда
, - давом эт.

- Агар бошқаси бўлганда мени шундоқ бадбахт қилиб ташлаб
кетишдан тоймасди. У эса ҳар ҳолда Худони танир экан ,
мени ўз никоҳига олди.

- Хааа , тушунарли,- лабини бурди Ёрқиной , - Худони танийди ,

аммо қиз болани уйидан ўғирлайди. Энди битта савол қолди. Унинг никоҳига кирибсан , бу ерда нима қиляпсан ? Эр деган хотинини ўз уйига олиб кетмасмиди? Биз ўзбекларда шундай-ку? Ё мен адашяпман- ми ? Нега сени яна ташлаб кетди ? Ёки ичкуёв бўлиб яшаш учун юкларини олиб кетишга кетдими ?

Ёрқиной Райҳонанинг юрагидаги энг нозик нуқтасига теккан эди. Қизни энг қийнаётган савол ҳам шу эди?!

- Билмадим , - деди у бўшашиб . Мен у билан бу ҳақида гаплашмадим. Балки бор вазиятдан сизларни хабардор қилиш учун мени яна бу ерга олиб келиб ташлагандир. Ҳар ҳолда ичкуёв бўладиган сиёҳи йўқ эди унинг.

- Йўқ эди дегин? Демак, бунга ўзинг ҳам амин эмассан ? Ўзи қаерда яшар экан , касби нима , ота- онаси ким ? Буларни айтдимми?

Райҳона бошини эгиб "йўқ" дея ишора қилди

- Қойил ! Гап йўқ ! У ҳақда нималарни биласан деган саволга жавоб борми ўзи ?!

- Исми Али экан. Қаймоқранг эски жигулисидан бор. Рақамига қарамадим.

- Шууунча кўп маълумот- а ? Вааай , бошим айланиб кетди . Эслаб қололармиканман ?- Ёрқиной ўрнидан жаҳд билан

турди , - Энди гап бундай ! Мен бу никоҳниям, ўша йигитниям тан олмайман ! Тошини терсин ! Агар жинни қўйни еган калласига уйимиз олдида яна бир марта пайдо бўлиш фикри келиб қолса , у ёғига дамани олади!

- Опа ! -бу сафар Райҳонанинг овозидаги қатъият , онасиникидан кам эмасди,- сиз тан олмаган ўша никоҳни мен тан оламан, сабаби ... бари ҳаққоний бўлди. Уни ёлғон дейишга Аллоҳдан ҳаё қиламан.

Ёрқиной бу сафар қизига эътироз билдирмади. У барини бошидан ўйлаб олиши , бир тўхтама келиши керак эди. Энг муҳими бу масалада Козим акасининг кўрсатмасига қараб йўл тутишни режалаштиришган эди.

Ёрқиной шаҳдам қадамлар билан хонани тарк этди.

- Али, тур гап бор ! Иии , нима бало иситмалаяпсанми ? Ёняпсан- у ?

Алига Шоҳруҳнинг овози узоқдан эшитилаётгандек туюлди , у қалин қилиб буркаб олган кўрпасининг тагида шу даражада қалтирар эди-ки , назарида тишларининг такиллаган овози бутун хонани тутгандек эди.

Шоҳруҳ зумда изига қайтиб ошхона жавонининг ўзига

таниш қаторидан дорили қутини олди . Иситма туширадиган керакли кукун дорини олгач уни илиқдан иссиқроқ сувда эритди-ю дарров изига қайтди.

- Бошингни кўтар , манавини ичиб ол , - у Алининг бошини авайлаб кўтариб стакандаги суюқликни охиригача ичирди,- энди яна бирпас ўраниб ётиб тургин , мен ҳозир бирпасда ёвғон хўрда қилиб юбораман.

Али унга эътироз билдирмай бошини ёстиққа беҳол ташлади. Ичига иссиқ кирганлиги учун унинг қалтираши анча босилган эди.

Шоҳруҳ ўзи айтгандек ёвғон хўрдани бир зумда тайёрлади. У озроқ қувват бўлсин деб музлаткичда турган қиймадан ҳам ярим пиёла солиб юборишни унутмади.

Мурч ва қатиқ солинган хўрдани бу сафар иситмаси анча тушиб қолган Алининг ўзи ярмигача ичди. Қолган ярмини ҳам Шоҳруҳнинг қистови билан аранг ичган Алининг пешонасидан дувиллаб тер қуйилиб кела бошлади.

- Ана бўлди , - мамнун жилмайди Шоҳруҳ , - ҳадемай кийимларингни бир алиштириб олсак ҳисоб. Сал туриб жиққа терлайсан.

- Раҳмат , - деди анча ўзига келиб қолган Али , - сени менга Худонинг ўзи етказди, айтганча боя бирнималар деётганмидинг ? Гап бор девмидинг ? Қанақа гап ?!

- Э қўявер , жуда муҳим гапмас , аввал тузалиб ол кейин гаплашармиз,- деди Шоҳруҳ атайин ўзини бепарволикка солиб .

- Шоҳ , сени билмасам экан ?! Муҳим гап бўлмаса атайдан келмаган бўлар эдинг. Кўнглимни ҳижил қилмай гапиравер, анча ўзимга келиб қолдим,- Алининг овози бу сафар ҳақиқатдан ҳам дадил эшитилди

- Аслида ростдан ҳам анча туззук бўлиб қолибсан. Майли айтсам айтақолай , ўзи шундоғам эшитганларимни ичимга сиғдира олмаётган эдим.

Хуллас ...

- Нима хуллас ? Чўзилма ? Тан - тан - тарам демадинг-да?

Бўл , газни бос ! - Алининг бетоқатланганидан чакка томирлари бўртиб чиқди .

-Али, сен никоҳингга олган қиз Обида қотилининг синглиси эмас экан.

Шоҳруҳнинг бу сўзлари Алига бошидан бир челақ қайноқ сув қуйиб юборгандек таъсир қилди :

- Нима ?! Нима дединг , яна бир қайтар- чи ? - деди у калта-калта нафас олар экан

- Қайтарсам , қайтармасам бори шу , - деди Шоҳруҳ ўзини босишга ҳаракат қилиб , - Райҳонанинг Собит совуққа алоқаси йўқ экан

- Бўлиши мумкин эмас,- яна эътирозга шайланди Али , - ахир қанақа қилиб ?

- Худди шунақа қилиб , - Шоҳруҳ энди батафсил тушунча беришга ҳаракат қила бошлади,- у қиз , яъни Райҳона Собитга қондош эмас экан . Йигит унга ўгай ака экан , отаси ҳам , онаси ҳам мутлақо бегона экан . Райҳона тўрт ёшлигида онаси вафот этган экан. Бир йилдан сўнг отаси Собитнинг онасига уйланган. Ўшанда ўша аёл билан Собит ҳам шу хонадонга кириб келган экан. Бу воқеага анча йиллар бўлганлиги учун, ундан кейин улар уйларини алиштиришгани сабабли бу ҳақда деярли ҳеч ким билмас экан.

- Сен- чи ? Ўзинг қаердан билдинг ? - бўшашиб сўради Али

- Боя келининг Зулхумор гувоҳликка ўтишга келганда Райҳонани таниб қолибди . Аммо қиз уни танимабди. Зулхумор ўғилимиз туғилгандан кейин бирдан семириб кетди- да ўзи.

- Зулхумор уни қаердан таниркан? - ҳайронлиги ортди Алининг .

- Райҳонанинг бувисини махалласи Зулхуморнинг қизлик

уйида тарафда экан-да. "Бир вақтлар Райҳона бувисиникига кўп борарди. Ёшлигидаям роса чиройли қиз эди. Бошида гумон қилувдим ўшамасми деб , кейин исмидан таниб қолдим. Бувиси оламдан ўтгандан кейин кўп бормайдиган бўлиб кетганди. Шунгаям беш йилларча бўлиб қолди" - деди у.

Алининг қўллари мушт бўлиб тугилди :

- Нима қилиб қўйдим , Шоҳ ? Бу тарафи неча пулдан тушди? Ўша қиз ҳам бу ҳақда бир оғиз лом - лим демади- я ? Энди нима бўлади бу ёғи ?

- Нима бўларди ? Худонинг ҳоҳлагани бўлади-да . Балки , "Ол , қулим" дегани шудир ? Чекингга тушган умр йўлдошинг ёмон қизга ўхшамаганди ўзиям .

- Иммм , бошим. Мен у қизни йўлини боғлаб қўйибман- ку , у ҳам Обидадек бегуноҳ экан ...

- Ажойибсан-да , Али ? Райҳона Собитнинг ҳақиқий синглиси бўлганда гуноҳкор бўлармиди ? Ўшандаям худди шундай бегуноҳ бўлар эди. Нима у ўргатибдими акасига шунақа қилинг деб ? Сенга шунча гапирдим , сира қулоқ солмадинг ? Мана энди ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам.

- Энди ... Энди нима қиламан ? - Али ҳамон хаёллари гирдобидан чиқиб кета олмаётган эди

**- Айтайми нима қилишингни? Ҳозир ётиб ухлайсан!
Қолганини эртага "свежий" каллангга ўйлаб олармиз - шундай
дея Шохруҳ уни ёстиғини ётишга қулай бўлсин учун
тўғрилашга эгилди ...**

**- Козим ака , сизни дарҳол кўришим керак ? - Ёрқиной ўз
хонасига кирар кирмас дарровда телефонга ёпишганди , - йўқ
бу қўнғироқ орқали гаплашиладиган гапмас... Э суюлманг .
Ҳаммаси мутлақо жиддий ...**

4- ҚИСМ

**Орадан ярим соатдан сал ошиқроқ вақт ўтганда Ёрқиной
келишиб олишганидек Козим Иззатовичнинг шаҳар
марказидаги икки хонали шинамгина квартирасига қадам
қўйганди.**

**Козим Иззатович ҳали етиб келмабди. Ёрқиной квартирани
ўз калити билан очиб ичкарига кирди.**

**- Уфф қачон келаркин бу кишим ?! Ишқилиб етиб келгунича
пақ этиб ёрилиб кетмасам бўлди,- дея ўйлади Ёрқиной икки
кишилик ётоққа ўзини ташлар экан,-бу ёқда бошимни оғриғи
қўйиб юбормаётгани ортиқча.**

**Козим Иззатович Ёрқинойдан уч ёш катта эди. Ўз таъбири
билан айтганда қирчиллама, қарсиллама ёшдаги бу эркак
отаси пойдевор қўйган кўп тармоқли озиқ- овқат ишлаб**

корхонасининг раҳбари эди. Мана уч йилдирки у Ёрқиной билан бирга. Уларнинг топишишлари ҳам ажойиб бўлганди. Икковларини айнан Ёрқинойнинг аввалги хуштори (аёл уларни "ўйнаш, жазман" дегиси келмас эди) таништирган эди. Ўшанда янги йил байрами эди. Толиб қўлга киритган "қушчаси" Ёрқинойни байрамни нишонлаш учун Чимёндаги банд қилинган дачага ўзи билан олиб борди-ю, бир йўла ундан айрилиб қайтди. Ёрқинойга бош директорнинг назари тушди-қолди. Ёрқиной шу вақтгача "Толибжонга ошиқ бўлиб қолдим" деб хато ўйлаганлигини Козим Иззатовични кўргач биттада "англади-қўйди". Кўркам, келишган, барваста, сўзамол ва асосийси пулдор Козим Иззатович аёлнинг ҳушини бошидан учуришга ҳечам қийналгани йўқ.

Хуллас...

Хуллас уч кунлик ҳордиқдан сўнг дачадан Толибжон икки қўлини бурнига тикиб, Козим Иззатович ва Ёрқиной муносиб жуфтлик бўлиб қайтиб келишди. Шундан буён улар бирга. Ёрқинойнинг тахминича Козим Иззатовичнинг хотини эрининг "иккинчиси" борлигини аллақачон фаҳмлаган бўлиши керак. Шу ҳақда ўйлаган сари Ёрқинойнинг баттар завқи ошади. Аммо Козим акасининг кўзга яқинлиги уни кейинги вақтларда кўп куйдириб қўяпти. Ахир бундай эркак кимга ҳам ёқмайди? Ёрқиной кейинги вақтларда салонма-салон юришдан ортмай қолди. Айниқса кўзининг пастки қовоқларига майда ажинлар соя солгани аён бўлганидан буён еяр, ичарида ҳаловат қолмади. Бу ажинлар унга гўёки ўзи билан Козим акасининг муносабатларига нуқта қўйишга ўқилган ҳукмдек таъсир қилган эди. Айниқса ҳозирги замонда яримта ишора билан ёши йигирмадан ошмаган "санамжон"ларни топишнинг ҳеч қийин жойи бўлмаган бир вақтда, Ёрқинойга Козим акасини ушлаб қолиш нечоғлик

қимматга тушаётганини тасаввур қилишнинг қийин жойи йўқ эди. Яхшиям Ёрқинойда ўша қизларда йўқ бир устунлик бор , у ҳам бўлса ҳаётий тажриба. Мана шу тажриба аёлга муҳим режалар тузиш, керакли жойда керак гапни гапира олиш имконини берар эди. У баъзан гапиришдан гапирмай туриш фойда берадиган лаҳзаларни ҳам ушлаб қола олардиган даражада миришкор хоним эди.

... Козим акаси Ёрқиной яхши кўрадиган иссиққина тандир кабоб олиб келибди. Севимли таом дарров гапни гапга қўша қолди

- Менга қара , - деди Козим Иззатович Ёрқинойдан бўлган воқеаларнинг миридан сиригача билиб олгач , - шундоқ зўр имкон ўзи оёқларинг остига келибди-ю. Бундай имкондан фойдаланмаслик ғирт гуноҳ

- Тушунмадим,- деди Ёрқиной малина шарбатидан хўплар экан, қандай имкон ҳақида гапиряпсиз?

- Сени қара-ю , - беозор танбеҳ берган бўлди Козим Иззатович, - ҳар нарсага етган ақлинг , шунга қолғонда оқсайдур. Қизингни ўғирлаган йигит ўзи билмай сенга катта яхшилик қилибди- ку. Камига дардисарингни ўзи ҳам никоҳини тан олиб ўтирган бўлса. Қизингни ўша жулдурвоқига кўп ўйлаб ўтирмай шарт бервор , шунда бир ўқ билан бирмас бир неча қуённи бирйўла отган бўласан.

- Ахир ... Райҳонани ...

- Мен бир нарсани гапирдимми , билиб гапираман. Сен хавотир олма. Қизинг қайтага эрини уйида жон берса сенга яхши- ку? Бош айбдор ким ? Эри бўлади- да, албатта ! Камига ўзиям анча пишиб қолди. Турмушга чиққандан кейин у ёғи тезлашиб кетади. Ана ундан кейин йигирмага киргунча улгурармиканман деб юрагингни ҳовучлаб ўтирмайсан . Агар эрининг уйига бориши билан ҳомиладор бўлиб қолса нур устига аъло нур . Ҳомиладорлик соғлом аёлларни оёқдан чалади-ю , сени қизингдакаларни бир йўла жойрастонига олиб бориб тиқиши аниқ.

Орада Собитжонни ҳам хавфдан нари қилиб оламиз. Ўша йигитни юраги отни калласидек экан ўзиям. Қўрқмасдан қизингни уйдан олиб чиқиб кетибди-ми, демак Собитжонга ҳам тикка ташийди. Аммо хотини, яъни қизингга бирор кор-ҳол бўлса , бўлиши аниқку-я шундоғам , барча айбни унга юклаймиз . Шу билан қарабсан- ки , таралли ялли , ялли. А лаббай ?!

- Гап йўқ ! Нет слов ! Браво ! Брависсимо ! - завқланиб чапак чалар экан қийқирди Ёрқиной.

- Сен бугун уйга қайтганигда қизингга барини яхшилаб бир бошдан ўйлаб кўрганингни айтгин-да , тўйларига руҳсат бер. Тўйларини ҳам кичикроқ вечеринка қилиб ўтказиб юбор. Унга шунақа тўй ҳам бўлаверади , бор иштахамизни Собитжонни тўйига сақлаймизда энди.

Тушундинг- а , уйингга боришинг билан...

Ёрқиной лабини чуччайтириб Козим Иззатовичдан ўпкалаган бўлди :

- Буни-ку тушундим , аммо мени дарровда ҳайдаяпсизми шуни тушунмадим ?

- Сени ҳайдаб ўлибманми, гўзалим ? - Козим Иззатович унга мастона тикилди , - сен билан энди гаплашаман- да...

Райҳона онаси ўша йигитга тегишга руҳсат берган кундан бошлаб Алининг йўлини пойлайди .

- Ўзимни қўлга олиб яхшилаб ўйлаб кўрсам, - деганди Ёрқинной ўшанда, - гапингда жон бор. Никоҳ муқаддас нарса. Қўшнимиз Ҳафиза келинойингни айтишларича, никоҳ аввал осмонда ўқилиб , кейин ерга туширилар экан. Шу сабаб "Осмон никоҳи ерга тушмагунча" дейилса керак- да. Ундан кейин бўлар иш бўлиб бўлди , энди ҳам тақдирга қарши чиқиш ғирт тентаклик бўлар экан. Тан олиб айтаман-ки ,... аканг ҳам оппоқ эмас ...

Маили бу гаплар кейин.

У, яъни ўша йигит келса менга учрашсин . Барчасини бафуржа маслаҳатлашиб оламиз. Хўпми ?

Райҳона хўп маъносида бош силкиди .

У Али ўзини уйига ташлаб кетган кундан буён уни кутади. Қиз йигит ҳақида кўп нарса билгиси келарди. Барчасини ...

Али бугун ҳам ишга бормади. Ҳеч ҳафсаласи келмади. Унинг аҳволини тўғри тушунган Шоҳруҳ ҳам бир хафтадан буён келмаётган дўстини "Ишга кел" дея қистамади. Бугунча ҳам ўз ҳолига қўйишни маъқул кўрди.

Али эса ҳамон ўз хаёлларини йиғиштириб ололганича йўқ . У ҳозир ҳам стол устига ёйиб ташлаган бир даста суратларга тикилганча ўй суриб ўтирибди. Бу суратларнинг бари Райҳонаники эди. Уларни Алининг ўзи қизга сездирмай телефони камерасида олган эди. Суратларни яқинда чиқартириб келган Али шундан буён улардан ажралгиси йўқ. У дастлаб қизнинг бу даражада дилбарлигини пайқамаганига ҳайрон бўлган эди.

Шоҳруҳдан Райҳонага тегишли бўлган сўнгги маълумотни эшитганидан бошлаб Алининг юрагида пушаймонга ўхшаш аллақандай юракни ғижимловчи ҳис уйғонган эди. Али кейинги кунларда ўзини қизга нисбатан адолатсизлик қилганликда айблар , қилиб қўйган ишидан афсус чека бошлаганди. Унинг учун Райҳонанинг ўзига ортиқча эътирозларсиз турмушга чиқишга дарровда рози бўлганлиги ортида аллақандай катта сир бордек туюлар , ҳар сафар Райҳона ҳақида ўйлаганда унинг "Сиз, Аллоҳдан кўрқасизми ?" деган саволи қулоғи остида тинимсиз жаранглайверар эди. Ўшанда илк бора қиз билан бақамти келгандаги - жойнамоз устида қиблага қараб дуо сўраб ўтирган ҳолати Алининг кўз ўнгида энг майда деталларигача сақланиб қолган бўлиб , кўзини юмди дегунча кино тасмасидек бир - бир ўта бошлайверар эди.

Али қизни яна қайта маротаба кўргиси кела бошлаган эди. У Райҳонани такрор кўриш ва барча саволларига жавоб олиш

ҳақида тинимсиз ўйлай бошлаганди...

Халқнинг "Тикилган қозон қайнамайди" деган ибораси нақадар тўғрилигига Ёрқиной кейинги кунларда кўп бор амин бўлди.

У Райҳонанинг никоҳларига қарши эмаслигини айтган кундан бошлаб "қизи"ни ўз эгасига ортиқча гап-сўзларсиз, энг учиди топшириш ҳақида ўйлар , бўлажак куёвнинг йўлларига интизорлиги кун эмас, дақиқа сайин ортиб борарди.

Бундан бир йил аввал аҳвол бутунлай бошқача эди. Ўшанда Райҳонанинг курсдоши Фарруҳ қизига совчи жўнатганда , қизнинг ҳам унга бефарқ эмаслигини ҳис қилган Ёрқинойнинг уларни ажратиш учун қилмаган саъй- ҳаракати қолмаган, мақсадига етмагунча тинчимаган эди. Икки ёш Ахборот технологиялари мутахассислари тайёрлайдиган коллежда бирга ўқиганда кўнгилларида ўсмирларча беғубор бир ҳис уйғонган , гарчи бу ҳис асл муҳаббат деб аталмиш поғонага етиб бормаган бўлса-да , бешафқат тақдирнинг илк синовлариданоқ қовжираб кулга айланиб улгурган эди ва бунда ҳал қилувчи асосий юриш албатта Ёрқинойга тегишли эди.

Фарруҳнинг ота - онасида айтарли мансаб , давлат бўлмас-да , уларда энг муҳими - ғурур бор эди. Ана шу ғурур деганлари ўзларини "таги паст" деб рўйи- рост масҳараланган вақтда тилга кириб охирги сўзни айтиб кетди :

- Балки тагимиз пастдир , аммо ҳаётимизнинг бундан буёнги давомида сиз билан қуда бўлмаганимиз учун ҳар куни бир шукр қилишимиз бор гап !

Райҳона ва Фарруҳ муносабатлари шу билан якун топди. Райҳона ўзининг қизлик ҳаёси сабаб онасига ортиқча бир сўз демаган бўлса-да , масалага йигит тарафнинг бу қадар камситилиши эвазига нуқта қўйилишидан ҳанузгача ўқтин-ўқтин дили оғрир эди, бироқ Ёрқинойга гапиргандан заррача фойда йўқлигини ҳам аллазамон тан олиб бўлганди.

Начора ... "Букрини гўр тузатади" дейишади. Ҳаёт шуниси билан ҳаёт-ки, йил ўтмай Ёрқинойнинг танобини кўнглига ҳам қараб ўтирмай тузатиб қўйгувчи топила қолди. У Али қиёфасида Райҳоналарнинг хонадонида кутилмаганда ташриф буюрганди...

*** * ***

Али қизнинг хонадонида нима гап эканлигини билмай юраги тошиб кетди. У икки кундан буён, вазиятдан хабардор бўлиш учун, қиз остонасида тун ўз пардасини атрофга мукамал ёйган вақтда ҳозир бўлаётганди. Алига теварак - атрофнинг осудалиги ҳайратланарли туюлди. Йигит ўз назарида Райҳонанинг дарвозаси атрофига қўриқчи қўйилгандек, уй сутканинг қоронғи қисмида ёруғ нурлар билан ихоталанган бўлса керак дея хаёл қилган эди. Бироқ ... Лоақал бундан бир неча кун аввал ўзи тарафидан атайлаб синдиртирилган лампочка ўрнига янгиси алиштирилмаганлигини кўриб ажабланди.

Али Райҳона кўриниб қолармикан дея унинг хонаси деразасига соатлаб тикилиб турган бўлсада , нимтатир нур таралиб турган хонадан қизнинг шарпаси сезилмади.

Ахири бўлмади.

Али учинчи куни кундузги соат ўнларда қизнинг эшик кўнғироғини таваккалига шарт босди.

Эшикни бундан бир ярим хафта аввал ўзини бугунгидек қаршилаган ўша ходима аёл очди.

У Алини кўриши билан дарровда таниди.

- Воой , келинг , болам. Қани уйга киринг , - деди у йигитни ҳайрон қолдириб очиқ юз билан саломига алик олганча қаршилар экан , - марҳамат ичкарига киринг.

- Менга... , менга ... - довдиради Али , сўнг ўзини қўлга олганча аёлга дадил боқишга ҳаракат қилди , - менга Райҳона керак эди.

Аёл кўп ўйланиб ўтирмай тезда ортига қайрилиб ичкарига баландроқ товушда овоз берди :

- Райҳона қизим , сени сўрашяпти,- у шундай дея яна бир бор уйга киришга қистади- ю, сўнг оҳиста бурилиб ўзини эшик

ортига олди.

Кўп ўтмай остонада Райҳона кўринди. Бу сафар қиз шафтоли гули рангидаги оч пушти кўйлақда эди. Сочларини худди шу рангдаги шарф билан чиройли қилиб танғиб олган Райҳона Алини кўриб турган жойида сўзсиз қотиб қолди...

У хатто ўтган сафаргидек салом беришни ҳам унутган эди.

Али қизга индамай тикилди. Сўнг машинасини айланиб ўтиб ҳайдовчи ёнидаги олд эшикни очди .

Али бир сўз демаса- да Райҳона барига тушунди. У индамай машина ёнига борди , аммо йигит кўрсатгандек машинанинг олд эмас, балки орқа ўриндиғидан жой олди.

Али Райҳона ўтирган эшикни ёпгач , машинасини қайтиб айланиб ўтди ва ўз ўрнини эгаллагач уни аста жойидан жилдирди.

Машина катта йўлга чиққанида Али орқа томонни кўрсатадиган ойна орқали Райҳонага боқаркан...

5-ҚИСМ

паст овозда :

- Ассалому алайкум, - деди.

Райҳонаннинг оппоқ юзларига дув этиб қизиллик югурди. У йигитнинг кўзларидан кўзларини дарҳол олиб қочди-ю, унинг овозига монанд оҳангда жавоб қайтарди :

- Ассалому алайкум...

Али бошқа гап гапирмади. У чаптастлик билан машинани бошқарар экан энди нигоҳларини қизга тикишга журъат этмай йўлга қадаб борар эди. Райҳона Алидан бир оғиз бўлса-да "Қаерга кетаяпмиз ?" деб сўрамади, зеро унга шу топда қаерга боришлари эмас, балки кўнглидаги саволларга жавоб олиш муҳим эди.

Али Райҳонани қизлик уйидан шаҳарнинг қарама- қарши томонига олиб кетди. Улар ўн дақиқаларча юришгач, Али машинани кўча юзидаги дарахтлар қуюқ соя солган бир манзилда тўхтатди ва ундан тушиб мўъжаз деҳқон бозорига кириб кетди. Райҳона машинада ўз хаёлларига чўмган-ча қанча вақт ўтганини сезмай қолди. У Алининг келганини машина эшигини очганида сизди. Йигитнинг қўлида алланималар солинган қора елим халта бор эди. Али халтани ёнидаги бўш ўриндиққа қўйди ва машинага калит солди.

Райҳона йигитни йўлдан чалғитишни истамай индамай машина деразасидан кўчаларни томоша қилиб бораётгандек кўринса- да, аслида дилидаги саволлари бир- бирига навбат бермай аллазамон ўз жангини бошлаб юборганди.

Ниҳоят Али машинасини шаҳар маҳаллаларидан бирининг

нақшлари чиройли ўйилган ва лакланган ёғоч дарвозали уйи ёнида тўхтатди. У жигулисидан тушгач , илдамлик билан қиз ўтирган тараф эшигини очди. Райҳона кўзланган манзилга етиб келишганини тушунди. У эътироз билдирмай машинадан тушар экан , атрофга бир қур назар ташлаб қўйди.

Али боя бозордан олиб чиққан халтасини ҳам олгач , дарвозани очиб қизга йўл бошлади.

Ҳовли жуда файзли ва саришта экан. Ўртада кичиккина гулзор бўлиб, ундаги хил- хилига мослаб экилган гуллар чаман бўлиб очилиб яшнаб ётарди . Булардан ташқари турли бутасимон атиргуллар , шамшод , магнолиялар ҳам шу қадар келиштириб экилган эди- ди , кўрган инсон беихтиёр "Вуууй" деб юбормасликка илож топа олмасди. Райҳона анор бутасига сўри ясаш мумкинлигини шу ерда кўрди . Яна анорни шу даражада тараб шакл бериб ўстиришни ҳам.

Гарчи май ойининг охирига ҳафталари бўлишига бўлишига қарамай баҳор ўз ўрнини аллақачон ёзга бўшатиб беришга таслим бўлаёзган, куннинг тафти шундан дарак бериб турса- да , бу ҳовлида салқин, оромбахш ҳаво ҳамон ҳукмрон эди.

Али Райҳонани кираверишдаги хонага таклиф қилди. Қиз у ерни ошхона эканлигини тахмин қилган эди. Тахмини тўғри чиқди. Ошхона ортиқча ҳашаматларсиз, аммо тартибли эди. Райҳона бу ҳовлига киргандан буён ҳамма ерда саришталик бўй кўрсатиб турганига ажабланмаган эди . У хонадон аёллари жуда эпли экан деган хулосага келганди. Аммо вақт ўтиши билан ўз хулосасида адашганини билганида таажжубга тушиб қолди.

Али Райҳонани ошхона бурчагидаги столга ўтиришга таклиф қилди . Ўзи эса газ плитаси ёнидаги столда боя бозордан олиб чиққан халтасини очиб ичидагиларни бирма-бир тера бошлади.

Райҳона жимгина уни кузата бошлади.

Али иккита гамбургер , кока- кола ва пластик идишда қулупнай сотиб олган экан. У гамбургерларни ликобчага солиб Райҳонанинг ёнига келтириб қўйди. Сўнгра ичимлик ва иккита бокал , шунингдек бир чайиб олинган қулупнай ҳам дастурхондан жой олди.

Алининг ўзи ҳам қизнинг қаршисидан жой олар экан Райҳонага сўз қотди:

- Қани ол. Егинг келса яна гамбургердан бор Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм. Бошладик бўлмаса.

У шундай деб қизга кока-кола қуйиб узатди-ю, ўзи гамбургердан олиб ея бошлади:

- Ол , уялган одам оч қолади. Очиғини айтсам шу бургерлар ҳақида кўп танқидий гаплар айтишади, соғлиққа зарар деб . Бу гапда жон бор. Аммо аҳён - аҳёнда еб туриш нима десам экан , - Али гап тополмаганидан пешонаси тиришиб қолди , - хуллас , - деди у гапини давом эттириб , - қонунлар уларни бузиб турганликлари учун ҳам қонун. Нега емаяпсан ? Гамбургер емасмидинг ?- сўради Али қизга тикиларкан.

- Ердим, - деди Райҳона ерга қараб

- Унда ол, давай,- ундади Али

-Хўп,- Райҳона Али билан гаплашиб олиши учун куч керак эканлигини ҳис қилди-ю, ликопчага қўл узатди.

Али гамбургерини еб бўлгач , бокалдаги ичимликни ярмигача ичиб қайтариб жойига қўйди. У стол устидаги қулупнайга тикилганча хаёлга чўмгандек бўлди. Райҳонанинг назарида йигит нима учундир бирдан маҳзун тортиб кетгандек туюлди.

- Мени кечир...- деди Али ва ниҳоят орадаги жимликни бузиб . Жоҳиллик кўзимни кўр қилиб қўйган экан. Синглим билан бўлиб ўтган ишларда сени заррача айбинг йўқлигини ўйламабман. Мен ўйлабман-ки , сени мажбурлаб никоҳимга олсам ... аканг ҳам мен тортган азобларни бир чимдимини тотиб кўрармикан деб хаёл қилибман. Ака учун сингил қанчалар азиз эканлигини бир билсин, сингил номуси қанчалар ...

Али ўз фикрларини ифодалай олмай тўхталиб қолди.

Райҳона индамай унинг оғзига тикилганча тош қотганди.

- Аммо уйингга олиб бориб қўйганимдан сўнг аканг деб хисоблаган одамнинг сенга буткул алоқаси йўқлиги ошкор

*бўлди. Ўшанда сочларимни битта - битта юлгудек бўлдим.
Қилиб қўйган ишимнинг даҳшатини бутунлай ҳис қилгач,
сенга нисбатан нечоғлик адолатсизлик қилиб қўйганимни
фаҳмладим.*

*Шунинг учун , - Али Райҳонага дардли тикилди , - мени кечир.
Мен сени ихтиёрингни ўз қўлингга қайтармоқчиман.*

*Райҳона Алига илкис қаради. Қизнинг қарашларида
шундай маъно бор эди- ки , Али унга дош беролмай ерга
қаради*

*- Никоҳ ... - деди Райҳона паст овозда , аммо чертиб - чертиб
гапирган ҳолда , - бугун ўқилиб , эртага воз кечиладиган нарса
эмас. Бу дунёда ҳамма нарсанинг уволи бор . Мен ана шу
уволдан қўрқаман. Айтингчи , Аллоҳни гувоҳ қилиб ўқилган
никоҳимиз уволига ким жавоб беради? Аллоҳ Таолонинг
никоҳни бекор қилиниши ҳақидаги ҳадисларда "Талоқ - мен
ҳалол қилган нарсалар ичида энг мақбули эмас!" дея
марҳамат қилмаганини эшитмаганмидингиз ?*

Райҳона гапира олмай бўғилди .

*Али қизга нисбатан бир сўз демай энтиқди. Шу вақт
Райҳонани йўтал тутиб қолди. Али дарҳол унга ичимлик тутди.*

*Райҳона ичимликдан хўплаб ўзига келгач, Алига бутунлай
бошқа савол билан мурожаат қилди :*

- Бу сизнинг уйингизми ? Оила аъзоларингиз қаерда ?

Али тамоғи билан бир ютинди-ю, қизга дардли тикилди:

- Мен бу ерда бир ўзим яшайман .

- Мени кечиринг, аммо қолганлар ...

- Қолганлар йўқ ... Дадам, ойим , икки укам ... Улар бундан ўн йил аввал оламдан ўтишган . Ўшанда ...- Али гапиришга жуда қийналар , бор азоби титроқларга тўла овозида намоён бўлаётганди,- мен ва Обида тоғамларникида эдик. Ойим , дадам , эгизак укаларим бизни олиб кетиш учун уларникига бораётганларида... Бу воқеа қандай бўлганини ҳамон тассавурига сиғдира олмайман. Дадам бошқарувидаги машинага қандай қилиб катта юк машинасидаги шағал ағдарилиб кетган ...буни билмайман. Ўша вақтда ўн уч ёшда эдим. Обида саккиз ёшда . Нобуд бўлган укаларим Ҳасан - Ҳусанлар эса энди икки ёшга тўлишганди.

Шу бўйи мен синглим билан тоғамларникида қолиб кетдик. Бахтимизга тоғам ва аёллари жуда яхши инсонлар. Улар бизни ўз фарзандларидан ортиқ кўришса кўришдики, асло кам кўришмади. Обида ўн саккизга тўлганида уни келинойим , яъни тоғамнинг аёллари Севара янгамнинг укаларини ўғлига унаштирдик. Обиданинг ҳам кўнгли ўша йигитга тушиб қолган экан. Тўйига икки хафта қолганда эса Обида ...

Мана отам , онам , укаларимдан ёдгор бўлиб қолган ёлғиз синглимдан айрилганимга ҳам ярим йил бўлди. Обидадан кейин қишлоққа сиғмадим . Бу ерга келганимга тўрт ойдан ошди.

Обида ўз жонига қасд қилганида ундан ҳеч қандай из

қолмаган, яъни у на бир хат, на бир хабар қолдирмаганди.

Шу туфайли экспертиза унга тажовуз қилинганлигини тасдиқласа ҳам, кимни гумондор қилишни билмади. Мен эса бошимни қай тошга уришни билмай юрганимда тоғамнинг ўн бир яшар ўғли қулоғимга сотиб қўймаслик шарти билан муҳим хабарни шипшитди . Унинг синфдоши бўлган бир қиз Обидани зўрлаб машинага солиб кетаётган кишини дарвоза тирқишидан кўриб қолган экан. Аммо қизнинг гаплари бости-бости қилиниши аниқ эди. Сабаби мен қиз айтган белгилар орқали ўша кимсанинг , яъни сенинг акангни ортидан тушганимда барча тугун бориб вилоятдаги казо- казоларнинг арзандаларига бориб тақалди. Улар беш нафар эди.

Ўша йигитларни "йўқлаб" борганимда икки нафари билан ҳисоб- китоб қилишга ҳожат қолмаганлигини , уларни шундоқ ҳам худо уриб бўлганлигини билдим. Улар шайтон этагидан тутиб зинони одатий кундалик ҳаёт тарзи қилиб олганликлари учун бедаво дардга чалиниб бўлишган экан. Улардан бири билан орани очиқ қилиб олишим учун бақамти келганимда "Беғуноҳ синглингни хўрлаганимиз учун мен ва фалончини аллақачон Худо уриб бўлди. Ўйлайманки, Буюк Зотдан ошириб бизни жазолай олмайсан. Ўйқ , шу билан кўнглим таскин топади десанг марҳамат. Қўлингдан келганини қил. Бу бизга фақат каффорат бўлиши мумкин ва сендан бунинг учун фақатгина тоабод миннатдор бўлишимиз аниқ" деди . Мен эса уларга енгиллик бўлишини истамадим. Уларни ҳар иккисини ҳукм чиқарган Аллоҳнинг ҳукми билан ёлғиз қолдирдим.

Қолган учтаси билан эса аллақачон эркакча гаплашиб бўлдим (шу ерда Али Райҳонага бор тафсилотларни айтиб ўтирмади, у энди ўша йигитлар ҳеч қачон ўзларини "эркакман" дея даво қила олмайдиган амалиётни бошидан кечиршига мажбур бўлганликларини ўзи учун бир эслаб қўйди халос)

Навбат акангга келган эди. Ҳикоямнинг бу ёғи эса ўзингга маълум.

Али Райҳонага хулоса тарзида сўз қотди :

- Бу сен билишни истаган Алининг тарихи,- шу сўзларни айтар экан у маҳзун жилмайди ,- қўшимча маълумот тарзида шуни айтаман-ки , автомобил йўллари институтини битирганман. Аммо ҳозирча бу соҳада ишлямаяпман. Мен ўзим яхши кўрган иккинчи хоббийим, яъни қизиқишим бўйича қушхонада ишляяпман. Дўстларим билан шаҳарнинг учта жойида "точка" очганмиз. Топиш - тутишим ёмонмас, қўл остимда ўн иккита йигитим бор.

Мана шунақа гаплар.

Райҳона, мен умримда бировдан кечирим сўраган йигит эмасман. Албатта хато қилиб қўйгандаги узрларни ҳисобга олмаган-да. Аммо улар бировнинг ҳаётига аралашиб , сўнг сўралган узрлар бўлмаган. Шунчаки одатий сан- манлар бўлса бўлгандир.

Аммо бугун йигит бошимни эгиб сендан кечирим сўрайман:

Мени кечир... Сенга нисбатан ноҳақлик қилдим . Бунга ҳаққим йўқ эди...

Али шу сўзларни айтар экан бошини кўтариб қизга қаради.

Райҳонанинг кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.

- Мен , -деди ниҳоят сўзга кириб Райҳона,- мен битта нарсага ҳайронман. Шунга дард , шунча йўқотишга қандай чидагансиз ? Юрагингиз қандай дош берган? Бир кунда тўртта яқинингиздан айрилганингизда , бир кунда олдинма кетин қад ростлаган тўртта қабрни қай бирини қучиб йиғлашни билмай... қандай чидагансиз бу мусибатларга? Ҳеч тассавурига сиғдира олмаяпман. Балки ўшанда синглингиз учун ҳам яшашга куч топгандирсиз ? Унинг учун ҳам бу бешафқат ҳаётнинг сўқмоқларидан бемажол бўлса-да , қадам боса олгандирсиз ? Аммо ... сўнгги илинжингиз бўлган синглингиздан бу тарзда ажралганингизда хаёлингиздан нималар кечди экан ?

Мен ҳам сиз каби етимман.

Тўрт ёшимда онамдан айрилганман. Уларни элас- элас эслайман. Эслаганимда ҳам кўз олдимга нуқул оппоқ кўрпа-тўшакда ётиб сочимни силаганлари келади. Бир сафар хатто сочимни йиғиштириб лента тақишга кучлари келмай ўксиб йиғлаганлари ёдимда бир умрга муҳрланиб қолган. Ўша лаҳзалар уларнинг йиғлаганликлари учун ёдимда қолган бўлса керак.

Кейин кулмай қўйганим учун дадам қайта уйлангандилар . Хозирги онам (мен уларни сира ойи дея олмадим , опа деб чақираман) марҳума онамга жудаям ўхшаб кетадилар. Аммо ташқи кўринишдан ўхшашлик бошқа- ю, ички - кўнгил ўхшашлиги бутунлай бошқа экан. Ўшанда янги она билан

бирга уйимизга унинг ўғли Собит ҳам кириб келди ва мен акалик бўлиб қолдим. Собит ўша вақтда ҳам дилозор эди. Йиллар давомида эса худбинлиги баттар оша бошлади. У билан сира гапимиз келишмаган. Ака ва сингил деган сўз фақат оғиздагина бўлган, аммо ҳеч қачон жон риштаси бўлиб кўнгилга боғланмаган. Мен кўпинча уни ака ўрнида қабул қилишга интилиб кўрганман, акалик сингил бўлгим келгани учун. Аммо ... Айтишади-ку қарс икки қўлдан чиқади деб ...

Дадамни эса ўн бешимда йўқотдим. Ўшанда олам зим - зиё бўлиб кетди. Бу ҳаётда суянишим мумкин бўлган бирдан бир яқин инсоним улар эдилар. Дадам тўсатдан кетдилар. Тўсатдан дейиш ҳам унчалик тўғри бўлмаса керак аслида. Дадам иккинчи "приступ"да кетдилар. Алпиниб ,талпиниб узоқ ётиб ҳам қолмадилар. Ишхонада юракларини чангаллаганлар- у , биринчи ёрдам кўрсатгунга қадар ўтиб қолдилар. Менга уларни охирги сўзларини эшита олмаганим армон бўлиб қолди.

Мана шу мени кечмишим. Кейин коллежда ўқидим. Компьютер соҳаси бўйича. Ҳозир эса дадам юритган корхонада мутахассислигим бўйича ишлайман. Корхона ишларини уйда ўтириб бажариб бераман . Мен компютеримда корхона маҳсулотларига турли логотип ҳамда безаклар ясайман Йилнинг тўрт фаслида бу безаклар ўзгариб туради , шу сабаб иш етарли. Корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми етарлича кенг кўламда бўлганлиги учун ишим анчайин қизиқ ва кўп ҳолларда зиқ.

Иккинчи онам , яъни опамга келсам , улар ҳам ўша корхонада мавқели лавозимда ишлайдилар , бироқ корхонанинг асосий ишини Розик амаким бошқарадилар.

Айтганча , бутунлай ёдимдан чиқибди , корхонада тўрт мингдан зиёд ходим турли ёшдаги истеъмолчилар учун канцелария буюмлари ишлаб чиқаради. Тўғри тушунганингиздек асосий харидорларимиз эса мактаб ёшидаги ўқувчилар.

Али ... - Райҳона илк бор йигитни исмини айтиши эди , шу сабаб юзлари дув қизариб кетди , - ака... Танишганимдан хурсандман. Мен Мардонбекова Райҳона Субҳонбек қизи бўламан. Ёшим ўн тўққизда. Китоб ўқишни жуда яхши кўраман. Кинодан кўра спектакль тамоша қилишга қизиқаман. Расм чизиш жон- у дилим. Айтганча , - жилмайди Райҳона,- гамбургерни жуда яхши кўраман, раҳмат.

- Унда охиригача е , у ёқда яна бор , - нариги тарафдаги столга ишора қилди Али.

Райҳона "хўп" дея бош силкирган ўзини қизиқтирган саволга жавоб олишни истади :

- Уйингиз жуда саришта экан , бу ерни ким йиғиштиради? Очиғи эркак киши уйни бунчалик озода тутуди деган фикрга ҳеч рози бўлолмаяпман-да?!

- Оддий кунлари ўзим. Хафтада бир марта қўшнимизнинг аёллари Фазилат келинойим йиғиштириб бериб турадилар. Улар шаҳар ободонлаштириш бошқармасида ишлайдилар , ҳовлидаги гулзор ва манзарали ландшафт ҳам уларнинг "ижодлари". Нариги тарафдаги хоналарнинг токчаларини ҳам хона гуллари билан тўлдириб ташлаганлар. Бир пас туриб

кўрсатаман. Унгача битта саволимга жавоб берсанг ?

- Сўранг ? - деди Райҳона ҳайриҳоқ оҳанда

*- Энди бундан бу ёғига ҳаётимиз нима бўлади ? Сен ва мен ...
Мен туфайли иккимизнинг ҳам ҳаётимиз изидан чиқиб кетди.
Бу ёғига ...*

- Али ака ... Сиз учун мубҳам бўлган масала мен учун аллақачон ҳал бўлиб бўлган. Яширмайман. Опам учун мен ҳам ... Хуллас улар ҳам икки мартаба турмуш ўртоқларидан ажралган бўлсалар- да , барибир ҳаётда кимгадир дил бериб яшаш ёшида эканликларини тўғри тушунишга ҳаракат қиламан . Улар барча гапдан хабардор бўлганларидан сўнг , сиз ва мен ҳақимда бир қарорга келдилар. Опамнинг айтишлари бўйича улар ўғилларини айбини тан олганликлари учун эмас , балки ўртада ўқиб қўйилган никоҳнинг ҳурмати учун мен ва сизнинг турмушимизга қаршилиқ билдирмасликларини айтдилар . Албатта буни ўзим истаган тақдиримда. Мен эса ҳал қилувчи гапни аллақачон айтиб бўлганман. Ўшанда мендан сизга тан маҳрами бўлишга розимисиз деб сўралган вақтда.

Яна шуни айтмоқчи эдим-ки Собит ака Россияда яшаб қолмоқчи. Шунга қатъий қарор қилган. Шу сабаб унга нисбатан адоватингиз иккимизнинг ўртамиздаги никоҳга раҳна солмаса дегандим. Улар ҳусусидаги ҳаволани Аллоҳга қолдирсангиз . Агар шу сўзларим сизни бефарқ қолдирмаган бўлса , мен ўз ҳаётимни сиз билан бирга бошидан оқ варақдан бошлашга рози бўлар эдим .

- Райҳона... Сенинг жудаям яхши қиз эканинга шубҳам

қолмади. Мен фақат сен учун муносиб турмуш ўртоғи бўла оламан-ми деб ўзимдан гумондаман. Агар ёнимда бўлсанг , менга йўл кўрсатувчи маёқ сингари умр сўқмоқларимни ёритиб туришингга шубҳам йўқ . Энди ...

- Энди бизникига совчи юборсангиз. Тоғам ва келинойим бор дедингиз- ку , уларни юборсангиз яхши бўларди, - Райҳона назарида ўзини Алини мана шу бир соат ичида эмас , балки жуда узоқ вақтдан буён танигандек ҳис қилар эди.

- Қачон ?

- Опам ҳар куни кечки соат бешдан кейин уйда бўладилар.

Энди мени уйга олиб бориб қўйсангиз . Ҳозир шу столни йиғиштириб олай , кейин йўлга тушсак бўлади.

Райҳона дастурхонга ишора қилди.

- Қулупнай емадинг- ку ? - деди Али стол устидаги қулупнайга қараб имлар экан

Райҳона жилмайди :

- Ундан аллергиям бор. Яхши кўраман , аммо ея олмайман. Икки дона ёйишим билан юзимга қип- қизил тошмалар тошиб кетади.

Али қизга ачинганнамо қаради :

- Вой эссиз?! - деди у бўшашиб , сўнг нимадир ёдига тушгандек гапида шоша- пиша давом этди, - гилос-чи , гилосдан аллергиянг йўқми ? Одатда баъзи инсонлар қизил рангли мевалардан аллергия бўладилар , шунга сўрадим.

- Йўқ , гилосдан аллергим йўқ. Фақат қулупнайдан тошма тошади,- оҳиста кулимсиради Райҳона, - қолган барча меваларга яшил чироқ.

- Ундай бўлса яхши. Бу маълумотни эшитиб сен учун кўнглим таскин топди. Айтганча , сенлаб муомала қилаётганим учун хафа эмасмисан?! Бошида сен дейишга сен деб қўйдим- у, кейин , - Али илжайиб чеккасини қашиган бўлди.

- Ҳеч қиси йўқ , - унга далда берган бўлди Райҳона, - қайтанга шуниси маъқул. Энди дастурхонга битта фотиҳа қилсангиз.

Али машинасини бу сафар Райҳонанинг эшиги тагига ҳайиқмай ҳайдаб борди. Қиз "раҳмат" деб машинадан тушар экан унга кафтдек қоғоз узатди:

- Шу рақамга кўнғироқ қилиб "Бу менман" деб айтиб қўй илтимос. Бу менинг телефон рақамим.

-Хўп бўлади , - деди Райҳона унга эътироз билдирмай,- хайр, яхши етиб олинг ...

Али машинасини қизнинг кўчасидан катта йўлга ҳайдаб чиқаркан бироз ўйланиб турди- да йўлини ишхонаси томонга бурди.

Алининг телефони кечга яқин номаълум рақамни кўрсатганча жиринглади.

- Алло ,- деди Али рақамга уланаркан, кўнгли алланечук бу рақам эгаси Райҳона эканлигини сезганча.

- Ассалому алайкум ,- тармоқдан Райҳонанинг майин овози эшитилди ,- бу менман .

- Менман?! - Алининг кайфияти чоғ эди , шу сабаб қизнинг сўзларини хазил билан давом эттирди,- ким у сиз ?!

Райҳона Алининг хазиллашаётганини дарровда илғади ва ҳозиржавоблик билан ,- ким бўларди , Жамбилман ! - деди-ю шартта алоқани узиб қўйди.

Аммо у Али рақамга қайтиб қўнғироқ қилиши билан дарровда телефонини кўтарди :

- Лаббай ?

- Гулмисиз , райҳонмисиз , жамбилмисиз ? - деди Али ҳамон қизга хазил қилишда давом этаркан .

- Айтганингизман, акажон , - деди Райҳона ҳам унга жавоб қайтарар экан ёлғондакам пўписа қилди , - аммо ҳозир яна битта хазил қилсангиз , - фақат тушизда кўришингиз мумкин бўлган кўк рангдаги лолага айланишим мумкин.

- Унда эртага тоғам билан келинойим сизларникига совчиликка боришмоқчи эканликларини билолмай қоларкансиз-да?!

Райҳона дарровда бўшашди :

- Вой дарровда-я ?! Бунча тез ?!

- Яхши инсонларнинг жиянлари тўғрисида қилғон ишлари номақбул бўлмас . Бу тоғамнинг сўзлари. Улар ҳозир ёнимда ўтирибдилар . Келинойим ҳам . Сенга салом дейишяпти .

Райҳона шартта алоқани узиб қўйди. Али кулимсираганча ўйлади : "Уялди. Тоғамларни ёнимда деб бекор ёлғонладим-да , - у ҳовлидан туриб айвонда телевизор кўраётган тоға ва келинойисига назар ташлаб , - Аммо жудаям беғубор қиз экан . Кимсиз десам "Жамбилман" деганига буралиб қолай дедим-а"

Али Райҳонанинг телефон рақамини "Жамбилхон" деб

сақлаб қўяркан, нигоҳларида беғубор жилва ўйнар эди.

- Нима ? - деди телефон орқали Ёрқинойдан Райҳонанинг унаштирилиши ҳақидаги хабарни эшитган Розик Рафиқович ўрнидан туриб кетар экан , - бу ахир... Бу ахир ...

- Бари қизимнинг ўз ҳоҳиши ва розилиги билан бўлаяпти , - Ёрқиной ҳар бир сўзини дона - дона қилиб гапириб тушунтиришга ҳаракат қилар экан,- менга ишонмасангиз Райҳонанинг ўзи билан гаплашишиншиз мумкин .

- Айтмасангиз ҳам шундоқ қилмоқчи эдим , - деди Розик Рафиқович бўш келмай , - барчаси ҳақида шу бугуноқ билишим керак. Ундан кейин Райҳонага айтадиган гапим ҳам аниқ. Ахир у билиши керак бўлган...

6-ҚИСМ

муҳим маълумотни шу вақтгача айтганимиз йўқ. Субҳонбек Мардонбековнинг васияти Райҳона йигирма ёшга тўлгунга қадар сир сақланиши керак эди.

- Бу ҳақда сиз биласиз , Розик ака,- деди Ёрқиной сўзларидаги надоматли оҳангни яшириб ўтирмай, - мен васиятномадаги гаплардан умумий тарзда хабардор этилганман халос. Аммо энг майда икир - чикирлари ёлғиз сизга аён . Ва...

- Ва мен буни сир тутишга мажбурман , -деди Розик Рафиқович тушунча берган оҳангда , - аммо хавотирга ўрин йўқ , Субҳонбек Мардонбековга тегишли бўлган барча оила аъзоларининг мерос масаласидаги ҳуқуқлари тўлиқ муҳофаза остига олинган. Бундан хотиржам бўлишингиз мумкин.

Розик Рафиқовичнинг сўзларидан ўзини анча босиб олган Ёрқиной у билан хотиржам ҳайрлашди.

Розик Рафиқович эса ўзининг бугун кечга томон уларнинг хонадонига бориши ҳақидаги огоҳлантиришни унутмади.

Ёрқиной Иноят ҳолани Розик аканинг ташрифи ҳақида огоҳлантириб қўйганлиги учун кечки таомга меҳмон ёқтирган мантини пишириб қўйилди.

Кутилган меҳмон келиши билан янги чиққан памидор , бодрингдан бахорий салатлар ҳамда суюқ таом енгилгина, кўкатларга бой думалоқланган қиймали хуштаъм шўрва тортилди.

Розик Рафиқович Райҳона ва Алининг унаштирилиши ҳақида тўхталиб қизга бахт тиларкан, бўлғуси куёвнинг ким эканлиги билан алоҳида қизиқди.

Ёрқиной Райҳонага бир назар ташлаб қўйди-ю , Али ҳақида тўқима маълумот келтиришни бошлаб юборди:

- Ҳозирги ёшларни биласиз- ку , амакижониси. Райҳона қизим курсдошини тўйига борганда Алижон ўғлимиз билан танишиб қолибди. Ўшанда Алижон Райҳонани манзилини унинг дугоналаридан олган эканлар. Мана суриштириб келиб бизни ҳам кўнглимизни ўзларига мойил қилиб олдилар. Мен ҳам бир - икки дугонам билан йигитнинг таг - тахтини суриштирдим. Ёмон одамлар эмас экан. Кўевимиз ҳам етимликнинг қаттиқ нонини тишлаганлардан экан. Шундан қийинчиликни кўрган йигит Райҳонамизнинг қадрига етар деган қарорга келдим. Қолаверса олий маълумотли экан, бир оилани бемалол тебратишга етадиган топиш - тутиши ҳам борлигидан хабардор бўлдик.

- Қизим , сенга-чи , сенга йигит маъқул бўлдимми ? - паст овозда Райҳонага савол берди Розик Рафиқович, - агар кўнглинг мойил бўлмаса, минг яхши бўлган тақдирда ҳам ўша йигитга рад жавобини беришимизга ҳали ҳам кеч эмас. Мени отанг ўрнида кўриб ростини айтишинг мумкин

Райҳона дув қизарди . У ўзига меҳр билан термулиб жавоб кутаётган қадрли инсонига "Бу никоҳга қаршилигим йўқ" дейишга қизлик ҳаёси йўл қўймай тараддудланиб қолди. Ахири кўнглидагини рўйи- рост айтмаса Розик амакиси нотўғри тушунишини англаб тилга кирди :

- Амакижон ... Опамга у йигит ёқди. Улар тўғри айтдилар . Ўша йигит қўллари қадоқ , меҳнаткаш , ҳаётнинг аччиқ- чучугини тотган экан. Шундай бўлса ҳам бу борадаги қарорни сиз яна бир бор кўриб чиқишингиз мумкин. Сиз нима десангиз шу .

Бу Райҳонанинг усталик билан айтган "розилик" жавоби эди. Гарчи Розик Рафиқович Райҳонага "Хўп , мен ҳам ўша йигит билан танишганим бўлсин" деган бўлса ҳам масала аллақачон ҳал бўлганлигини фаҳмлади.

Орада Ёрқинной "Ошхонадан бир хабар олай-чи?" деб хонани тарк этганида Розик Рафиқовичнинг кайфияти кўтарилиб кетди. У дўстининг беваси эшиқдан узоқлашганига амин бўлгач, пайтдан фойдаланиб қаршисида ўтирган Райҳонага секин шивирлади :

- Қизим , эртага корхонага борсанг . Сенда муҳим гапим бор. Алоҳида гаплашиб олишимиз керак бўлган,- Розик Рафиқович шундай дея эшикка қараб им қоқди , сўнгра лабини тишлади. Бу унинг "Ёрқиннойнинг хабари бўлмасин" деган ишораси эди.

Райҳона барини тўлиқ тушунди ва бошини силкиган ҳолда овозсиз "хўп" деган ишорани берди.

Эртаси куни тушга яқин Райҳона Розик Рафиқовичнинг ҳузурига ташриф буюрди. Қиз куннинг айнан шу вақтида Розик амакисининг қўли бироз бўш бўлишини , қабулига келгувчиларни ҳам айнан шу вақтда кутиб олишини яхши билар эди. Райҳонанинг бахтига бугун қабулда навбатни банд қилгувчи бирорта одам йўқ экан. Ўрта ёшли котиба аёл Райҳонани жуда яхши танир эди , шу сабаб қизни ўзгача мулозамат билан кутиб олди.

- Ичкарига кираверинг , қизим. Бошлиқ ҳозир келиб қоладилар, -деди у Райҳонанинг отасидек бўлиб қолган Розик Рафиқовични кираверишда кутиб ўтиришига кўнгли бўлмай.

Котибанинг қўярда-қўймай қилган қистови билан Райҳона ахири ичкарига қадам босди. У ҳали котиба кўрсатган жойга ўтирмасиданоқ Розив Рафиқович изма- из кабинетга ташриф буюрди.

- Иродахон , - деди Розик Рафиқович чойнақда чой ва иккита пиёла кўтариб кирган котибага,-илтимос. Ходимлардан кимдир мени сўраб келса , тушдан кейин қабул қилишимни айтинг. Ҳозир Райҳона қизим билан маслаҳатлашиб оладиган муҳим лойиҳамиз бор .

Ирода уларни ҳоли қўйиш ва ортиқча безовта қилмаслик кераклигини яхши тушунди. У "хўп" деб бош силкиди- ю , хонани тарк этар экан , эшикни зичлаб ёпди.

- Райҳона ...- деди Розик Рафиқович чойнақдаги чойни ўйчанликлик билан оҳиста қайтарар экан , бир хил оҳангда сўзлай бошлади , - қизим , биласан сени ўз қизимдан кам кўрмайман. Аммо менинг зиммамда ўзинг ҳусусингда қандай маъсулият борлигини билмайсан. Бугун сени чақиртирганимдан мақсад ҳам шу эди.

Қизим , сўзларимни яхшилаб эшит ва юрагингга қуйиб ол. Аслида бу гапларни айтиш бугунга режалаштирилмаган эди. Мен бу суҳбатни сен йигирма ёшга тўлишингдан бир кун аввал ўтказишим керак эди. Сабаби менга шундай топшириқ берилган ва шу вазифани зиммамга олган эдим. Кимдан дейсанми ? Отанг Субҳонбекдан.

Райҳона кўзлари пирпирганча Розик амакисининг оғзига

тикилган жим ўтирар , эшитаётганлари хаёлида гўёки тушида кечаётган воқеалардек аксланар эди.

Розиқ Рафиқович эса озгина бесаранжомлик билан сўзида давом этарди:

- Субҳонбек умрининг охирги ойларида ўлими яқинлашаётганлигини кўнгли билан ҳис қилдимиз, билмадим ёки бошқа сабабданми хуллас негадир шошилинич ҳаракатга тушиб қолди. У таъсарруфидаги барча кўчмас мулк объектларини , банкдаги жамғармалари , чекидаги қимматбаҳо акция қоғозларини хомчёт қилдиришга тушганди.

Бу ҳужжатлар тайёр бўлиши ҳам анча вақтни олганди. Сўнг қўлидагиларни жамлаб нотариусдан бир неча вакил чақириб васиятнома ёздирди. Васиятнома бутунлай махфий ёзилган . Аммо умумий маъноси аниқ , унда Субҳонбек кимга қанча мулк қолдиришни санаб ўтиб тасдиқлатган . Васиятнома бўйича асосий меросхўр сен эканлигинг кундек равшан албатта. Аммо қолдирилган жамғармалар юқорида айтиб ўтганимдек сен йигирма ёшга тўлган кунингдан бошлаб тақсимланади. Унга ҳаражатларинг онанг Ёрқинойнинг зиммасига алоҳида маош сифатида белгилаб берилган. Шунингдек отанг томонидан Ёрқинойнинг ўзи ва ўғлининг эҳтиёжлари учун ҳам алоҳида ҳисоб рақами очилган . Менинг эса буларни ҳар кварталда назорат қилиб боришим белгиланган. Умуман олганда , ҳаммамиз иссиқ жонмиз, шулар ҳам миридан сиригача ҳисоб- китоб қилинган . Мисол учун менга нимадир бўлиб қолса , ҳаражатларни назорат қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга автомат равишда ўтади. Аммо менга муқобил қилиб ким тайинланганини билмайман. Бошқа вазифадорлар билан ҳам ҳудди шундай амалиёт кўзда тутилган.

Воқеликнинг энг ҳайратланарлисига келсак , Субҳонбек қолдириб кетган пул жамғармаларини у ишонч билдирган банк ҳисобларида айлантиришга руҳсат берилган. Бу дегани бу пуллар муомалада нафақат кун сайин, балки соат сайин ўз - ўзидан кўпайиб бормоқда. Қачон- ки , сен бу пулларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритсанг , пулларни айлантириш назорати ҳам ўз - ўзидан сенинг қўлингга ўтади.

Васиятноманинг алоҳида қисмида сен йигирма ёшгача тўлгунигга қадар турмушга чиқсанг, бўлажак умр йўлдошингга қандай ҳуқуқлар берилиши кўзда тутилган. Сен то айтилган муддат келгунча ёш оила сифатида жамғарма ҳисобидан шакллантирилган алоҳида пулга эгалик қилишинг мумкин. Райҳона , сенга айтмоқчи бўлганларим энг асосий гапларимнинг ярми шулар эди. Шу вақтгача сўзлаб берганларим юзасидан саволларинг борми ?

Райҳона бир вақтнинг ўзида эшитган шунча маълумотни "ҳазм қила олмай" гангиб қолган эди. Шу сабаб ўрнида оғир қўзғалганча "Йўўқ" деди чўзилиб.

- Майли , тушунмаган жойинг бўлса ёдингга тушганда қайта сўрашинг мумкин . Хўўп бу айтганимдек масаланинг ярми . Қолган ярми эса - энг муҳими ҳисобланади .

Райҳона , қизим. Ҳозирги гапларим сенга оғир ботишини биламан. Аммо бу- ўз ҳолига ташлаб қўйиладиган масала ҳам эмас. Ҳа , тўғри тушундинг. Гап соғлиғинг устида кетаяпти. Сен ёшлигингдан юрагингдаги муаммо сабаб кўп азоб чекасан. Мана бир неча йиллардан буён энг иқтидорли юрак докторлари назорати ва рўйхатидасан. Аввало ҳар бир инсон

Ўзидан ўтганини ўзи билади. Танаси бошқа дард билмас.

Мен бу гапларни нима учун гапиряпман. Биламан сўзларим ҳозир сенга жуда азоб беради , аммо азбаройи фойдангни кўзлаганимдан бу масалага тўхталмасам бўлмайди.

Тўхталишим шарт!

Қизим... Сенга уйланмоқчи бўлган йигитнинг дардиндан хабари борми ? У сен билан шу дардни бирга баҳам кўриб , оғирингни енгил қила оладими ? Шу мажбуриятни бўйнига ололадими ?

Айт-чи, уни огоҳлантирдингми ?

Саволни эшитган Райҳонанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. У кўзларини ерга тикканча "Йўўўқ" истар - истамас бош чайқади.

Райҳонага қараб туриб Розик Рафиқовичнинг юраги эзилиб кетди

"Бойлар ҳам йиғлайди, деган гап бекорга эмасда - ич- ичидан ух тортди Розик Рафиқович, - шу қизгинанинг бошида шунча ташвиш- а? Ҳозир битта савол йўлимизда кўндаланг турибди. У ҳам бўлса "Райҳона турмушга чиқса дарди зўрайиб кетса-чи ?" Аммо кўнгилга буйруқ бериб бўлмаслиги рост. Икки ёш бир - бирига қалбан талпиниб турса қандай қилиб "Турмуш қуришдан аввал тузалиб ол" дейиш мумкин. Ахир бу дард бир , икки йиллик дард бўлса экан- ки. Давосига ҳам шунга яраша йиллаб вақт кетишини шифокорлар бот- бот такрорлашмоқда" Розик амаки шуларни хаёлидан ўтказар

экан Райҳонага қандай таскин беришни ўйлар эди.

- Қизим , истасанг ўша йигит билан ўзим гаплашаман. Тушун , барча ишлар ҳал бўлганда юрагинг эзилиб қолиши мумкинлигидан хавотирдаман.

Райҳона оғир хўрсинди ва юзини Розик Рафиқовичдан четга бурганча:

- Йўқ мен ўзим,-деди шикаста овоз билан,- мен ўзим гаплашаман .

Розик ака уни ортиқ қийнагиси келмай мавзуни ўзгартирди:

- Қизим, васиятнома , мерос ҳақидаги гаплар шу ерда қолсин. Илтимос , тилиннга маҳкам бўл. Бу ҳақда ҳеч ким , хатто бўлажак турмуш ўртоғингга ҳам лом- лим дема. Ҳозирча барини ҳаётнинг ўз измига қўйиб бериб турамиз. Ҳаёт- энг одил ҳакам . Келишдик- а ? - Райҳона "ҳа" дея бош силкиди,- жуда соз, энди тур . Тушлик вақти бўлибди. Сени ўзим бир меҳмон қилай. Кўчанинг нариги бетида шунақаям зўр кафе очилди- ки. Ҳар бир янги очилган кафе бошида роса зўр ҳизмат кўрсатади. Аммо кўпчилиги шу тартибни охиригача ушлаб қола олмайди. Қарашларинг "Йўқ , боролмайман" дейишга шайланаяпти- а? Билиб қўй ҳеч қандай эътирозни қабул қилиш ниятим йўқ . Камига қорним ҳам роса очди. Кетдик... Пошли ...

Райҳона борлиққа оқшом қуюқ соя ташлаган маҳал ётоғига кирган пайт, худди унинг ёлғиз қолишини атай пойлаб тургандек, Алининг рақами безовта қилиб жиринглади.

- Алло , ассалому алайкум , - деди Райҳона рақамга уланар экан .

*- Ваалейкум ассалом. Гулмисиз , райҳонмисиз , жамбилмисиз ?
- Алининг кайфияти яхшилиги муомаласидан дарровда билинди*

Райҳона ҳалигача Розик Рафиқович билан бўлган суҳбат таъсиридан чиқмаган эди.

Хўрсинди :

- Сумбулман бугун ...

Йигит қизнинг овозидаги дардни бир зумдаёқ илғади :

- Тинчликми ? Ё бирор гап бўлдими ? - Алининг товушига аллақачон ташвиш оҳанги сингиб улгурганди.

- Сизда муҳим гапим бор,- Райҳонанинг овозидан йиғлаётгандек оҳанг келиб кетди

- Эшитаман...

Али қисқа - қисқа нафас ола бошлади.

- Бу телефонда айтиладиган гапмас. Агар иложи бўлса учрашсак... Сизга ҳозир келинг десам ...

7- ҚИСМ

ҳаддимдан ошган бўлмайманми ?

- Бўлмайсан !

Али гапни шарт кесди-ю , алоқани узди.

Райҳона Алининг йўлга чиққанини кўнгли билан сезиб хўрсинди. У кейинги кунларда "Алига шунчалик боғланиб қоламан" деб ўйламаган эди. Шу топда Али ўзи учун йигит таъкидлаганидек "Яшаш учун куч , умр йўлларини ёритгувчи маёқ" бўлиб улгурганини сезди.

Али ўн беш дақиқаларда қизнинг дарвозаси ёнига етиб келганида Райҳонанинг эшик ёнида кутиб турганлигига кўзи тушди.

Али жугулисини тўхтатиши билан Райҳона ўзининг қаршисига илдамлаб келди-ю, мулозаматларсиз машинанинг орқа ўриндиғидан жой олди :

- Кетдик ...

Али Райҳонадан "Қаерга ?" деб сўрамади , зеро қиз ўзи билан уйидагиларидан ҳолироқ жойда гаплашиб олишни ихтиёр қилганлигини фаҳмлаганди.

Али Райҳонани тунги Тошкент бўйлаб олиб кета бошлади. Бу вақтга келиб кўчаларда қатнов анчайин сийраклашган эди.

Али нимани режалаштиргани кўп ўтмай маълум бўлди. У шаҳар ташқарисидан у қадар узоқ бўлмаган ошхона ёнида машинасини тўхтади.

Бу жой тунги чироқлар ёғдусида ажойиб кўриниш товланаётган мўъжазгина боғда жойлашган сўлим маскан экан. Ошхонага баланд зиналар бўйлаб анча пастга тушиб кирилар экан. Асосий йўлдан тахминан икки терак бўйи қуйида жойлашган бу ернинг табиати кишининг баҳри - дилини очадиган даражада хушманзара экан.

Ўртасидан шовуллаб икки қулоч кенглигида анҳор кесиб ўтган боғнинг ҳар бурчагида мажнунтоллар сочлари қирққокил ўрилган келинчакмисол таъзимга шайланган , ям-яшил чирмовуқлар ташқарини ихоталаш учун ўрнатилган кунгурали темир панжаралар бўйлаб ўрмалаганча ажиб манзараларни кашф этганди.

Али анҳорнинг устига жойлаштирилган ўймакор ёғоч кроватга қараб йўл бошлади :

- Кел , Райҳона...

Тўрт тарафига қалин бахмал кўрпачалар тўшалган , суяниш учун ёстиқлар тартиб билан териб қўйилган , ўртадаги хонтахтага эса тоза чойнак- пиёлалар тахт қилинган жой нақд жоннинг роҳати эди. Кроватнинг икки бурчагида узун тўртбурчак гул идишга экилган қора-ю яшил райҳонлар оқшомнинг эрка шабадаси таъсирида енгил силкиниб атрофга хуш ифор таратиб турарди.

- Бирам чиройли жой экан , - деди Райҳона атрофга ҳавасланиб боқиб , - ўзимни худди тоғ- ёнбағрига дам олишга чиққан инсондек ҳис қилаяпман. Шаҳардан бир қадам нарида шундай жой борлигидан хабарим йўқ экан. Раҳмат сизга...

Али унга жавобан кулимсиради- да қўли билан райҳонларни силкиб - силкиб қўйди. Атрофни райҳонларнинг хушбўй иси тутиб кетди.

- Райҳондан Райҳонага салом , - деди Али қизга боқиб , - буюрсинлар нима еймиз ?

- Қорним унчалик оч эмас . Ичишга бирор нарса бўлса бўлди,- деди Райҳона оҳиста овозда .

- Бунақаси энди кетмайди. Кемага тушганнинг жони бир , - Али ўзлари томонга яқинлашиб келган қиз билан салом - алик

қила туриб , - Матлуба , ўзингларни фирменний таоминглардан борми , - дея сўради.

Матлуба Алининг буюртмаларини ёзиб олиб узоқлашар экан , Райҳона қизиқишини яшира олмай сўради:

- Бу ерда кўп бўласиз шекилли , дастёр қизнинг ҳам номини ёддан биларкансиз ?

Али Райҳонага сўзсиз тикилиб қолди , сўнгра қиз ўзини Матлубадан рашк қиляпти деб ўйлаб ёйилиб жилмайди.

- Тушунмадим мени Матлубадан рашк қиляпсанми , Жамбиллой? Очиғи ўзингни рашк қилишлари бунчалик ёқимли ҳис бўлишини энди билибман . Шунга Матлуба дўстим Шоҳруҳни сингиси эканлигини , бу кафе унинг эрига қарашлилигини , эри Дониёр ҳам биз билан бир улфатдалигини айтмасаммикан деб ҳам турибман.

- Боринг- ей , -уялиб кетди Райҳона , - нима сўраб ҳам бўлмайдимиз ? Уларни таниш эканликларини бошида айтганингизда қуюқроқ саломлашар эдим.

Шу пайт Матлуба чойнақда чой кўтарганча уларга яқинлашди.

Райҳона дик этиб туриб унинг қўлидан чойнақни олар экан дилкашлик билан :

- *Ассалому алайкум, опажон, - дея қайтадан салом берди , - Узр, Али ака сизларни таниш эканингизни айтмаганлилар , шунга ...*

- *"Танимаганни сийламас дейдилар" демоқчи бу , - Али Райҳонага ишора қилиб Матлубага кўзини қисди , - таниш Матлуба бу - ўша !*

- *Мен аллақачон фаҳмлаб бўлдим , - кулимсиради Матлуба садафдек оппоқ тишларини кўрсатиб кулимсираганча , - умуман айтганда сизларни бирга кўрган одам муносиб жуфтлик*

эканлигингизни дарҳол фаҳмлайди. Дониёр акам фотиҳангиз бўлганини айтгандилар . Табриклайман. Бахтли бўлинглар .

- *Тўйга айтишга алоҳида келамиз , буниси ҳисобмас. Биз шунчаки ...*

Алининг сўзларини Матлуба тугамасидан бўлди:

- *Али ака ! Бизни тўйга айтишингиз шарт эмас . Ўзимиз шундоқ ҳам бостириб борверамиз . Ахир сиз ҳам Шоҳруҳ акам қаторида акамсиз.*

Ундан кейин хўжайиним Дониёр аканиям энг зўр ҳамкорларидансиз , - Матлуба шундай дея охирги сўзлари учун Райҳонага изоҳ берди , - кафеимизнинг гўшт маҳсулотлари таъминоти Али аканинг зиммаларида.

Райҳона "Ҳаа шундайми ?" дея Алига бирров назар ташлаб

қўйди , сўнг Матлубага мулозамат қилди :

- Келинг , биз билан бирга ўтиринг.

Матлуба ёрдамчи йигит патнисда етказиб келган салат ва таомларни дастурхонга қўяр экан узр маъносида жилмайди , - сизлар бемалол. Мени кичкинам ухламай пойлаб ўтирибди , эртақ айтмагунимча ухламайди. Аксига олиб дадамиз ҳам тўйга кетгандилар.

- Икки ёшида эртақни тушунганиничи буни? - Али Матлубанинг кичкинтой ўғлини кўз олдига келтириб жилмайди,- начора цивилизация.

- Биз икки ярим ёш бўлдик , амакижониси , - ўпкалади Матлуба , - яқинда бозорга тушиб ха- хай костюм - шим оладиганмиз. Али амакиси куёв бўлганда тиззасига ўтирарканмиз .

- Вооой буни қара , дарровда яна ярим ёшга тўлдими ? Албатта , тўйимда кутаман уни , - деди Алининг оғзини таноби қочиб , Тиззам эмас, бошимда кўтараман эркатоёни .

Матлуба уларни қайтишда уйларига кириб ўтишни тайинлаб ўзи ён эшиқдан қўшни хонадон , яъни ўз уйига кириб кетди.

- Энди эса навбат овқатга , ол, - деди Али қўли билан таомга ишора қилиб , - қани мазасига бир баҳо бергин - чи ?

Али шундай дея "Бисмиллаҳ"ни айтиб нон ушата бошлади .

*Райҳона унинг ёнида ўзини хотиржам ҳис қилаётган эди.
Қизнинг бояги тушкун кайфияти ҳозир анча кўтарилган эди.
Шу сабаб таомга қарар экан:*

*- Кўринишидан мазалига ўхшайди , - деди ва , - аввал сиз
бошланг , - дея Алининг таомга қўл узатишини кутди.*

*- Ҳақиқатдан ҳам жуда ширин , аввал мунақасини сира
емаганман,- деди Райҳона Алидан сўнг таомни татиб кўрар
экан, - Матлуба опамнинг ўзлари пиширганмилар бу овқатни ?
Номи нима ?*

*- Бу қозонкабобни бир тури. Қўй ва товуқ гўштини алоҳида
маринадлаб қўйиб аввал қовуриб , сўнгра димланади,- деди
Али "Кўрдингми , нималарни биламан?!" дегандек
мақтанганнамо.*

*- Бу овқатга яна нимадир қўшилган-да. Қандайдир нордон ,
лекин хуштаъм ёқимли . Еган сари иштаҳани очадиган. Бу
нималигини биласизми ? - Райҳона гўё муҳим сирни тагига
етмоқчидек хаёлга чўмиб .*

*- Биламан- у айтмайман , чунки сен овқатланмаяпсан .
Таомни сирини билиш учун гўёки масала ечишга тушиб
кетгандексан. Ҳозир овқат совиб қолади.*

- Мазаси жуда ёқди- да . Сирини билиб олсам уйда пишириб кўрардим,- Райҳона майин кулимсиради.

- Озроқ чидасанг тўйимиз бўлади , шундан кейин қачон шу овқатдан егинг келса мана тайёр жой, олиб келавераман, - деди Али унга бошини ортиқча қотирмаслигини таъкидлагандек.

Шунда Райҳона Али билан кўришиш учун сабаб бўлган нарса ҳақида гапиришнинг мавриди келганлигини англади :

- Али ака , мен ... - деди у қимтинганча , - мен сизга бекорга учрашайлик демагандим.

Сиз ... Сиз менга уйлангунингизга қадар , яъни тўйимиз бўлгунича билишингиз керак бўлган муҳим хабар бор- Райҳона Али ўзининг гапини бўлишга интила бошлашга ҳаракат қилганини кўриб ялинчоқ оҳангда сўзларини давом эттиришга ҳаракат қила деди , -

илтимос , гапимни бўлмай эшитинг. Йўқса адашиб кетишим мумкин. Хуллас ... Мен ёшлигимдан ... ёшлигимдан дардманман. Муаммо юрагимда ... Шифокорларнинг айтиши бўйича бу касалим туғма эмиш. Мен ... Мен оғир ишга ярай олмайман. Тез- тез толиқиб қоламан. Кўпда нафасим қисиб , ҳаво етишмай қолади. Шундай пайтда керакли чораларни тезда кўрмасам...

Мени даволатишмаган эмас , балки жуда кўп даволатишди. Энг қиммат дорилар , энг малакали шифокорлар ...Хуллас кўрилмаган чора қолмаган. Бироқ борган сайин ва айниқса дадамнинг вафотларидан кейин дардим кучайиб кетди.

Менимча бу кўп сиқилганимдан бўлса керак.

**Дадамнинг яқин дўстлари Розик амаким бирда
Ҳиндистонга олиб бориб операция қилдирмоқчи ҳам
бўлдилар. Аммо ҳинд шифокорлари менга операция шарт
эмаслигини , ўзимни эҳтиётлаб юрсам дардим аста- секин
чекинишини айтишди.**

**Бироқ шу дарднинг сира чекиниси йўқ. Назаримда бутун
танамга томир ёйиб зулукдек қонимни сўраётган бўлиб
туюлади. Кейинги вақтлар кўп тобим бўлмаяпти. Шу сабаб
олий ўқув юртига ҳужжат топширмадим . Шу сабаб уйда
ўтириб ишлайман. Шифокорлар ҳам шунча муолажадан кейин
ҳам нега аҳволим ўнганмаслигига ҳайронлар. Менимча...
улар ниманидир яширишяпти.**

**Али ака ... Мен кўп ўйладим. Сиз ҳаётингиз давомида жуда
кўп яқинларингизни йўқотиб зада бўлиб қолгансиз. Шу сабаб
мен туфайли яна бир бор кўнглингиз ярим бўлиб қолиши
мумкинлигини ўйласам...**

**- Бўлди ! Бас! Етар шу ергача эшитганим ! - Алининг овози
ҳавони қиличдек кесди , - нима сен ўйлайсан- ки мен сени
шундоқ қўйиб юбораманми ?! Ҳеч қачон! Сен, ҳозир ўз тилинг
билан айтдинг-а , ҳаётингизда шунча йўқотиш бўлган деб .
Навбатдагисини кўтараолмайсиз деб ! Тўғри топибсан.
Ҳақиқатдан ҳам навбатдаги йўқотишни кўтара олмайман ...
Яъни сендан воз кеча олмайман. Шунинг учун мендан жавоб
сўрама ! Ҳеч қачон сўрама ...**

Алининг товуши шу ерга етганда титраб кетди :

- Агар менга айтмоқчи бўлган гапинг шу бўлса , шу билан масала ёпиқ ! Яна битта нарсани ёдингдан чиқариб қўйибсан чоғи , сен билан аллақачон никоҳимиз бор ! Гарчи бу никоҳ тезлик билан , менинг ўзбошимчалигим туфайли ўқилган бўлса ҳам барибир Аллоҳнинг иродаси бўлган ! Бир-биримизнинг пешоналаримизга исмларимиз ёзилмаган бўлганда эди, бу воқеалар бўлмас эди.

Райхонанинг кўзларидан икки томчи ёш думалади. Али шошилганча чўнтагидан дастрўмолини чиқариб қизнинг юзларини артди.

- Райҳон... - деди у овози ытраб , илтимос , қайтиб йиғлама... Мен бунга чидай олмайман... Сен ... Сен менга жуда кераксан... Жуда ... Қанчалик кераклигингни хатто ўзинг ҳам тассавур қила олмайсан...

Али ортиқ гапира олмади. У Райҳонанинг дардидан қизнинг ўзи иқрор бўлишидан анча аввал хабар топган эди. Ўша совчиларини юборган куннинг эртасигаёқ... Ўшанда Алига барчаси ҳақида оқизмай - томизмай маълумот бериб Райҳонадан воз кечишини сўраган инсон...

8-ҚИСМ

Ёрқиной эди...

Гарчи Ёрқиной Козим акасининг маслаҳати билан қизиқ устида Райҳона ва Алиларининг тўйларига розилик билдирган бўлса-да, кўп ўтмай ўз фикридан қайтиб, "айниб" қолганди.

"Бекор қилдим , - дея жизғанақ бўла бошлаганди у пушаймонлик ўти аъзойи баданини куйдира бошлагач,- қиз қўл остимда бўлгандагина барча иш назоратимда бўларди . Райҳонани узатиб юборсам, у учирма бўлган полапондек қўл остимдан чиқиб кетади. Кейин ундан "қутилишим" янада қийинлашади. Қандай бўлмасин бу хатони тузатишим шарт. Ахир айтишади- ку , касалликни даволагандан кўра олдини олган осон деб" . Ёрқиной шу тўхтамакга келди- ю , унаштирув Алининг келинойисидан олиб қолган телефон рақамига қўнғироқ қилди :

- Алло , - деди у овозига сохта меҳрдан мўл- кўл жойлашга ҳаракат қилиб,- Алихон , ўғлим бу сизмисиз ?

Тармоқдан "Ҳаа, мен Алиман, эшитаман, ким эди бу? " деган товуши эшилди.

- Мен , бу мен Ёрқиной опангизман, Райҳонанинг аячаси , - деди Ёрқиной Али ҳам ўзини опа дея чақиринини ҳоҳлаши ва ҳали унчалик ҳам ёши ўтиб қолмаганлигини алоҳида таъкидлашга интиланганча,- узр сизни Райҳонага тегишли бир масалада безовта қилаётувдим, вақтингиз бемалол бўлса мени эшита оласизми ?

Шундоқ ҳам ўртага Райҳона исми қўшилгач , бутун вужуди қулоққа айланган Али учун вақт ажратиш тўғрисидаги таъкидлашлар ортиқча эди :

- Гапираверинг , опа , - деди Али беихтиёр Ёрқинойни аёлнинг ўзи истаганидек опа деб чақириб , - сизни эшитиш учун вақт

топилмаса ҳам топилади.

- Раҳмат , - дея йигитни мулойимлик билан ўрай бошлади Ёрқиной,- тушунган йигит эканлигингизни бир кўришда билгандим , шу сабаб кечадан буён сизга нисбатан ноҳақлик қилмаяпмиканман деган хаёл мени эзиб ташляпти.

- Тушунтириброқ гапиринг ,илтимос , - Алининг овозида ялиниш оҳангидан кўра қатъият сезилди

- "Ууух , мужик, - дея ўйлади Ёрқиной кўнгли алланечук бўлиб , - йигитмисан, йигит экан- да бу Али деганлари. Ҳар икки гапининг бирида "Ҳммм, хоооп бўлади" дейдиган мулойимсупирги , сўтақўзиларни кўришга кўзим йўқ" . Ёрқиной шундай деб ўйлаганча "дангалчига дангал" қабилида Алига айтмоқчи бўлган гапининг пўсткалласини айтиб қўяқолди :

- Алихон , шу десангиз ҳар қандай савдода ҳалол,лик бош омил бўлиши керак. Бўлмаса жавоби икки дунёда оғир келиши аниқ. Сотувчи сотадиган молини айбини айтиб сотмаса савдоси бекор. Олувчи ҳам олаётган молини нуқсонини билиши олди - соттининг энг биринчи талаби эканлиги аниқ. Билгандан сўнг ўша молни оладими ёки йўқми бу ўзининг ҳоҳиши. Юқорида айтганларим умр савдосига ҳам тегишлидир. Мана куни кеча сиз билан Райҳонанинг унаштирувини ўтказдик. Аммо билишингиз керак бўлган энг муҳим гап сизларга айтилмай , маълум қилинмай қолиб кетди.

Хуллас ... Райҳона касал... Тузалмас дардга чалинган . Юраги туфайли кунларини ташқарига чиқмай дориларга

тўлган хонасида ўтказиб келади. Шифокорлар ҳам қанчадан қанча сарф-ҳаражат қилишимизга қарамай кўнгил учун бўлса-да бирорта умидлантирадиган сўз айтишиётганлиги йўқ. Топган гаплари : Қўлимиздан келганини қиялпмиз - бу ёғи Аллоҳдан.

Сўзларимдан тушунгандирсиз . Уят бўлса ҳам айтаман. Райҳона нафақат оталик бахтига мушарраф қилиб сизни хурсанд қилолмайди , балки кези келганда энг оддий юмуш бўлган бир чойнак чойингизни дамлаб беришгаям ярай олмайди,- Ёрқиной асосий гапни гапириб бўлиб , давомига тилёғламалик қилишга тушди , - менга бор ҳақиқатни айтиш осон деб ўйламанг. Шу гапларни айтгунимча етти қават теримдан шилиниб тушдим. Мана барча гапдан хабардор бўлдингиз. Энди қандай қарорга келишингизни кутамиз . Аммо олдиндан айтиб қўяй , қарорингиз қандай бўлишидан қатъий назар хафа бўлиш йўқ.

Али Ёрқинойнинг гапини оғзидан шарт олди :

- Узр , опа . Қароримни узоқ кутишингиз шарт эмас . Уни ҳозироқ айтишим мумкин.

Ёрқиной "Ҳаракатларим зумда иш берди" дея қувониб кетди.

-Вооой , Алихон. Шошилмай ўйлаб олинг , ҳали вақтингиз бор,- деди у овозидаги хурсандчиликни яширишга базўр уриниб .

- Хавотир олманг , опа . Бу қарорни анча аввал қабул қилиб бўлгандим. Хуллас қизингиз Райҳонадан воз кечиш ниятим

йўқ. Ёдингизда бўлса у билан аллақачон никоҳимиз бор. Шу сабаб иложи борича тезроқ никоҳимдаги қизни уйимга олиб кетиш ҳаракатидаман. Дардига келсак у ёғига нима бўлса пешонамдан кўрарман.

Бу ёғига кўнглингизни ғашламанг. Мен борини борича қабул қиламан. Сиз ҳам хотиржам бўлинг. Менинг тақдиримга қайғурганингиз учун катта ташаккур

- Ахиир- Ёрқинной режаси иш бермаганидан , шунча сўзлари ҳавога учганидан бўшашиб тушди.

- Ҳеч қандай ахириям йўқ , пахириям йўқ,- деди Али эркаклик табиатини кўз- кўз қилганча , - кўнглингиз хотиржам бўлсин. Бўлажак куёвимнинг ҳеч гапдан хабари йўқ деб ҳам ортиқча сиқилманг. Ҳайр , опа ...

Ёрқинной бўшашганча аранг:

- Ҳайр...- дея олди халос

Али ҳозир қаршисида мунғайиб ўтирган Райҳонага қараб шуларни ўйлар экан , ўгай онасининг қизга нисбатан яхшигина хусумати борлигини ҳис қилди.

У Райҳонани кайфиятини кўтаргиси келиб , санчқини таомга солганча ўйга чўмган қизга тегишди:

- Менга қара вей , - деди у қитмир оҳангда , - сен ўзи таом

пиширишни биласанми ?

Райҳонага Алининг муомаласи қизиқ туюлди . У бошини кўтариб ўзига айёрлик билан кулимсираб турган йигитни мақсадини англаган бўлди. Саволга яраша жавоб қилгиси келди :

- Бўлмасам-чи , - деди Райҳона йигит оҳангига тақлид қилиб , - зўр таомни биламан. Яхшилаб сўрасангиз қайси таомлигини ҳам айтишим мумкин.

- Яхшилаб ! - кулди Али , - ана сўраб ҳам бўлдим , - энди айтарсан тўйдан кейин менюимиз бошидақайси таом туришини ?!

- Айтаман, албатта! Нимага айтмас эканман ? Ахир қайси таом учун иштаҳа сақлаб туришингизни билишингиз керак-ку ! Бу таомнинг номи ... номи ...

- Номи?! ...- қайтарди Али!

- Ноонжаркооб ! - тантанали эълон қилди Райҳона,- қалай зўрми ?!

Али ўзини зўрға кулгидан тўхтатиб қизга бош ирғади :

- Айтсам ишонмайсан! Бир умр нонжаркоб пиширишни

уддалайдиган қизга уйланишни орзу қилган эдим... Ишқилиб алдамаяпсанми ?

- Демак , узоқ йиллик орзуингизни амалга оширгувчиси ўзим бўлар эканман. Ундан кейин алдаганим йўқ. Бир тилиш гўшт, битта пиёз, биттадан булғор қалампири, памилдори, қизил сабзи ва картошка, ҳа айтгандек бақлажон солсаям бўлади, озгина ёғда жиз- биз қилинади- ю , ярим пиёла сув солиб , битта ёпган нонни тўғраб устига босамиз . Хуллас солди - пишди . Жудаям мазали чиқади. Ундан кейин эрталабки нонуштагаям қолади.

- Хайрият-ей , биттада тугайдими деб ваҳимага тушаётувдим . Кўнглим жойига тушди. Демак эрталаб ҳам мазза қилиб ерканмиз- да ! Қандоқ яхши, - Али ёйилиб жилмайди

- Албатта , тушликкача қорнингиз очиб қолади бўлмасам,- Райҳона тилини танглагига теккизиб тақиллатиб қўйди

- Агар истасанг тушликка нима пиширишингни тахминан айтиб бераман .

- Тополармикансиз ?! Жуда мушкул вазифани бўйнингизга олдингиз-да ?! Айтиб қўяй тополмасангиз ҳижолат чекманг . Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Таъна қилмай тўғри тушунишга ҳаракат қиламан .

- Майли ҳаракат қилганим бўлсин . Нотўғри айтсам таъна ҳам қилмас экансан-ку ?! Демаааак ...Демак тушликка нонжаркоб

қилиб берасан , тўғрими ?

- Вууй , Шерлок Холмсмасмисиз мабодо ? Биттада қандай топдингиз, тилим лол бўлиб қолди- ю а ? - Райҳона пастки лабини тишлаб, кулиб юборишдан ўзини зўрға ушлаб турар эди.

- Ха энди менда у- мен ! Кўрдингми қандоқ йигит чекингга тушган ! - Али кўрсаткич бармоғи билан ўзининг кўкрагига уриб мақтаниб қўяркан.

Райҳона бирдан жиддий тортди:

- Али ака , ҳақиқатдан ҳам танловим тўғрилигига ишонаман. Бунга кўп бора амин бўлаяпман . Катта раҳмат сизга, - у шундай дея дастурхонга ишора қилди , - дастурхонга дуо қилинг. Кеч бўлиб кетди. Энди қайтайлик...

*** * ***

Райҳона жуда чиройли келин бўлди. Бамисоли қўғирчоқдек.

Али уни қизлик уйидан олиб чиқиб кетаётганда Розик Рафиқович ота ўрнида ота бўлиб оч фотиҳа бериб кузатиб қўйди.

Козим Иззатович Ёрқинойга "Қизингнинг тўйини "вечеринка" қилиб ўтказиб юбор" деганига аёл унинг айтганига кириб ўзини ортиқча қийнамаганди. Қиз тарафда бериладиган ош дастурхони ҳам нари- бери ёзилди . Ёрқиной "Куёв бола бор - йўғи бир қушхонада ишлайдиган оддий

қассоб бўлса , мингани битта шалдироқ арава, унга ортиқча иззат кўрсатиш шарт бўлибдими?" деган ўйда лабини бурганча барча ишни қўл учида ташкиллаштирган эди.

Энг қизиғи Али дўстлари билан Райҳонани олиб кетиш учун худди ўзиникидек ўнта жигулидан кортеж тортиб келганда йигитни ҳар қанча менсимаган, куёвлик иззатини жойига қўйишни истамаган бўлмасин , барибир уятдан ерга кириб кетай деди. Али шу ҳолига жуда башанг кийиниб олган , ниҳоятда хушсурат ва кўркам куёвга айланган эди. Унинг бу даражадаги ўктамлиги Ёрқинойнинг жуда ғашини келди "Ўликка ўсма қўйгандек куёвнинг бу имиджи машинасига жуда ярашибди- да,- дея ғижинди бўлажак "қайнона",- қазисан - қартасан асл наслинга тортасан. Йўқ , бу йигитнинг нияти бошқа . Нима қилиб бўлса ҳам устимиздан кулиш , тупроққа булғаш. Бўлмасам яримжон қизни бошшига урардими?! "

Аммо Райҳонага Алининг бу қилиғи заррача ҳам таъсир қилмади. Аксинча куёвнинг лента ва шарлар билан безатилган қадрдон жигулисига ўтирар экан, бахтдан гул- гул яшнаб кетди.

Тамошанинг авж нуқтаси тўйхонага борганда бошланди.

Ёрқиной бир гуруҳ аёллар билан куёв томон юборган машиналарда тўйхонага етиб боришганда "Бизни бу ерга адашиб олиб келишмадимикан?!" дея каловланиб қолди, сабаби улар келган тўйхона пойтахтдаги энг ҳашаматли тўйхона эди.

Ёрқиной дугоналарига машиналардан тушмасликка ишора қилди. У "Ҳозир бизни оддийгина кафега қайтариб олиб кетишса керак" деган хаёлда эди.

Бироқ зум ўтмай уларнинг ортидан изма- из етиб келган келин ва куёв ўтирган чўғдек чет элнинг энг сўнги русумидаги қоп-қора машинаси ва уларга эргашган худди шундай уловлар карвонини кўриб тили калимага келмай

қолди. У келин-куёв машинасидан Али ва Райҳона тушмагунга қадар ҳам кўзларига ишонмай ўтираверди.

**- Қудажон , тушмайсизми ? Қизи борни нози борда а ?
Ҳалитдан буён ичкарида кутиб ўтирибмиз , кутиб ўтирибмиз
ҳеч кирай демайсиз ? - Ёрқиной ўзига гап қотаётган Алининг
келинойисига қараб буларнинг бари тушида эмас, балким
ўнгида содир бўлаётганлигига ва ниҳоят ишончи ҳосил бўлди.**

**Райҳона ва Алининг тўйлари худди энг таниқли шоу бизнес
вакиллари тўйи каби тантанали ўтди...**

**Ёрқинойнинг тўй давомида на егани ичига тушди , на
ичгани ...**

**Ниҳоят тўй тугаб иккала томоннинг энг яқин
қариндошлари келин ва куёвнинг уйларига йўл олишди.**

**Куёвнинг уйида ярим кечагача турли маросимларни
ўтказган меҳмонжонлар тонг сахарда бир пиёла чой- ичар
ичмас "Кетаман"га тушиб қолишди. Мезбон бўлмиш аёллар
меҳмонларга "ноилож" жавоб беришди.**

**Уйда Алининг энг яқинлари ва Райҳонанинг икки нафар
янгаси қолишди. Кун пешинга яқинлашганда ошналари
даврасида "куёв оши"да "талтайиб" ўтирган Алининг
телефони жиринглаб қолди. Экранда "Жамбилхон" деган
ёзувни кўрган Али юраги ҳаприқиб урганча тармоққа уланди :**

- Эшитаман , Жамбилхон ...

Қўнғироқ қилувчи Райҳона эмас эди. Тармоқдан аёл кишининг йиғламсираган овози эшитилди :

- Алихон , куёв бола , Райҳонаааа...

9- ҚИСМ

Алининг вужудига ўт туташди :

- Нима Райҳона?! Унга бирор нарса бўлдими ? - деди у деярли бақриб

- Райҳонанинг мазаси бўлмаяпти, - бояги охангда давом этди аёл , - у сизни сўраяпти. У сизни чақриб беринглар деб ...

Али шарт ўрнидан туриб эшикка отилди.

*** * ***

Райҳонанинг юппоқ юзи кўкимтир тусга кириб кетибди. Қиз энтикиб нафас олар , танасида қон яхши айланмаганидан оёқ учлари ях каби музлаб кетганди.

Али ётоқхонага кириши билан Райҳона бошини кўтаришга ҳаракат қилди , аммо қуввати етмай ўзини ёстиққа ташлади. Чорасизликда кўзларидан икки томчи ёш оқиб тушди.

Алининг юраги эзилиб кетди. У икки ҳатлаб қиз ётган диван бошига етиб келди.

- Райҳон... Нима бўлди сенга?! Тонгда яхши эдинг- ку? - овози титраб чиқди йигитнинг

- Билмадим , боя сал бошим айлангандек бўлди. Ўзимдан хавфсираб юрагим ҳуруж қилиб қолмасин деб дориларимни ичиб олдим. Ярим соат ўтмай қаттиқ мазам қочди,- беҳол шивирлади қиз.

Али хонада серрайиб туриб қолган келин янгага қаради :

- Келинойи, пардаларни суриб деразани хиёл қиялатинг. Хонада бироз шамол айлансин.

Али шундай деб телефонини қўлига олди :

- Ая , тоғам қанилар ? Ҳа , ҳа! Жуда кераклар ! Райҳонани бир кўриб қўйсинлар , - у шундай деб Райҳонага қаради , - тоғам олий тоифали шифокорлар. Улар вилоятда ишласалар ҳам номлари чиққан, таниқлилар. Хатто пойтахтнинг манаман деган шифокорларнинг ўзлари ҳам қариндош - уруғларини тоғамнинг қишлоқдаги мўъжазгина шифохоналарига олиб боришади. Кел улар ҳам сени бир кўриб қўйсинлар . Ажабмас , шифойинг Аллоҳ сабаб уларнинг қўлларида бўлса.

Уларнинг аёллари Севара келинойим ҳам тоғам билан бирга ишлайдилар. Улар "Кечга яна қайтармиз" дея уйларига кетишганди. Ҳализамон келиб қолишади,- деди Али қизнинг

тер босган пешонасига ёпишиб қолган сочларини қўллари билан четга суриб қўяр экан.

Райҳона тарафдан янга бўлган аёллар икки ёшни ҳоли қолдириб секин , овоз чиқармай нариги хонага чиқиб кетишди.

- Али ака , - деди Райҳона кўзларида ёшлари ғилтиллаганча , - қаранг биринчи кундан сизнинг ҳизматингизни қилишга ярамай ...

Али Райҳонани ортига ёстиқ қўйиб ўтказиб қўйди. Ўзи илгичда турган кичикроқ сочиқни олиб қизни елпий бошларкан юпатувчи оҳангда гапира кетди :

- Менинг қанақа ҳизматим бўлиши мумкин , уйда бажарадиган ишнинг ўзи йўқ . Кеча тўйдан бир дунё овқат қолган. Кўпини тарқатдик. Сен билан менга қолгани икки хафтага етади. Музлаткич тўла. Эшиги ёпилмаганидан орқасидан столни суриб тираб қўйибман, -ҳазиллашган бўлди у,- сен эса ташвиш чекмай обдон дамнингни олиб ол. Айтганча , ул бул нарса еб олганмидинг ?

*- Ҳаа, қорним оч эмас ,- Райҳонанинг анча чиройи очилган эди,
- Али ака тоғажон қачон келадилар ?*

- Ҳадемай келиб қоладилар , нимага сўраяпсан ?! Бирпас чидаб тургин ...

- Йўқ бошқа маънода сўраган эдим. Очиғи уларни бу хонада кутиб олишга уяламан. Шунга меҳмонхонага чиқсам дегандим.

Али Райҳонага тикилиб қолди. Қизнинг тоби йўқ вақтида ҳам ҳаёси устунлик қилаётганлигини кўриб уни янада қаттиқ яхши кўриб кетди.

У қизга:

- Ҳозир , - деди-ю уни ётган еридан даст кўтариб олдида, оҳиста қадамлар билан қўшни- меҳмонхонага олиб чиқди. Али Райҳонани хона бурчагидаги диван- креслога олиб бориб ўтқазди. Орқасига ёстиқ суяб қўйгач , меҳрибон овозда сўради :

- Шарбат ичасанми ?

Райҳона оҳиста бош силкиди :

- Майли...

Кўп ўтмай Алининг тоғаси Асад Акбаров аёли Севара опа билан хонага кириб келишди.

Райҳона келин бўлиб тушган куннинг эртасигаёқ тоби қочганлиги учун ўзини айбдор санаб ҳижолатдан ғарқ терга ботганди.

- Ассалому алайкум , - деди у паст овозда салом бераркан ўрнидан туришга ҳаракат қилиб

Севара опа чаққон ҳаракатлар билан унга яқинлашиб елкасидан оҳиста қучди :

- Қўзғалманг асалим, - деди у келинчакнинг руҳий ҳолатини яхши тушуниб , - ўзингизни уринтирманг.

- Қани бизнинг гўзал қизимизга кимнинг кўзи тегди ? -дея сўради Асад Акбаров Райҳонанинг ёнига қўйилган столдан жой эгаллар экан.

- Тоға , негадир бирдан тоби қочиб қолибди.

Аввалида юраги сал безовта қилибди , сўнг ўзи мунтазам ичиб юрадиган дориларни ичган экан , бирдан аҳволи оғирлашибди,- деди Али вазиятни тушунтиришга ҳаракат қилиб.

Асад Акбарович ўзи билан олиб келган тиббий ҳизмат қутисидаги анжомлар билан Райҳонанинг юрак пульсини, қон босимини текшириб кўрди. Сўнг тили ва кўз милкларигача батафсил текшириб чиқди.

Асад Акбаров ўзи мўъжаллаган барча текширувларни ўтказиб бўлгач , бирмунча ўйга толиб қолди. Уни кузатиб турган Севара опа эрини авзойига қараб тин олмай унинг

ташхисини кутиб турар эди.

Ниҳоят Асад ака тилга кирди :

- Қизим , сен шу давргача қаерда даволанган эдинг ? Қайси шифохона ?! Ҳалиги ичган дориларингни кўрсам бўладими ?!

Али сал аввал тошойна токчаси устида турган оғзи очиқ қути ичидаги дориларга кўзи тушган эди. У ўрнидан чаққон кўзғалиб тезда ётоқхонадан Райҳонанинг дориларини олиб чиқди.

Асад Акбаров Райҳонадан қайси шифохонада , ким томонидан даволанганини тинглай туриб қутидаги дориларни бирма- бир кўздан кечира бошлади.

Асад Акбаров дорилар билан таниша борган сари қошларига тугун туша бошлади. У :

- Қизиқ ... - деди-ю бироқ гапини давомини ичига ютди.

Сўнгра ёнидаги бланкотиға алланималарни тез- тез ёзиб , иши битгач шарт йиртиб Алиға тутди.

- Жиян , ҳозирча шу дориларни етказиб келгин. Қолган гапни кейин гаплашамиз.

Тоғаси Али ҳовлиқиб кўчага чиқиб кетаётган жойида уни йўлдан тўхтатди:

- Али, шошилмай бемалол бориб келавер. Келинболамиз яхшилар , ҳеч қандай ҳавотир оладиган жойи йўқ. Тўйнинг чоп - чоплари сабаб бироз толиққан халос. Ундан кейин вақтида овқат емаганлар. Овқатланиш тартиби ҳам издан чиққан. Орада ҳаяжонланиш , меҳмон- у мезбонлар эътибори. Фотосессия деганлари , тўйдаги шовқин- ғала-ғовур. Барчаси бир бўлиб озроқ товлари қочган. Бу барча янги келинчакларга хос бўлган таниш ҳолат.

Али кўнгли жойига тушганча хонани тарк этди.

Асад Акбаров Райҳонани Севарага тоширганча ўзи ҳам Алининг ортидан ҳовлига йўл олди.

Кўп ўтмай Али қўлида дори солинган полиэтилен пакет билан хонада пайдо бўлди. Севара опа ҳам шифокор бўлганлиги учун дорилар орасидан эри ёзиб берган ретсеп қоғозчасини топиб , бирин- кетин Райҳонага қоидаси билан дориларни ичира бошлади. Орадан бир чой дамлагулик фурсат ўтиши билан Райҳонанинг юзларига қизиллик югуриб аҳволи ўнглана бошлади .

Ярим соатларга қолмай қаддини кўтариб ўрнидан туришга ҳаракат қилиб қолди.

Севара опа унга бугунчалик бутунлай дам олиб ўзига келиб олишини тайинлади. У Райҳонадан қариндош аёллар пиширган қайнатма шўрвани ичганидан сўнг бироз ухлаб олишини сўради. Райҳона таклифни рад этмади , сабаби

ҳозир қабул қилган дорилар тинчлантирувчи характерга эга бўлиб , ўз таъсирини кўрсата бошлаган эди.

Али Райҳонани ётоқхонага олиб кириб кетгач, Севара опа хотиржам тортиб умумий меҳмонхонага чиққанида , ўзидан фарқли ўлароқ турмуш ўртоғи Асад ака ташвишли кўринар эди.

Фаросатли бўлган Севара опа эрига саволли нигоҳларини қадаб муаммо нимада эканлигини сўраган бўлди:

- Ҳаа , адаси , тинчликми ? Ташвишли кўринасиз ?

Асад Акбаров меҳмонхона эшигига боқди ва паст , аммо ниҳоятда жиддий овозда гапира кетди:

- Севар , бир нарсага тушунмай ҳайрон қолдим. Шунча йиллик тажрибамда бу каби вазиятга биринчи бор дуч келишим десам ҳам муболаға бўлмайди.

- Тушунтириброқ гапиринг , адаси ?!

- Шу қиз , яъни келинболага ёзилган дорилар анчагина қиммат дорилар экан. Бироқ нафи ҳам шунга яраша-да бу дориларнинг.

- Яхши-ку унда нимага ҳайрон бўлаяпсиз ? Ахир Райҳонанинг оиласи ўзига тўқ оила. Бундай дориларни сотиб олиш улар учун муаммо эмас.

- Буниси тўғрику-я , аммо ҳайронлигим сабаби бутунлай бошқа нарсада. Боя қизнинг сўзларини эшитдинг- а ? " Сал тобим қочганди муаммо бўлмасин деб дори қабул қилгандим , қайтага аҳволим баттар ёмонлашди" деди а ?

- Ҳааа ... - деди Севара опа ҳали ҳам ҳеч нарсага тушунмаганча

- Ҳаа дединг- у, барибир ҳеч нарсага тушунмадинг ? Менинг фикримча бу дори флаконидаги дори бутунлай бошқа арзон вариантидаги қалбакисига алиштирилган ёки нимадир қўшилган . Аммо муаммо айнан нимада эканлигига ақлим етмаяпти. Бошим қотди. Юрагимга шубҳа , гумонлар ўргимчак уяси каби ўз тўрини ёйиб ташлади. Бекорга "Гумон иймондан айиради" дейишмайди- да. Мана шу гумон жонимни ҳалак қилиб ташлаяпти. Барчасини яхшилаб ўйлаб ақл тарозусига солиб кўрмасам бўлмайди, - у шундай деб аёлига маъноли тикилди , - айтганча келин уйдан олиб келган ҳалиги дорилар ўша хонада қолганмиди? Секин кириб беҳитгина ўша дориларни олиб чиқсанг-чи ? Кейин эшикка қараб турасан , мен ўша дорилардан текшириш учун оз - оздан шприцга тортиб оламан . Қани кўрайлик- чи муаммонинг илдизи қаерда экан ?

Севара опа алланималарни англагандек бўлди. У яқинда эри Асад Акбаровнинг худди шундай найрангбозлардан бир тўдасини фош қилишда жонбозлик кўрсатганини, бир гуруҳ ўз фойдаси учун инсон тақдири билан ўйнашадиган оқ халатига доғ туширган жиноятчиларни тагига сув қуйганини эслади. Бир кўнгли "Йўғей , адаси ҳадеб ҳаммадан гумонсирайверманг , ҳамма ҳам сиз фош қилган ўша олчоқларданмасдир" демоқчи бўлди-ю , аммо Райҳонанинг ҳолати ҳақиқатдан ўзи учун ҳам шубҳали туюлганлиги учун эътироз билдиргиси келмади. "Маили , бир текшириб кўриш

зарар қилмас, қайтага кўнгил хотиржам бўлади. Кўнгил хотиржамлигига нима ҳам етсин ?!" дея ўйлади Севара опа ва тезликда эрининг айтганларини бажо келтирди.

Али ўзининг куёв оши бўлаётган хонадонга қайтиб бормади. У Райҳонанинг ёнида қолди. Дўстлари ошни дамлаб бир катта тоғорага босиб бердиртириб юборишибди. Ош хонадондаги меҳмон- у мезбон бўлган барчага етиб ортди. Алининг ота томонидан аммаси - барча ишларга бош - қош бўлиб юрган Сурайё аммапошша кечга яқин қизнинг иккита янгасига жавоб бердириб юборди .

У янгаларни кўнглини оғритмай бисотидаги энг чиройли сўзлар билан айланиб- ўргилиб кузатиб қўяр экан, қуда тарафга ортиқча овора бўлмасликни, "қовурдоқ" деган лозиманданинг лозиммаслигини гап орасида аста қистириб ўтди.

" Битта қорнимизга қанчаям овқат еймиз, ўргилайлар. Келинлар ортиқча чиқим ва уволдан ўзимизни асрайлик . "Тежоғлиқнинг иши бежоғлиқ" деб бекорга айтишмаган. Камига эртага иш куни. Қизимиз бу уйларига ўрганиб олсинлар , кейин Алихон болам билан ойижонларини бафуржа йўқлаб бораверадилар" .

Асад Акбаров кимёгар профессор оғайниси фаолият юритадиган илмий - текшириш институтининг махсус лабораториясида жиянининг уйдан олиб келган микропрепаратларни текширувдан ўтказилтирганда тахминлари юз фоиз тўғри чиққанлиги ҳақидаги хулосани олиб ажабланмади. У малакали мутахассис сифатида барини

аниқ назорат остига олиб бўлган ва айнан шундай жавобни кутган эди. Энди битта савол очиқ қолган эди :

- Ким ?! Ким Райҳонани...

10-ҚИСМ

Ким Райҳонанинг дардини оғирлашишидан манфаатдор ? Даволовчи шифокорми ? Уни узоқ йиллар давомида "даволаб" пулларини шилиб юришликми эди унинг мақсади?

Ёки ўгай онасимикан ? Балки ўртага мулк, мерос масаласи тушганмикан ?

Ёки Райҳонанинг отаси эгалик қилган корхонадан бирортаси ким биландир тил бириктириб бу ишларни қилаётганмикан?! Ахир Райҳонанинг ҳам корхона ташкилотчисини меросхўри сифатида у ерда даъвогарлик қиладиган анча ҳиссаси мавжуд .

Асад Акбаров биринчи текширувни ўзи учун энг яқин бўлган тараф- Райҳонани даволаган хусусий клиникадан бошлашга аҳд қилди. Ҳар ҳолда бу клиника Райҳона анча вақтдан буён даволаниб келаётган ягона шифо маскани экан.

Асад Акбаров тезда клиника ҳақидаги умумий маълумотларни интернет базасига киритиб , унинг фаолияти тўғрисида сўроқ юборди.

Қидирув хизмати узоқ куттирмади. Асад Акбаровнинг кўз

**ўнгида шаҳарнинг энг ҳушманзара жойларидан бирида қад
ростлаган икки қаватли клина бўй кўрсатди. Бинонинг ташқи
ва ички кўриниши барча талабгир шифо масканлари каби
тан олинарли равишда жуда ҳам замонавий , айтиш мумкин
бўлса жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада
безатилган эди.**

**Асад Акбаров яна бир бор сўроқ ҳизмати бериб Райҳонани
даволовчи шифокорнинг махсус файлига кирди:**

**Зоиржон Тоиров - қирқ беш ёшларни қоралаган , ўртадан
баланд бўйли, очиқ чеҳрали шифокор экан.**

**" Кўринишидан фирибгар сира одамга ўхшамайди , - ўйлади
Асад Акбаров,- аммо ташқи кўриниш алдамчи бўлиши ҳам
бор гап. Олдиндан юзаки хулоса чиқариб бўлмайди. Бу ишда
шу шифокорга оид фақат битта нарса шубҳали. Ахир бу
шифокор иймонли, инсофли бўлса унда нима учун мен
биттада гумонга борган жиҳат , яъни дорининг таркиби
қизнинг саломатлигига акс таъсир қилаётганлигига эътибор
қаратмади ёки кўрсатилган натижага эришилмагач, бошқа
янада самаралисига алиштирилмади. Бу ҳақда тўлиқ
билишим керак , аммо қандай қилиб?!**

**Алининг анчайин қизиққонлиги бор. Унга масаланинг бир
учини чиқарсам дарровда ёшлигига бориб шошилишда қовун
тушириб қўйиши ҳеч гапмас.**

**Нима қилсам экан? Нима қилсам экан ? Биргина йўл қолди
- бу Райҳона...**

**Бу ишда менга Райҳонанинг ўзи ёрдам бермаса , бошқа ҳеч
ким ёрдам бера олмайди.**

Бошқа ҳеч ким ! "

Асад Акбаров Райҳона билан гаплашгани қулай фурсатни жияни Али уйда йўқ бўлган пайт деб топди.

Орадан бир хафта ўтгач Севара ёрдамида келинчақдан Али ишга тушиб кетганлигини аниқлаштиришгач , эр- хотин Райҳонадан ҳол сўрагани кундуз куни уларникига ташриф буюришди.

- Ассалому алайкум , тоғажон ! Ассалому алайкум, аяжон !- Райҳонанинг бу сафар соғлиғи яхшилангани юз- кўзидан шундоққина билиниб турар эди,- яхши етиб келдингизларми? Қани уйга ...

Райҳона Асад ака ва Севара опани меҳмонхонага олиб кирди. У Асад аканинг дуо-и фотиҳасидан сўнг , ўзаро сўрашиб олишгач , ошхонага бориб чойнақда иссиқ чой олиб кетди. У меҳмонларга бир пиёладан қайноқ чой қуйиб узатиб ўзи яна ташқарига йўл олмоқчи бўлганида Асад ака уни тўхтатди

- Қизим , бироз шошма. Биз сени , ҳа айнан сени атайдан йўқлаб келдик. Алининг уйда бўлмаган вақтини пойлаб келганимизнинг ҳам сабаби шу .

Райҳона Асад тоғанинг бу сўзларини эшитиб зумда бўшашди. Унинг хаёлига бошқа фикр келган эди. Буни дарҳол фаҳмлаган Асад ака гапни тезда бир - бирига улади:

- Қизим , қани бери келиб мана бу ерга ўтиргин- чи? Хавотир олма , сенга айтадиган гапларимиз кўнглингни ранжитиб айбингни топиш учунмас , балки барчаси сен ва Алининг фойдаси учун.

Майли гапни кўп чўзиб ўтирмайман. Хуллас , тўйнинг эртаси куни тобинг қочганда сени келиб текширгандим- а ? Текширув вақтида кўнглимда бир қанча шубҳа-ю гумонлар уйғонган эди. Сўнг шу гумонлар юзасидан кўп ўйладим.

Райҳона ... Ҳозирги сўзларим сенга оғир ботиши мумкин. Бунинг учун сендан аввалдан узр сўрайман. Хуллас ... Менинг фикримча кимдир сенинг касал бўлишингдан манфаатдор. Бу балки сенни даволовчи шифокор бўлиши мумкин. Балки мени кечиргин-у "ўгай" онанг, балки даданг ташкил қилган корхонада фаолият юритувчи бирор бир нобакорнинг ишидир?

Райҳона четдан туриб масалага ойдинлик киритишимиз учун бизга ёрдам керак. Бу сенга яқин бўлган бирор бир холис, виждонли ва айниқса ишончга сазовор бўлган инсон бўлиши керак. Сен худди ўзингга ишонганинг каби ишона оладиган яқин инсонинг борми? Мен ҳам ишонсам бўладиган ?!

Илтимос , яхшилаб ўйлаб кўриб жавоб бергин .

Райҳона кўп ўйланманди , Асад Акбаровнинг саволини тугагани заҳоти унинг жавоби тахт эди :

- Розик амаким борлар. Улар адамлар билан бирга ишлаганлар. Ҳозир ҳам тез- тез бизникига келиб турадилар.

**- Қизим , саволимга дарровда жавоб берма-да .
Шошилмасдан , бир- бир ўйлаб кейин жавоб бер.**

**- У кишидан бошқа ишонадиган яқиним йўқ, тоғажон , -
Райҳона маъюсланиб ерга қаради.**

**- Майли қизим , сен айтганча бўлсин . Ўша амакингни телефон
рақамини бергинчи ?**

**Асад Акбаров Райҳонадан керакли маълумотларни олгач ,
ҳозирги айтганлари ҳусусида Алига ҳеч сўз айтмасликни
такрорлаб ҳайрлашиш учун изн сўради:**

**- Севара аянг сен билан қолади , - деди у жилмайиб , - кечга бир
манти қилинглар , жиян ҳам ишдан келиб қолади унгача . Бир
чақ- чақлашиб ўтирайлик.**

**Тоғанинг таклифини эшитиб Райҳона мамнун жилмайди.
Уйлари билан бирга кўнгли ҳам нурга тўлиб кетгандек ҳис
қилди ўзини**

**- Хўп бўлади , тоғажон , - деди ҳурсандлигини яшириб ўтирмай,-
мантини мен ўзим тайёрлайман, аяжоним ёнимда
суҳбатлашиб ўтирсалар бўлгани.**

Асад Акбаров телефон орқали "Мен Райҳонанинг турмуш ўртоғи Алининг тоғасиман" деб таништирганни ўзиданоқ Розик Рафиқович у билан учрашувни пайсалга солмай , кўришишга дарров рози бўлди.

Орадан ярим соат ўтмай Асад Акбаров ҳозирда Розик Рафиқович бошқараётган "Илмга сармоя" корхонасининг қабуллар кичик залида суҳбатга киришаётган эдилар. Асад Акбаров Розик ака билан танишиб унинг ҳақиқатдан ҳам пок ва виждонли инсон эканлигига умид қилган ҳолда бор ҳақиқатни яширмай айтишга қарор қилди.

У гапни Райҳонанинг келин бўлиб тушганлигининг эртаси - тоби қочган кунидан бошлаб то ҳозирги вақтгача ўтказган текширувларигача бир бошидан тушунтириб тўхталди.

Акарбаровнинг сўзларини бошини сарак- сарак қилганча бўлмайд эшитган Розик аканинг ранги дам оқарар , дам бўзарарди. Айниқса махсус лабораторияда текширилиб исботланган ҳақиқат - Райҳона ичадиган асосий дорининг флаконига инсон организмига аста- секинлик билан таъсир қилиб , охири ўлимга олиб борадиган кучли захар билинмас дозада қўшиб борилганлигини эшитгач , ғазабдан тутақиб кетди , асабдан қовоқлари бирма бир уча бошлади.

Розик Рафиқович ахири ўзини назорат қила олмай қолди . У аламига чидай олмай бор кучи билан ўртадаги столга мушт солди. Мушт зарбидан стол устидаги бир даста чиннигул солинган гул вазаси ўрнидан қўзғалиб кетди. Атрофга сув томчилари сочилиб тушди.

Аммо ҳар икки ҳамсуҳбат ҳозир бунга аҳамият берадиган

даражада эмасдилар .

*- Билардим , - деди ва ниҳоят Розик Рафиқович оғир ҳансираб ,
- бу ерда бир гап борлигини кўнглим сезарди. Дўстим бояқиш
Субҳонбек ҳам бир нарсаларни ҳис қилган экан- да , бўлмаса
бундай йўл тутмас эди.*

*- Тушунтириброқ айтинг , яъни айтмоқчисиз-ки Райҳонанинг
дадаси ...*

*- Розик ака , илтимос барча карталарни очсангиз , айтмоқчи
бўлганим кўнглингиздагиларни мен билан ҳам рўйи - рост
бўлишсангиз, - Асад Акбаров унга савол назари билан
тикилди.*

*- Биласизми Асаджон , - Розик Рафиқович меҳмонига хаёлчан
тикилди,- Аллоҳ раҳматига олган қиёматли дўстим Субҳонбек
ўлимидан аввалги ойларда сезиларли ўзгариб қолган эди.
Наздимда у нуқул ўзи ёки ёлғиз қизига бирон нарса бўлиб
қолишидан қўрқиб, хавфсираб яшайдигандек эди .*

*Шу сабаб бор бойликларини асл ҳисобини олиб васиятнома
туздиртирди. Васиятнома тузилаётганлиги ҳақидаги хабарни
эса барчадан яширди.*

*Мен Субҳонбекнинг васиятнома битиши билан кўп ўтмай
оламдан ўтганида "Кўнгли ўлимини аввалдан сезган экан- да"
деб ўйлаб ҳайрон қолгандим . Ахир кўпчиликнинг оғзида
"Киши ўз ўлимини аввалдан юраги сезади" деган гап бор- ку.
Аммо дўстим оламдан ўтганда унинг ўлими хусусида ёмон
хаёлга боришдан тийилганман рости . Сабаби унинг
мурдасини текширган мутахассис- ходимлар "Субҳонбекнинг
ўлимига четдан ҳеч қандай аралашув бўлмаган" деган
экспертиза хулосасини беришганди. Унинг танасидан на*

бирон бир зўрлик, тажовуз аломати , на бирон бир киши организмга ножўя таъсир қиладиган модда топилмаган. Махсус комиссия "Беморнинг юраги навбатдаги зўриқиш-санчиққа дош беролмаган" деган хулосага келган.

- Розик ака , бир гап айтайми ? - деди Асад Акбаров ўтирган ўрнида бир кўзғалганча , - кўп ҳолларда кўшимча , бегона дори ёки бирор нарса бериб инсон ҳаётига даҳл қилинса , баъзи ҳолларда кераклисини бермай жонга қасд қилиш энг самарали усул ҳисобланади . Зарур вақтда биринчи ёрдам кўрсатмаслик инсон умрига зомин бўлиши кўп исботланган. Аммо бундай ҳолларда жавобгарликка тортилгувчи инсонни топиб бўлмайди. Гапим тушунарли бўлиши учун мисол келтираман. Масалан бир киши таом ея туриб томоғига суяк тиқилди дейлик. Шунда ёнида турган одам била туриб "Унга суяк тиқилганини билмагандим" деса ким нима дея олади? Ёки қон босими баланд юрадиган кишиларга била туриб ўзини билмасликка солиб мумкин бўлмаган таомларни едириб қасд қиладиганлар қанча ? Бунда кўпинча бечора жабрдийданинг ўзи айбдор бўлиб чиқади. Бир жойда эшитгандим. Қон босими баланд бўлиб юрадиган дўстидан катта қарзи бор мунофиқ бир киши унга ўша қарзни қайтармаслик учун ёзнинг жазирама кунда қази қайнатилган шўрвани ичириб умрига зомин бўлган экан. Воқеа қандай бўлган , қай тарзда амалга оширилган бундан хабарим йўқ. Хуллас ҳалиги қавс ичидаги дўст ўзи уволига қолган ошнасини шифохонага олиб бориб жонбозлик кўрсатиб кун қаҳрамонига айланган ҳам экан. Орадан йиллар ўтиб жон беролмай талвасада қийналганда айбини тан олган экан. Қаранг инсон номи остида қанақа иблислар борлигини ?

- Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ...- деди Розик Рафиқович, -

бир сўз демакка ожизман. Мени кечиринг- у бу сўзларингизни эшитиб нима дейишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Кўнглимга ҳар хил шубҳа, гумонлар келиб кетяпти. Демак Субҳонбек Мардонбековнинг авжи йигит -қирчиллаган қирқ ёшида ўлим шаробини бемаҳал тотиши бекорга эмас экан-да ! Халқда "Йигит кишига қирққача ўлим йўламайди, у ўлимга пешвоз чиқдими демак бунда бир сир бор" дейилган гап бекор эмас эканми дейман- да !

- Ха ўлманг ! - деди Асад Акбаров , - мен ҳам сизга айнан ана шуни тушунтирмоқчи бўлаётган эдим . Фақат гапларим Райҳона хусусида эди. Менимча қизнинг ҳаёти хавф остида. Сиздан шу борада ёрдам сўраб келгандим. Сизнингча

11- қисм

Райҳонанинг жонига қасд қилиш кимга керак бўлган экан ? Нима деб ўйлайсиз ? Менда иккита вариант бор эди. Шулардан бири қизни даволовчи шифокор . У қизни узоқ муддат даволаб пулини шилиб юришни мақсад қилган деган гумонни ўртага ташлайсак. Чунки Райҳонанинг ўлими унинг учун манфаатлимас. Агар қизга бирор гап бўлса у узлуксиз тилла танга томиб турган қайнар хумчадан мосуво бўлиб қолади- ку. Ундан кейин васиятнома воқеаси шифокор учун дахлдор эмас . Райҳона катта мерос соҳибасига айланса унга янада яхши- ку . Даволаш ставкаларини ошириб мазза қилиб "жить" қилиб юраверади. Шу сабаб унга Райҳонанинг аҳволи ёмонлашгани аҳамиятли бўлмаса керак.

Тағин билмадим. Ўйлашимча шундай.

- Бу фикрингизга қўшилмайман , Асаджон ука,- деди Розик Рафиқович унга тагдор тикилиб,- Мана ҳозир ўзингиз узлуксиз томиб турган қайнар хумча дедингиз - а ? Ана шу томадиган қайнар хумча биттада бўшатиlsa- чи ? Ҳедеб

томчига маҳтал бўлмай, бир йўла катта ҳажмдаги бойлик ваъда қилинса- чи ? Менимча бундай таклифга нафс бандаси жон деб рози бўлади.

- Ҳа-я , - деди Асад Акбаров кўзлари ёниб , - масаланинг бу тарафини назардан қочирибман . Аммо ҳар икки тахминда ҳам моҳият битта - шифокор бош буюртмачи эмас ! Демак ...

- Менинг гумоним Ёрқинойдан,- чуқур тин олди Розик Рафиқович,- Очиғини айтсам ана шу аёл аввал бошидан менга ёқмаган. Аввал боши деганда раҳматлик Субҳонбекнинг унга уйланмоқчилигини айтган вақтни назарда тутмоқдаман. Бу аёлни шунча йил таниб биргина фазилатидан бошқасини билмадим . У фазилати ҳам бўлса Ёрқинойнинг Субҳонбекнинг суюб уйланган биринчи аёли Раънохонга ниҳоятда ўхшашлиги эди ва шу ўхшашлик билан барчаси тугайди.

Мен кўп тахмин қилгандим- да , менимча Субҳонбек иккинчи аёли якка- ю ёлғиз қизи Райҳонани ёмон кўришини сезган, ўзидан кейин унга кун бермаслигини чамалаган , ким билсин балки ўз умрига ҳам айнан шу аёл зомин бўлаётганлигини сезгандир.

- Розик ака , бу аёлга нима етмайди ўзи ? Пули бўлса бор ! Егани олдида , емагани ортида бўлган бўлса . Ҳа энди Райҳона унинг кайф- сафога берилиб яшашига ҳалақит қилади десак, қиз бола эрта бирси кун турмушга чиқиб кетса аёлга ҳалақит бергувчи ҳеч ким қолмас эди- ку ?

- Асаджон ука ! Шундай бир гап бор . Буни кўп эшитгансиз . Мен ёдингизга тушираман халос : Тўймас инсоннинг кўзини

тўйдирса икки ҳовуч тупроқ тўйдирар экан. Бошқаси бекор ...
Бу гаплар нима учун ?! Баъзилар , тўғрироғи Ёрқиной кабилар
бўлган сайин бўлсам дер экан. Ундан кейин орада бебурд ўғил
Собит масаласи бор. Сизга маълумми ёки йўқми Собит
демаганлари Субҳонбек ҳаётлик чоғида ҳам яхшигина
куйдиргулик йигит эди. Инсон бир марта гуноҳ иш қилса хато
дейлади. Аммо ўша ишни билиб туриб қайта - қайта
қилаверса билмадим нима дейилар экан . Хуллас Собит ҳам
хатоларидан сабоқ олмайдиган , сабоқ олиш тугул қайтага
баттар тентирайдиганлар тоифасидан чиқиб қолганди.
Собитни деб Ёрқиной билан Субҳонбек ўртасида ҳазилакам
гап қочган эмас. Хуллас тоғ чўққисидан бир бўлак қор кўчса
ўзи билан йўлма - йўл тонналаб кўчки ҳосил қилганидек
воқеалар занжирида Собитнинг қилмишлари ҳам худди ана
шундай эврилиш ясагани ҳақиқат.

Буларнинг ҳаммаси бир механизм бўлиб ишга тушиб аввал
Субҳонбекнинг, мана энди эса Райҳонанинг ҳаётига даҳл
қилмоқда.

- Шундай денг . Энди бу ёғига нима қиламиз , ака ?- деди Асад
Акбаров мулоҳазали кўринишда , - Бу ярамасларнинг
кирдикорларини қандай қилиб фош қилсак экан ?!

- Буларни аста - секинлик билан ўзлари қазиган чоҳларига
бошлаб бормасак бўлмайди. Барчасини пухта ўйлаб
режалаштириб олишимиз зарур. Улар шоҳида юрганда биз
баргида юришимиз шарт.

- Сизда бирор таклиф борми ? - сўради Асад Акбаров унга
ташвишли тикилиб.

- Билмасам, очиғи ниманидир ўйлашни ҳам билмай қолдим. Бу мунофиқларнинг пайини қирқиш учун ўша васиятномадан фойдалансак- чи ? Васиятнома шартига кўра у Райҳона йигирма ёшга тўлишидан бир кун олдин очилиб ўқиб эшиттирилиши , унда кўрсатилган мерос кўрсатилган шахслар ўртасида тегишлича тақсимланиши керак эди . Аммо биз бу муддатни кутиб тура олмаймиз.

Унда вақтдан ютқазамиз . Шунинг учун бундай қилсак. Энг биринчи Алини барча гапдан хабардор қилмасак бўлмайди. Айна дамда биз унинг ёрдамига жуда муштоқмиз. Сўнгра, - Розик Рафиқович Асад акага қўли билан "Бери келинг" деган ишорани қилди . Асад Акбаров унинг тарафга стулини яқинроқ суриб энгашди...

*** * ***

Райҳона келин бўлиб тушганининг иккинчи haftасида ота уйига Али, Асад Акбаров Севара опа, Шоҳруҳ , унинг аёли Зулхумор билан бирга меҳмон бўлиб келишди. Уларни кутиб олиш учун Ёрқиной опанинг икки дугонаси , Розик Рафиқович ва унинг аёли Мастура опа ҳам ташриф буюришганди. Эркаклар катта меҳмонхонадан, аёллар эса кичигидан жой эгалладилар.

Зиёфатнинг қуюқ- суюқ авжи вақтида Мастура опа "Сизнинг қўлингиздан атай махсус димлаб пиширадиган гўштли қовурдоқ егани келганмиз , шуни пишириб бермасангиз бўлмайди" дея Ёрқиной тайёрлайдиган махсус таомни кифтини келиштириб мақтаганча ошхонага етаклаб кетди. Уларга бошқа аёллар ҳам эргашдилар.

Мастура опа Ёрқинойни етаклаб олиб чиқиб кетаётганда Райҳонага вақтини пойлаб кўзини қисиб ишора қилиб қўйди.

Райҳона кўзларини пирпиратиб йўталган бўлди.

Аёллар ошхонага кетишлари билан Райҳона иккинчи қаватга ўз хонаси билан ёнма- ён жойлашган Ёрқинойнинг ётоқхонасига шошилди. У кўп ахтариб ўтирмай камод устида турган "онаси"нинг қўл телефонини олди- ю енгининг ичига қистириб Алилар ўтирган хонага зипиллади. Меҳмонхона даҳлизда уни Али ва Шоҳруҳ кутиб туришар эди. Улар Мастура опа етовидаги аёлларнинг ғала-ғовурини эшитишгач , Райҳонанинг ишга киришганини таҳмин қилиб даҳлизга отилишганди.

Шоҳруҳ ўз ишининг устаси эди. У бир зумда Ёрқиной опанинг телефонини нафақат яширин кодини еча олди , балки унга бошқа рақам эгалари билан бўлаётган суҳбатларни ёзиб олиб Алининг рақамига узатадиган махсус программани улаб улгурди. Программа ёзилиб бўлингач , уни унча - мунча профессионал мутахассислар ҳам топа олмайдиган қилиб телефоннинг энг овлоқ хотирасига оддий операцияларни назорат қилувчи функция сифатида қайд қилиб фақат Алининг бармоқ излари ёрдамида очиладиган қилиб махфийлаштириб қўйди.

Барча ишлар битиб телефон Райҳонанинг қўлига қайтарилгач , у дарҳол Ёрқинойга тегишли матоҳни олиб юқорига шошилди. Райҳона апил- тапил телефонни олган жойига ташлаб даҳлизга чиқди. У энди уч қадам босган ҳам эди-ки , зинадан кўтарилган Ёрқинойга кўзи тушиб жойида таққа тўхтади. Ҳаяжондан Райҳонанинг пешонасини реза тер босди.

- Ҳмм , - деди Ёрқиной ўзининг ёқинқирамай чимирилишини яширишга ҳаракат қилиб , - тинчликми қизи ?!

- Опа , мазам бўлмаяпти , - дея Асад ака ва Али тайинлагандек роль ўйнашга тушди Райҳона, шунга хонамга чиқиб бирпас чўзилай десам куёвингиз чақириб қолдилар .

- Вой қизим- ей , сенга минг мартаба айтаман ўзингни эҳтиёт қил , эҳтиёт қил деб . Ёшлигингдан қулоқ йўқ ўзи сенда. Яхшиям қайнона- қайнотасиз хонадонга келин бўлганинг, истаганинга ётиб , истаганинга турадиган,- Ёрқиной шундай деб унга синовчан тикилди , - ўзи дориларингни вақтида ичяпсанми ?!

- Ичяпман , опа ,ичяпман. Шуларни ичиб одам бўлиб юрибман- ку ўзи,- Райҳона шундай деб зина тарафга юра бошлади.

- Аммо кўринишинг яхши. Куёв бола яхши қараяптими дейман . Юзларингга қон югуриб , ломбиллаб қолибди , - Ёрқиной шундай дея тагдор қилиб хиринглади , - эрга тегиш ёқибди сенга.

- Опаааа ...- деди зорланганча Райҳона, - уялтирманг !

- Вой- вой-ей , нимаси уят буни ?! Нима дедим мен? У сен нотўғри хаёлга борадиган ?!

Райҳона ортиқ Ёрқинойнинг гапларини эшитгиси келмади :

- Тўғрисини айтсам куёвингиз мени роса парвариш

қилиптилар. Қассобнинг аёли бўлиш яхши экан . Улар нафақат қассоб , балки яхшигина пазанда ҳамлар. Ширин овқат билан бирга ҳар куни молнинг тилидан турлича салатлар қилиб ейишга мажбурлайдилар . Шундай қилса меъдага тегмас эмиш . Тўлишаётганим шундан.

- Айтганча Алихон ҳам сени бир минут кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолибдими ўзи ? Ўз уйингда ҳам беш дақиқа тинч қўймаса- я ?

- Вой ундай деманг , опа. Мени Розик амаким сўрабдилар. Али ака шунга чақиртирибдилар. Амаким сўраганлари учун ҳам йўқ дея олмай меҳмонхонага кетаётган эдим.

- Ҳа амакижонинг ҳам сенсиз туролмайдилар,- Ёрқинойнинг овозида пичинг аломатлари сезилди ,- ёнларига борақол , ҳидингга бир тўйсинлар.

- Опа , Али аканинг айтишлари бўйича амаким мени аллақандай васиятнома ҳусусида йўқлаётганмишлар,- Райҳона Ёрқинойга сездирмай унга кўз қирини ташлади,- аммо ҳеч нимага тушунганим йўқ. Сизнинг хабарингиз йўқми мабодо қанақа васиятнома ҳақида гап кетаётганлигидан?

Бирдан Ёрқинойнинг юзига қон тепчиди. У ғазабини жиловлай олмай калта - калта нафас ола бошлади :

- Мен одам ўрнида кўрилсам экан-ки ўз уйимда ҳал қилинадиган муҳим маслаҳатдан хабардор қилинсам ?

Шу пайт зина адоғида Иноят хола кўринди :

- Ёрқиной , сизни Розикўжон меҳмонхонадан сўраяптилар

- Ана опа , кўрдингизми сизсиз иш битармиди ? - ўзини гўлликка солди Райҳона, - сўзингиз оғзингиздан чиқмасиданоқ дарровда сизни ҳам йўқлашди. Кўнглингиз тозалиги шу ердан маълум.

Ёрқиной унга "Хаа , сендан кейин" демоқчи бўлди-ю , аммо жавоб қайтаргиси келмади ,зеро васиятнома сўзи ўртага ташланиши билан унинг кайфияти бузилиб , бутунлай издан чиқиб кетган эди.

Ёрқиной Райҳона билан бошлашиб меҳмонхонага кирганида у ердагиларнинг берилиб суҳбатлашаётганларининг устидан чиқишди.

- Ният холис- да , она ва қизнинг бир вақтда келишганини қаранг , - уларни кулимсираб кутиб олди Розикў Рафиқович,- келинлар , марҳамат.

Ёрқиной Розикў ака қўли билан кўрсатган стулга омонатгина ўтирди. Райҳона эса Алининг ёнидан жой эгаллади .

- Демак , ҳамма жам ! - икки қўлини қарсак чалгандек бир-

бирига урди Розик Рафиқович,- энди қадрдонларим , сизлар учун бир муҳим хабарни эълон қилишимга руҳсат бергайсизлар . Бугун бу ерга ташриф буюришимнинг асосий сабаби шу эди десам , мени айбситманглар , зеро ...

12-ҚИСМ

дунёда бурч деган тушунча кўп нарсани англатар экан. Майли баландпарвоз гаплар ўз йўлига. Мен гапнинг пўсткалласига кўча қоламан.

Хоооп . Энди бу даврадагилар қиёматли дўстлар, жон - жигарлар. Шундоқ экан сизлардан яширадиган сиримиз йўқ,- Розик Рафиқович шундай дея аста ўрнидан тура бошлади . Шу аснода гапини давом эттира кетди :

- Маълумингизким, охирати обод бўлгур раҳматли дўстим Субҳонбек ўлимидан аввал бир васиятнома қолдирган . Васиятнома тегишли ходимлар томонидан тасдиқланган ва тегишли жойда сақланмоқда. Васиятномада нималар ёзилгани менга маълум эмас. Буни фақат очиб ўқилганда билишимиз мумкин ва бу ҳодисага ҳали бирмунча муддат бор. Васиятнома Райҳона қизимиз йигирма ёшга тўладиган туғилган кунидан бир кун аввал очилиши режалаштиришган , демак бу санага салкам бир йил муддат бор десак муболаға бўлмайди .

Бироқ...

Дўстлар , ҳамма гап ана шу бироқда...

Куни кеча Райҳона қизимиз турмушга чиққанлигига ўн беш кун тўлганлиги муносабати билан Субҳонбек

Мардонбековнинг асосий васиятномасини ёзишда қатнашган нотариал идоранинг вакили менга учрашиб қўлимга ўша васиятномага илова тарзида тузилган иккинчи қўшимча васиятномани топшириб кетдилар.

Сабаб ?

Сабаб нимада деяётгандирсиз - а ?

Мен ҳам дастлаб шундай ўйлаган эдим.

Тушунтиришларича Райҳона турмушга чиққач, ўз - ўзидан ҳаётида "умр йўлдоши" деган муҳим инсон пайдо бўлди.

Демакким , куёв боламиз Али Аслиддинов ҳам унинг бевосита оила аъзосига айланган. Васиятнома шартига кўра Райҳона турмушга чиқса асосий ҳужжатга умр йўлдоши учун ҳам тегишли пунктлар киритилар экан.

Ижозатингиз билан ўша илова тарзидаги қўшимча васиятномани очиб ўқиб эшиттираман .

Розиқ Рафиқович аввалдан тайёрлаб қўйилган конвертни дастурхон устидан олди.

Барча йиғилганларнинг диққати шу вақтгача эътибор бермаганлари - елимлаб ёпиштирилган жойига тўрт қайта муҳр урилган оқ конвертга қаратилди.

Розиқ ака конвертни атрофдагиларга кўз- кўзлаб , муҳрлар ўрни сақланганлигига эътибор беришларини сўради:

- Тўғриси бу ерда нима ёзилганлигидан хабарим йўқ,- у шундай дея Шоҳруҳга юзланди,- ука, сиздан бир илтимос , менинг ҳар битта ҳаракатимни ва бу даврадаги иштирокчиларни телефоним камерасида суратга олиб турсангиз . Мен кейинчалик жараённи акт қилиб , тегишли идораларга ҳисобот топширишим керак .

Шоҳруҳ "Хўп бўлади" деб ўрнидан турди. Розиқ ака унга телефонини тутқазди ва Шоҳруҳ ишга киришгач, авайлаб конвертни йирта бошлади.

У конверт ичидан чиққан бир энлик хатни олиб қўлида бир айлантирди- ю , оҳиста ва дона- дона ўқий бошлади.

- Ушбу қайд Субҳонбек Мардонбеков томонидан 20 -йил 31-май куни ёзиб имзоланган тартиб рақами / васиятномага илова тарзида қўшимча маълумотлар киритиш учун тузилди.**

Унга кўра Субҳонбек Мардонбеков томонидан 20 йил 31-май куни ёзиб имзоланган тартиб рақами / васиятномага кутилмаган воқеа - ҳодисалар рўй берганда амал қилиш назарда тутилган.**

- Мен Субҳонбек Мардонбеков гувоҳлар Яшнаров Нодир , Файзиев Каримберди , Толмасова Улуғой иштирокида ақл-хушим жойидалигида ва ҳеч қандай тазийиқларсиз шуларни ёзиб маълум қиламан- ки , фарзандим Мардонбекова Райҳона йигирма ёшга тўлгунга қадар турмушга чиқса , унинг турмуш ўртоғи тўйларидан уч ой вақт ўтиб қизимга тегишли

бўлган ва мен мерос тариқасида ажратган барча мол-мулкнинг ўттиз фоиз миқдорига тўлақонли эгалик ҳуқуқини қўлга киритади. 20 йил 31- май куни ёзиб имзоланган тартиб рақами / васиятномада кўрсатилган ҳар бир шахсга аталган ҳар қандай мулкдан ўттиз фоиз чегирма ажратилиб , ўша ҳақларга эгалик ҳам Райҳона Мардонбекованинг турмуш ўртоғига тўлиқ ундириб берилади.**

Эслатма :

Ушбу илова учун ҳеч қандай эътирозлар қабул қилимайди.

Субҳонбек Мардонбеков

Имзо : 20 йил 31- май.**

Розиқ Рафиқович васиятномани ўқиб бўлгач ўртага ноқулай жимлик тушди.

Асад Акбаров Ёрқинойдан кўзини учмай кузатиб ўтирар эди. У аёлнинг оппоқ юзи янаям оқариб, бўзариб кетганлигини кўриб турар, ҳозиргина Розиқ ака ўқиган сатрлар аёл асабини обдон бузганлиги пир- пир учаётган қонсиз лабларидан кўриниб турар эди.

Жимликни Али бузмаганида бу совуқ ҳолат қачонгача давом этиши бутунлай номаълум эди:

- Аслини олганда мен энг яхши мукофотни олиб бўлганман, бу сизларнинг меҳрингиз ва албатта Райҳонадек умр йўлдоши.

Пул эса - қўлнинг кири. Асосийси инсонийлик , одамийлик. Айтишади-ку, одамийлик ўлмасин!

Алининг гапларига Розик ака кулимсираганча қарши чиққан бўлди :

- Ўғлим , ўша қўлнинг кири деяётган пулларинг анов- манов сумма эмас . Гап миллиардлаб сўм ҳақида кетяпти. Хаттоки , айтиш жоиз бўлса ўн миллиардлаб десак ҳам бўлади. Дўстим Субҳонбек ўзидан сўнг абадий двигателга ўхшаб ишлайдиган , тушумининг орти узилмас индустияга асос солган . Булар шунчаки кўрингани каби оддий эмас. Барчаси мукамал бир тизим. Ва унча - мунча одамнинг бу тизимга тиши ўтмайди.

- Руҳсатингиз билан мен ошхонага қарай , - Ёрқинойнинг товуши ўзиникига ўхшамайроқ чиқди . Уни Розик аканинг гапларини эшитишга ортиқ тоқати қолмаган эди.

- Майли келин , бораверинг , - жавоб берган бўлди Розик ака,- шундоғам айтилиши лозим бўлган барча гап айтилиниб бўлинди.

Ёрқиной меҳмонхонадан чиқиб ошхонага эмас , балки ювиниш хонасига йўл олди. У ғазабдан ўзини боса олмас , бироқ кўпчиликнинг орасида оловдек тошиб келаётган ғазабини ҳам ичига ютишга мажбур эди. Қани энди ҳеч зог ҳалақит бермаса- ю , бор овози билан кучи қолмагунча бақирса, уйдаги идиш- товоқларни бирма-бир бир бошидан синдирса. Йўқ , бунақада ҳам барибир ҳовуридан тушмаса керак . Катта гулханга ҳовучлаб сув сепган билан баробар бўлса керак бу ҳолат.

Ёрқиной юзини муздек сувда чаймоқчи бўлди, бироқ эрта

сахарда шу зиёфат учун махсус чақиртирилган стилист қилиб кетган фалон долларлик макияжигга путур етишидан чўчиди. Шу аснода ўзини боса олмай алами сабр қирғоғидан янада тошди. Ўзига берган ороси айна дамда кўришга кўзи йўқ бўлган ана шу инсонлар сабаб қилингани учун ҳам қаттиқ ғижинди.

" Барчанг бир бошдан балога гирифтор бўлларинг !- ўйлади у илондек вишиллаб ,- қараб турларинг , ҳали менинг ҳам кўчамда байрам бўлади. Ғолиб - охирги кулган !"

У шундай деб бирдан қаддини ростлади. Ювиниш хонасидан чиқиб иккинчи қаватдаги ётоқхонасига кўтарилди. Хонага кира солиб камод тоқчасидаги телефонига отилди. Дарров телефонидаги керакли рақамни топиб овозли хабар юборди:

" Бугун сизни кўрмасам бўлмайди! Ажалимдан беш кун бурун ўлишимни истамасангиз ўзингиз билган жойда кеч соат йигирма бирда кутаман. Ғиринг-пиринг деган баҳоналарингиз ўтмайди ! Тамом. Всё ! "

Шундан кейин Ёрқиной яна пастки қаватга қайтди.

Зиёфатни келган жойидан давом эттириш учун ошхонадаги ёрдамчиларга таомларни галига қараб тез - тез тортиб юборишларини буюрди.

У шу топда уйидаги меҳмонлардан иложи борича тезроқ қутилишни истар эди . Уларни кузатиб кечги учрашув учун ҳам фикрларини жамлаб олиш ҳамда тайёргарлик кўриш илинжида эди.

Розиқ Рафиқовичнинг аёли Мастура опанинг буюртмасига кўра пиширилган таом тортилгач , меҳмонлар кетишга изн сўрадилар.

Дуои фотиҳадан сўнг Ёрқиной барчага иримига кўра совға тарқатди. У "Суюкли" куёви , оиланинг янги аъзоси Алининг қўлига Швецарияда ишлаб чиқарилган, дунёда санокли эркаклардагина бўлган Субҳонбек Мардонбековнинг соатини , Райҳонага эса бош бармоқ қалинлигидаги тилла кольени йиғилганларга кўз- кўз қилганча тақиб , озгина кўз ёш тўккан бўлди :

- Шу кунларни аданг кўрмадилар- да ...

Меҳмонлар ҳайр- хўшлашаётган вақтда Иноят хола битта қоғоз сумкача олиб келиб Райҳонага тутқазди:

- Қизим , шифокоринг бу ойги дориларингни ташлаб кетди. Кейинги ой ўзинг бориб кўриқдан ўтишинг керак экан.

Райҳона ҳеч нима сезмагандек уларга миннатдорчилик билдириб машинага чиқар экан , мезбонларга яна бир табассум қилди .

**Али ва Асад Акбаровнинг
машиналари олдинма кетин йўлга тушишди.**

Шоҳруҳ Зулхумор билан бошқа йўналишга равона бўлишди.

Йўлнинг ажралиш қисмида тоға ва жияннинг ҳар иккиси

қатнов четига ўтиб уловларидан тушдилар .

Алининг қўлида боя Иноят хола олиб чиқиб берган дорили сумкача турарди.

- Кўнглимдаги кўзимдан биласан- а , жиян , - деди Асад Акбаров Алига боқар экан , - хозир шу дориларни сўрамоқчи эдим. Буларни ҳам яхшилаб текширтирмасам бўлмайди. Қизим эса мен ёзиб берган дориларни ичиб турсин. Ўзи ахволи анча ўнгланиб қолибди. Аммо ёдинг-да турсин , "уйидаги"лари шубҳага бормаслиги учун тез- тез телефон қилиб, инқиллаб тоби бўлмаётганлигини , яхши ҳам улар берган дори борлигини , шуларни ичибгина одам бўлиб юрганлигини айтиб турсин. Жиян , бу дориларни ичида умрга зомин бўладиган заҳардан ташқари ичганда кайф берадиган гиёҳванд кукун ҳам қўшишган экан. Қани кўрайлик- чи бу сафар нима каромат кўрсатишар экан ?

Алининг қўллари мушт бўлиб тугилди :

- Тоға бундайларни қанақа қилиб ер кўтариб юраркин- а ? Одамзод пул деб шунчалик тубанликка бориш мумкинмикан ? Аслида бир бурда нонга қорин тўяди- ку , ?!

- Али , ўзингни қўлга ол ! Илтимос , шошқалоқлик қилма ! Ҳали ҳаммасига жавоб берадиган кунлари келади буларнинг . Унгача сабр ! Фақат сабр...

Бўпти , келин бола кутиб қолди. Борақол. Эртага кейинги

*режани бафуржа пишитиб оламиз . Бугунча шунча натижа
етар. Ўзимни худди саккиз соат операция қилгандек ҳис
қиялман. Чарчадим. Жуда чарчадим.*

*- Майли , тоға. Боризга шуқр . Ўзингизни эҳтиёт қилинг ... Хайр
....*

*Али Асад тоғасини бағрига босди. Ундан ажралар экан
кўзларига ёш қалқангани ҳис қилди:*

*"Яхшиям сиздек инсонлар бор бу дунёда , тоға , - дея ўйлади
у машинаси томонга юрар экан,- сиз кабилар борлиги учун
ҳам қиёмат вақтидан илгари келмаслиги аниқ ... Ҳаа , аниқ !
Мен бунга ишонаман ..."*

*Али машинага ўтирар экан , олд ўриндиқда унга хавотирли
тикилиб турган Райҳонага кўзини қисди :*

*- Менга қара , уйингда шунча овқат едим , қаерга кетганини
билмадим , на тўйдимни билдим , на очдимни ! Ўзимизникига
етиб боргач бир нонжаркоб қилсанг- чи ? Ўзимизнинг
фирменнийдан ?!*

Райҳонанинг юзларига қизиллик югурди :

*- Хўп бўлади , амирзодам. Талабингиз бош устига !- эрига
мамнун жилмайди у қўлини кўксига қўйиб , - фақат
биринчисига кўнглингиз нима тусабини бир йўла айтинг !*

- Иии , биринчисига ҳар доим сўрамасдан нонжаркоб қилавер демаганмидим?!

Икки ёшнинг кулгуси машина салонини тўлдириб юборди...

- Хаммаси сизни деб бўлди ? Қаерданам сизнинг гапингизга кирдим ?!- бу сафар Ёрқиной Козим Иззатовични салом - алик ўрнига бир дунё таъна дашном билан кутиб олди.

- Хай, хай , ювоош , ювоооош ...- Козим Иззатович Ёрқинойни даҳлиздан тўғри ошхонага бошлар экан , - қани бу ерга ўтирсинлар -чи ?!

У ошхонадаги музлаткичдан муздек пиво олиб тиқинини жавондаги очқич ёрдамида очди- да , иккита бокалга кўпиклантириб қуйди:

- Қани ол , қўлим қайтмасин ! - у бир бокални Ёрқинойга узатар экан , ўзига тегишлисини бир кўтаришда ичиб юборди.

Ёрқиной қўлидаги пивони ушлаганча унга чақчайиб қараб ўтираверди.

- Шу ўтиришда нақд алвастининг ўзи бўлдинг-қолдинг ! Аммо , -Козим Иззатович Ёрқинойнинг юзига энгашиб шивирлади,-

**аммо шу алвастини жуда яхши кўраман- да ! "Мен шу ёмон алвастини яхши кўраман" деган кўшиқни эшитганмисан ?
Сенга аталган шу кўшиқ ! Мени номимдан ...**

- Эээ, ўтламанг ! - Ёрқинийнинг овозида жеркишдан кўра ноз-истигно сезила бошлаганди , - ўзи шунақа эркаланиб ишнинг халтасини чиқардингиз . Нима бўлганини эшитинг-чи , кайфиятингиз ўшандаям шунақа "о кей" бўлармикан ?!

Ёрқиний бугунги воқеа- васиятномага кўшимча қилинган илова масаласини бир бошдан гапириб берди.

Козим Иззатович унинг сўзларини бўлмайдикат билан тинглади. Ёрқиний гапириб бўлгач :

- Шунга шунча ваҳимами , - деди у хотиржам оҳангда , - шуни муаммо деб олиб келдингми ? Аммо муаммо деб ҳисоблаганинг бир томондан яхши бўлибди. Шу баҳона дийдор ғанимат, а лаббай ? - Козим Иззатович ёйилиб илжайди , - энди гап бундай ...

13-ҚИСМ

"Ҳар нима бўлса яхшиликка" деган гап бор. Ўртага "куёвнинг тегиши" деган гап тушгани жуда соз бўлибди. Васиятномада номлари қайд этилган кимсалар сал бўлса-да ўзлари ҳақида яхшими, ёмонми гумонда борлар. Меросдан умидворлар. Мисол учун собиқ эрингни қадрдон гумаштаси Розик Рафиқович. Ўйлашимча унинг номи васиятномага киритилмай қолмаган. Ахир "Илмга сармоя" аввал бошдан иккисининг лойиҳаси бўлган .

- Бу гапларингиздан нимани англаб олишимни истайсиз ? -

"суюклиси"ни сўзларини тушунмай талмовсиради Ёрқиной.

- Вой ғалчахоним-ей , - тантиқланганча уни эркалаган бўлди Козим Иззатович,- ўзинг ўйлаб кўр , Райҳонага "бирор гап" бўлса гумондорлар сафи айнан куёв сабаб анча кўпаяди. Нега дейсанми ? Негаки ўша куёв Райҳонасиз ҳеч ким ! "Қиз"инг бор экан куёвинг одам ! Шу сабаб қизинг йўлдан олинса, куёвинг ҳеч ким. Ҳеч кимга эса меросдан ҳеч қанақа улуш йўқ ! Демак , Райҳонанинг жонига талабгорлар сафи қўшимча васиятнома сабаб ортади. Бу эса сен- у менга қўл келади. Қилар ишни бажариб , қўлимизни бигиз қилиб "Қотил , қотил ! ' деб ҳар кимга нуқишимизни осонлаштирди бу илова ! Ясна ?!

Ёрқиной жилмайди :

- Сизнинг миришкорлигингизга ҳар доим тан берганман , Козим ака!- сузилди Ёрқиной,- Бекорга шунча талабгорларнинг ичидан сизни танлаганим йўқ !

Ай лав ю !

- Ҳооо , шу чет элча изҳорларингга беш кетаман , беш ! Менга қара қорин пиёзнинг пўсти бўлиб кетди- ю , мерос қўлга киргунча очимдан ўлсам гинанг ўзингдан ! - ёлғондан дўқ қилди Козим Иззатович.

- Сизсиз ҳеч нарсанинг маъноси йўқ , хусусан бойликнинг ҳам, шунинг учун барча нарсани олдиндан тадоригини кўриб қўйганман. Сиз ёқтирган димлама сизга мунтазир . Шесть секунд !

Ёрқиной ўрнидан туриб чаққонлик билан дастурҳон тузай бошлади . У печда иситган қовурдоқни ликобчага жойлаштирар экан , Козим акасига ахборот беришда давом эта бошлади :

- Айтганча , қизим Оппоғойга олмали доридан мўл- кўл бериб юбордим,- деди у ҳиринглаганча , - аммо у эрга тегкач иммунитетни кучайиб қолибди шекилли рангига анча ранг кириб қолибди.

- Демак, организми янада кўпроқ дорини талаб қилапти экан . Зоир шифокорга айт, дозани оширсин ! - ўтирган жойида кўрсатма берди Козим Иззатович,- вақтдан ютишимиз керак.

- Э , ўлсин ўша Зоирингиз ?! Нафси биран ўпқон- ки ! Ҳеч тўйдимми билмайди, - Ёрқиной ликобчадаги таомни столга қўйиб гапида давом эта бошлади , - тавба қилдим, янги танишганимда ижара уйда турарди , яқинда ҳозирги яшаётган уйига бордим. Ишонасизми , уйи нақд уч қаватли. Евростиль ! - Ёрқиной шунақа деб бирдан қаҳ- қаҳ отиб кулиб юборди , - аммо айтсам ишонмайсиз ?! Хотини ҳалиям шилпиллатиб калиш кийиб юрибди. Товонларини қорайтириб. Турше !

Козим ака унга қўшилиб кулди :

- Ҳа энди эри кийган эски чорифингни унутма деган бўлса , айтганини қилаётгандир-да.

- Эрини айтганини қиламан деб эрсиз қолмаса гўрга эди бунақада ! - деди Ёрқиной шарбатдан хўплар экан .

- Ўв нималар деяпсан ?! Нимагадир шаъма қилаяпсан- а ? Билиб қўй агар ўша Зоир шилқимга сузилсанг ..

- Ваъфо не деб сўрсалар гар, мендирман ўшаааа ?! Тушундингизми , Козим акажон ! Ҳаммани ўзингизга ўхшатманг ! Хўпми ?! У сиз кўчада бир ёр , уйчангизда бир ёрлик ?!

- Ёрқинойхон , асали! Сенга минг марта айтдим хотиним уйдаги ишлар учун деб. Ажрашаман , менга турмушга чиқ десам "Қайнонага тоқатим йўқ !" деб кўнмаган ўзинг . Ё ҳага кўнгин, ё йўққа.

- Менга эркин қуш бўлиш ёқади-да нима қилай, бироқ сиздан бошқа ҳеч кимга бош эггим йўқ . Аммо уйингиздаги дилоромингизни ўйласам юрагим рашқдан ёниб кетади .

- Йўғей? Очиғи бу гапларни эшитиш мен учун бахт ! Ничево кўпи кетиб , ози қолди. Мўъжаллаган ишларимиз битсин иккимиз мазза қилиб дунё айланишга кетамиз . Истасанг Европа , истасанг кунчиқар мамлакати бўлмиш Япония , истасанг Маями соҳиллари.

Истасанг бўлди. Ягона марталик бериладиган умримизда бир яшаб қолайлик а нима дейсан ?

- Жон дейман , жон !

- Гапнинг ўғилболаси шу лекин !

**Ҳа анави шўртумшуқ докторни оғзини яхшилаб мойла.
Оғзига сиққанини аямай тўла.**

**Асти оғринма , ахир у бизнинг роҳат-фароғат мамлакатига
очиладиган эшигимизнинг калити-ку !**

**- Сиз нима десангиз шу, Козим ака ... Мен ҳам ёруғ кунларни
кутиб яшаяпман . Эртага Зоир Тоировга қўнғироқ қиламан .
Бор гапни яхшилаб тайинлайман ,- деди Ёрқиной хумор
кўзларини сузганча**

**- Яхши, гап билан бўлиб овқат совияпти , қани ол . Тўхта
чарчоқбостига аввал "оқбола" дан ярим ютим отиб оламиз .
Қолган гаплар кейин ...**

Ёрқиной шу куни уйига қайтмади.

- Алло , Зоиржоон , бормисиз укажон ?!

**Ишга отланаётган Зоир Тоиров телефони экранидаги
таниш рақамни кўриб сергакланди :**

**- Ассалому алайкум , опажон ?!- деди у Ёрқинойни кўз олдига
келтирар экан оғзининг суви келиб**

- Шу опагон десангиз етти қават теримдан шилиниб тушаман
- да , танимаган одам сизни ҳеч шифокор демайди ? - уф
тортди тармоқдаги аёл.

- Вой нимага? Айбимизни билайлик? Лозим бўлса икки
қўлимиз кўксимизда узр сўраймиз,- ҳайрон бўлганини
яширмади Зоиржон.

- Айтсам айтавераман . Нуқул опа деб дилимни оғритасиз ?!
Сиздан катта бўлсам бир ёш каттадирман, ҳа боринг ана икки
ёш каттадирман . Аммо аёл кишини ёши биологик ёшда эмас ,
ўзини неча ёш деб ҳисоблашида. Бу маълумотни ўзингиз учун
асраб қўйинг, хўппи ? - Ёрқинийнинг овозида ясама дўқ
сезилди

- Буни айтмасангиз ҳам биламанку-я , ўзингиз укагон деб
мурожаат қилганингиз учун ...- шилқим оҳангга ўта бошлади
Зоир Тоиров.

- Мен сизни синаяпгандим- да. Қани нима деркин деб ? -
Ёрқинийнинг овозида ноз -ишва баралла сезила бошлади,-
хай майли бу масала кейин. Вақти соати билан сизга ўзим бир
"супер мастер класс" ўтиб бераман Ҳозир сизни қизалоғим
хусусида безовта қилаётган эдим. Биласиз жондан азиз
жигарпорам сизни қўлингизда даволанади. Ўтган сафар ёзиб
берган дориларингизни банияти шифо деб қўлига тутқазиб
юбордим.

Ёрқиний шундай деб бироз тин олди , сўнг гапида давом

этди :

- Зоиржон , бу дейман шунча қилган муолажангизнинг "фойда"си сезилмаяпти-ку ? Қизим иложи борича тезроқ "тузалиши" керак. Сиз билан нимага келишгандик? Ишимни ярим йилга қолмай ҳал қилиб беришингиз керакмасмиди?

- Бўляпти- ю , опа , - Зоиржон Тоиров опа дейишга деб қўйиб тилини тишлади , гапни чалғитиш мақсадида дарров сўзни сўзга улади,- бу жараён ҳазилакам иш эмас. Аста - секинчилик билан битадиган жараён- бу . Гап кўпинчалик молиявий тарафга ҳам боғлиқ бўлиб қоляпгани рост-да...

- Эээ, қизиқчимисиз, ука ? Сиз бирор сўм сўрадингиз- у, мен йўқ дедимми ? Шундоғам ҳар кварталда сизни хафа қиляяпганим йўқ- ку? Устама устига устама қўшаяпман,- Ёрқинной шундай деб ошкора дағдағага ўтди , - аммо ҳизматингиздан кўнглим тўқ эмас. Шундай қилаверсангиз бошқа клиника ва бошқа шифокор қаҳат эмас. Сизга узатганимнинг ярим нархига жон деб талабимни бажариб берадиганлар сон мингта. Ҳа !

- Нималар деяпсиз Ёрқинной Топиловна ! Ҳар бир ишда сифат деган меъзон бор,- Зоир Тоировнинг ростманасига жаҳли чиқди ,- аввало ҳар бир инсон ҳам қилавермайди бу ишни. Орқасидан шалтоғи оқмайдиган қилиб бажариш-чи ҳаммагаяммас. Катта гапириш эмас- ку, аммо менинг ишим - сифат ! Жавоб !

Бироқ шунча гапдан кейин ҳам буюртмани бекор қилсангиз ўзингиз биласиз. Шу вақтгача қилган барча ҳаракатимиз ҳавога учди деяверинг. Мен- ку не ҳасратда ошни дамладим ,

аммо тайёр ошга баковул қилиб уни сузишни кимгадир ишонсангиз нима ҳам дердим. Зорим бор- у, зўрим йўқ.

Шу давргача берганларингизга "Розиман" деб қўярсиз

Ниҳоят Ёрқиной "юмшаган бўлди" :

- Вой-бў Зоиржон , нимаси бу ? Яримта гаплик ҳолингиз бор экан-ми ? Мен сизни шарт- шурт кесадиған эркак сифатида ҳурмат қилганман. Қисқаси гап шу ! Сизга охирги имконият ! Иш икки ойга қолмай битиши керак . Бўлмаса кўп нарса йўқотамиз. Агар буюртмамиз белгиланган вақтда битса , бошингиздан зар сочаман , йўқса ҳолингизга ҳайвонат боғидаги барча маймунлар йиғлайди.

- Ҳотирингиз жам бўлсин , опа ! - деди Зоир. Тоиров уни юпатувчи оҳангда , - бунақа ишларни энди кўраётганим йўқ . Биз ҳам сувни кўрмай этик ечадиған чакана анойиларданмасмиз ...

- Яна опа дейди-я ? Шошмай туринг , иш битса шу опа деб ҳақорат қилганингиз масаласини алоҳида кун тартибига қўймасамми ? - тармоқдан Ёрқинойнинг шўх кулгуси эшитилди.

- Унда ўша кунни кўриш учун ҳам енг шимариб ишга киришмасам

бўлмайди- ёв , - тамоғини тақиллатиб тамшанди Зоир.

Ёрқиной унга жавобан индамади, зеро сукут баъзан бир дунё гапдан кўра ҳам кўпроқ маънони англатиши рост эди.

- Ифлослар , - Ёрқиной ва Зоир Тоировнинг суҳбати муҳрланган ёзувни эшитган Али ғазабига чидай олмай шердек наъра тортаркан , қаршисида ўтирган тоғасига қараб кўзларидан ўт чақнади , - менга қолса бу маразларни боқувдаги буқани саранжомлайдиган ошпичоғим билан ...

- Али , ўзингни бос ! Бундай пайтда энг яхши дўст - совуққонлик , - деди Асад Акбаров жиянига , - қара Розик Рафиқович томонидан ўйлаб топилган васиятноманинг иккинчи сохта иловаси бу нокасларнинг пайтавасига дарровда қурт туширибди- я ?! Ҳа пул ўлсин- а , пул ўлсин.

Менга қара бу ерда нафақат шифокор ва Ёрқиной тил бириктирган , балки асосий буюртмачи бутунлай бошқа одамлиги аниқ. У кеча Ёрқиной овозли хабар юборган рақам эгаси эканлигига юз фоиз аминман.

Али , - Асад Акбаров жиянига жиддий тикилди , - шу одам билан Шохруҳ икковинг шуғуллан , аммо зинҳор изига тушганларингни ўзига билдириб қўйма , тушунарлими ?

Энди бу ёғига иш тезлашиб кетади. Англагандирсан - а , хуллас , Райҳонани...айтишга тилим бормаяпти- ю , хуллас бир ёқлик қилиш учун икки ой муҳлат белгилашди. Ҳадемай аёлингни кўриқка чақириб қолишлари тайин. Биз эса бирон бир чора топмасак бўлмайди. Шундоқ қилиш керак- ки , улар жиноят устида қўлга тушишсин ва шу билан бир қаторда қизимизнинг бошидан бир тола сочи ҳам тўкилмасин.

Биласанми , менинг бир оғайним бор. Ҳалигача шоввоз йигит. Лақаби ҳам ўзига мос - "Чақмоқ". Исми - Сардор Қораев.. Биз у билан армияда бирга ҳизмат қилганмиз. Ички

ишларда кўп йиллар фаолият юритган. Ҳозир истеъфодаги майор. Жуда қобилиятли изқуварлардан. Менимча унинг қобилияти бизга айнан шу ишимизда асқотиши аниқ. Мен бугун у билан учрашиб бор гапдан хабардор қилиш учун учрашув белгилагандим. Қани сиз ҳам куймайдиган , кабоб ҳам куймайдиган қилиб нима маслаҳат берар экан ?!

Сен эса келини бир зумга бўлсин-да ёлғиз қолдирма.

Ҳа айтганча , кеча Райҳонанинг ўғай онаси тутқазган дориларни текширув жавоби келди. Тахминларим бутунлай ўз исботини топди. Дориларга нафақат ўткир захар , балки инсонни ақл-ҳушидан айириб , кайф учун қарамлик қилувчи гиёҳванд кукун ҳам қўшиша бошлашибди.

Али , сендан бир илтимос . Ҳозир уйга борасан ва менинг кўрсатмамга кўра иш қиласан. Райҳонага айтгин- ки , у қизлик уйига ...

14- ҚИСМ

кўнғироқ қилиб "Кеча меҳмон кутиб чарчамадингларми ? Али акам алоҳида раҳмат деб юбордилар . Ўзим эса ҳеч иш қилмай меҳмон бўлиб ўтирганимда ҳам роса силлам қурибди. Келдим-у , бериб юборган дорингиздан ичиб донг қотибман. Бугун аранг кўзимни очганимда вақт пешиндан оғган экан" десин.

Ўғай онаси дори таъсир қилмоқда деб анча хотиржам тортсин. Биз бу ерда режага мувофиқ ишга киришамиз, - Асад ака шундай ўрнидан турар экан , - Алига яна бир бор тайинлади,- жиян , оғир - вазминликни йўқотма, энди ёш бола эмассан. Ҳа ундан кейин Ёрқинойнинг телефонида узиб олаётган овозли ёзувларни алоҳида бир файлга тахла. Кейинчалик бир дискка кўчирамиз. Бу ёзувлар алоҳида ўзи

жуда муҳим кучга эга эмас, сабаби чалғитувчи , айтиш мумкин бўлса тониш мумкин бўлган маънолари кўп , бироқ бизни уларнинг режаларидан хабардор қилиб туради. Шунга кўра иш қиламиз. Вақти келса бизга кўпдан кўп ёрдами тегиши аниқ.

Бўпти жиян , Аллоҳга омонатсан.

Али "хўп" деб бошини эгди.

Асадбек ёши элликларни қоралаб қолган бўлса- да , ҳали ҳамон қиличдек бардам , бақувват дўсти Сардор билан учрашганда анча нарсага ойдинлик киритиб олди.

- Тўғриси айтишим ёки алдайми ? - дея сўради Сардор Қораев бор гапдан хабардор бўлгач дўстига кулимсираб қараганча.

- "Алда мени алдагани ўзим яхши" деган қўшиқ бўларди - а , Сардор? Ҳоҳласанг алда , истасанг рост гапни гапир. Сенинг ҳар битта гапинг жонга малҳам , - кулимсиради Асад Акбаров,- гапиравер қулоғим сенда, Чақмоқ.

- Оғайни , тўғриси айтсам , шунақанги изқуварликни жуда соғинибман. Анчадан буён хумори тутиб турганди. Шу бугуноқ ишга киришганим бўлсин . Шу Зоир деганларини бир патини

юлайлик-чи? - Сардор дўсти тарафга энгашди , - демак гап бундай ...

Сардор Қораев эртаси куни Зоиржон Тоиров ишлайдиган хусусий клиникага шифокор қабули учун навбат олди. "Соғлом ҳаёт" клиникасида Зоиржон Тоировнинг мавқеи юқорилиги навбатига ёзилган беморларнинг кўплигидан ҳам билиниб турар эди. Зоиржон Тоиров кўринишидан қирқ беш ёшларга ўхшаб салобатли кўринарди. Бироқ ўзи энди қирқларни қоралаганлигини унга тегишли ҳужжатлардан хабардор бўлмаган кишилар тахмин ҳам қилмайдиган даражада сирли инсон эди.

Сардор Қораев эрта сахардан клиникага келган бўлишига қарамай, навбатнинг катталигидан шифокор қабулига бир ярим соатлардагина киришга муваффақ бўлди.

Шифокор Сардор Қораевни ўрнидан туриб мулозамат билан кутиб олди :

- Ассалому алайкум , келинг ҳизмат?

Сардор Қораев кулимсиради :

- Ваалейкум ассалом . Келдик.

- Эштаман , қулоғим сизда , - Зоир Тоиров кўзлари билан Қораевга шунчалик самимият билан тикилди- ки , агар

Сардор Асад Акбаровни узоқ йиллардан буён танимаганда , уни шифокорга тухмат қилишда бемалол айблай олар эди. Аммо бу ҳолатда ...

Қораев тезда ўзини қўлга олди :

- Одатда "Милиция билан докторга ишинг тушмасин" деган гап бор. Тўғри эшитилиши қулоққа бироз ёқимсиз. Лекин сизлар бўлмасангиз аҳволимиз нима кечишини тасаввур ҳам қила олмаймиз . Хуллас "Келинг ҳизмат"га жавоб -шу кунларда тобим бироз йўқроқ. Ўзимизнинг оилавий поликлиникага чиқсам , ўша ерда бир киши "Юрак борасида энг зўр шифокорлардан бири шу киши" деб сизнинг манзилингизни берди.

- Хўш сизни нималар безовта қиляпти ? - Зоир Тоиров гарчи беморнинг мақтовлари ўзига сариғ ёғдек ёқиб турган бўлса-да буни сездирмасликка ҳаракат қилган ҳолда сўради.

- Билмасам , ўзим ўзимга тушуна олмаяпман . Юрагим гоҳ баланд арғимчоқда учаётгандек ҳаприқади , гоҳ тим- тирис увишиб қоляпти. Эрталаб уйқудан уйғонсам тилимни учлари худди нордон нарса чайнагандек карахт бўлиб қолади, чап қўлимда жон йўқдек, қимирлата олмайман. Кейинги кунларда чап оёғимда шу аҳвол кузатилмоқда.

Очиғи бир- иккита тенгдошим "Сал қовоғим учиб турибди" деб тўсатдан оламдан ўтиб қолгандан кейин ростмана ваҳимага тушиб қолдим. Шунақа қилиб ҳузурингиздаман .

- Ака, сиз безовта бўлманг. Айтаётган симптомларингиз ёш билан боғлиқ ўзгаришлар бўлиши ҳам мумкин. Худди

табиатда бир фасл иккинчисига ўрнини бўшатиб беришга қайсарлик қилган каби инсон бир ёш давридан иккинчисига ўтаётганда ҳам шундай бўлиши табиий ҳол . Ваҳимага тушманг, шу билан бирга ҳотиржамликка ҳам берилманг.

Хўйўш , энди бундай қиламиз. Сизга аниқ ташхис қўйиш учун қуйидаги таҳлилларни топширасиз , - Зоир Тоиров шапалоқдек қоғозга алланималарни тез- тез ёзиб кетди , - мана бўлди . Бу таҳлилларни ўтказадиган намунавий лаборатория ўзимизда мавжуд. Шу қоғоз билан аввал кассага , сўнгра ўн саккизинчи хонага борасиз. Сиз билан натижалар чиққач, шу бугун тушдан кейин учрашамиз. Унгача юрагингиз безовта қилса мана бу дорини тилингиз тагига ташлаб турасиз . Келишдик- а ? Қолган гапларни лаборатория ташхиси натижаларига қараб гаплашамиз, - деди шифокор Қораевга "Ҳозирча сизга жавоб" деган мазмунда нигоҳ ташлаб .

"Чақмоқ" шифокор буюрган таҳлилларни топшириб клиникадан чиққанда кун чошгоҳдан ўтган эди...

У ташқарига чиқиши билан Асад Акбаровга қўнғироқ қилди :

- Дўст , биринчи қадамни муваффақиятли ташлаб олдим.

Қўнғироқнинг "У тараф"идан ҳаяжонли овоз эшитилди :

- Оғайни , ишқилиб сездириб қўймадингми ?

- А ? Йўғ-еей ? Балониям сезмади ?! Аммо у шифокор ўз ишининг устаси эканлиги шундоққина билиниб турибди. Ҳар бир иши жой - жойида. Қилдан қийиқ топиб ололмайдиган даражада "тиниқ" ишларкан. Бироқ менга ана шунақа зукко рақиблар жуда ёқади- да! Курашувчанлигим бирдан ортиб кетади. Айтишади- ку , "Осилсанг баланд дорга осил" деб !

- Қўймайсан сен ҳам ?

Аммо уни касаллигинга қандай ишонтирдинг ? Ахир юрагинг безовта қилмасди- ю?

Обдон чиниққан бўлсанг?

- Иии Асад , хафа қилаяпсан, ўртоқ,- Қораев ўктам овозда керилиб гапира бошлади , - Сен мени кеча ё бугун таниганинг йўқ- ку ? Асло хавотир олма, шубҳа қилма. Лаборатория таҳлиллари "ўўўў" бўлиб чиқишининг чорасини эрта сахардан кўриб қўйгандим . Ёзнинг авж саратонида "Миллий таомлар" ресторанидаги асл қазили норин шўрвани сувига от гўшtidан тайёрланган сергўшт нориндан солиб икки коса ичгин , сўнг камига устидан икки банка энергетик ичимликдан захар-маҳринга ютсанг , ана унда кўрасан таҳлилнинг сифатини .

Ха- ха- ха! - Чақмоқ берилиб кулар экан, сўзида мақтанганнамо давом этди , - лекин- чи , официантлар ҳам мен еяётган таомни кўриб кўзлари ғилай бўлиб қолди .

Қисқаси юқори қон босими ва юрак ритмининг бузилганлигига жавоб.

Асад , қолган гапларни қайтадан шифокор кўригига кириб-чиққанамдан кейин гаплашамиз. Унгача келинингни ўгай онаси билан бир танишиб келсам. Нима дейсан ?

Эшитишимча жааа кетворган эмиш ?!

- Кетвормай ҳар нарса бўлсин , - деди Акбаров унга жавобан , - эҳтиёт бўл, бу аёлнинг қўлидан ҳар бало келади . Ҳозир у нафақат ўғай қизининг ҳаётига қасд қилишда , балки оламдан ўтган турмуш ўртоғининг ўлимида ҳам гумон қилинаяпти. "Илмга сармоя" корхонасининг асосчиси Субҳонбек Мардонбековнинг ўлими ҳолати юзасидан ҳам тергов ишлари қайтадан кўриб чиқишига ариза берилди.

- Аёл кишининг қўлидан шунақа ишлар келишига ишониш қийин. Аммо нима ҳам дердим ? Ўлмаган бош кўраверар экан- да . Майли вақтингни олмай . Қўлга илингулик нарса топсам , кечга бориб қўнғироқ қиларман. Бўпти , ошна.

- Саломат бўл, қўнғироғингни кутаман ...

Али бугун ишдан барвақт келди. Гарчи айни дамда маҳсулотлар ҳар доимгидан ҳам харидоргир бўлса-да, буюртмачилар тинимсиз қўнғироқ қилиб қулоқ- мияни еб юборишаётган айни дамларда унинг қўли нима учундир ишга бормади. Асрдан кейин қараса бўлмайдиган. Ахири чидамади . Шартта ишини "ўнг қўли" Миржалолга топширди- ю , ўзи уйга қараб равона бўлди.

У уйга келаётганида йўл - йўлакай Райҳонага қўнғироқ қиладиган одати бор эди . Ҳар доимги сўрайдиган саволи бир



эди:

- Сенга у, бу нарса керак эмасми?

Аmmo бугун Райҳона уни ҳавотирини баттар ошириб телефонини кўтармади.

Али уйга тўрт қайта қўнғироқ қилди. Жавоб бўлмагач диққати ошиб машина тезлигини оширди.

Уйларига яқинлашгач , узоқдан ...

15- ҚИСМ

эшиклари ёнида уймаланишиб турган уч - тўрт қўшни аёлни кўриб эсхонаси чиқиб кетди.

У уйига қандай етиб борганини билмай қолди .

- Нима бўлди ? Райҳонага бирор кор-ҳол бўлдими? - деб сўради Али машинадан тушар тушмас аёлларга салом беришни ҳам унутганча

- Ҳеч ваҳимали гап йўқ , ўғлим. Қизимизнинг бироз оёғи тойиб кетибди , - деди қўшни Санобар опоқи унга далда берган бўлиб.

Али аёлнинг сўзларини охиригача эшитмади. У ҳовлиққанча ичкарига отилди.

Райҳонани кичик меҳмонхонадаги диванга ётқизишибди . Али унинг ўнг оёғига тўпиқларича ўралган гипсни кўриб бир ютинганча остонада тўхтаб қолди.

Райҳонага чой тутиб ичириб турган Фазилат опа хонага биров кирганини сезиб ўгирилди .

- Ана Алихон ҳам келдилар , - деди у назарини Алидан Райҳонага ўгириб қониқиш билан , сўнгра яна йигитга қаради , - қаранг Ҳизрни йўқласак бўлар экан , энди сизга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб тургандик.

Райҳона Алига синиқ жилмайди:

- Али акааа ...

Али Райҳона ётган диван қирғоғига омонатгина ўтирди. Унинг қўлларини авайлаб кафтлари орасига олди:

- Сенга нима бўлди ? Юрагимни ёриб юбординг ? Оёғинг ...

- Алихон , асти ҳавотир олманг. Райҳона унақа катта жароҳат олмаганлар,- деди Фазилат келинойи,- фақат ўнг оёғининг бош бармоғи қайрилиб кетибди. Бироз дарз кетган. Акангиз

билан тиббий марказга олиб борганимизда "Ўзини ортиқча уринтирмасин деб гипслаб қўйишди. "Янги келинчак экан , бир жойда ўтирмай иш орттиради бўлмасам" дейишганди, биз ҳам рози бўлдик.

Сиз келдингиз- ку, энди мен чиқай , бугун уйда эдим . Манти бошлаб қўйгандим. Давом эттирай. Кейинроқ яна чиқарман ,- Фазилат опа эшикка қараб йўл олди.

Али унга раҳмат айтганча эшиккагача кузатиб қўйди.

Сўнг изига қайтиб Райҳонанинг ёнига чўк тушди . Унинг иссиқдан бўғриққан юзига интизор тикилди , чеккаларига сувланиб ёпишиб қолган зулфларини қўли билан эркалаб текислаган бўлди :

- Райҳонам...- деди у муҳаббат тўла кўзларини ҳасми ҳалолига тикиб ,- нималарни бошлаб юрибсан ? Бу қандай содир бўлди?

- Уйни чангютгичда тозалаётгандим . Зинанинг ёнига келганимда секин орқамачаси қадам қўяётсам оёғим иссиқ бир нарсага тегди ,- Райҳона шаҳло кўзлари билан эрига эркаланиб боққанча изоҳ бера бошлади ,- дарров сездим : Момиқвой. Уни босиб олмай деб оёғимни дарров изига тортдим. Шунда бор кучим чап оёғимга тушиб мувозанатни йўқотиб йиқилдим. Йиқилаётиб "Қарс !" деган товушни эшитдим . Кўз ўнгим қоп- қоронғи бўлиб кетди. Бахтимга айнан ўша вақтда Фазилат келинойим битта ликобчада пишириқ олиб чиққан эканлар. Аҳволимни кўриб дарров хўжайинларини чақирдилар. Бор гап шу .

- Момиқвой туфайли шу аҳволга тушдим дегин ? Мен у

мушукчани бировларга бериб юбораман , - деди Али Райҳонага ачинганча.

- Ҳоооо , ҳечамда ?! У атайдан қилибди-ми ? Тили йўқ безабон бир маҳлуқ бўлса !- деди Райҳона дарровда эътирозга шошилиб,- мен унга жуда ўрганиб қолгандим. Айб ўзимда , ундамас!

Оппоқ, бир ярим қаричча келадиган мушук болани Райҳонага бир hafta аввал Алининг ўзи олиб келиб берганди:

- Райҳона, бу мушукчани ишхонамизга битта рус бабуля ташлаб кетди. "Уйимдаги мушугим туққанидан сўнг ўзидан ўзи ўлиб қолди . Мен болаларни боқа олмаяпман. Ҳозиргача бештасини ҳар кимга бердим. Бу олтинчиси. Озор бермай боқсанглар олиб қолинглар" деганди сенга эрмак бўлар деб олиб қолдим. Қалай ёқдимми ? - деганди ўшанда Али.

Мушукча Райҳонага жуда манзур бўлганди.

- Али ака Момиқвойга қараб қўярсиз . Қорни очиб кетгандир .

*- Шу аҳволда ҳам мушукчангни ўйла , - ўпкалади аёлидан Али,
- ўзингни- чи ? Ўзингни ҳам қорнинг очиб кетгандир ?!*

*- Менку майли, ўзингизни ҳам қорнингиз роса очгандир-а ?
Энди нима қиламиз ? - мўлтиради Райҳона*

- Шуям муаммо бўлибдими ? Кўнглинг тусаган таомни айт .

*Ҳозир буюрма берамиз ! Танла ! - Али чўнтагидан телефони
чиқариб титкилай бошлади , - мен ҳозир етказиб бериш
ҳизматига уланаман. Қани айт- чи ? Пицца буюрайми ?
Кейфси ёки кабоб ?*

*- Гамбургер , - жилмайди Райҳона, - эсингиздами шу уйга
биринчи бор келганимда гамбургер билан*

@Хазон_Rezgi

#ҚАСД

меҳмон қилган эдингиз.

*- Эсимда ?! - кулимсиради Али унга кўзини қисиб , - ростини
айт , ўшанда мендан қўрққанмисан ?*

*- Ростини айтсам... йўқ қўрқмаганман , сабаби юрагим сизни
жудаям яхши инсон эканлигингизни айтиб турган эди.*

*Али Райҳонага термулиб қолди. Шу вақт унинг телефони
етказиб бериш ҳизматига уланди:*

- Сизни эштамиз .

- Етказиб бериш ҳизмати а бу ? Буюртмани қабул қилсангиз !

Бизга иккита гамбургер , битта пишлоқли пицца , иккита ассорти , "эркаклар инжиқлиги салатидан иккита , иккита кола , иккита фанта , яна йўл- йўлакай иккита поп- корн олиб келсангиз. Ҳа , шундай ! Тўғри. Манзилимизни ёзиб олсангиз ...

Али телефондаги суҳбатни якунлагач , кўзлари катта - катта очилган Райҳонага қошини қоқди :

- Ҳа ?! Нимага тикилиб қолдинг ?!

- Ўзим шундай , - деди Райҳона , - битта нарсага тушунмаяпман , шунча таомни нима қиласиз ? Яна поп-корнга нима бор ?

- Жамбилхон , бугун сен билан бир кино кўрайлик! Нима дединг ? Ёки сериалми ? Ўзим ҳам анчадан буён телевизор кўрганим йўқ. Мана сен туфайли бир мавриди келиб қолди. Шунга озиқ- овқатни заҳира қилиб буюртирдим. Мен ҳозир кийимларимни алиштириб душ қабул қилиб чиққунимча сен фильм танлаб тур. Қанақа фильм кўрмоқчисан ?

- Иммм , бошланишига комедия бўлақолсин,- деди Райҳона кўзлари чақнаб кайфияти кўтарилганча.

- Жуда соз , сен комедия деб қидирув бериб танлаб тургин бўлмаса , мен тезда қайтаман.

- Момиқвойни овқатлантириш эсингиздан чиқмасин , -

эрининг ортидан эслатди Райҳона , - илтимоооос.

Ташқаридан Алининг "Хўўп" деган овози эшитилди.

Барча егуликлар тахт бўлгач, Али Райҳона ётган жойига таомларни чиройли тузаб олиб патнисда келди.

- Энди суяниб ўтириб оламиз,- Али Райҳонанинг ўтиришига кўмаклашди ва орқасига ёстиқ қўйгач патнисни кичик столчага жойлаштирди,- қани ол , мени шунақаям қорним очди-ки , бир вақтлар бир реклама бўлар эди : "Шу ўтиришда филниям еб ташлар эдим" деган . Мен ҳам худди шу даражада очқадим. Қани бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.

Али ликобчага жойлаштириб келган гамбургерни олиб Райҳонага тутди :

- Марҳамат , маликам...

Райҳона "Ўзингизча ? " дегандек ишора қилди :

- Али ака , ҳозиргина жуда очқадим деяпган эдингиз , ўзингиз бошланг .

- Сен еганингни кўрсам қорнимнинг очлиги ҳам ёдимдан чиқади,- у шундай деб кўзини қисди , - хўп бўпти мўлтирама, тенгдан бошлаймиз.

Шу тариқа "Сен е , сиз ейинг" дея овқатланиб бўлишди.

Али патнисни чеккага сурар экан Райҳонага жилмайди :

- Ана энди нима дейиш керак ?

Райҳона унга жиддий тикилди :

- Сизни менга йўлиқтирган Аллоҳга минг шукр ... дейиш керак ...

Али жиддийлашди. Ўнг қўли билан иягини қашиган бўлди:

- Ўзи аслида дастурхонга "Омин" дейиш керак эди- ю , аммо бу сўзларинг ҳам чакки эшитилмади. Менга ёқди,- Алининг оғзининг таноби қочиб илжайди.

- Сизни жуда яхши кўраман , Али ака ... - деди Райҳона нима учундир кўнгли бузилиб, агар мендан воз кечсангиз ўлганим ўша ...

Али унга ҳайратланиб тикилди :

- Жамбилхон тинчликми ? - деди у тезда жиддийлашиб ,- бу сўзларингни нима деб тушунишим керак ? Ёки бирдан менга нисбатан муҳаббатинг зиёда бўлиб кетдими ?

- Билмадим , Али ака... Сиз туфайли ҳаётимга бирдан маъно кирди. Авваллари адамлардан кейин ўзимни бу дунёда шунчалар ёлғиз ҳис қилган эдим- кии , энди эса...сиз туфайли , сиз бор учун ҳар лаҳзам бахтга тўлиқ бўлиб ўтмоқда. Сизга турмушга чиққанымдан кейин ўша дастлабки кундан кейин юрагим безовта қилмаган эди. Бироқ ҳали зинадан йиқила туриб ... То зинадан отилиб тушгунимча гўёки бир умр яшагандек бўлдим. Ўша умрда сиздан ажралиб қолишни шунчалик истамадим-ки.

Бир вақтлар бадий китобларда маслаҳат қабилидаги сўзларни кўп ўқиган эдим. Айтишларича аёл киши эркак кишига кўнглини ёрса, яъни "Сизни жуда яхши кўраман" деса қадри пасаярмиш. Муҳаббатнинг қадри айтилмаганда қийматли эмиш. Ким билсин ? Балким бу гапларда жон бордир. Ахир бундай гаплар бекорга қайта- қайта такрорланмайди- ку. Аммо шуларни билиб туриб ҳам ҳозир , айнан шу топда сизга айтмоқчиман... Агар мендан воз кечсангиз ўлганим ўша...

- Райҳона ... Бу дейман комедия кўриш фикридан қайтамизми дейман.

Мангу муҳаббат ҳақида фильм кўрсак нима дейсан ? - деди Али унга меҳр билан боқиб сочларини силаганча , - ундан кейин ҳозирги сўзларингга жавобимни эшит.

Мен сени биринчи кўрганимда лол бўлиб қолган эдим. Ҳов ўшанда ярим кечаси уйингга ниқобда ўғринча кириб сени ўғриламоқчи бўлган вақтимда. Ўшанда сен жойнамоз устида Аллоҳга муножаат қиляпсан- у атрофингда минглаб нурлар сени эркалаётганга ўхшаб кўринган кўзимга. Кейин ўрнингдан туриб менга салом бердинг. Негадир ҳеч кўрққанинг йўқ. Қайтага мен жуда кўрқдим. Сени мажбуран олиб кетиб ўзимга никоҳлатмоқчи бўлганимда нима учундир индамай барчасига рози бўлдинг. Мен шунчалик саросимага тушиб

қолдим- ки. Кейин тўйимиз бўлди. Аммо бир нарсани билмайман. Қачон сени севиб улгурдим? Илк учрашувдами ? Аканг деб атаганим сенга буткул бегона эканлигини билганимдами ? Сен ҳам худди мен каби жабрдийда эканлигингдан хабар топганимдами ? Аммо ... Тўйимизнинг эртаси куни тобинг қочиб юзларинг девор рангига кириб кетганини кўрганимда сени қанчалик яхши кўришимни илк бора англадим. Сени йўқотсам яшашимдан маъно қолмаслигини туйдим. Бугун эса қўнғироқларимга жавоб бермаганингда ...

Райҳон... Сен шунчалар муаттар гулсан- ки. Бутун дунёнинг гулларини бир тараф қилиб оёқларим остига тўксалар ҳам биргина сенга арзитмайман.

Дунёда шундай нарсалар бор. Ҳеч қачон воз кечиб бўлмайдиган. Сен ҳозир "Мендан воз кечсангиз ўлганим ўша" дединг- а ? Яхшилаб эшитиб ол унда : "Сен абадий яшайсан, сабаби сендан ҳеч қачон воз кечмайман, хатто буни ўзинг сўраган тақдирингда ҳам. Негаки мен сен туфайли тирикман. Сен туфайли ҳаётга қайтдим. Энди эса яшамоқчиман. Сен билан...

- Али ака ...

- Ҳаа ...

- Кўнглим жойига тушди. Шу сўзларни эшитганим учун ҳам йиқилганимга ҳам рози бўлдим.

- Э гапингни қара-ю , айтганча оёғинг оғримаяптими ?

- Қимирлатсам оғрияпти.

- Унда жим ёт. Кино кўрамизми?

- Хммм ...

Али флешкадаги сақлаб қўйилган фильмлардан бирини танлаб , қўйилиш тугмасини босди . Ўзи Райҳона ётган узун диван- креслонинг ёнига кўрпача тўшаб ёнбошлади. Фильм бошланиб титрдаги ёзувлар кета бошлагач, Райҳона Алини чақирди:

- Али ака, ёнингизда ётсам майлими ?

Али жилмайиб унинг учун жойни қайтадан тўғрилади Райҳонани оҳиста қучиб ерга олди.

Райҳона Алининг елкасига аста бош қўйди. Фильм бошлангач икковлари экранга тикилишди. Аммо орадан ўн дақиқа вақт ўтгач Али Райҳонанинг бир текис нафас олиб уйқуга кетганини сизди. Сизгани ҳамона ҳаётидан рози инсонларда бўладиган шукр туйғусидан масрур кишиларга ҳос кулимсиради . Ўзининг ҳам шу топда қаттиқ чарчаганини сезиб аста кўзларини юмди. Кўп ўтмай унинг ҳам кўзларига уйқу чалмашди.

Экранда эса фильмнинг муҳаббат дардида ёнган икки ёш

ойга тикилиб хаёл сураётган саҳналари кета бошлаган эди...

Эрталаб Алининг телефони тонг сахардан жиринглаб уйғотиб юборди.

Али телефон экранига қараб ажабланди , сабаби қўнғироқ қилгувчи ...

16- ҚИСМ

Ёрқиной эди.

Али телефонни овозсиз режимга қўйди- да, ўзи бориб юз - қўлини чайиб келди. У хонага қайтганида Райҳона ҳам уйғонган , ёнидаги стул суянчиғини тутиб юришга ҳаракат қила бошлаётган экан.

Али илдамлик билан бориб уни елкасидан тутди. Райҳона унга суянганча секинлик билан туртиниб юра бошлади. Сал юришгандан кейин Алининг сабри чидамай Райҳонани ҳай-ҳайлашига қарамай даст кўтарди- ю , ювиниш хонасига қараб зипиллади.

Райҳона ҳам юз - қўлини чайиб олгач , Али уни ошхонага олиб келди. У аёлини ошхонадаги стулга ўтказиб , ўзи зумда нонушта тайёрлашга киришди. Нонушта устида Райҳона:

- Али ака , эрта сахардан ким қўнғироқ қилди ? - деб сўради қизиқсиниб , - ишхонангиздан сўрашдимми ?

Шундагина Алининг ёдига тонгги қўнғироқ тушди :

- Иии буткул ёдимдан чиқибди- ку, қўнғироқ қилган опанг эди.

Ҳозир...- у нариги хонадан телефонини олиб чиқар экан Райҳонага тагдор қаради,- уч марта қўнғироқ қилибди. "Суюкли куёвлари"да нима ишлари бор экан ?

Кўп ўтмай Алининг чақирув қўнғироғига жавобан у тарафдан "Алло" деган овоз келди . Али кўрсаткич бармоғини лабига олиб бориб Райҳонага "жим" ишорасини қилди-ю , ўзи телефонини овоз кучайтиргич режимига ўтказди.

- Алло , ассалому алайкум,- деди Али , - опа , сизмидингиз , узр қўнғироғингизни кўрмабман . Телефоним овозсиз режимда эди.

- Ваалейкум ассалом , Алихон . Яхшимисиз , яхши юрибсизларми ? Райҳона яхшими ? - деди Ёрқиной ўзини бағрикенг, меҳрибон она ролида кўрсатишга ҳаракат қилганча.

- Раҳмат , яхши юрибмиз , - деди Али "Яна нима гапинг бор?" деган оҳангда қуруққина қилиб.

Ёрқиной ҳам зийрак аёл эмасми, дарров мақсадга кўча қолди :

- Алихон, тинчликми ? Нима тўпалон қилиб юрибсизлар ? Райҳонани айтаман ?!

- Иии, опа Райҳонага нима қилибди ?

- Шуни билмоқчиман-да мен ҳам . Кеча кечқурун дугонам Карима "Қизингни шошилинич тиббий ёрдам марказида кўрдим . Оёғини гипслатиб олиб кетишаётган экан" деди. Бу хабар сабаб кечаси билан уйқум келмади.

- Вой, опа-ей! Нима бўлди дейсиз- у , аслида барча гапдан аллақачон воқиф бўлибсиз-ку. Ҳа эркатой қизингизни оёғи зинадан тойиб кетиб бироз лат ебди. Аммо кўрқинчли жойи йўқ. Шифокорлар бир ҳафтада "Ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетади" дейишди.

- Ўзи қани , унга ҳам қўнғироқ қилсам кўтармади?!

Али Райҳонага им қоқди:

- Маликаи Турандот ноз уйқудалар. Мен "Уйқусига халал бермай" деб уйғотмагандим. Униям телефони овозсиз режимда бўлса керак- да. Шунга қўнғироғингиз эшитилмаган.

- Ҳа яхши бўлса бўлгани. Алихон , бу дейман Райҳонанинг оёғи гипсда бўлса руҳсат берсангиз хафта , ўн кун бизникида тура турса бўларкан . Иссиқ - совуғидан ўзимиз хабардор бўлиб турардик. Ҳар ҳолда бу ерда мен бор , Иноят опа бор. Сиз бўлса ишлик одамсиз. Қизимга қараш учун ҳар икки соатда ишдан уйга чопа олмайсиз- ку ?!

- Ҳаа опа , тўғри айтдингиз. Ҳар икки соатда ишдан уйга чопа олмайман. Шу сабаб ўн кунга таътил олдим. Ўзим ҳам анчадан буён ишимдан таътилга чиқмагандим.

Сизга эса чексиз ташаккур. Борингизга шукр , опа.

- Оббо, Алихон-ей ! Чаққонсиз-да чаққон ! Майли кўнглим жойига тушди. Қизимнинг соғлиғини сизга ишондим. Юрак дориларини ҳам вақтида ичишини назорат қилиб туринг- а ? Ўзим ҳам тушларга бориб бир хабар оларман.

- Райҳона иккимиз сизни уйимизда кўрсак ҳурсанд бўламиз , опа. Келсангиз бош устига,- Али шундай деб Райҳонага қараб чуқур уфф тортди.

- Бўпти учрашгунча,- Ёрқиной ҳам гапни калта қилақолди.

Али телефони тармоқдан узилганига амин бўлгач ,
Райҳонага юзланди :

- Ана ҳадемай уйимизга "нозик" меҳмон қадам ранжида қилар эканлар. Тайёргарликни кўрайлик бўлмасам , яна уятли бўлиб қолмайлик.

Райҳона унга жавобан индамади , аммо опасининг ташрифи малол келаётгани юз- кўзларидан аён эди.

- Райҳона , ростан ҳам , опанг келиб у бу нарса егин деб қистаса емаслик учун бирор баҳона топиб қўйгин. Эҳтиёт бўл, айтишади- ку, "Ўзини асрагани Аллоҳ ҳам асрайди" деб.

Райҳона эрига эътироз билдирмади . Унинг сўровларига бир оғиз :

- Хўп бўлади , сиз нима десангиз шу , - деди халос

@Xazon_Rezgi

#ҚАСД

Сардор Қораевнинг таҳлил натижалари кўнгилдагидек "чиқмади" . Зоиржон Тоиров унга бир курс интенсив муолажа тайинлади.

Қораев шифокорнинг "Соғлом ҳаёт " клиникасининг муолажаа стационарида ётиб даволаниш таклифини рад этди -ю , аммо у томонидан тайинлаган дориларни уй шароитида мунтазам қабул қилиш тадориғига киришди. Зоир Тоиров ёзиб берган саккиз турдаги дориларнинг учтаси "ташқи"

дорихоналарда топилиши қийин бўлган дорилар экан. Тоировнинг тавсиясига кўра Қораев ўша дориларни айнан Тоировнинг ўзидан олишни маъқул деб топди.

Асад Акбаров дўсти Сардорнинг шифокор Тоиров кўрсатмасига кўра у ишлайдиган клиниканинг ўзидан олган дориларнинг айнан иккитаси Райҳона қабул қиладиган дорилар билан бир хилда эканлигини кўриб, улардан ҳам дарровда намуна олиб ҳар доимги текширтираётган лабораторияга олиб борди.

Бу сафар таҳлил натижаларига хулосани айнан Асад Акбаровнинг ўша кимёгар профессор дўсти Шавқиддин Одиловнинг ўзи тақдим этди:

"Препарат "Кардиостим"- Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган. Ўн саккиз хил табиий гиёҳлардан мувофиқ нисбатда тайёрланган. Кейинги уч йил ичида соҳанинг етук мутахассислари тамонидан юрак билан боғлиқ хасталикларни даволашда энг самарали дори воситаларидан бири тан олинди. Мазкур препарат Ҳиндистоннинг ўзидан ташқари Исроил, Хитой , Америка Қўшма Штатлари, Франция , Англия , Болтиқбўйи давлатлари , Россия , Қозоқистон ва албатта Ўзбекистонда муваффақиятли синовдан ўтган"

Шавқиддин Одилов таҳлилни Асад Акбаровга тутар экан мийиғида жилмайди:

- Ажойибсиз-да , дўст. Бу ишингиз ҳудди шогирдини имтиҳондан ўтказаетган устознинг ишига ўхшайди. Рад этишга шошилманг. Бу дорининг фойдаси ва таркибини мендан кўра ўзингиз яхшироқ биласиз. Ахир "Зар қадрини

заргар билмай ким билсин", шунингдек "Кардиостим" нинг фойдасини донғи чиққан кардиолог Асад Акбаровга таъкидлаш ўзи шартмикан ?

Акбаров мийиғида кулимсиради :

- Шундайку-я, хабарингиз бор ўтган сафар Мардонбековага берилган дори флаконига ҳар хил қўшимчалар қўшилган эди. Ўз- ўзидан бу сафарги дорининг таркиби мени қизиқтириб қўйгани шундан. Мақсад битта саволга жавоб олиш эди: Зоиров барча беморларга Мардонбековага қилгани каби "меҳмоннавозлик" қилармикан ёки йўқ ? Бугунги таҳлил шуни кўрсатди- ки , ҳозирча Мардонбекова "қўшимчалар" қўшилган "Кардиостим" учун ягона харидор. Ҳар ҳолда шундай деб умид қиламиз.

Бевосита "Кардиостим"нинг ўзига келадиган бўлсам , тўғриси айтиш керак. У менинг мижозларим учун ҳамёнбоп эмас . Таъбир жоиз бўлса, тан олиб айтиш керак- ки яхшигина қиммат . Менинг ишимда энг яхши натижаларга эришишнинг оёқдан чалаётган салбий жиҳати ҳам айнан шу.

Ахир касаллик инсонга танлаб ёпишмайди-ку, "Бу инсоннинг пули бор , бунисиникининг пули йўқ" деб . Қанчадан қанча жовдираб боқётган қора кўзларга "Фалон пулингиз бўлса тузаласиз , бўлмасам тақдирингизга жимгина тан бериб кетавering " деёлмасам . Бироқ мени битта нарса юпатмоқда. Кейинги йилларда юртимизда бойлар кўпаймоқда . Бой бўлганда ҳам саҳоватли бойлар . Шундайлардан уч киши мени оддийгина , мўъжазгина шифохонамга ёрдам қўлини чўзиб туришибди. Мени энг таъсирлантирадигани нима биласизми ? Уларнинг "Ёрдам ким тарафидан берилаётганини ҳеч ким билмасин , шунда қилаётган эҳсонларимизнинг ажри янада ортади" дейишгани.

Мен ҳам ана шу саҳоватпешалар кўмагига таянган ҳолда иккита беморимга ана шу препаратни тавсия қилмоқчиман.

- Гапларингиз мутлақо жўялик, Асаджон,- деди ўйчанлик билан Одилов,- биласизми , яқинда бир даврада ғаройиб суҳбатга гувоҳ бўлди. Унда бир киши замонавий табобатга оид қаттиқ эътироз билдирди. Гапларида эса жон бор эди. Айтишади- ку , "Тўғри гап тукқанингга ёқмайди" деб. Балки шунинг учун ҳам ўша инсоннинг сўзлари жон- жонимдан ўтиб кетгандир.

Унинг айтишича бир хасталикка чалиниб кўринмаган шифокори қолмабди. У шифокордан бунисига , бунисидан унисига қатнаб обдон силласи қурибди. Охири кимдир номи чиққан бир клиникани манзиллини берибди. Манзилга етиб , тавсия қилинган малакали шифокорга учрашган ҳалиги одамга "Аввал таҳлил топширинг" дейишибди ва у ўтилиши керак бўлган таҳлилларнинг рўйхатини тутқазишибди.

Рўйхат эса шу қадар узун экан- ки , уни топшириш учун яна бир неча кун кетибди. Ҳали инсон менга "Домлажон, бунча таҳлил натижаси кўлимда турганидан кейин менга шифокорнинг ҳам кераги йўқ. Танамда қайси касал менда бор , йўқлигини мана шу қоғозга қараб ўзим ҳам билиб олавераман. Мени сизга мурожаат қилишимга сабаб бу эмас, бутунлай бошқа нарса. Хўп мен- ку майли , фалон пуллик шунча таҳлилни ҳисобини чўнтагим аранг амал- тақал қилиб кўтарди. Аммо оддий ишчи ёки ҳизматчи таҳлил учун пулни қаердан олсин ? Бу ёқда рўзғор , бу ёқда бола - чақа ташвиши бўлса. Мен бу гапларим билан лаборатория таҳлиллари сонини камайтиришсин демоқчимасман , улар қанчалик кўп бўлса даволаниш шунчалик самарали бўлишига шубҳам йўқ. Бироқ юқорида айтганимдек барча мижозларнинг чўнтаги бундай ҳаражатни кўтармаслиги кафтдек аён. Муаммога чора излаш керак , менимча. Фикри ожизимча ана ўша

таҳлилларни сифатини пасайтирмасдан , нархини ҳамёнбоп қилиш керак.

Энди яна бир масала. Аёлим кўпдан буён аёллар шифокорига қатнайди. Шифокори битта кўрик ва муолажаа учун фалон пул олади. Яқинда ҳар доимгидек яна муолажаа олиш учун ўша шифохонага борганди. Аммо бу сафар масканнинг файе, коридор , ҳар бир муолажаа хоналарига кузатув камералари ўрнатилибди. Ҳар бир эшиқда катта - катта харфлар билан ҳизмат таннархи ёзиб қўйилибди ва "Ҳизмат ҳаққини кассага бориб тўланг, квитанцияни даволовчи шифокорга топширинг !" деган ёзув илинган эмиш.

Аёлим кассага борса ҳизмат учун арзимаган пул олиб , чек ёзиб беришибди. У бир ҳайрон бўлибди , бир хурсанд.

Тамошанинг қизиғи кейин чиқибди. Ҳар сафар тилидан бол томиб минг айланиб , минг ўргилиб кутиб оладиган гинеколог шифокор аёлимни бу сафар қовоғидан қор ёғиб қаршилабди. Нарибери муолажаа қилибди. Муолажаа вақтида ҳам турли гапларни гапириб уни шунчалар жеркибдики, ҳар бир сўзига нақд илон пўст ташлар эмиш.

Аёлим ҳайронмиш, гуноҳи нимадалигини ҳеч тушунмабди. Чиқиб кетар олдида ҳалиги шифокор аёл унга дори ёзиб бераман деб столи ёнига чорлабди. У яқинлашгач стол устидаги катта канцелария дафтарини очиб "ўқи" деган ишорани қилибди. Дафтарнинг ичида "Марҳамат қилиб нафис ҳаракатлар билан билинтирмай тортмамга икки юз минг ташлаб кетинг" деб ёзилганмиш .

Бунга нима дейсиз энди?

Аёлим ўша шифокорни жуда яхши кўрарди. Ҳозир эса "Нафсининг қули" деб номини эшитишни ҳам истамаяпти .

- Ҳаа , ўша инсоннинг гапларида жон бор,- деб жавоб қайтарди Асад Акбаров,- Не ажабки , оқ ҳалат кийган кўнгли қоралар шарафли касб шаънига доғ тушириб юрганлари йўқ эмас. Бироқ бундайлар озчиликни ташкил этса-да , улар орасида бизнинг ҳам номимиз қорага чиқиб қолгани чатоқ.

- Шундайлардан биттаси Зоир Тоиров а? - Одилов Асад Акбаровга саволли боқди , - Асаджон , бу дейман ўша газандани қандай қилиб қўлга туширмоқчисиз ?

Акароров муғомбирона кулимсиради :

- Менми ? Мен унинг йўлларига шундай тўр тўқий бошладим-ки... Ҳализамон томошанинг зўри бошланади.

- Ўўў, қизиқтириб қўйдингиз- ку , дўст ?! Менга ҳам билет борми томоша учун ? - Одилов Асад Акбаровга им қоқди.

- Эээ сизсиз томоша томоша эмас , сизга жойни энг биринчи қатордан буюртма қилганман . Ҳали кўрасиз ...

17- ҚИСМ

- Бу мен учун ҳам қизиқ , - қўлларини кенг қилиб ёйди Шавқиддин Одилов,- кутаман унда.

Ёрқинойнинг сабр косаси тўлиб , қирғоғидан тоша бошлади.

Райҳонанинг кутилмаганда оёғидан жароҳат олиши унинг барча режаларининг "белига тепганди". Гарчи "Суюкли куёви" Али Райҳонанинг ўн кунларда тузалади деган бўлишига қарамай мана икки хафтадан ошиб учинчи хафтага ўтяпти-ки , унинг тузалишидан ҳали ҳамон дарак йўқ.

Ёрқинойнинг ўзи шу кунлар ичида Райҳонадан хабар олгани тўрт мартаба борди. Гарчи Райҳона "Нимагадир ҳеч тобим бўлмапти , оёғим оғригани майли , аммо юрагим кўп безовта қиляпти , нуқул ҳаприқиб ўйнагани-ўйнаган" деб бир неча мартаба таъкидлаётган бўлса-да , Ёрқинойга ҳеч ундай бўлиб кўринмади. Нима учундир Райҳона унда образга кириб роль ўйнаётган киши таассуротини қолдирди. Балки шунинг учун ҳам қизининг ранги синиқиш ўрнига қайтага тиниқлашиб , юзлари тўлишгандек бўлиб туюлди .

У нима бўлган тақдирда ҳам бошлаган ишини охирига етказишга қатъий қарор қилди. Шу сабаб ўзича пухта деб ҳисоблаган режаси бўйича Райҳонанинг шифокорига кўришиб олмаса бўлмаслигини айтиб , эртанги кун кечки соат ўн саккизларга шаҳар чеккасидаги анчайин сокингина ҳисобланган "Икки дил" кафесига учрашув тайинлади.

Шифокор у билан учрашувга бажонидил рози бўлгач , у "Икки дил" маъмуриятига қўнғироқ қилиб алоҳида хона , яъни "кабинка"га буюртма бериб жойни брон қилиб қўйди. Ёрқинойнинг илтимосига биноан у ва унинг қадрли меҳмони учун энг охирги ўн иккинчи хона банд қилиб қўйилди.

Ёрқинойнинг шифокор билан учрашуви ва ундан сўнг кафе маъмуриятига қўнғироғи ёзилган овозли хабар Алининг рақамига келиб тушгач , у дарров барчасидан тоғасини хабардор қилиш учун унга қўнғироқ қилди.

Эртаси куни соат ўн олтиларда "Икки дил"га ташриф буюрган ўрта ёшлардан каттароқ бўлган жуфтлик, кафе ҳовлисини айлана туриб, унинг охири хонасини танлаб қадам босганларида орадан беш дақиқа ўтмай дастёр йигит зипиллаб келиб бу жой бугунги оқшом учун бандлигини айтиб улардан қўлини кўксига қўйганча узр сўради.

- Узр , биз ҳам билмагандик. Бугун тўйимиз бўлганига йигирма йил бўлди. Шунини ҳолироқ жойда нишонлаб , босиб ўтган умр йўлларимизни бирга хотирламоқчи эдик.

Бундан олдинги хона бўш бўлса ўша ёққа кўчишимиз ҳам мумкин , - жилмайди аёлини олиб келган эркак .

Улар дастёр йигитни жавобини кутиб ўтирмай тезда ташқарига йўл олишди.

... Ўн иккинчи хона деразасининг карниз қисмида эса миттигина мультивидеокамера "Чақмоқ"дан сюрпиз бўлиб қолганлигини тахмин қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

...

Айтилган вақтда "Икки дил"кафесидида биринчи бўлиб Ёрқиной бўй кўрсатди.

У "Икки дил"га кўп ташриф буюргани учун баланд бигиз пошнали туфлисини таманнолик билан тақиллатиб қадам ташлаганча тўғри ўзи буюртма берган хонага бемулозамат кириб келди.

Ёрқиной стол устига у бу нарса буюртма берган вақтда Зоиржон Тоиров ҳам уни кўп интиқ қилмай кела қолди.

- Салом бердик , гўзалларнинг дилбари ! - деди у ўктамлик билан Ёрқинойнинг ўнг қўлини кафтлари орасига олиб оҳиста лаб босар экан кулимсираб , - ёки дилбарларнинг гўзали дейиш жоизмикан ?

- Ўтган сафаргидек опа демасангиз бўлди , - ним табассум қилди Ёрқиной , - қолган барча таърифлар ўз ихтиёрингизда.

- Шу кўнглингизнинг нозиклигига беш кетаман-да беш кетаман , - қошини учуриб ҳушомад қилди Зоиржон Тоиров,- аммо аслида қарашларимиз бир экан. Мен ҳам "Аёл кишининг ёши қоғозда ёзилгани эмас , балки ўзини неча ёш деб ҳисоблашида" дейдиганлар тоифасиданман , - Зоиржон Тоиров дастёр келтирган муздек колани аёл ва ўзининг бокалига кетма- кет қуяр экан, гўёки оламшумул янгилик кашф қилгандек қаддини янада кериб қўйди.

- Йигит , бу гаплар кейин майлими ? - деди Ёрқиной бугун Козим акаси билан пинҳона учрашуви борлигини хаёлидан ўтказар экан бу мавзуда ортиқча "ўтлаш"ни истамади,- аввал иккимизга тегишли ва манфаатли масаламизни ҳал қилиб олайлик , қолган гапларни "иш" битгандан кейин "ювиш" баҳонасида алоҳида учрашганимизда бафуржа гаплашамиз .
О кей?

#ҚАСД

- Ёмонам ишнинг кўзини биладиган , "Бизнес вуман" аёлсиз-да ! Биламан, сиздекларнинг ҳар бир дақиқаси пул туради. Аммо- чи шу ўринда бир гап айтаман . Бировни мақташ , тан олиш менинг табиатимга зид нарса. Очиғи бу нарса гўёки ғуруримни синдиргандек бўлади. Бироқ айни вақтда бир нарсани айтмасам бўлмайди. У ҳам бўлса сизга тан берганим ва сиздан , ҳа , ҳа, айнан сиздан кўп нарсани ўрганганим.

Мен вақти келиб бундай гапларни (тан беришимни айтяпман-да) аёл кишига нисбатан айтаман деб ҳеч қачон ўйламаган эдим. Аммо бу - ҳаёт ...

Ҳаёт деганлари бизни нималарга мажбур қилмас экан- а ...

Зоир Тоиров тин олди:

- Энди мақсадга ўтсак ҳам бўлар,- деди у сўзида давом этиб,- Буюртмани бажариш учун қизни келаси хафта офисимга олиб келишингиз керак бўлади. Очиғи бу ўйин ўзимнинг ҳам жонимга тегди. Айтишади- ку, кунда бир ўлгандан кунда бир ўлган афзал деб.

- Тўғри айтасиз, Зоиржон . Менга келсак, мен ҳам одамга ўхшаб нафас олмоқчиман . Шу масала худди мажбуран эгилтирилган бўйнимга ялонғочлаб осиб қўйилган ўткир қиличга ўхшайди. Ҳа деса "Жароҳат олмасмиканман , ноҳос

лат емасмиканман , бехит қутила олармиканман" деб на еяримда ҳаловат бор , на ичаримда.

- Қирқига чидадик , энди охириги қирқ бири қолди. Насиб қилса бир хафтадан кейин елкамиздаги тошдек зил юқдан қутиламиз.

- Айтганча бу ишни қандай амалга оширамоқчисиз ? Тўғриси айтсам бу қизни жони бирам қаттиқ, бирам савил экан- кии. Мени ҳисобим бўйича "Юраги касал" деган ташхис билан шунча қилган саъй - ҳаракатларимиз уни аллақачон асфаласофинга жўнатиши керак эди.

- "Унинг юраги жудаям қаттиқ касал эмас" деб неча маротаба таъкидлагандим- ку... Бу ҳаракатларнинг бари финиш- марра чизиғига етиб олиш йўлидаги оралиқ босқичлар эди. Шу даврга қадар ошни дамлаш учун тун- кун ором нималигини билмадик. Энди уни сузиш қолди. Шу фақат ...

- Нима фақат ? - Ёрқиной Зоир Тоировга саволли тикилди ва саволини такрорлади , - нима шу фақат ?

- Фақат ошни сузишдан аввал уни тобига келтириб дамлаган ошпазнинг ҳизмат ҳаққини бериб рози қилсангиз бўлар эди. Шунақа гап бўларди- ку, "Ҳизматчиларингизнинг ҳаққини пешоналаридаги терлари қуримасдан беринг" деган

- Бунга шубҳангиз борми ? - кўзларини сузиб тикилди Ёрқиной,

- ўша гап - ўша гап! Иш битишидан уч кун аввал юз минг кўки қўлингизда бўлади , битиши билан яна қолган юз эллик мингни оласиз . Худди келишганимиздек.

- Келишувимиз шартлари бузилди- ку, хоним ! Менга ундоқ қараманг ! Сиз ишни бирдан тугатасан деб қисталанг қиляпсиз ? Мен бу шароитда керакли "даво"ни тезлаштиришимга тўғри келяпти. "Дори"ни тезкор олишим учун ҳам менга яна озроқ муллажиринг керак бўлади .

Ёрқинойнинг қошлари чимирилди :

- Қанча ? - деди у Тоировнинг сўзини шарт бўлиб

- Яна эллик !

- Битта гап айтайми ? - деди лаблари гезарганча Ёрқиной , - мен сиз таърифлаганча ишнинг кўзини биладиган аёл эмас эканман . Бўлмасам , битта қизни бир ёқли қилиш учун салкам тўрт юз минг доллар сарфлайдиган аҳмоқ бўлармидим ? Ундан кўра шу пулнинг ўндан бирини бирор пулга муҳтож жулдирвоқига тутқазганимда шу чоққача битта автоҳалокат ташкил қилиш билан ишни бир ёқли қилар эди.

- Хоним, ишдан ишнинг фарқи бор . Бу ёғига ...

18-ҚИСМ

энди сўнги штрихлар қолганда кўнгилни бузманг-да сиз ҳам. Бунақа гаплар асосий ишдан чалғитади. Мен аввалам бошида шу таклиф билан келганингизда ўзим ҳам дарровда рози бўлганим йўқ-ку. Кўндирмагунча қўймаган ўзингиз. Бу иш туфайли дорга тикка тўғри бораётган махбус сингариман.. Менга ҳам осон деб ўйламанг.

Қизнинг ҳаётига нуқта қўйиш билан иш тўхтади деб ўйлайсизми ? Қаёқда ? Ана ўшандан кейин бошланади-ку асосий чоп-чопларнинг бари.

Ҳали йигирмага кирмаган қиз , хўп ана келинчак тўппатўсатдан оламдан ўтар экан-ку , мутасадди ташкилотлар "Нима қиламиз энди , пешонада бори шу , етган ажал-да..." деб шундоқ қўйиб қўярканми ? Марҳуманинг (Ёрқиной Райҳонани маҳрума тасаввур қилиб сесканиб кетди. Тоиров буни сезиб яна бир бор такрорлади) ҳа айнан марҳуманинг сочининг учидан тирноғигача хўпам текширишганда туриб бериш учун ҳам ишни бошидан фаросат билан қилиш кераклигини эслатмай қўяқолай.

Умуман олганда ўртага тикаётган пулингиз нимага ва нималарга арзишини мен ҳам , сиз ҳам биламиз . Шунинг учун мушук - сичқон ўйинини ўйнашни бас қилсак-да , баҳамжиҳат ишга киришсак.

Йўқ десангиз , янаям ўзингиз биласиз . Орамиздаги суҳбатни бўлмади деб ҳисоблаб қўяқоламиз.

Ёрқиной унга индамай тикилди . Кўнглидан ғижинганча "Кўзланган иш бир ёқли бўлсин-у , ишқилиб шу билан бетинг тескари бўлсин" деган ўй ўтди. У шифокор ўзининг энг нозик жойидан тутганини тушуниб турар эди. Шу билан бирга ораларидаги ўзаро шартномани ҳеч қанақасига бекор қилолмаслигини, бунинг учун энди жуда кеч қолгани ва бундан буёғига Тоировнинг ноғорасига ўйнашдан бошқа

иложи йўқлигини яхши англаб турар эди.

Ёрқиной бир амаллаб ўзини қўлга олди :

- Йигит , мен аёл бўлсам ҳам мижғов эмасман. Бир ишни бошладимми охирига етказмасдан қўймайман. Зағча қушга ўхшаб у шохдан бу шохга сакрайвермайман. Ишингизни моҳиятини тушунмаган эдим , мана тушунтириб қўйдингиз. Энди тушунганимдан кейин шу тўғрида яна бир сўз десам одаммасман.

Майли сиз айтганча бўлсин . Яна эллик қўшаман. Аммо бу энг охиргиси,- Ёрқиной шундай деб Зоир Тоировга синовчан тикилди , - ваъда қилинган препарат қачон келар экан ?

- Пулни ҳисобига ўтказма қилишим билан ярим кун кун ичида. Аммо ундан кейин бу ёғини тезлаштиришимиз керак. Қиз клиникага келганда уни бир амаллаб чалғитиб тилини тагига ўзини бошқара олмайдиган қилиб қўядиган томчи дори томизаман. Беш дақиқаларда мазаси қочади . Ўшанда тез ёрдам кўрсатиш мақсадида инекцияни томирига ураман.

Қарабсиз- ки, масала ҳал. Бу уколни олгандан сўнг қизнинг аҳволи ҳақиқатдан ҳам яхшиланади. Хатто аъло даражагача боради дейиш мумкин. Акс таъсир икки кундан кейин иш бошлайди.

Энди "Шунча пулни бекорга сарфлаяпман" деган ҳавотирга бормаслигингиз учун шуни айтаман- ки , қиз боқий дунёга риҳлат қилгандан кейин ҳам унинг ўлими сабабини ҳеч ким топа олмайди. Препарат ўз ишини бажариб , қон ва мушақда из қолдирмай ўзи тери орқали чиқиб кетади. Таҳсинга сазовор тарафи у юракни эмас , жигарни ишдан чиқариш орқали ўз ақлли механизмини ишга солади. Салгина шубҳага

борганлар ҳам юракдан қилдек айб топа олмайдилар. Ана шунақа ...

Тоировнинг охири сўзларидан Ёрқинийнинг чеҳраси ёришди.

- Бугунчалик ёнимда юз эллик минг бор эди, - у сумкачасини очиб бир даста пулни стол устига қўйди, - юзи сизники, эллиги дорига.

Сиз эрта билан дарров тўлов қилинганда дорини нақд қилиб қўйинг. Дори қўлингизга келиб тушгач "Харидоримиз"га қўнғироқ қилиб бирор баҳона билан чақиртиринг. Аммо баҳонангиз ишончли бўлсин. Мен ҳам бу тарафда бўш ўтирмай отга қамчи босаман. Келишдик-а? - Тоиров пулни санамай катмонига солар экан "Келишдик" деган ишорани қилди, - хўп энди, омад. Турдик бўлмаса. Қани олайлик, олдирмайлик.

Икки мунофиқ қўлларини юзларига сийпалаганларича ўрниларидан қўзғалишди.

Дастурхон устида ярми ичилган кола ва қошиқ урилмаган таом шундоқ қолиб кетди.

Ёрқиний билан Зоиржон Тоиров ўн иккинчи хонани тарк этишгач, орадан ярим соат ўтмай "Икки дил"да бундан уч соат бурун ташриф буюрган таниш жуфтлик

#ҚАСД

қайтадан пайдо бўлди.

- Менга қаранг , ука , - деди бояги эркак ҳовлиққанча , - ҳали аёлим билан мана бу ўн иккинчи хонага , ундан сўнг ўнинчи хонага кирган эдик. Тўғриси айтишга ҳижолатмиз-ку, аммо айтмасликнинг ҳам уддасидан чиқа олмаяпмиз . Хуллас , шу бугун аёлимнинг қулоғидан бир пой зираги тушиб қолибди. У зирак жудаям қимматли эмасди- ку , аммо бениҳоя қийматли эди, яъниким аёлимга раҳматли онасидан хотира эди. Мана унинг бир пойи, - деди эркак кафтидаги бир дона мўъжазгина зиракни дастёр йигитга кўрсатар экан , - руҳсат берсангиз шу хоналарни бир кўздан кечирсак , ҳарқалай "Чиқмаган жондан умид-да"

Эркак ғилтиллаб қараб турган аёлига ҳайриҳоҳ нигоҳ ташлади.

Дастёр йигит тавозе билан "кабинка" эшигини очиб йўл берар экан , аёл йигитга илтижоли назар ташлади :

- Ўғлим , менинг юрагим ўнинчи хонада деяпти , илтимос ўша ерга борайлик

Дастёр йигит аёлнинг ҳокисор жилмайишига қараб "Йўқ" дея олмади. Бахтига ҳар икки хона ҳам бўш эди.

Аёл йигит ҳамроҳлигида ўнинчи хонага энди қадам босган ҳам эди- ки , ортидан жуфтнинг шодон овози эшитилди :

- Айтмабмидим , биринчи кирган хонамизда деб ! Сен бўлсанг нуқул "Кўнглим, кўнглим" дейсан! Хотин деган эр деганни гапига хўп деса-да !

Эркак кафтидаги бир жуфт зиракни аёлига узатиб кулимсиради :

- Сал қолса байрам татимас эди-я , онаси. Аммо лекин шу зирак ҳаппа-ҳалол пулга келган экан. Чиқишинг билан столнинг оёқлари остига шундоқ энгашган эдим , ялт қилиб кўзимни олди-я.

Аёл эрига "Мен сизга нима дегандим ?! " деган мазмунда ҳурсанд термулди.

Эр-у хотин дастёр йигитга қўярда - қўймай "Суюнчи" деб битта эллик мингталик сўм тутқазишди-ю , ўзлари ўзаро мамнун жовур- жовур қилганча ташқарига равона бўлишди.

Улар кўчага чиққач аёл жуфтига қошларини кериб муғомбирона гап қотди :

- Эй ўргилдим ишингиздан . Мениям туппа - туззук ёлғончи қилдингиз . Кулиб юбормаслик учун ўзимни зўрға ушлаб турдим." Ёлғончи ёлғон гапирганда бурнини учи терлайди" деган гап рост экан , қаранг маржон - маржон тер босганини.

- Эй хотин , билмайсан-да ҳозир қанчалик савоб иш

қилганингни , - деди Сардор Қораев машинасининг эшигини очар экан, - мана шу ёлғонинг бир муштипар қизнинг ҳаётини сақлаб қолиши тайин. Энди кетдик , сени ростдан ҳам меҳмон қиламан.

Сардор Қораев машинани ўрnidан жилдирар экан , аёлига шўхчан гап ташлади :

- Айтганча , тўйимизни неча йиллигини нишонлаймиз бу йил ?

Аёл эрига муштини дўлайтириб ёлғондакам пўписа қилди :

- Ҳозир мендан кўрасиз !

@Xazon_Rezgi /54

#ҚАСД

Сардор Қораев етказиб келган маълумот юзасидан Асад Акбаров, Розик Рафиқович ва Али Шохруҳларникида алоҳида йиғилишди. Улар эҳтиёт юзасидан маслаҳат учун Алиларнинг уйига бориш фикрини четга суришди.

Қўшни хонада Райҳона ва Зулхумор эркакларга ҳалақит бермаслик учун ўзаро суҳбатга киришдилар .

Кеч бўлиб қолган бўлишига қарамай йиғилган барча эркаклар Сардор Қораев дўндириб яширинча тасвирга тушириб келган видеони кўришга ҳовлиқар эдилар.

Сардор Қораевнинг ўзи ҳам мазкур видеотасвирнинг бошланишидан бир шингил кўриб , қолгани кўришга тоқати етмаган эди.

Видеотасвирнинг Ёрқиной хонага кириб келган жойидан бошлаб кўра бошладилар. Даврадагилар икки муттаҳам нафс бандасининг ўзаро суҳбатларини тинглаган сари ранглари ўча бошлади . Айниқса Райҳонанинг ўлими шифокор томонидан уч юз минг АҚШ долларига баҳоланганини эшитиб Али ўзини тутиб туролмади . У столга зарб билан мушт туширди :

- Сенларга одам ўлдириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Бу икки маразни қутирган буқанинг оёқлари остига ташлаш керак !

Асад Акбаров Алига таҳдидли хўмрайди :

- Ўзингни бос ,- деди у шиддат билан ,- буларнинг режасини билдингми , демак Аллоҳга бир айтганинг бор экан ! Яна нима керак сенга ?! Агар барчасидан беҳабар бўлганингда нима бўларди ?

Тасаввур қиялпсанми ?!

"Оҳ , пешонамга ёзилгани шу экан- да!" деб кўз ёш тўкиб ўтирармидинг ?!

Шундай экан тек ўтир ! Ишни бузма ! Унутма , бу ишда сенинг ҳам керагинг борлиги учун шу ердасан . Агар ўзингни ушлашни , бошқаришни ўрганмасанг бизга қийин бўлади !

- Тўғри , - деди Сардор Қораев дўстини сўзларини маъқуллаб , экрандан кўзини узмаган ҳолда , - Қизимизни шифохонага эри , яъни сиз олиб боришингиз керак. Тоиров унинг оғзига лоҳас қилувчи томчи дорини солганида киши билмас тайёр туришингиз керак, сиз сабаби биз Тоировни Райҳонага айнан укол қилаётган вақтда барча далиллар билан қўлга олишимиз керак.

Али ука , - Қораев унга қаттиқ тикилди , - сиз шунга тайёرمىсиз?! Ҳа дейишдан аввал ўйлаб кўринг , операция вақтида Тоиров хаттоки чертилмаслиги , бир тола сочи ерга тушмаслиги керак. Сабаби бу шу чоққача қилган барча саъй - ҳаракатимизни йўққа чиқариши мумкин. Вақтики келиб бу иш судга оширилганда гумонланувчиларни оқловчи адвокатнинг қўлида бизга қарши бирорта қарши далил бўлмасин дейман. Хўш шунга тайёرمىсиз ?

Али "Ҳа" дегандек оғир бош силкиди.

Қораев қаддини керди :

- Демак , бундай қиламиз. Тахмин бўйича ...

19- ҚИСМ

Тоировга мол эртага тушдан кейин етиб келиши керак. Демак , у Райҳонани индинга эрталаб чақириш чорасини кўради. Чақирганда ҳам эрта сахардан эмас, тахминан тушликка яқин ёки айнан тушлик вақти тугашидан сал ўтиб йўқлайди. Сабаби ҳозир ҳаво иссиқ , ҳарорат ортган сари юрак бетоқат бўлаверади. Тоиров режалаштирган операция айнан шу вақтда ўтказиш учун энг мақбул ечим ҳисобланади.

Биз эса унга "ёрдамлашиб" юборамиз. Бунинг учун индинга тонг сахардан сиз, - Қораев Алига юзланди...

-"Ваниҳоят бугун барчаси тугайди, - туни билан уйқуси қочган Тоиров тонгнинг ёришишини анчадан буён бунчалик интизор бўлиб кутмаган эди , - энди ғалвирни сувдан кўтарадиган вақт келди. Шу иш тугасин қайтиб бу номаъқулни емайман. Битта инъекция ва шу билан барчаси тамом. Аммо Ёрқинойни бошлаб туширдим. Алоҳида дори буюртирдим деб яна эллик минг кўкини ундирганим зўр иш бўлди-да. Шу топган пулларим умримнинг охиригача еб ётиб яшашимга етади. Бирорта бизнесга тикиб қўйсам борми , ўз - ўзидан туғиб ётаверади.

Фақат шу бугундан ўтиб олсам бас. Қани энди календарнинг шу санаси йўқ бўлиб қолса. Қани энди бирдан эрта бўлиб қола қолса.

Қизиқ эртага шу вақтда нима қилаётган бўлар эканман.

Аммо бугун кечаси нима қилишни аниқ биламан. Ҳали ишдан келай бўккунимча ичаман. Бутун дунёни унутгунча ичаман. Эртага эса барчасини бошидан бошлайман.

Хуллас , ундан у ёғига ҳалол яшаганим бўлсин. Ҳали бўйнимга ўша қизнинг хуни тушадику, уни ҳам ювишим учун ҳалол яшамасам бўлмайди.

Қани , Зоиржон ҳазрати олийлари ! Бахтли келажак сари олға !"

Зоиржон Тоиров ширин тамшанганча ўрнидан туриб ювиниш хонасига йўл олди . Соқолини қиртишлаб, одати бўйича юз- кўлини совунлаб обдон ювди.

Ювиниб ,тараниб бўлган Тоиров аёли тайёрлаб қўйган нонуштани иштаҳа билан еди. Сўнгра аёлини ҳайрон қолдирганча куннинг иссиқлигига қарамай аччиқ кофе ичди-да, ишхонага йўл олди.

Зоиржон Тоиров ҳали йили тўлмаган оқ ласеттисига ўтирар экан "Шу ишдан қўлимга тушадиган пулимга биринчи ўринда машинамни янгилайман" дея ўйлади ва йўл- йўлакай амалдаги режасини яна бир бор пишитиб кетди .

У манзилга етиб қолганда телефони икки маротаба безовта жиринглади.

Тоиров шошилмай ласеттисини хар кунги машиналар қўйиш йўлагига тақаб ҳайдаб борди-да , уни тўхтатганидан сўнг салонни ичида телефонига назар ташлади . Шу пайт Зоиржонни "йўқлаётган" бегона рақам учинчи бора ўчиб - ёна бошлади.

- Алло ,- деди рақамга уланар экан Тоиров кўнглидан "Бу ким

экан?"деган саволни ўтказганча.

*- Алло ,- эркак кишининг ҳовлиққан овози эшитди тармоқдан
,- бу кардиолог Зоиржон оканинг рақамларими ?
Тоировнинг?!*

*- Ҳа, Тоиров мен бўламан, хўш ҳизмат ?- сўради Тоиров иложи
борича хотиржамликни йўқотмасликка ҳаракат қилганча.*

*- Ока , ман беморингиз Райҳона Мардонбекованинг эриман,-
деди овоз эгаси салом - аликни ҳам насиа қилганча ,- бизга
сизнинг ёрдамингиз керак.*

- Эшитаман ,- деди бир ютиниб олганча Тоиров , - нима бўлди ?

*- Райҳона билан кеча дам олгани тоғ ён- бағрига чиққандик.
Билмадим баландликка кўтарилганимиз учунми , кеча бироз
мазаси қочиб , сўнгра яна ўзига келганди. Бугун сахардан яна
аҳволи ёмонлашди. Қарасам бўлмайдиган. Кейин шаҳарга
қайтадиган бўлдик. Йўл- йўлакай битта ҚВПга киргандик.
Тилини тагига аллақандай тинчлантирувчи дори томизишди-
ю "Вақтни йўқотмай зудлик билан малакали шифокорга
етказиб олиб боринг" дейишди. Шунга ...*

*- Қанчада етиб келасиз ? - деди Тоиров суюниб кетганлигини
овозидан билдириб қўймасликка ҳаракат қилиб сўз оҳангига
ташвиш фонини қўшишга ҳаракат қилганча.*

*- Ярим соатга қолмай шифохонага етиб борамиз - деди Али
ҳамон ўша ташвишли оҳангда.*

- Тезлашақолинг унда , - деди Тоиров , - мен ҳам ҳаракатга тушдим

- Хўп , - шу сўз айтилиши билан алоқа узилди. Тоиров машинадан тушиб телефонини чўнтагига солмоқчи бўлаётганда қўнғироқлар бўйича суҳбатни ёзиб олувчи "запись" тугмаси босилиб қолганлигини кўриб илжайди.

"Ол қулим , - дегани шудир-да ўйлади у клиникага йўл олар экан , - йўлим ўз - ўзидан очилаётганига ўзим ҳам ҳайратда қолдим- ей"

@Xazon_Rezgi /56

#ҚАСД

Бино ичкарасида Зоиржон Тоировни учинчи хушxabар кутиб турар эди. Бахтига қабулида бирорта ҳам бемор кўринмас эди.

Тоиров тезда хонасига кириб Райҳонага "атаб қўйган" флаконидаги дорини яна бир бор кўздан кечирди. Унинг хонасида мазкур доридан еттита флакон бўлиб , улардан биттаси айнан бугунги кун учун махсус "ишлов" берилган эди. Санокда ўнгдан биринчи турган бу дорининг қопқоғига адашиб кетмаслик учун маркерда билинар - билинмас нуқта қўйиб қўйилган эди.

Тоиров Али ва Райҳонани кута бошлади. Ишига ҳалақит бермаслик учун қўл остидаги ҳамширани қабулхонага - назоратидаги бир беморни медицина картасини топиб келиш учун юборди. У маъсулиятсизликда айблаб қаттиқ - қаттиқ дашном бергани ўша ҳамшира ўзи сўраган картани яқин

соатларда олиб келмаслигини яхши билар эди, сабаби саралган ҳужжат куни кеча эҳтиёт чораси сифатида машинасининг ғаладонига яшириб қўйган эди.

Зоиржон Тоиров шу топда танаси бўйлаб енгил титроқ турганини ҳис қилди. У тезда сирини фош қилиб қўйиши мумкин бўлган қўлларига қаради. Танасидаги титроқ қўлларига ҳам кўчганлиги сабабли улар ҳам сезилар - сезилмас қалтирай бошлаганди.

"Ўзингни қўлга ол , Зоир , ўзингни қўлга ол , - ўзига далда бера бошлади у,- тез соатларда бари тугайди , ана ундан кейин ..."

Тоиров хона бурчагида турган музлаткичдан муздек газланмаган сувни олди. Ҳаяжон зўрлигидан баклажка тиқинини очиб , стаканга қуйишга ҳам сабри етмай шундоққина кўтариб ича бошлади.

Шу вақт хона эшиги тақиллади . Тоиров бир сапчиб тушди :

- Киринг , - деди у ташриф буюрувчининг кимлигини қалбан ҳис қилиб ҳирилдоқ овозда , - марҳамат...

Эшик очилиб остонада Райҳонани суяб олган Али кўринди. У кириши билан тилар- тиламас салом берганча қизни қаерга ўтказиш мумкинлигини кўзлари билан қидира бошлади.

- Бу ёққа , - Тоиров хона бурчагидаги ширма билан тўсилган тарафдаги кушеткани кўрсатиб.

Али Райҳонани оҳиста кушеткага ўтқизди. У йиқилиб кетмаслиги учун ўзи ҳам ёнига ўтириб елкасидан авайлаб қучди.

- Доктор, тезроқ,- деди ялинч оҳангда ёлбориб сўради Али , - у жуда қийналиб кетди.

Дарҳақиқат Райҳонанинг ҳақиқатдан тоби йўқлиги кўриниб турар , у оғзини каппа- каппа очганча зўрға нафас олар эди. Аъзои бадани дард исканжасида қовирилганлиги учун пешонасидан дувиллаб тер қуйилар , юзи ҳам терлагани туфайли сочлари қизариб кетган чеҳрасига тўзғиганча сувланиб бетартиб ёпишиб ётар эди.

Тоиров ўзини қўлга олиши шартлигини ҳис қилди. У тезлик билан Райҳонанинг юрак уришини текширди. Гарчи ҳаяжон қилаётган ишига тўсқинлик қилаётган бўлса-да , ўзини вазиятни меъёрда назорат қилаётган кишидек кўрсатишга уриниб лабини қимтиганча бошини сарак- сарак қилиб қўйишни унутмади.

- Вазият жиддий , - деди у ҳирқи овозда , -ҳозир ... Доно , Доно ! Қаерда қолди-я бу ҳамшира ?!

Тоиров тезда хона бурчагидаги муолажа столида турган томчи доридан пипеткада ярмидан кўпроқ олиб Райҳонага

яқинлашди :

- Қани аааа денг-чи ?

- Аааа дегин , аааа деворақол энди ?!

Али Райҳонага шундай деб уни бошини елкасига ола туриб унинг лабларини йириб оғзини очди :

- Мана ҳозиир Райҳонамиз опоқ бўлиб қолади.

Тоиров томчилатиб санаб ўтирмай пипеткадаги дорини ҳаммасини қизнинг оғзига тез- тез томизди:

- Оғизларини юминг . Дорини шимиб ютсинлар . Ҳозир енгиллашадилар . Энди битта укол қиламиз шу билан ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетадилар . Сиз қизимизни бошларини шундай ушлаб ўтиринг , мен зумда шприцга дорини тортиб тайёрлайман.

Тоиров яна ортига ўгирилиб тумба томонга йўл олди.

Али вақтдан фойдаланиб Райҳонанинг пешонасини артаётган рўмолчасини қизнинг лабига яқинлаштирди. Райҳона оғзидаги суюқликни рўмолчага овоз чиқармай туфлади.

Тоиров чаққонлик билан тезда шприцга дорини тортди. У ишни бажарар экан , ўзи мўъжалидаги флаконини адаштириб қўймаслик учун қайта - қайта текшириб кўришни унутмади.

Ваниҳоят у шприц билан Райҳонага яқинлашди.

- Қани асал қизим , энди енгимизни шимарамиз . Шу уколни олсак бўлдиини ...

Райҳона беҳол бош чайқади :

- Йўўқ... керакмассс ...- аранг шивирлади у

@Хазон_Rezgi

#ҚАСД

- Керак бўлмаса шу уколни қилармидим, - деди Тоиров шприцни бармоғи билан черта , черта - қўрқманг бу укол оғриқли, аччиқ укол эмас . Хаттоки игна санчилганини билмай ҳам қоласиз. Мана мени айтди дейсиз ...

Тоиров шу сўзларни айта туриб бир қўлида спирт билан хўлланган пахтани, бир қўлида дори тортилган шприцни тутганча Райҳонага яқинлашди.

У қизнинг бошига энгашди-ю , бирдан шу туришида тек

қотди.

Тоиров Алининг ўт бўлиб ёнаётган нигоҳларидан беҳад чўчиб кетганди.

- Райҳона ҳаттоки игна санчилганини ҳам билмай қолади шундайми ? - деб сўради таҳдидли овозда , - кейинчи , кейин нима бўлади ? Айт , мараз ?!

Тоировнинг ранги қув ўчиб кетди. Жонҳолатда ўзини орқага ташлади :

- Бу ... Бу нима деганингиз ? - дея олди аранг у ярим овозда кўзлари олайганча ...

Шу пайт хонага олти нафар киши бостириб кирди. Улардан иккита махсус форма кийгани чаққонлик билан Тоировнинг қўлини орқасига қайириб гавдасини қимирлай олмайдиган қилиб энгаштириб қўйишди.

Биттаси резина қўлқоп кийилган бармоқлари ёрдамида қўлга олиш жараёнида ерга тушиб кетган дорили шприцни олиб махсус полиэтилен халтачага солди :

- Мана иш битди , жаноби доктор , - деди у,- энди асосий айбловни жиноий қидирув бўлими ходимларидан эшитасиз .

Тоиров "Шу сўзларни айтган инсоннинг овози нима учундир таниш" деган хаёлда юлқинганча бошини кўтарди. Унинг қаршисида кулимсираганча бемори Сардор Қораев турар эди.

- Ўзимни таништиришга руҳсат бергайсиз , - деди Қораев хотиржам овозда , - истеъфодаги майор Сардор Қораев. Ҳамкасбларим учун эса шунчаки "Чақмоқ" ... Ҳа мен ўша "Икки дил" кафесида сиз ва ҳамтовоғингиз Ёрқиной Мардонбекованинг ҳуфёна суҳбатини видеотасвирга олдиртирган , Мардонбекова Райҳонани заҳарлаб ўлдириш учун Данил Гиниятулин билан олди - сотди учрашувингизни суратларга муҳрлатган , шунингдек Козим Иззатович Рихсиев билан Ёрқинойнинг бир қанча қора қилмишларини фош қилиш учун маълумот тўплаган Чақмоқман. Менда гапингиз борми ?!

- Сиз ... Сен ...- тили айланмай қолди Тоировнинг , сўнг нималарнидир ўйлаганча питирчилади , - буларнинг бари фараз мақсадда уюштирилган , кўролмаганликдан қилинган ишлар...

- Уюштириш?!- деди унга яқинлашган Асад Акбаров нафрат билан боқар экан. Уюштириш бу сизга ҳос иш Зоир Тоиров ! Ҳаммани ҳам ўзингизга ўхшатаверманг ?! Сиз ҳали ҳаммаси учун жавоб берасиз ! Абдувоҳид Камолов учун ҳам алоҳида жавоб берасиз !

Энди эса ўзингизга қўйилган айблов билан танишинг .

Акарбов бир қадам ортга чекинди .

Ўрта ёшлардаги қадди тик эркак Тоировнинг рўпарасига

келиб кўзларига қаттиқ тикилди:

- Зоиржон Тоиров! - деди у дона- дона қилиб гапирганча , - Сиз фуқаро Ёрқиной Мардонбекова , Козим Иззатович Рихсиев , Данил Гиниятулин билан биргаликда фуқаро Райҳона Мардонбекованинг жонига қасд қилишликда айбланасиз . Сиз айблов эълон қилинган кундан бошлаб ...

ўзингиз учун оқловчи танлаш ҳуқуқига эгасиз.

Огоҳлантириб кўяйлик. Ҳозирда оғзингиздан чиқаётган ҳар бир сўз сизнинг зарарингизга ишлаши мумкин.

Шу пайт очиқ эшикдан "Соғлом ҳаёт" хусусий клиникаси раҳбари Дониёр Ҳасанов кириб келди . У йиғилганлар билан аввалдан кўришган экан шекилли ҳеч бири билан саломлашмади. Тўғри Зоир Тоировнинг қаршига борди.

- Эссиз умр , - деди у овозида нафрат аралаш пушаймонлик билан Тоировга тикилиб , - эссиз одамгарчилик...

Мен Гиппократ қасами ҳақида гапирмоқчимасман. Энг оддий ҳаёт ҳақиқатини айтмоқчиман.

Ҳар бир тирик жоннинг эгаси Аллоҳ. Унга даҳл қилишга бандасининг ҳаққи йўқ.

Ҳаққи йўқ !

*Шунча ёшга кириб мана шу оддийгина ҳақиқатни
англамаган инсонга бошқа гап гапириш ҳайф ...*

*Тоиров лом- лим демади. У ўзи учун барчаси тугаганлигини
англаганди.*

*Айни дамларда унинг кўнглидан бир савол ўтаётганди . Бу
саволни ўзига-ўзи ҳали ўн , юз , минг , миллион марта бериши
ва ҳар берганда аламдан қовжираши аниқ эди :*

- Менга нима етишмаётганди ўзи ?

Ҳасанов оғир қадамлар билан ортига бурилди :

*- Эссиз умр ... Эссиз ... - дея такрорлади у тушкун бир
кайфиятда надомат ила.*

*Зоиржон Тоировга нисбатан айбловни эълон қилган
мутасадди уни тутиб турганларга:*

*- Гумонланувчини олиб чиқинг ! - дея қатъият билан буйруқ
берди.*

*Тоировни олиб чиқишар экан у беихтиёр Райҳона билан
юзма - юз келди.*

Райҳона Алининг елкага суяниб турар, лабларини маҳкам тишлаганча туйғуларини жиловлашга ҳаракат қилар эди.

Тоиров кўзларини Райҳонанинг кўзларидан олиб қочди.

Райҳонанинг мижжаларига беихтиёр ёш қалқди. Унинг жуда хўрлиги келиб кетган эди.

Аёлининг елкалари силкина бошлаганини сезган Али шу елкаларни янада маҳкамроқ қучди.

Тоировни олиб чиқиб кетишди. Хонада Асад Акбаров, Қораев , Али ва Райҳона қолишди.

- Барчаси тугади, қизим. Бари ортда қолди . Энди ҳеч қандай хавф сенга даҳл қила олмайди . Бу ёғига қўшганинг билан қўша қариб бахтли яшайсан , ин ша Аллоҳ ...

Қораевнинг меҳрга қоришиқ сўзлари гўёки дарё ўзанини бузиб юборгандек бўлди .

Райҳона ўксиб- ўксиб йиғлай бошлади.

Асад Акбаров унинг қаршисига келиб жилмайди :

- Оҳ болам- а, - деди у Райҳона ва Алига қараб ,- оҳ болаларим- а ... Энди ҳақиқатдан ҳам тоғ ён бағрига чиқиб бир ҳаво

алиштириб келсангиз яхши бўларди.

Ушбу таклифни ўзим учун ҳам ёқлайман.

Асад ака дўстига ўгирилди :

- Нима дейсан , Сардор ?! Мен Севарани, сен Ҳабибани олиб, Али , Райҳона - ҳаммамиз биргалиқда Сўқоқга бир чиқмаймизми ? Одам кенгликларни бирам соғинди- ей ?!

Менимча ёмон таклиф бўлмади.

- Мен ҳамиша сен тараф, дўстим ?! - деди Қораев,- Қани кетдик , ҳозирча шу хонадан чиқиб кетсам ўзим учун шу бугунга энг яхши совға шу бўлади !

Улар бирин - кетин хонани тарк этишди.

Тоиров қўлга олинган дақиқаларда "Илмга сармоя " корхонасида унга қўйилган айбловлар билан Ёрқиной Мардонбекова ҳам қўлга олинди. Кўп ўтмай деярли бир вақтнинг ўзида Козим Иззатович ва Данил Гиниятулин ҳам ҳибс қилиндилар.

- Али акааа , - деди Райҳона ташқарига чиқиб машиналарига ўтиришгач,- мени ҳеч ким йўқ жойларга олиб кетинг... Худди Робинзон Крузо яшаган кимсасиз оролга ўхшаш ер бўлсин ...

Али машинасини ўт олдиран экан жилмайди.

- Хўпда , Жамбилхон . Талабинг бош устига. Бугун сен нима десанг ўша бўлади.

Райҳона жилмайди. Али машинани жойидан оҳиста жилдирди. У катта йўлга чиққанида ўриндиққа суянганча пинакка кетган Райҳонага қараб энтикиб қўйди.

Сал аввал тоғаси ўзини четга тортиб "Али , бугун Райҳона бироз кўпроқ ухлаши мумкин. Барига боя Тоиров оғзига томизган дори сабаб бўлади. Гарчи уни туфлаб юборган бўлса -да , маълум қисми барибир танага шимилиб қолди. Аммо хавотир олма . Бу организм учун зарарли эмас . Қайтага кейинги кунларда олган стрессларни енгишда фойдали ҳамдир" деган эди.

Али Райҳонанинг шу бугун эрта сахардан анча қийналгани эслаб юраги эзилди.

@Xazon_Rezgi / 59

#ҚАСД

Зоир Тоировга Райҳонанинг ҳақиқатдан ҳам мазаси йўқлигига ишонтириш учун икковларини шундоқ ҳам тонг сахардан қизиётган ҳавода машинанинг эшик- ойналарини ёпиб, печкасини ёқиб ярим соатча бўғриқиб ҳайдаганини ,

шўрлик Райҳона қанчалик қийналмасин бир оғиз лом- лим демаганини эслаб Алининг юраги ачишди.

"Насиб қилса барчаси ортда қолди , - ўйлади Али , - бу ёғига бизга фақат бахтлар ярашади, фақат бахтлар ..."

Али машинасини тўғри уйга ҳайдади. Уни дарвозалари ёнига келиб тўхтатганда ҳам Райҳона уйқудан кўзини очмади.

Али тезда уйга кириб ўзи ва Райҳонанинг кийим - кечагидан қўлига илинганларидан битта сумкага солди-ю, дарров ортига қайтди.

У машинага қайтиб ўтиргач , Райҳонанинг ўриндиғини ухлаши учун қулай қилиб тушириб қўйди-да, тўғри Сўқоққа қараб йўл олди...

Али мўъжалдаги манзилга қоқ пешинда етиб борди.

Йўл бўйи Райҳона уйқудан кўзини очмади. Али сотиб олганига анча бўлган , аммо ортиқча минишга эҳтиёж топмаган сўнги русумдаги нексиясини шу бугун ҳайдагани учун ўзидан рози бўлиб кетди . Ташқарида кун ёндираётган бўлса-да машина саломидаги ҳаво кондиционер ишлаб турганлиги учун мўътадил эди. Шу сабаб Райҳонанинг ҳам уйқуси йўл давомида сира бузилмади.

Машина манзилга бориб етгачгина Райҳона кўзини очди . У қаерда эканликларига қараб ўтирмай Алига эрка назар ташлади :

- Қорним очди...

Али унга жавобан жилмайди . Кўзлари билан ойнага ишора қилди. Шундагина Райҳона шаҳар ташқарисида эканликларини англади :

- Қаердамиз, Али ака?! Бу жой қаер ?

- Сўқоқдамиз, Райҳона,- деди Али мақтанганнамо , - Эсингдами , хув бирда айтиб бергандим- у Ҳанифа холанинг боғи шу ер.

- Вууй , бунча зўр , - юзлари яшнаб кетди Райҳонанинг,- кўзимни очсам Сўқоқдамиз . Худди эртақдагидек .

- Юрақол, холанинг боғига борамиз,- йўл бошлади Али , - Бугун душанба , шунинг учун бу ерда деярли ҳеч ким йўқ .

Али айтган боғга зиналар орқали пастлаб кирилар экан. Салкам икки терак бўйи пастликда жойлашган боғ таърифига тил ожиз даражада хушманзара бўлиб , танаси қучоққа сиғмайдиган баланд чинор дарахтлари ерга тангадек офтоб нурини туширмас эди. Боғ тош йўлакчалар орқали иккига ажратилган , чап тарафида ошхона, ўчоқхона , тандирхоналар жойлашган бўлиб ,асосий ўнг тарафида дам олувчилар учун йигирмага яқин кенг ва кўркам , ўймакор ёғочдан ишланиб лакланган каравотларга жой солиб қўйилган эди. Энг мақтовга молик жойи ушбу каравотда дам олувчилар атрофи турли чирмашиб ўстирилган ўсимликлар туфайли бир-бирларига кўринмас ва ҳалақит беришмас эдилар. Боғнинг ҳар ер , ҳар еридан майда тош ётқизилган ариқчалар орқали жилдираганча муздек тоғ жилғалари эркаланиб оқиб ётар

эди.

Райҳона атрофга кўзларини тўлдириб суқланиб назар ташлар , ора- сира Алига завқланганча "рахмат" дегандек табассум ҳадея қилишни унутмас эди.

Али Райҳонани боғнинг этагига бошлаб борди. Бу ердаги манзара кираверишдагидан ҳам сўлим эди. Сал нарида тоғдан тошга урилиб икки қулоч кенглигида оқаётган сув кишига янада ором бахш этар , тўғрида бирин- кетин ястанган тоғлар савлат билан қўр тўкиб ҳаловат ҳиссини янада оширар эди.

Али энг чеккадаги жойни танлади.

- Марҳамат қилсинлар ,- деди у Райҳонага йўл берар экан , - қалай ёқдимми ?

- Дид масаласида сизнинг ёнингизга тушадигани йўқ ,- деди Райҳона хонтахта ёнидаги қалин қилиб тўшалган кўрпачага чўкар экан , айниқса ...

Райҳона шундай деб кроватнинг ёнига ишора қилди.

Боғнинг ичкараси соялиги сабаб ҳеч қандай гул экилмаган бўлса , бу жой унинг адоғи бўлганлигидан офтоб олашувоқ тушиб турар , шу сабаб қатор- қатор қора-ю, яшил райҳонлар тантилик билан экиб ташланган эди.

Алининг ўзи ҳам райҳонларга энди эътибор билан назар ташлади. Райҳонанинг мақтовидан эса ёйилиб илжайди.

Изма - из етиб келган боғ ходими уларга салом бериб "Кўнглингиз нима тусайди?" деган саволни берганда Али

ҳозирги кайфияти таъсирида кулимсираб жавоб қайтарди :

- Тўғриси айтсам бўридек очман. Қандай таомингиз бўлса ҳам тезда олиб келинг. Бўлмасам ўн дақиқаларда очликдан ҳушимдан кетишим мумкин. Ўзингиз чамалангда

@Xazon_Rezgi /60

#ҚАСД

дидингизга мос ҳолда топган- тутганингизни олиб келаверинг...

Боғ ходими кўп куттирмай дастурхонни тўлдириб ташлади .

Али ва Райҳона ҳақиқатдан очқаган эканлар...

Таомлана туриб Али Райҳонага ёлғондан пўписа қилди :

- Эй , секинроқ е , ошқозоним деб ўтирасан ҳали !

Райҳонанинг ундан жаҳли чиқмади. Қайтага эрининг жиғига тегиб янада тезроқ ея бошлади :

- Тоғ ҳавоси қоринни тез очиради деб эшитгандим. Ҳақиқатдан ҳам шундай шекилли .

-Шундайликка шундайку-я, аммо ҳалитдан тўйиб олсанг асосий таом - "Сўқоқ кабоби" келганда еёлмай қоласан,- деди Али уни огоҳлантиришни ўзига эп билиб.

- Хавотир олманг , уни ҳам ейман,- деди Райҳона овқатдан бош кўтармай, - бугун шу ерда қоламизми ? Тоғажонлар ҳам келишадими ?

- Қоламиз десанг қолаверамиз ! Тоғамгилар эса кейинги хафтанинг шанбасида чиқишар экан. Янги ҳафта энди бошланди- ку , шунга ишларини ташлаб келишолмайди.

- Биз қолайлик , Али ака . Келаси ҳафта тоғажон ва аяжонлар билан яна келаверамиз.

- Хўп , сен нима десанг шу. Қорнинг тўйган бўлса айланиб келамиз.

- Айланиб ? - бирдан ёш боладек севиниб кетди Райҳона, сўнгра дастурҳон устига қаради , - булар-чи ?

- Таомлар тураверади . Устини дастурҳоннинг чети қайириб ёпиб қўйсанг бас . Кабобни эса келгандан сўнг еймиз. Бўладими ? - деди Али юзига фотиҳа ўқиб ўрнидан турар экан.

- Бўлганда қандоқ !- дастурхонни саранжомлаб унга эргашаркан Райҳона,- мен ҳозир тезда тайёр бўламан...

Али билан Райҳона тоғ ён бағри бўйлаб анча айланишди. Ўзларига маъқул келган салқин жойларда тўйиб - тўйиб тоғ ҳавосидан нафас олишар экан бир - бирларига мамнун назар ташлашар , шундай вақтларда Али нуқул :

- Қалай , маззами , санга маззами ? - дея хазиллашиб кўярди .

Райҳона ҳам ўз хисларини яшириб ўтирмас , Али савол бериши билан :

- Ҳааа албатта бўлмасам-чи , - дея жавоб қайтарар эди.

Шу таҳлит кунни кеч қилган икки ёш ён - атрофларида бошқа ташриф буюрувчилар бўлмаганликлари сабабли ўзлари банд қилган кроватда тунашга қарор қилдилар. Боғ эгаларининг чеккада хоналар борлиги ҳақидаги таклифларини эса тавозе билан рад қилишди :

- Бизга шу ер маъқул. Мумкин бўлса албатта.

- Нега мумкин бўлмасин ?! Албатта мумкин ! - шундай дея боғ ходими уларга ёпиниб ётиш учун янги чойшаб кийдирилган пар кўрпа келтириб бераркан самимий изоҳ берди , - тонгда бироз салқинроқ бўлади бу ер.

Райҳона ва Али ётган жойдан юлдузлар худди қўл чўзса етгудек бўлиб кўринар экан...

- Али акааа... - деди Райҳона,- турли мавзуда анча гапиришиб ётганларидан сўнг ,- опам ... опам нима қилаётган эканлар- а шу топда ?

Али кун бўйи шу мавзудан ўзини олиб қочганди :

- Билмайман,- деди у ҳорғин овозда ,- билишни ҳам истамайман.

- Уларни ўйласам юрагим ивишиб кетяпти ,- чуқур хўрсинди Райҳона,- ахир шунча йиллик ...

- Райҳона, "Бу илон уйимдан чиқди , шу сабаб қадри ўзгача" деганга ўхшайди-я сўзларинг. Билиб қўй илон ҳамиша илон. Қаерда бўлмасин, табиати ўзгармайди.

Агар тоғам аҳволингдан шубҳаланмаганларида айни дақиқаларда бу ерда ўша "опажон" нингга ачиниб ётмаган бўлардинг. Илтимос , кел шу мавзунини ёпайлик. Опанг қилмишига ярашасини олади. Бу ёғи энди бизнинг ишимиз эмас ...

- Хўп , Али ака . Бу ҳақда бошқа гапирмайман. Фақат битта саволим бор эди. Қўрқманг , саволим бутунлай бошқа мавзуда ...

- Қанақа савол ?! Эштайчи ?!

- Али ака, айтингчи мен шунчалар ...

#ҚАСД

21-қисм

яхшиманми ?

Али Райҳонанинг саволини тушунмади . У ётган жойидан қўзғалиб ўтириб олди. Ним қоронғида тусмоллаб нигоҳларини аёли - Райҳонага тикди.

- Тушунмадим ? - деди у ҳайронлигини яшира олмай , - биров сенга бирон нарса дедими ? Агар кимдир сенга нимадир деган бўлса ҳам билиб қўйки сен яхшисан. Ҳа жуда ҳам яхшисан.

Райҳона сўник жилмайди. Али унинг табассумини қоронғи кеча бўлса-да ҳис қилди. Тусмоллаб сочларини силади :

- Нимадир демоқчисан-а ? Айт , менга нима демоқчи эдинг ?

- Биласизми , Али ака ... Мен Аллоҳнинг бир қавлини эшитгандим. Унда "Покизалар покизалар учундирлар" дейилганди.

Шу сўзлар мудом қалбимда кўрғошиндек қуйилиб қолган.

Демак...

Бундан чиқдики ...

Сизга қараб туриб ўйлайман.

Сиз жуда яхши инсонсиз. Дунёларга арзирли йигитсиз. Мард , диёнатли , тўғрисўз , ақлли... Бу рўйхатни жуда кўп давом эттириш мумкин.

Бир сўз билан айтганда - жуда , жуда, жуда яхши инсонсиз.

" Покизалар покизалар учун" бўлса , жуда ҳам яхшилар жуда ҳам яхшилар учун бўлади-да.

Демак , мен ҳам ...

- Райҳона... Дилбарим ... Сен жуда яхшисан. Ҳа айнан сен . Мен туфайли сен яхши саналмаяпсан, балки сен сабаб мен яхши саналаман. Сени жуда яхши кўраман. Сен кўз очиб кўрганим, йўғ- у борим , кўнглимнинг эрка малагисан. Тунларимга нур , кундузларимга умид улашгувчи соҳибжамолсан.

Али индамай қолди . Юрагидан чуқур хўрсиниқ отилиб чиқди.

Райҳона унинг кафтига юзини босди. Алининг кафтидан райҳон иси келиб турарди...

Орадан бир хафта ўтгач Асад Акбаров , Сардор Қораев , Шохруҳ ўз аёллари ҳамда Али ва Райҳона билан биргаликда худди ана шу боғга ташриф буюришди. Бу сафар шанба куни бўлганлиги сабабли боғда дам олувчилар гавжум эди. Шунга қарамай бу анчайин қадрдон бўлиб улгурган даврадагилар учун дилдан суҳбатлашиш учун моънелик қилмади.

Гап айланиб яна Ёрқиной , шифокор Тоиров , Козим Иззатовичга бурилганда Сардор Қораев Асад Акбаровга савол назари билан тикилди :

- Менга қара , Асад,-деди у жиддий кўринишда , - шунча кундан буён сўрайман дейман, аммо ҳеч вақтини топа олмаётгандим . Мана энди мавриди келди чамамда. Ўша куни , яъни Тоиров қўлга олинган куни бир нарсалар дегандек бўлувдинг . Шу ҳақида ...

- Нимани назарда тутяпсан, оғайни ? - Акбаровнинг ўзи ҳам дўстининг қизиқтирган савол жавобини билиш учун рағбат билдириб , - тушунтириброқ гапирсанг-чи?

- Ўша куни қайсидир шифокорга тухмат уюштирилгани ҳақида ҳақида гап борганди. Номи ёдимда қолмабди.

- Абдувоҳид Камолов дегандим , - деди оҳиста овозда Асад Акбаров.

Қораев жонланди :

- Ҳа , ҳа , адашмасам айнан шундай дегандинг.

Асад Акбаров чуқур хўрсинди. Афтидан Абдувоҳид Камолов ҳақида сўзлаш унга оғирлик қилаётган эди.

- Абдувоҳид билан курсдош эдик. У оғир-вазмин, мард , тўғрисўз, меҳнаткашлиги билан гуруҳимиздаги барча йигитлардан ажралиб турар эди. Аммо бу унинг асосий фазилати эмасди. Унинг энг ҳавас қиларли фазилати ниҳоятда заковатли ва ҳалоллигида эди.

Шифокор зотида ўзидан бошқасини зўр деб тан олиш бироз оғриқли. Ким билсин ўзим шифокор бўлганим учун шундай ўйларман. Балки бошқа касб эгаларида ҳам шундайдир. Хуллас ... Хуллас ҳозир гап бу ҳақда эмас...

Мен ...

Мен Абдувоҳидни ҳамиша ўзимдан устун қўйганман. Бир курсда ўқисак-да у мендан бир ёш кичик эди. Шу билан бирга иқтидорли ҳам эди. Мендан албатта.

Ўқишни битиргач барчамиз республиканинг турли бурчакларига учирма бўлдик.

Мен қишлоғимизда ишлай бошладим. Абдувоҳид эса пойтахтдаги биринчи рақамли энг нуфузли тез тиббий шошилиш ёрдам марказида ишлай бошлади.

Тез орада унинг обрўси жуда ошиб кетди. Ёш бўлишига қарамай тез ва тўғри ташхис қўйиши , операцияларни пайсалга солмай муваффақиятли амалга ошириши сабаб эди бунга ...

Бир тарафдан тезда соғайган беморлар эътирофи. Иккинчи тарафдан турли мукофотлар билан тақдирланиши. Ахир давлат ҳам билади, ким қанақа ишлашини.

Аммо ҳар ёқда топилгани каби ҳасадгўйлар бу ерда ҳам йўқ эмасди. Бир иложини қилиб унинг оёғидан

@Xazon_Rezgi / 62

#ҚАСД

чалишди. Чалганда ҳам ўнганмайдиган қилиб қаттиқ чалишди.

Улар "Абдувоҳидни буткул янчдик, барча йўлларини борса - келмас томонга буриб қўйдик" дея ғалаба куйини чалиб юборишганди.

Аммо сассиқ алаф ҳамма ерда сассиқ алаф бўлиб қолгани каби , шамшод ҳам ҳамма ерда шамшод бўлиб қолаверишини улар тушунмаган ёки ҳисобини олмаган эканлар.

Абдувоҳид Камолов қайта бўй ростлади. Минг машаққат билан . Бу сафар пойтахтда эмас, вилоятнинг овлоқ бир гўшасида.

Нега дейсизми ?

Негаки баттол , мунофиқлар унинг номига шунчалик балчиқ чаплаган эдилар-ки , унинг учун Тошкентдек азим

шаҳарда бир бурда нон топиш учун барча эшиклар тақа- тақ ёпиқ эди.

Абдувоҳид тез бўлмаса-да маълум муддатда ўз номини оқлаб олди . Инсонлар ишончига қайта кирди.

Яхши шифокорнинг , малакали шифокорнинг , қўли енгил шифокорнинг ҳар доим ҳам беморларнинг ўзлари излаб келиши рост экан.

Энди беморлар бир - биридан дараклаб Абдувоҳид ишлаётган кичиккина касалхонага оқиб кела бошлашибди.

Инсонлар даво умидида яхши табибни Ҳиндистонда бўлса ҳам бораётган замонда , вилоятга топиб бориш қийин иш бўлибдими?

Абдувоҳиднинг истаб келувчилар сони кун эмас, соат сайин ошар эмиш.

Пойтахтнинг кўзга кўринган клиникалари бу хабарни эшитмай қўямиди ? Айниқса , бир вақтлар Абдувоҳиднинг оёғидан чалганларнинг ичида яна илони ўйнай бошлабди. Ҳасад юракларини куйдириб кул қилибди.

Улар яна янги режа устида бош қотира бошлайдилар.

Абдувоҳид ҳузурига келган навбатдаги бемор ўспириннинг отасига ўғлининг дарди у қадар илдиз отиб кетмаганини , вақтида қилинган жарроҳлик ва муолажа йигитчанинг

умрига умр қўшишига кафолат беради.

Ўспириннинг отаси жарроҳлик амалиёти ўтказилишига руҳсат беради. Камолов беморнинг отасини амалиётдан сўнг бир қанча топилиши биров қийинроқ, аммо самарали дорилар кераклиги ҳақида огоҳлантириб керакли манзилларни тавсия қилади. Дориларни тахт қилиб қўйишни сўрайди.

Эртаси куни ўша инсон Абдувоҳиднинг ҳузурига келади ва у буюрган дориларни топа олмаганини айтиб, ёрдам сўрайди. Абдувоҳиднинг ҳай- ҳайлашига қарамай столи устига бир даста пулни сочиб ташлайди. Абдувоҳид ўспириннинг отасини тинчлантиришга ҳаракат қилиб пулларни унга қайта топшириш мақсадида йиғиштириб олаётган вақтда хонани махсус ҳизмат ходимлари босади. Табиий-ки, алоҳида бўёқ билан ишлов берилган пуллардан фақат Абдувоҳиднинг бармоқ излари топилади.

Махсус ҳизмат ходимлари томонидан Абдувоҳидга айблов эълон қилинганининг дастлабки дақиқаларида у ҳеч нарсага тушунмайди. Аммо онги тиниқлашиб гап нима ҳақида кетаётганлиги ҳақида тушунганида кўз ўнги қоралашади ва "гуп" этиб йиқилади.

Абдувоҳид тухмат балосига чидай олмай оғир insultни бошидан кечирган эди.

Абдувоҳиднинг чап ярим нимтаси ишламай жуда узоқ ётиб қолади. Ўзига келиб мустақил атак- чечек қадам боса бошлаганида унга қўйилган барча айблар тухмат эканлиги ўз исботини топган эди.

Ва ...

Ва асосий айбдорлар топилмаган эди. Сабаби энг асосий

айбдорлардан бири чет давлатга кўчиб кетиб изсиз йўқолган эди.

У , яъни Зоиржон Тоиров орадан бирмунча йил ўтиб, қорлар ёғиб, излар босилиб кетгач ортга қайтди. Шу бўйи ёпиқлиқ қозон ёпиқлигича қолиб кетди.

Абдувоҳид Камолов ҳозир мўъжазгина хусусий клиникани юритади. Бироқ ўз соҳаси бўйича жарроҳлик амалиётини ўтказмайди. Танасига бўйсунмайдиган ярим ҳаракатлана оладиган чап қўли бунга моънелик қилади.

Ана шунақа гаплар ...

- Ноинсоф ... -алам билан шивирлади Қораев , - Тоировни айтаман-да , шунчаликка ҳам борасанми , аблаҳ. Ундан кўра ўқи ,ўрган. Ичиқоралик ҳам эви биландан-да.

Аммо битта нарсага ҳайронман. Тоировнинг ўша вақтда чет элга жуфтакни ростлаши билан барча ишнинг бости ,бости бўлиши ғайри табиийдек кўриняпти кўзимга.

- Абдувоҳид Камоловга тухмат уюштирилганда асосий урғуни ўз зиммасига олган киши , яъни бемор ўспириннинг отаси орадан бир ой муддат вақт ўтмай бандаликни бажо келтирган , асосий буюртмачилар эса пана -пасқамда қолиб кетишган эди.

Бугунги кунда эса барчангиз кўриб турибсиз-ки ,

#ҚАСД

инсонлар "унутилди" деб ҳисоблашгани ҳеч бир нарса Буюк Таборак Таоло зот ҳузурида мисқол даражасида унутилмас.

Аллоҳнинг ҳукми шиддатлидир. Гарчи Зоир Тоиров Камоловга нисбатан уюштирган қилмишлари учун ўзини "Осон қутилдим" деб ҳисобласа-да , аммо бугунга келиб Аллоҳнинг адолат тарозиси ҳеч қачон панд бермаслигига гувоҳ бўлиб турибсиз.

- Шу ишларни уюштирган шифокор ҳақиқатдан ҳам Зоир Тоиров эканлигига иймонинг комилми ? - сўради Сардор Қораев ҳар доимги одати касбий ҳушёрлигига бориб.

- Аввало бирор бандага тухмат қилишдан ўзи асрасин.

Аммо ...

Тоиров биздан тахминан уч ёшлар чамаси кичик бўлиши керак. Уни бундан бир неча йил аввал жонажон курсдошим Абдувоҳиднинг ишхонасида кўрган эдим. Ўшанда Абдувоҳид "Мен ҳам устоз мақомини олаяпман, дўст. Зоиржон менга шогирд бўлиб сайланди" дея оғзининг таноби қочиб самимий керилиб мақтанганди .

Абдувоҳид биринчи бор панд еганда шогирдлар даврасида Тоиров кўринмади . Уни сўраганларга Абдувоҳид ранги ўчиб

беҳафсала қўл силтар эди. Шунда унинг оёғини чалган айнан Тоиров деб тахмин қилгандим. Инсулт бўлганида эса Абдувоҳид ўз оғзи билан тан олган эди:

- Бу мени ана шундай мунофиқона ўйинлари билан ўлдирмагунча тинчимайди шекилли.

Мен яқинда Абдувоҳид Камоловнинг ижтимоий тармоқдаги манзилига уланиб, қисқача салом -алиқдан сўнг унга бўлган воқеалар ҳақида озроқ маълумот бериб , Зоиржон Тоиров юзасидан терговга баёнот беришини сўрадим.

У нима деб жавоб ёзди денг ?!

У "Аллоҳнинг ургани шудир . Бундан ортиғи ортиқ. Мен эса битган ярамни тирнаб очишни истамайман. Шундоқ ҳам Тоировнинг охирги қилган қилмишлари учун оладиган жазо муддати кам бўлмаслиги аниқ. Энг ёмони эса виждон азоби. Ана шуниси айнан азоблидир" деб ёзиб юборибди.

- Келинглар , бу ёғига яхши гаплардан гаплашинглар , - деди Севара опа даврага аралашганча , - руҳсат берсангиз биз аёллар сув бўйига бориб бир айланиб келсак...

Орадан беш ой муддат ўтиб Мардонбекова Райҳонага тегишли иш юзасидан суд ҳукми ўқилди.

Мардонбекова Райҳонанинг жонига қасддан тажовуз қилган Ёрқиной Мардонбекова ва Зоиржон Тоиров узоқ муддатга ҳукм қилиндилар. Козим Иззатович ва Данил Гиниятулинлар ҳам қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

Суд жараёни тугаб охирги ҳукм ўқилгандан сўнг ҳам суд залида айбланувчилар ва Райҳона Мардонбекова , унга тегишли бўлган яқинлари маълум муддатга тутиб турилди .

Бош судьянинг "Марҳамат" деган ишораси билан залга басавлат кийинган тўрт нафар эркак киши кириб келди.

Кирганлар орасидан ўзини Йўлдош Умаров деб таништирган ёши улуғроғи минбардан жой эгаллаганча сўз навбатини олар экан панжара ортида ўтирганларга бир сидра назар ташлаган бўлди ва ўз нутқини ирод қила бошлади :

- Ассалому алайкум ...

Менинг қаршингизда туришимдан мақсад Мардонбекова Райҳонага тегишли бўлган бугунги суд иши сабаблидир.

Мен айнан жабрланувланувчининг ҳаётига даҳл қилинишига сабаб бўлган , қизимиз номига ёзилган ўша васиятномани олиб келдим.

Васиятнома очиб ўқилишига ҳали яна бир неча ой муддат вақт бўлса-да , бўлиб ўтган ишлар туфайли истисно тариқасида у бугун очилади ва ўқиб эшиттирилади.

Менинг қўлимда муҳрланган учта конверт турибди.

Биринчи конверт асосий конверт бўлиб у асосий васиятнома ва ҳали очиб ўқилмаган.

Иккинчи конвертни биз , яъни асосий васиятномага даҳлдор ва жавобгарлар куни кеча бугунги суд мажлиси олдидан очиб ўқидик ва шу туфайли ҳам бугун шу ердамиз. Конверт устига "Мардонбекова Райҳона Субҳонбековна ҳаётига даҳл қилинган тақдирда очилсин" дея ёзилган ва ундаги кўрсатмалар сабаб биз ҳозир қаршингиздамиз.

Иккинчи конвертдаги мактуб - кўрсатма ҳам марҳум Субҳонбек Мардонбеков томонидан тегишли гувоҳлар иштирокида ёзилган бўлиб , мазмунан "Агар асосий васиятнома эгаси Мардонбекова Райҳона ҳаётига суиқасд аниқланса ва ўз исботини топса , биринчи ва учинчи конвертлар айтилган кетма- кетликда очиб ўқиб эшиттирилсин" дея айтиб ўтилган эди.

Юқоридагиларги эътиборга олган ҳолда асосий васиятномани гувоҳлар иштирокида очиб ўқиймиз .

@Xazon_Rezgi. /64

#ҚАСД

Руҳсатингиз билан бошласак.

Йўлдош Умаров қўлидаги биринчи конвертни йиғилганларга кўрсатиб , муҳри бузилмай сақланиб турганлигини текширтириб олди.

У билан бирга келганлардан бири Умаровнинг ҳар бир ҳаракатини "чиқ-чиқ" қилиб суратга тушира бошлади.

Йўлдош Умаров конвертни чекка қирғоқларини оҳисталик билан йиртиб ичидаги қоғозини чиқариб олди.

У қоғозни қўли билан сийпаб текислаган бўлди-ю , кўзойнагини яна бир бор ечиб , қайтадан тақди. Сўнгра васиятномани дона- дона ўқий бошлади :

- Мен , "Илмга сармоя"корхонасининг бош директори Субҳонбек Мардонбеков ақл- ҳушим жойидалигида ва ҳеч қандай ташқи тазийиқларсиз ушбу васиятномани гувоҳлар ... иштирокида ёзиб имзоламоқдаман.

1. Васиятнома 20 йил 31 май куни * тартиб рақами остида қайд этиб имзолансин...**

2. Васиятнома қизим Райҳона Мардонбекова йигирма ёшга тўлишидан бир кун аввал очилиши хат жилдида алоҳида таъкидлансин.

3. Васиятномага кўра мен Мардонбеков Субҳонбекнинг ҳаётлик чоғимда қўлга киритган барча бойлигим - кўчмас мулк , (4- бандда кўрсатилгандан ташқари) қимматбаҳо акция қоғозлари , "Илмга сармоя" корхонасининг раҳбарлик ҳуқуқи ва ундан тушиб турадиган фойда улушларининг эллик

фоизи миқдоридаги қиймати қизим Мардонбекова Райҳонага номига хатлаб ўтказилсин .

4. Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги асосий истиқомат қилган 43- рақамли хонадоним, Учтепа тумани тўрт хонали квартирам , Тошкент вилояти Бўстонлиқ ва Паркент туманидаги дачаларим , шунингдек "Илмга сармоя" корхонасидан келиб тушадиган фойданинг улушларининг йигирма фоизи турмуш ўртоғим Ёрқиной Мардонбекова номига хатлаб берилсин.

5. "Карвон" номли беш юлдузли меҳмонхона ва "Илмга сармоя" корхонасидан келиб тушадиган фойданинг улушларининг ўн фоизи дўстим Розик Рафиқович номига хатлаб берилсин.

6. Юқорида белгиланган барча улушларининг ўн беш фоизи қизим Райҳона Мардонбекованинг соғлиғи учун мутасадди бўлган шифокор номига васиятнома эълон қилинганлигидан бошлаб уч кун мобайнида "Соғлом ҳаёт" клиникасининг кардиологи Зоиржон Тоировнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилсин ...

7. Хонадонимизда ходим бўлиб ишловчи Иноят Тўраева ва унинг ўғли Моҳиржон Тўраевга шаҳар марказидан янги қурилган кўп қаватли хонадонлардан ўзлари танлаган даҳадан тўрт хонали квартира олиб берилсин. Моҳиржон Тўраев номига ҳисоб рақами очилсин ва

Йўлдош Умаров ўқиётган васиятнома пунклари ўн бештадан ошиб кетди. Унда хайрия ва саҳоват ишлари учун алоҳида бандлар етарлича киргизилган эди.

-Ўн олтинчи - охирги пункт , - Йўлдош Умаров шундай деб айбланувчилар сақланаётган панжарага қисқа , аммо маъноли назар ташлади , - агар васиятномада қайд этилган инсонлардан кимда-ким қизим Райҳона Мардонбекованинг жонига озор берса , ҳаётига бир тола сочи тўкилгулик даражада қасд қилса, қилмишлари ўз исботини топса, у ҳолда мазкур шахс ўзига нисбатан ажратилган барча мулк ва меросдан маҳрум қилинади ва бу сармоялар тегишли равишда ўн иккинчи бандда кўрсатилган хайрия жамғармаси ихтиёрига автоматик равишда ўтказилади.

Имзо : /

Субҳонбек Мардонбеков.

31 - май 20 йил.

Йўлдош Умаров қаддини ростлади ва қўлидаги учинчи конвертни очишга ижозат сўради .

Учинчи конвертдаги ҳужжатда ҳозиргина ўқиб тугатилган васиятноманинг ўн олтинчи бандидаги кўрсатмалар бир бошидан расмийлаштириб чиқилган эди.

Махсус вакил Йўлдош Умаров конвертларда келтирилган баённомалар юзасидан ўз сўзини тугатар экан , хулоса қилишга ўзида эҳтиёж сизди:

- Мендан "Инсонни ҳалокатга етаклайдиган нарса нима?" деб сўрасалар , ҳеч бир иккиланишларсиз "Нафс" дея жавоб берар эдим.

Одатда ҳар бир инсонга ризқ ўлчаб берилган . Пешонасига ёзилганидан ортиғини ҳеч ким ололмайди. Аммо олишга интилиб нафсга банди бўлиб не ишларга қодир бўлишини мана бу панжара ортида ўтирганлар мисолида янада ёрқинроқ кўришимиз мумкин.

Биргина мисол. Шифокор Зоир Тоиров Райҳона Мардонбекованинг ҳаётини уч юз минг долларга баҳолади .

@Xazon_Rezgi / 65

#ҚАСД

Аммо ... Унинг соғлиги ҳақида юракдан қайғуриб ўз вазифасига ҳалол ёндошганида қанча маблағ унга аталганини билиб ҳайратда қолиши табиий эди.

Нима учун деб сўрайсизми ?

Шунинг учун-ки васиятнома бўйича Зоир Тоировга ажратилган ўн беш фоизлик улуш пул бирлигида ифодаланадиган бўлса , валюта курсида етти юз минг доллардан ортиқ суммани ташкил қилишини эшитиб сиз ҳам ажабланишингиз табиий ҳол ...

Афсуски ...Афсуски ...Афсуски...

Йўлдош Умаров панжара ортида ўтирганларга боқди.

Зоир Тоировнинг қорайиб , унниқиб кетган юзи пушаймонликдан гезариб кетган, қўллари мушт бўлиб тугилганча пастки лабини қонар даражада қаттиқ тишлаб олган эди.

Ёрқиной Мардонбекованинг неча ойлардан буён пардоз кўрмаган оппоқ юзларига ажин ўз ўргимчак тўрини ташлаб шу даражада қаримсиқ қилиб юборган эди-ки , унинг ич-ичига ботиб кетган кўкимтир кўз ва қовоқларига қараган хуштори Козим Иззатович ҳам у билан илк бор учрашиб танишган кунига минг арава гўнг ағдаришга тайёр турар эди.

Қолган айбланувчиларнинг ҳоли ҳам бу иккисиникидан кам эмас эди.

Бир неча ойга чўзилган суд иши шу тариқа ўз якунига етди...

*** * ***

Орадан икки ой ўтди.

Кейинги кунларда Райҳонага нимадир бўлгандек. Сал нарсага аразлайдиган, сал нарсага қилдан қийиқ ахтарадиган бўлиб қолди.

Али Райҳонанинг кайфиятидаги бу ўзгаришларни фақат бир нарсага йўя олди . У ҳам бўлса ...

22- ҚИСМ

Райҳона ўзи истаса-да , шифокорларнинг унинг фарзандли бўлишига изн беришмаётганликларида эди.

- Бироз сабр , - деган эди аввалги кўрик вақтида ҳам Райҳонанинг аёллар шифокори Шоҳида Туроповна , - жон синглим , яна бироз сабр. "Соғлом онадан - соғлом бола" деб минг бора таъкидлашим шарт эмасдир. Шусиз ҳам кераклича огоҳлантирдик.

Сиз бир неча йиллар давомида мунтазам заҳарланиб келгансиз. Танангизда тўпланган бу заҳар ҳомиладорлик жараёнига таъсир қилмасдан қўймайди. Майли , сиз ўзингизни ҳақиқатдан ҳам яхши ҳис қилаётган бўлинг. Бироқ бу ҳали ҳаммаси жойида дегани эмас-да. Ҳеч ким , қайтариб айтаман ҳеч ким танангиз тўпланган заҳардан батамом тозаланиб бўлмагунга қадар кечадиган ҳомиладорлик рисолалагидек ўтади дея кафолат бермайди. Шу сабаб бизнинг огоҳлантиришимизга жиддий қарашингизни

сўраймиз .

Райҳона ўшанда Шоҳида Туроповнага қарши бир оғиз сўз айтмаган бўлса-да , унинг қабулини кўзларида милт- милт ёш билан тарк этган эди.

Али ишдан қайтганда Райҳонани уйда учратмади.

- "Демак , яна отасининг ҳовлисига кетиб қолибди- да , - ўйлади у хўрсинганча , - демак , яна кайфияти бузуқ..."

Мана бир ойдир-ки Райҳонанинг ота уйи бўшатилинган. Васиятнома бўйича уй ходими Иноят холага Себзордан кўп хонали квартира олиб беришгач , хонадон ҳувиллаб қолди .

Али ҳам , Райҳона ҳам бу хонадон тўғрисида бир қарорга келмаган эдилар . Албатта сотиб юбориш фикридан узоқ бўлишса-да , кўчиб келишга ҳам кўнгиллари чопмаган эди. Битта- яримта ижарачи қўйиш ҳақида икковлари ҳам қатъий "йўқ бўлмайди" деган жавобни айтган эдилар.

Аммо шундан буён Райҳона тез - тез бу ерга келиб турар ва ҳар келганида Алини огоҳлантиришни унутмас эди.

Аммо бугун тонгда...

Икковлари тортишиб қолишди.

Барчаси Райҳонанинг Алидан нонуштага гамбургер буюртиришни сўраганидан бошланди.

- Яна гамбургерми ? Жонингга тегмадими шу гамбургер?
Турарда гамбургер , юрарда гамбургер, ётишдан олдин яна гамбургер! Шундан бошқа овқатни ҳам биласанми ?
Кўнглимга тегиб кетди- ку ! Ундан кўра ярим коса мастава қил , қатиқлаб ичайлик. Янги келинлик вақтингда биб-бинойи овқат пишириб турардинг. Аммо кейинги вақтларда ...

- Нима кейинги вақтларда ? Айтинг ! Нима учун тўхтадингиз ? -
лаблари алам билан пирпиради Райҳонанинг,- айтаверинг !

Ношудсан денг !

Бутун танангни захар босиб кетган денг ! Ярим коса мастава тайёрлай олмагандек битта бола туғиб беролмайсан денг!
Айтинг!

- Райҳонаааа! Гапни болага бурма! Шу вақтгача бирон нарса дедимми бу тўғрида ?! - Алининг асаблари қақшаб ингради.

- Айтишингиз шарт эмас! Кўр эмасман! Кўриб турибман- ку, барчасини . Бўлмасам икки марта гамбургер сўраганимга шунча иддаони тахлаган бўлармидингиз ? - Райҳонанинг асаби Алиникидан кам бузилмаганди.

- Райҳонааа ,- деди Али у билан бахслашиш бефойдалигини англаб хўрсинганча ,- ўзингга ўхшамай қолибсан. Мен фақат ҳадеб фаст фуд ейиш соғлиққа зарарлигини тушунтирмоқчи эдим халос. Гапимни охиригача эшитганингда шунга ўхшатиб ўзинг уйда тайёрлаб егин демоқчи эдим. Ўшанда ҳар хил концерогенларсиз зарари камроқ бўлар эди.

Али унга афсус ила нигоҳ ташлади ва дарвоза томонга йўл олди :

- Мен ишга кетдим...

Аммо у кун давомида қандай ишлаганини билмади. Бутун хаёли Райҳонага кетиб қолаверди . Унинг ўжарлигидан бир аччиғи чиқса , ёш қалққан кўзлари ёдига тушиб юраги яна бир эзилди .

Аксига олиб бир кунда ўн марталаб қўнғироқ қиладиган Райҳона ҳам нима учундир сукутда эди. Али ҳам ғурурини бир четга йиғиштириб қўйиб Райҳонага беш марта қўнғироқ қилди . Аммо барча уринишлари бесамар кетди.

"Ўзича аразлаган,- ахири шу қарорга келди Али , - ҳа майли уйга борай кўнглидан барча дилхираликларни қувиб соламан"

Мана йигирма кундан ошди-ки Али "Илмга сармоя" корхонасида Розик Рафиқовичдан иш ўрганмоқда.

Буни Райҳона ва Розик Рафиқович истади. Бир томондан тоғаси ҳам уларнинг фикрини ёқлаганлиги сабаб Али бу таклифга йўқ дея олмади.

- Жиян , биламан бу таклиф эркаклик нафсониятингга тегиши аниқ . Бироқ келинни соғлиғи батамом тикланиб олмагунча

#ҚАСД

корхонанинг юритилишига бош- қош бўлиб турмасанг бўлмайди. Бу тарафда Розик ака ҳам бу ёғига ишдан кетиб оёғини узатииб яшаш илинжида. "Шунча ишлардим етар , эндиги навбат ёшларга" демоқда. Бунинг устига келин билан бир оила бўлганларингдан кейин саники - маникиси бор эканми ?

Хуллас биров у деди , биров бу деди , узоқ иккиланишлардан кейин Али корхонага бош ишбошқарувчи лавозимида кириб келди. Қушхона ва гўшт маҳсулотлари билан боғлиқ барча юмушлар Шоҳруҳнинг зиммасига юклатилди .

Али бугун ҳам Розик Рафиқович билан биргалиқда кечгача корхонанинг охирги беш йиллик иш ҳужжатларини ўрганиб чиқди. Розик Рафиқович "Алихон , бугунчаликка етар-а? " деганида нечоғлик чарчаганини ҳис қилиб базўр ўрнидан турди.

"Ақлий меҳнатдан кўра жисмоний меҳнат осон дейишса иккинчи ажабланмаганим бўлсин"

Али шулар ҳақида ўйлаб уйга қандай етиб келганини билмай қолди. Машинаси дарвоза ёнида тўхтаганидагина ўзи

боя ишда режа қилганидек Райҳона учун супермаркетдан маринадланган ананас ва музқаймоқ кремли пирожний олмаганлиги ёдига тушди.

"Майли , ҳеч қиси йўқ,- ўйлади у , - Райҳона билан бирга бориб келамиз. Қайтага ёқтирган егуликларини ўзи танлагани завқлироқ"

Машина бир неча бор сигнал чалса-да Райҳонанинг чиқиб дарвозани очмаганидан ажабланган Али ўзи тушиб ёнидаги калит билан эшикни очди-ю ичкарига кирди.

- Райҳона! Райҳона! - овоз бериб чақирди Али , - қаердасан ?!

Дастлаб кираверишдаги ошхонага қадам босган Али у ердаги стол устида ярим чала ейилган гамбургерга кўзи тушиб хаёлидан "Барибир ўз билганидан қолмабди-да бу ?! Барибир буюрма қилибди-да гамбургерини ?!" дея ўйлади-ю, дили ранжиди.

Зум ўтмай уйнинг ичидан Райҳонани излаб топа олмаган Алининг диққати ошди.

"Буни бирорта жин чалдими , - ўртаниб ўйлади Али , - илгари ҳеч бунақа эмас эди".

Али шошилганча Райҳонанинг телефонига кўнғироқ қилди . Таниш куй ошхона деразасининг тоқчасидан эшитилганда

Али бўшашиб тушди:

Райҳона телефонини қолдириб кетибди !

Сўнгги умид Райҳонанинг ота ҳонадонидан эди.

Али дарров кўчага қайтиб чиқди-ю тезда машинасини жойидан жилдирди.

Кўзлаб келинган хонадоннинг эшиги очиқ экан. Али шитоб билан ичкарига отилди.

Али Райҳонани ўзи кутганидек отасининг кабинетидан топди.

Эшик очилишини эшитган бўлса-да , ортига қайрилиб қарамаган Райҳонанинг ўзини тутишидан Али янада ҳайратланди.

- Райҳон... - деди Али ҳорғин овозда , - шунақаям бўладими , Райҳон...? Битта гапга шунчаликми ? Ўтакамни ёрдинг- ку ?

Райҳона миқ этмади.

Али ўзига тескари ўтирган аёлини айланиб ўтиб юзига назар ташлаб юраги орқага тортиб кетди.

*Райҳона йиғлайверганидан юзлари бўртиб , қовоқлари
шишиб кетганди...*

- Райҳон... Азизам ... Сенга нима бўлди?

*Али ўзини йўқотиб қўйганча Райҳонани қаттиқ- қаттиқ
силкита бошлади:*

- Гапир ?! Ё тобинг йўқми ?

Райҳона бош силкиди.

*- Али ака... - деди у ҳиқиллаб ,- илтимос ... Жоооон , Али ака ,
менга ваъда беринг ...*

*Ваъда бермасангиз бўлмайди. Чин эркаклик сўзингизни
беринг ...*

У баралла йиғлай бошлади.

*Райҳонанинг охирги сўзларидан Али ҳушёр тортди .
Райҳонани ушлаб турган қўлларини шарт тортиб олди :*

*- Нима гап ? - деди у совуққон оҳангда ,- нимага ваъда
беришим керак ? Аввал айт-чи ? Шунга қараб иш тутаман...*

- Иш тутаман демааанг ?!

**Иш тутаман демааанг !!! - ўкириб , ўртаниб йиғлашда давом
этаркан Райҳона, - аввал ваъда беринг !**

Йўқса...

Йўқса...

Ажрашамиз !

**Алини юқори кучланишдаги ток ургандек бўлди. Турган
жойида бир сапчиб тушди.**

**"У қандай нарса экан- ки , Райҳона ҳатто ажралишга ҳам рози
!"- ўйлади Али. Шуни ўйлагани заҳоти юрагидан нимадир
"чирс" этиб узилди.**

Юраги ҳувиллаб, бўм- бўш бўлиб қолди:

**- Майли , розиман! - деди у маъносиз кўзларини Райҳонага
тикканча , - бари сен айтганча бўлсин. Ваъда бераман! Нима
ҳақда сўрашингдан қатъий назар ваъда бераман! Хаттоки
талоғингни сўрасанг ҳам...**

**Райҳонанинг кўз ёшлари зумда қуриди. Кўзларида
"нимадир" шуълаланди:**

- Ростдан- ааа ? - сўради у энтикиб , - сизни ... Сизни яхши

#ҚАСД

кўраман, Али ака... Жудаям...

Али энди бу сўзларга аҳамият берадиган даражада ҳушёр эмасди.

- Гапир ! Мен нимага ваъда беришим керак эди ? - деди у Райҳонанинг қаршисида серрайганча туриб , -Ўзинг айтгандек эркаклик сўзини ? Бемалол айтавер , умримда илк бор ўзим билмаган нарса учун йигит сўзимни бағишладим. Қўрқма ! Сени ...

- Али ака! - деди Райҳона унинг гапини бўлиб , - Сиз ваъда бердингиз !

Ва мен бор ҳақиқатни айтаман!

Мен ... Мен... Мен ҳомиладорман , Али ака ! Ва бу фарзандни дунёга келтиришимга ҳеч бир қаршилиқ қилмайсиз ! Сиздан ҳозир ана шунинг ваъдасини олдим...

Алининг устидан биров гўёки бир челак қайноқ сув қуйиб юборгандек бўлди. У турган жойида ўқ егандек қалқиб тушди...

*Райҳона эридаги бу ҳолатга эътибор қилмай гапида давом
этарди :*

- Али ака ...

Мени кўп бора огоҳлантиришди.

Фарзандли бўлсам ҳаётим хавф остида қолар эмиш.

Юрагим бунга бардош бериши қийин эмиш .

*Танамда йиғилган заҳар энг биринчи менга таъсир
кўрсатармиш...*

Ўлиб қолишим ҳеч гап эмасмиш.

Бу ҳаётим учун аниқ қасд эмиш ...

Гўдак ҳам хавф билан тўғрима - тўғри рўбаро эмиш.

Хуллас ...

Эмишлар жуда кўп , Али ака !

Аммо умид битта !

У ҳам бўлса Аллоҳдан...

*Али ака ... Мен гўдагимиз туғилгунча тўхтамай Аллоҳдан
фарзандимиз соғ-саломат дунё юзини кўришини сўрайман.
Ҳар бир намозимда , ҳар бир нафасимда сўрайман.*

Аллоҳ "Сўра , дуо қил , ижобат ўзимдан" деган буюк зот !

Дуога лиқ тўла кафтимни қуруқ қайтармайди , мана кўрасиз ...

Райҳона кафтларини дуо қилаётгандек чўзди .

Али унинг ёнига тиз чўкди.

Райҳонанинг киприкларида илиниб турган ёшни бармоғи билан сидириб оларкан аранг :

- Райҳон... Жаннат гулим ... Нега мендан бу гапларни яширдинг? - дея сўради , - ахир бунга анча вақт бўлган , тўғрими ? Демак , гамбургерга бошиқоронғи бўлган экансан-да ? Эээҳ, сени қара-ю ?

Мен ... Мен шу топда бахтлиман. Осмонларда учаяпман . Демак , ота бўлар эканман- да ... Бироқ кўнглимда хавотир ҳам йўқ эмас ... Ахир Шоҳида опа ...

- Али ака , илтимос . Келинг шу бугун шулар ҳақда гаплашмайлик,- эркаланиб сўради Райҳона ...

- Дилбарим... У ... - Али кафтини Райҳонанинг қорнига авайлаб босди , - у қанчалик ?

- Адашмасам , бир ярим ойлик атрофида, - жилмайди Райҳона

- Аммо битта нарсага ҳайронман. Ахир қандай қилиб ...

23-қисм

шундай малакали шифокор Шоҳида Туроповнадан ҳомиладор эканлигини яшира олдинг ? Мен Шоҳида опанинг кўзларини ренген нурларидан ҳам ўткир деб биламан.

- Тўғриси айтсам уришмайсизми ? - ҳиқиллаб жавоб қайтарди Райҳона,- сиз Шоҳида опани қисқа фурсатда шунчалик танибсиз- ку, аммо ўз аёлингиз , ўз Райҳонангизни яхши танимабсиз . Менинг кимлигимни унутиб қўйибсиз . Мен тасарруфида минг - минглаб инсон ишлайдиган корхонанинг дизайнерман-ку. Неча ўн, юз хил турдаги маҳсулотларга ёрлиқ тайёрлаган мендек ходимга битта УЗИ қоғозини қалбакилаштириш иш бўлибдими ?

Али ака... Мени тагин фирибгарликда айбланган . Мен шунчаки юрагим остида ўсаётган мурғабимни ҳимояси учун қилдим бу ишларни.

Али хўрсинди .

- Сени нега тушунмай , Райҳона? Сени ҳаммадан ҳам яхши биламан- ку. Кўнглинг қандай , суратинг ва сийратинг нечоғлик бир - бирига муносиб ... Бироқ ,- Али пича сукут

*сақлаб сўзини давом эттирди,- бироқ қачонгача
яширмоқчисан бу ҳолатингни ? Қачонгача яшира олар
экансан ?!*

*- Яна бир ярим ой , нари борса икки ой... Ана ўшанда Шоҳида
Туроповна мендан ҳомиладорликни жарроҳлик йўли билан
тўхтатишни сўрамайди,- ўксик оҳангда жавоб қайтарди
Райҳона.*

*Али аёлини ҳам, ўзини ҳам ортиқ қийнагиси келмади.
Барчасини вақтнинг ҳукмига ҳавола қилишликни маъқул деб
топди.*

Ўртадаги таранг вазиятни юмшатиш учун Райҳонага :

*- Сени- ку билдим , гамбургер еб олибсан . Аммо мен ўлгудек
очман , - дея тегишди,- юр бирон жойда гамбургер еб олайлик
...*

Райҳона лабини бурди :

- Бугун бошқа гамбургер емайман , ундан кўра ҳммм...

- "Ҳммм" деганинг қайси таом? - сўради Али

- Билмасам ... Тополмаяпман...

- Ҳозир-чи сени бир жойга олиб бораман, - кўзлари ёниб Райҳонага тикилди Али, - қайси таом ейишни ўзинг танлайсан. Келишдикми ? ...

Райҳона ёш қизчалардек эркалананиб "хўп" дея бош силкиди.

Йўлда Райҳона Алига савол ташлади :

- Али ака , фарзандимиз ўғил бўлишини истайсизми ёки қиз ?

Али йўлдан кўзини узмай энтиқди:

- Очиғи бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман. Ўғилми , қизми Аллоҳ қай бирини раво кўрса бажонидил қабул қиламан. Муҳими солиҳ ва солиҳа фарзанд бўлсин.

Али Райҳонага шундай деди-ю , аммо "Кўзлари чаросдек, лаблари гилосдек , сочлари жамалак , оппоқ юзли онасига ўхшаган бир қизим бўлса қани эди" дея чин юракдан орзулаган бўлди . Кўп ўтмай ўзининг юқоридаги сўзларини дилида такрорлади : "Муҳими солиҳ ва солиҳа фарзанд бўлсин".

- Али ака ... Мени кўнглим гўштли овқатларни жуда кўп тусаяпти. Шунга фарзандимизни ўғил бўлса керак деб ўйлаяпман. Мен фарзандимнинг отасига ўхшаган чинакам ,

асл инсон бўлишини дилдан истайман...

Али аёлига индамади. Аммо Райҳона унинг лабларининг энг, энг чекка бурчидаги табассумини тийраклик билан илғай олди.

У кейинги кунларда илк бор хотиржамликни ҳис қилаётган эди.

Баъзилар ўз ишининг , ўз касбининг шу қадар устаси бўладилар- ки , хатто энг олий даражадаги техника беҳато деб чиқариб берган кўрсатмадан-да киприк қоқмай ички инстинктлари ёрдамида айб топиб бера оладилар.

Шоҳида Туроповна Райҳонанинг ҳомиладорлигини навбатдаги текширувдаёқ юзига қарай туриб аниқлади - қўйди:

- Так , так, таааак ... Хўйўйўш бу қулоқсиз қизни нима қиламиз энди ? - деди у ҳузурига Али билан бирга ташриф буюрган Райҳонага синчковлик билан назар ташлаганча ...

Гарчи юраги "шууув" этиб кетган бўлса-да, Райҳона ўзида жавоб қайтаришга куч топа олди.

- Тушунмадим , - деди у базўр жилмайишга ҳаракат қилиб , - нималарни назарда тутаяпсиз , Шоҳида опа?

- Тушунмадим ? - қошлари чимирилди Шоҳида Туроповнанинг , - жудааа яхши тушуниб турибсиз- да гўзалим, жуда яхши тушуниб турибсиз...

Райҳона бари яширин сирлари фош бўлганини қалбан ҳис қилиб бошини қуйи солди. Лаблари учиб, хумор кўзларида ёш мавжлана бошланди...

- Райҳона синглим ... Мен бўлиб ўтган ишларда сизни айбдор қилмоқчи эмасман. Аввало бергувчи Аллоҳ... Аллоҳ шуни истабдими демак шундай бўлиши керак ...

Энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлаб олишимиз лозим.

@hazon_rezgi / 70

#ҚАСД

Шоҳида Туроповна бир Райҳонага, бир Алига қараганча сўзлай кетди :

- Энг биринчи навбатда сизнинг соғлигингиз ҳақида қайғуришимиз керак. Биринчи ишни соғлом турмуш тарзига риоя қилишдан бошлаймиз. Вақтида овқатланасиз , вақтида тоза ҳавода айланасиз , вақтида ухлайсиз. Ҳомиладор аёлнинг асосий одатига айланадиган қайсарлик , инжиқликдан иложи борича тийиласиз.

Таом рационингизнинг бош таркиби албатта мева ва сабзавотлар бўлиши керак. Кўкатларга эса асосий урғуни бериш керак. Гўшт ва балиқ маҳсулотларидан ҳам ўзингизни чекламаганингиз маъқул.

Чеклашингиз керак ва шарт бўлганларга эса энг аввало газли ичимликлар киради. Уларнинг ўрнига табиий мева шарбати ва компотлар тавсия қилинади.

Шунингдек аввалдан ичиб келаётган дамламаларни тўхтатмайсиз.

Турли хил сунъий ҳосил қилинган таомлардан , нималарнингдир мазаси бериб тайёрланган егуликлардан қатъиян бош тортишингиз тавсия этилади.

Юрагингиз ҳолатини эътиборга олган ҳолда, қон босимингизни назоратда ушлаш учун кофе, шокалад , аччиқ қайлалар , ўта шўр тузламаларни чеклаб турамиз .

Ҳозирча шу .

Мана бу рўйхатдаги дориларни клиникамиздан олиб , тартибига қараб ичиб турасиз ...

Сиз эса куёв бола , - Шоҳида Туроповна Алига юзланди , - ҳозирги айтганларимни яхшилаб эслаб қолиб назорат остига оласиз . Тушунарлими ?

Али "хўп" дея бош силкиди.

- Жуда соз , - мана бу иловада ҳомиладор аёллар учун бир

ҳафталик овқат рациони тавсия шаклида тузиб чиқилган.

Марҳамат , бемалол фойдаланишингиз мумкин.

**Шоҳида Туроповна қўлидаги қоғозни Алига узатар экан ,
Райҳонага юзланди :**

**- Менимча сизни кўнгил айланиши қийнаётгани йўқ , тўғрими ? ,
- Райҳона "Ҳа" дея бош силкигач, савол беришда давом этди , -
аммо меъридан анча кўп ухляяпсиз. Шундайми ?**

**Шифокор яна бир мартаба ижобий жавоб олгач ,
Райҳонага меҳр билан тикилди :**

**- Ҳомила уч ойлик бўлгунча қанча ухласангиз шунча ухлаш
мумкин. Бунинг зарари йўқ . Аммо у уч ойликдан ошгандан
сўнг уйқулар соатининг керагидан ортиғини чеклаш керак.**

**- Шоҳида опа , сиздан бир нарсани сўрасам майлими ? -
тортинибгина савол ташлади Райҳона.**

- Ҳа бемалол , - деди Шоҳида Туроповна

**- Сиз ҳузурингизга киришим билан ҳомиладор эканлигимни
айтдингиз. Ҳеч бир таҳлил натижаларига қарамай ... Мен
шунга ҳайрон бўляпман. Айтинг-чи , сир бўлмаса буни қаердан
билдингиз ?**

Шоҳида Туроповна оғир тин олди , сўнгра оҳишта жавоб қайтарди :

- Мен бир неча йиллардан буён шу соҳада ишлайман. Ҳаётий тажрибамнинг аскарияти шу соҳа орқали тўпланди. Шу жумладан касбий салоҳиятим ҳам сеvimли ишим туфайли юксалди.

Сизнинг ҳомиладор эканлигингиз , ҳомиланинг қайси муддатда эканлигини тахминлаш ҳам оддий кузатувлар туфайлидир.

Барчасига батафсил тўхталмайман- ку, бир , икки аломатларни айтишим мумкин.

Мисол учун... Ҳммм ... - Шоҳида Туроповна бироз ўйланиб қолди , сўнгра фикрларини бир нуқтага жамлашга ҳаракат қилганча сўзлай кетди , - мисол учун қош ва киприкларингиз анча сийраклашиб қолгани диққатимни тортди. Мен сизни илк бор кўрганимда айнан камоннинг ёйидек қоп- қора қошларингиз ва қуюқ, узун киприкларингиз эътиборимни жалб қилган эди. Шунингдек шалолалек қалин сочларингиз ҳам .

Бугун эса юқорида тарифлаган қош, киприк, сочларингиз ўз жилосини йўқотганига ва яхшигина сийраклашиб қолганига эътибор бердим. Шунингдек кўз жиякларингиз ўз одатий рангидан кўра оч пушти рангга кирганлигига , қовоқларингиз уйқуга тўймаган инсонники каби салқиб қолганлигига гувоҳ бўлдим .

Шунга ўхшаш бир талай омилларни хаёлан йиғиб , умумлаштирган ҳолда битта - ягона хулосага келдим:

Сиздаги ўзгаришларнинг сабаби бир нечта бўлиши мумкин , аммо энг асосийси ва ишонарлиси бу- ҳомиладорлик !

Ҳомилалорликдагина организмда яна битта жон яратилиши эвазига ана шундай ўзгаришлар юзага келиши мумкин.

Кўп ўтмай сизга берган саволларга кўра тахминимда адашмаганимга амин бўлдим , - деди Шоҳида Туроповна "ана шунақа гаплар" деган маънода

@Xazon_Rezgi / 71

#ҚАСД

Суҳбат якунига етгач , Али билан Райҳона ташаккур билдириб руҳсат сўраб шифокор кабинетини тарк этишар экан , ортларидан Шоҳида Туроповнанинг "Райҳона, бир минутга қараб юборинг!" деган чақируви эшитилди.

Райҳона шифокорнинг эри Али ҳузурида сўрай олмаган муҳим гапи борлигини ҳис қилиб Алига "ташқарида кутиб туринг" дегандек имо қилди-да, ўзи юраги шувиллаганча ортига қайтди.

- Райҳона, ўтиринг ...

Шоҳида Туроповна уни ўтиришга қайтадан таклиф қиларкан , саволли нигоҳларини келинчакка ўйчан қадади :

- Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим. Фақат ростини айтинг. Майлими ?

Райҳона оғир - оғир киприк қоқди :

- Майли. Хўп бўлади , - деди у ўзини шифокорнинг саволидан олиб қочишнинг иложи йўқлигини ҳис қилганча.

- Райҳона... Мен сизга ҳозирча фарзанд кўришдан сақланиб туринглар дегандим- а ? Тўғрими ?

- Ҳаа ... -дея ютинганча базўр жавоб қайтарди Райҳона...

- Хўйўш... Унда бу гўдак қаердан...

- Мен ... Мен барча айтганларингизга амал қилгандим ... - йиғламоқдан бери бўлиб ерга қараганча жавоб қайтарди Райҳона,- Аммо шунга қарамай...

- Шундай денг , - бирдан чеҳраси ёришди Шоҳида Туроповнанинг , - демак бу гўдак ҳақиқатдан ҳам Аллоҳнинг мўъжизаси ва сизларга юборган мукофоти экан-да.

Мен айнан ана шуни билмоқчи эдим.

Сабаби бу ҳақда билиш мен учун жуда муҳим эди. Очиғи куёв боланинг ёнида бу саволга жавоб олиш бироз ўнғайсиз эди- да. Аммо жавобингиз менда ўзимга бўлган ишончимни ортишига сабаб бўлди.

Аллоҳ ҳоҳласа , барчаси яхши бўлади.

Биласизми , Райҳона ...

Мен учун энг қийини нима , айтайми ? Баъзан аёлларга "Ҳозирча фарзанд кўрмай тулинг!" дейиш энг қийини.

Мен умримда тўрт мартаба аборт қилганман. Аммо бу кимнингдир "ортиқча даҳмаза"дан қутилтириш учун ўтказилган амалиёт эмас эди. Ўша тўрттала абортда ҳам онанинг ҳаёти хавф остида бўлганлиги , мурғабидан умид йўқлиги учун қилинган эди бу ишлар. Аммо шундай бўлса- да бу жарроҳлик менинг юрагимга қанчалик оғриқ берганини билсангиз эди.

Бу сўзларни нима учун айтяпман?! Сизга ҳозирча фарзандли бўлишдан сақланинг деганимда мени нотўғри тушунганингизни ҳис қилганман. Керак бўлса душман ўрнида ҳам кўрганингиз ростдир , - Шоҳида Туроповна жилмайди , - аммо буларнинг бари азбаройи сизнинг манфаатингизни кўзлаганимдан айтилган сўзлар эди.

Ҳозир эса шуни айтишим мумкин- ки , Аллоҳ сизларнинг фарзандли бўлишингизни ихтиёр қилган экан , мен бундан фақат ҳурсанд бўлишим мумкин .

Сиз сира ҳавотир олманг. Насиб қилса чақалоғингизни этагингиздан тушгандек эсон- омон қўлингизга оласиз . Мана мени айтди дейсиз .

Фақат ...

24-қисм

Фақат сиздан битта талаб бўлади . Ўзингизни асрайсиз.

Келишдикми ? - жилмайганча сўради Шоҳида Туроповна.

**Райҳона унга жавобан кулимсираб "Албатта" деди-ю ,
иккинчи қайта ҳайрлашиб хонани тарк этди...**

**Райҳонанинг ҳомиласи олти ярим ойликка етганда у
кечалари ора-орада безовталанадиган, алоқ- чалоқ тушларни
кўп кўрадиган бўлиб қолди. Негадир кейинги кунларда тушига
марҳум отаси тез- тез кирадиган , Райҳонага нималарнидир
демоқчи бўларди-ю , аммо қизи фикрини тугал тушуниб
олгунга қадар қоронғилик домига кириб йўқолиб қоладиган
бўлиб қолганди.**

**Райҳона бир неча маратаба "Адажооон" дея бақириб
уйғониб кетганча ўзининг ҳам , Алининг ҳам ўтакасини ўттиз
ёрди.**

**Али Райҳонанинг шу таҳлит безовталикларидан хавфсираб
уни энг малакали шифокорлар кўригига бирма - бир олиб
борди.**

**Бироқ барча шифокорлар кун сайин Райҳоналага бу
ҳолатнинг ёмон тарафи йўқлигига , ҳомиладорликда
учрайдиган озгина камқонлик ва умумий ҳолсизликни
ҳисобга олмаганда барчаси жойида эканлигига Алини
ишонтиришар эди.**

**Бир куни қўшни аёл Фазилат келинойи Райҳонанинг ранги -
рўйига қараб яхшилаб дам солдириб юборишни масалаҳат**

берди.

- Синглим , ўзингизга ўзингиз дам солсангиз ҳам бўлади. Бу у қадар қийин иш эмас . "Қуръон - қалблар шифоси" китобида ёзилишича - "Ҳар ким имкони борича ўзига-ўзи дам солгани маъқул. Чунки беморнинг овози ўзига бегоналарникидан кўра яхшироқ таъсир қилади. Лекин баъзи вақтларда беморнинг аҳволи оғир бўлгани учун ўзи ўқий олмаслиги мумкин. Шундай пайтда бошқа одам Қуръон ўқиб дам солади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам "Ихлос", "Фалақ", "Нос" сураларини ўқиб, ўзларига дам солардилар. Аҳволлари оғирроқ бўлса, Оиша онамиз у зотга дам солганлари тарихдан маълум.

Бошқа одамга дам солдирилса, дам солувчи тақводор, солиҳ инсон бўлгани маъқул. Зеро, дам солиш ҳам дуонинг бир тури. Дам солувчининг нафаси ўткир бўлса, солган дами яхшироқ таъсир қилади, бемор шифо топади.

Ривоят қилинишича, ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу "Фотиҳа" сурасини ўқиб, хасталарга дам солса, тезда таъсир қилар экан. У киши дунёдан ўтганидан кейин бошқалар дам солишса, аввалига самара бермабди. Шунда бунинг асл сабабидан бохабар кишилар: "Фотиҳа" сураси-ку, ўрнида турибди, аммо уни ўқийдиган Умар қани?" дейишган экан .

Дам солаётганда овозни бемор эшитадиган даражада – бироз кўтариб қироат қилинади. Чунки танадаги касал ҳужайралар шифо топиши учун овоз чиқариб ўқиш керак. Қуръон ўқилганда инсоннинг териси, ҳар бир ҳужайраси эшитади. Шунинг учун Қуръонни сал баландроқ овозда ўқиган маъқул. Қуръон билан даволаниш учун белгиланган маълум вақт йўқ. Ҳар қандай ҳолатда ўқиса бўлади. Бироқ эрталаб, кечқурун шифо оятларини ўқиб дам солиш афзал. Оятлар етти марта ўқилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом баъзи шифо оятларини, дуоларни етти мартагача

такрорлаганлар" дея ёзилган , - у шундай дея туриб бир муддат тин олди ва сўзида давом этди,- агар истасангиз ўзингиз ё бўлмаса бирор тақводор , илмли, солиҳа аёлни топиб мушкулингизни осон қилишимиз мумкин...

Райҳона унга нисбатан индамаган бўлса-да бўш вақтларида ўзи билганича шифо оятларини ўқиб ўзига - ўзи дам соладиган бўлди.

Ана шундай вақтларда у танасида ажиб енгиллик ҳис қилар , тез - тез тўпалончилик қилиб,м тинимсиз тепиниб ўзини эслатиб турадиган юраги остидаги мурғак жон ҳам алланечук тинчиб , ором олаётганини ҳис қилиб қолар эди.

Шуларга қарамай Райҳонанинг тушларига отаси кираверишни ҳамда ташвишли кўринишда алланима демоқчидек намоён бўлаверишни ҳеч қанда қилмас эди.

Одатий кунларнинг бирида Фазилат опа Райҳоналарникига бир келинчакни етаклаб чиқди :

- Райҳона , Райҳона-ююю , - деди у ўзига ярашган ўктам овозда йўлақда Райҳонанинг қораси кўриниши билан , - меҳмонларни қабул қиласизми ?

Бир ўзи уйда зерикиб диққинафас бўлиб кетган Райҳона уларни суюниб қарши олди:

-Бўлмасам-чи , - деди у хурсандчилигини беркитишга ҳам ҳаракат қилиб ўтирмасдан , - "Меҳмон- атои худо" деган гап бор- ку ! Марҳамат , хуш келибсизлар !

@Xazon_Rezgi /73

#ҚАСД

Фазилат опа билан бирга келган ёшгина аёл йигирма беш ёшлар атрофидаги дилбаргина жувон эди .ь У Райҳонага қимтиниб боқиб қўнғироқдек овозда астагина салом берди:

- Ассалому алайкум, яхшимисиз ?

Райҳона ўзидан ёши катта аёлнинг саломига алик олишга ўнғайсизланиб сўрашган бўлди :

- Яхшимисиз , опажон? Уй ичилар яхшими ? Қани уйга марҳамат ! - у келганларнинг ҳар иккисини ичкарига - меҳмонхонага таклиф қиларкан.

- Райҳонахон , бизга шу ер дуруст . Очиқ ҳавода ўтиришга нима етсин , - Фазилат опа шундай деб атрофига қалин қилиб сувлар сепилиб жой қилинган каравотни кўрсатди , - мумкин бўлса шу ерда ўтирайлик .

Райҳона уларни Фазилат опа кўрсатган ерга бошлади. Опа

дуои фотиҳа қилгач , Райҳона унинг ҳай - ҳайлашига қарамай ошхонага йўл олди ва зум ўтмай икки қўллаб патнис тутганча яна меҳмонлар қаршисида пайдо бўлди:

- Фазилат опа , бирам зерикиб ўтирувдим-ки , чиққанингиздан роса қувондим,- Райҳона патнисдаги чой , нон , ширинликларни олиб хонтахта устига қўяр экан, ҳар икки аёлга чой қуйиб беришга тутинди.

*- Райҳонахон, бу синглимизнинг исмлари Лолахон бўладилар ,
- Фазилат опа ўзи билан келган келинчакни таништириб,- ёдингиздами, улар ҳақида гапирганим. Бир яхши чевар керак дегандингиз-ку. Бугун уйда бўлганим учун Лолахонни чақиртирдим. Ўзимга бир- икки кўйлак тиктиришга буюртма бердим. Кейин сиз ёдимга тушиб бошлаб чиқақолдим.*

Райҳона севиниб кетди :

- Авваллари ўзимга-ўзим кийим тикиб олардим. Либос тикишни, тикишдан ҳам кўра уни турли безаклар билан безатишни яхши кўраман. Аммо ҳозирги ҳолатимда ...- Райҳона ийманиб ерга қаради, сўнг яна Лолахонга юзланди , - мен ҳомиладорлар учун, яъни ўзимга бир ,икки либос эскизни чизгандим . Шунини тикиб берадиган аёл йўқми дея Фазилат опамдан сўрагандим.

Тўғри шунақа кийимларни тайёрини сотиб олсам ҳам бўлади, аммо тикдиришга бир дил кетди- да.

- Тайёр билан , тиктириб кийганингизни фарқи бор барибир.

Иккинчисида кийим айнан ўзингиз учун мўъжаллаб тикилгани сабаб эгнингизга қолипдек тушади. Ўзингизни , айниқса мана бунақа ҳомиладорлик даврида қулай ҳис қиласиз. Бу нарса ҳатто ҳомила ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади,- Лолахон шундай деб сумкасидан ўлчов метри, чарм муқовали блакнот ва ручка чиқарди,- чизган эскизингиз ва тиктиришга мўъжалланган матоларингизни кўрсам бўладими ?

Райҳона ичкаридан Лолахоннинг сўраган нарсаларини олиб чиқди. Лолахон Райҳона тақдим этган эскизга қараганча маҳлиё бўлиб қолди :

- Мен етти йилдан буён чеварчилик қиламан,- деди у эскизларни бирма- бир варақлар экан,- аммо бундай нафис , содда ва дилбар либослар эскизини ... Айтганча , касбингиз нима , Райҳонахон?

- Мен дизайнерман , аммо либослар бўйича эмас ... - деди Райҳона касби ҳақида бироз тушунча берган бўлиб .

- Дизайнерман деганингизнинг ўзи барча саволларга жавоб бериб қўяқолди , гарчи бошқа соҳада фаолият юритсангиз-да нозик дидингиз чизган суратингизда "манаман" дея бўй кўрсатиб турибди. Дизайнер дегани ижодкор деганида аслида. Очиғи ишингизни кўриб тикканларим сизга ёқармикан деган мулоҳазага ҳам бориб қолдим.

Райҳона унга жилмайиб қаради :

- Агар кийиб олган кўйлагингизни ўзингиз тиккан бўлсангиз , менга аллақачон ёқиб бўлди.

- Ўзим тикканман , - дея жавоб берди кўнгли ўрнига тушган Лолахон, - бир гап сўрасам майлими ?

- Албатта , - деди Райҳона унинг саволи нима эканлигига қизиқиб

- Мен бундан кейинги кўчада яшайман. Бир вақтингиз бўлса бориб тиккан тикишларимни , чизган эскизларимни кўриб бера оласизми ? Тўғриси бир неча йиллардан буён келин сарпо тикаман. Шунга коллекциямда бир янгиланиш қилсам дегандим. Бир , иккита шогирдларим ҳам бор.

Уйимиз бу ердан унча узоқ эмас, - деди Лолахон ийманиш билан.

Лолахон Райҳонанинг ўз уйига боришини жуда истаётган эди. Шу сабаб бундан буёнги ўй-хаёли шунда бўлиб қолгандек бўлди.

@Xazon_Rezgi /74

#ҚАСД

Райҳона бу ҳолатида ёлғиз ўзи кўчага чиқмаслигини , у -бу ерга борадиган бўлса ёнида эри юришини айтишга оғиз жуфтламоқчи бўлди-ю , аммо унинг уйи яқинлигини эшитиб бу тўғрида индамай қўя қолди.

Райҳонанинг индамаганига яна бир сабаб бор эди. У кейинги кунларда ҳомиладорлиги сабаб бошидан руҳий зиқликни кечираётган , айна вақтда кўнгли кимлар биландир чин юракдан диллашишни истар эди. Шулар таъсирида у қаршисида ўзига умид билан тикилиб турган жувонга :

- Насиб қилса , ин шаа Аллоҳ , - деди ва ўзи ҳам Лолахон билан ижод юзасидан суҳбатлашишга чин кўнгилдан, астойдил мойил бўла бошлади..

Лолахон Райҳонанинг ижозати билан ўлчамларини олар экан , гап орасида асосий гапни сўрашни унутмади:

- "Примерка"га ўзим келайми ёки бизникига бора оласизми ? Фазилат опамлар "Уйингизга индинга ўтаман" дедилар , ўша куни бўш эканлар-да , - Лола шундай дея туриб Фазилат опага қисқа нигоҳ ташлаб олди . Фазилат опа ҳам "Ҳа шундай" деган ишора беришни унутмади , - агар истасангиз сизни примеркангизни эртага ўтказишимиз мумкин.

Лола шундай дея охирги ўлчамларни олиб бўлиб , чаққонлик билан бланкетининг охирги саҳифасига нималарнидир тез - тез ёзди- ю , сўнгра шарт йиртиб Райҳонага тутқазди :

- Бу ерда менинг телефон рақамим ва хонадон манзилим номи ёзилган . Унча узоқмас , беш дақиқалик йўл . Агар боришни ихтиёр қилиб қолсангиз , аввал кўнғироқ қилинг. Ҳар хил вазиятлар бўлиб туради-да, учрашишга аввал келишиб оламиз , сўнгра бемалол , бафуржа кўришаверамиз . Энди менга руҳсат ...

- Вой , одамни уялтирманг. Қуруқдан -қуруқ , биргина чойнинг ўзи билан кетаверасизми ? - деди Лолахоннинг кетишини эшитиб тараддудланиб қолган Райҳона .

Лолахон жилмайди:

- Ҳар нарсадан ширини дийдор . Қолаверса ҳомиладор аҳволингизда сизни юмушга қўйсак уят бўлар, - у шундай дея туриб Фазилат опага юзланди , - битта дуо қилинг , турайлик...

Лолахон хонадонига етиб боргач , кира солиб ўзини диванга отди. Унинг икки чаккаси лўқиллар , бошининг оғриғига чидай олмай тўлғанар эди. Худди шу пайт атайдан пойлаб тургандек телефони жиринглади. Лола сумкасидан базўр телефонини олди ва экранга қаради . Экранда Лолахоннинг ҳаммадан ҳам ёмон кўрадиган одамнинг исми ўчиб - ёниб турарди . Лолахоннинг ўзига қолса бу одам билан ҳеч қачон гаплашмаган бўлар эди. Бироқ ҳозир "жони" унинг қўлида экан , гаплашмасликнинг сира иложи йўқ эди:

- Аллооо , эшитамаан - деди Лола ижирғаниб ингроқ товушда .

- Қалайсиз , гиргиттон ?! Ўзим қўнғироқ қилмасам бир йўқлай ҳам демайсиз-а ? Бунчалик тошбағирликни қаердан ўргангансиз ҳайронман.

Хўўш , бизнинг буюртма ҳал бўлай деяптими ? Бугун "Боғи - эрам"га кира олдингизми ? Қушчамиз дон чўқий деб қолдими ? Тезлаштирақолинг- а ? Акс ҳолда ...

25- ҚИСМ

Мухторжонингни қорасини қайтиб бу ёруғ дунёда кўриб бўлибсан. Мени биласан-а ? Битта гапираман.

Лолахон ингради :

- Болаааам , боламни қайтариб беринг. У ҳали гўдак бўлса. Нимани ҳам тушунарди у ? Мухторжонимни ўзингизнинг ифлос ўйинларингизга қўшмаанг ! Аралаштирмаанг !

- Хўп бўлади- да ! Қўшмаганим ва аралаштирмаганим бўлсин ! Бунинг учун айтганимни тезроқ қилгин-да ўзинг ҳам.

- Сиз... Сиз қандай одамсиз ўзи ? Сизни ҳам она тукқан- ку ?! Ўз қабиҳ мақсадингизга етишиш учун мени боламдан айиришга худодан қўрқмайсизми ? Бир куни ...

- Менга қара , вей?! Худодан қўрқмайсизми дема менга, хўпми ?! Мен нима қилибман ?! Онадан болани айирган бўлсам , у отасининг бағрида. Жуда унақа ўйнаб - кулиб юрган бўлмасанда , аммо ёмон ҳам юраётгани йўқ ! Тушундингми ? Ундан кейин "Сизни ҳам она тукқан- ку!" деган гапингни йиғиштир! Бу ишларни қилишимдан мақсаднинг бир учи мени айнан

туққан онам учун қасд олмоқчиман ! Тушундингми ?! Ўша Алисидан ҳам , Райҳонасидан ҳам қасдимни оламан!

Лолахон бу инсонга гап уқтириб бефойдалигини англаб турарди , бироқ шундай бўлса-да , "Чиқмаган жондан умид" қабалида сўзида давом эта бошлади :

- "Мен отасиман" деган ўша болангиздан вақтида тонгансиз ! Мухторжон сизни ўз дадаси деб билмайди. Орадан неча йил ўтгандан кейин оталикни даъво қилманг . Бизни ўз ҳолимизга қўйинг, илтимос...

- Уни ўғлим эканлигига ҳалиям шубҳам бор. Ўзига ҳам унга "Отанг учувчи эди , самолётда ҳалок бўлган" дебсан- ку ? Ё ростдан ҳам ҳаётингда қандайдир учувчи бўлганлиги бор гапми ?

- Иммм ... - оғир ингради Лолахон,- қанақа худобехабар одамсиз ўзи ? Сизнингча нима дейишим керак эди ўғлимга ? Отанг ҳомиладорлигимни билгач "Бу болани тан олмайман. Ҳаромингни нима қилсанг қил !" дея жуфтакни ростлаб қолган дейишим керакмиди ? Ёки ўз фарзандини бир туки қилт этмай "ҳароми" деб атаган одамни сен учун дада ўрнида кўришни истамадим деб тўғриси айтишим керакмиди ? Аммо билиб қўйинг , ўғлим "ҳароми" эмас! ,-Лолахон "Ҳароми - сени ўзинг!" дейишдан ўзини базўр тийиб қолди , - ўшанда мени ўғирлаб олиб чиқиб кетган тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқ четидаги кулба эгаси ёши тўқсонларга бориб қолган кекса қария "Бўлар иш бўлибди , энди бу ёғига ҳалол яшанглар" дея никоҳ ўқиб қўйгани эсингиздами ? Барчасига Аллоҳим гувоҳ.

- Менга қара, сен бу сўзларинг билан нималар демоқчисан-а? Кўнглинг ҳали ҳам мени тусаётган бўлса, бу ишлар бир ёқли бўлгач, яна тоққа олиб чиқиб келишим мумкин. Фақат, билиб қўй мен эркин қушман. "Официальный уйланасиз" деган гапинг ўтмайди.

- Мени тушунмадингиз. Мен ўғлим ҳароми эмаслигини уқтираётган эдим. Ундан кейин сизга турмушга чиқиш ниятим ҳам йўқ. Менга ўша вақтлар ўқилган никоҳ учун талоғимни берсангиз бўлди. Бу ёғига тинч яшамоқчиман.

- Тинч яшамоқчимисан ёки янги саргузашт изламоқчимисан? "Йўқ" деб инкор қилишга шошилма. Мен ернинг тагида илон қимирласа биладиганлар тоифасиданман.

- Менга қаранг, ўзингизча нималар деяпсиз? Қанақа саргузашт? Сиз билан кечирган "саргузаштларим" бутун умримга етарли бўлди ўзи. Бошқасига тоқатим, мажолим, хаттоки мадорим ҳам қолмади ўзи.

- Нима дей? - захарханда овоз эшилди тармоқдан, - айтишади -ку "Ит пичан емас, отга ҳам бермас" деб! Сени шундай қизғанаман.

"Ҳайрият итлигини ўзи ҳам билар экан" деб ўйлади Лолахон ва бу мавзуда бошқа гаплашгиси келмади:

- Ўғлим нима қиляпти? Йиғламаяптими? Муздек нарсаларни

берманг , томоғи оғриб қолмасин ...

-Ўғлинг отдек , компьютерда ўйин ўйнаб ўтирибди. Ўйин ўйнашини кўрган одам ҳеч ҳам уни тўрт яшар бола демайди.

*- Мени соғиниб йиғламаяптими ? Битта кўрсатинг боламни ?!
Илтимооос ...*

*- Иш битсин , бутунлай ўзингга қайтариб жўнатвораман.
Менимча бир , икки йил Самарқанддами , Жиззаҳдами яшаб
турсанглар маъқул бўлади . Менга барибир . Эҳтиёт бўлларинг
дейман-да. Мен- ку оларимни олиб , яна Россияга қайтиб
кетаман.*

Айтганча ...

*Истасанг сизларни ҳам олиб кетишим мумкин. Фақат
алоҳида - алоҳида жўнаш шарти билан.*

@Xazon_Rezgi / 76

#ҚАСД

*- Кераги йўқ ... Ўзга юртларда яшашга ҳушим йўқ,- деди
Лолахон бемажолгина.*

- Менга қара Райҳона билан учрашдингми ? Шундан гапир .

Ўргатганимдек хонадонига тўғридан тўғри кириб бордингми ?

Лолахон чуқур хўрсинди. Суҳбатдошига "Сен лаъиннинг шогирдига устозингнинг ўзи йўл очди чамамда" демоқчи бўлди-ю , жигарпораси уни қўлида эканлигини эслаб тилини тийди .

Қайтага :

- Йўқ , ундай бўлмади,- деди ва Райҳоналарнинг қўшниси аввалдан мижози бўлган Фазилат опанинг ўзини чақиртириб қолганлиги ва у орқали кўзланган манзилига қадам боса олганини айтиб берди.

- Ўўў , нима дейишарди-я ? "Агар орзуинг чин юракдан бўлса сенга бутун коинот ёрдамга ошиқади" деган гаплар ростми дейман-да. Кел , шу ишинг учун сени бир мукофотлай . Телеграмм манзилингга болачангнинг расмини юбораман. Майли бугун уни бир кўрақол. Шуни ёдда тутгин-ки , Райҳонани қанчалик тез қўлимга топширсанг , Мухторинг шунча тез бағрингга қайтади. Ундан кейин шуни ёдда тутгин-ки , мен сени ҳам қуруқ қўядиган нокаслардан эмасман. Иш битса , ундирилган муллажирингдан сенга ҳам улуш ажратаман,- ўзича тантилик қилган бўлди Лолахоннинг суҳбатдоши.

- Бўлдими ? Алоқани узаверайми ? Боламни расмларини кўрмоқчи эдим.

- Бунча шошдинг , вей ? - эркак ҳали бери суҳбатни яқунламоқчи эмас эди,- сен ҳали Райҳонахоннинг кўриниши , аҳволи ҳақида гапириб берганинг йўқ-ку ! Ахир уни деярли бир ярим йилдан ошиқ вақтдан бери кўрган бўлмасам. Ҳомиладорлигини биламан халос. Эри-чи ? Эри ҳақида бирор маълумот эшитганинг борми ?

- Эрини жуда келишган , ориятли , мард , бир сўзли йигит дейишди.

- Ёппирааай , ростданми , - мазах қилди эркак , - гапингдан "Райҳона нақд Арнольд Шварценеггерга турмушга чиққанми?" деган хаёлга бориб қолдим . Эҳтиёт бўл , яна сен ҳам ошиқ бўлиб қолмагин тагин. Кўп сериалларнинг мотиви шундай бўлади-ку.

- Билмадим , Фазилат келинойидан эшитганларимни айтаяпман-да. Уни эрини кўрган бўлсам экан . Кўрганимда ҳам бировнинг эрига қараш ниятим йўқ , - айтойдил жаҳли чиқди Лолахоннинг,- Райҳонага келсак , у ҳақиқатдан ҳам беҳад чиройли экан. Яна истеъдодли ҳам. Ҳомиладорлиги эса бир ҳуснига ўн ҳусн қўшибди.

Лолахон шундай деб бироз сукут сақлади-ю , аммо кўнглидагиларни айтишдан ўзини тия олмади :

- Очиғини айтсам унинг бу аҳволда эканлигида қилмоқчи бўлган ишингиз одамгарчиликдан эмас. Қорнидаги гўдагига бирор кор-ҳол бўлмасин яна.

- Қўрқма , ташлаганга тош тегмайди. Жони савил бу қизнинг.

Етимликда ўсиб пишиб кетган у. Шунча заҳарлашганда ҳам бало урмади- ку. Хуллас , бу ёғидан ҳавотир олма. Бўпти , хайр . Бирор гап бўлса қўнғироқ қиларсан.

Ҳа айтганча , мен ҳақда у , бу кимга гуллайдиган бўлсанг , оқибати учун жавоб бермайман. Энг биринчи болангни эслагин тушундингми ?

- Тушундим ... - аранг жавоб қайтарди Лолахон.

- Соғ бўлсинлар унда...

Телефондаги алоқа узилиши билан Лолахон шоша -пиша ўз телеграмм манзилини очди . У ерга ҳозиргина гаплашган суҳбатдошидан олти сурат келиб тушибди. Барчаси Мухторжонники. Онанинг кўзига ўғли озиб унниққандай , кўзлари хомуш тортиб кетгандек туюлди.

"Ўғлиим... -дея ўйлади у юраги эзилиб , - қачонгача сенсизликка чидар эканман?

Бу мараз яна қай гўрдан йўлимдан чиқди а?

Бу мараз Райҳонага бирор нима қилмаслигига ким кафолат беради ? Гарчи " Райҳонадан фақат пул ундираман" деган бўлса ҳам , унга ишониш мушкул ..." Захар солмоқ эрур иши илоннинг " ...

Нима қилсам экан ?

Нима қилсам тўғри бўлади ?

Иммм ...

*Яхшиси барини Райҳонанинг ўзига айтсаммикан...
Боламнинг жони қил устида турибди- ку бу ёқда...*

*Анави малъун огоҳлантирди-ку , у-бу кимга гулласанг
болангни иккинчи кўрмайсан деб ...*

Эй , Аллоҳ !

Ўзинг нажот бер !

Ўзинг нажот бер! ..."

Райҳона Али ишдан келиши билан уни ...

26- ҚИСМ

севиниб кутиб олди.

- Али ака , биласизми бугун бизникига ким келди?

*- Кимлигини айтсанг биламан-да , Райҳона, айтмасанг
қаердан биламан ?*

Райҳона Лолахоннинг ташрифи ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди.

Али уни тинглар экан, гап орасида:

- Зап сенинг кўнглингдагидек иш бўлибди-да. Хўш , ўша аёл билан яна қачон учрашмоқчисан? Аммо бир ўзинг кўчага чиқма. Фазилат опамнинг вақтларига қараб бирга борсанглар мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Райҳона Лолахон билан учрашуви тайин бўлмаганлиги учун Алига эътироз билдирмай қўяқолди.

Эртасига Али ишга кетиб кун чошгоҳга яқинлашгач , Райҳонада Лолахонга кўнғироқ қилиш фикри туғилди.

У тезда ичкарига кирди-ю , кеча Лолахон берган, устига кондиционернинг пульти бостириб қўйилган, қоғозни олди.

Қоғоздаги рақамларни терар экан, Райҳона "Ишқилиб Лолахон опа уйда бўлсинлар-да" деб қўйди ўзига ўзи.

Лолахон кўп куттирмай рақамга уланди:

- Алло ? Қулоғим сизда !

- Ассалому алайкум , Лолахон опа, бу мен Райҳонаман. Кеча Фазилат опам билан бизникига келган эдингиз-ку , ўша Райҳона...- деди Райҳона тез-тез гапира

- Ҳаа эсладим , Райҳонахон, эсладим. Яхшимисиз , соғлиқларингиз жойидами ?

- Раҳмат , опагон. Ҳаммаси яхши,- деди Райҳона ва тўғридан -тўғри мақсадга ўтиб қўяқолди , -

опагон, кийимларимни бичдингизми деб қўнғироқ қилаётгандим,- у шундай деяра экан ўзини Лолахонни шошилтириб безор қилаётгандек ҳис қилиб , узрхоҳ оҳангда кечирим сўрагандек бўлди,- узр опагон, бироз шошқалоқлигимни ўзим ҳам биламан.

- Ҳеч қиси йўқ , Райҳонахон. Мен ҳозир бир жойда эдим. Уйга бир соатларга бориб қоламан.

Ҳа айтганча ... Кеча бичимини олган либосларингиздан иккитасини "примерка"га тайёрлаб қўйганман.

- Лолахон опа. Мен тўғри тушундимми ? Бир соатларда сизникига борсам бўладими ?

- Албатта , бўлмасам-чи ? Бемалол келаверинг. Ўзим ҳам йўлингизга интизорман.

Райҳона Лолахон билан телефонда учрашишга келишиб олгач , йўлга тараддуд кўра бошлади.

Лолахон Райҳонанинг ўзини уйга бу қадар тез келиши учун рағбат билдиради деб ўйламаган эди. У аслида ҳеч

қаерга бормаган , шунчаки кийим бичишга ҳафсаласи бўлмаганидан бирор иш қилмаганлиги , Мухторжоннинг хаёлида қўли ишга бормаганлиги сабаб Райҳонага "Ҳозир уйда эмас эдим" дея ёлғонлаган эди.

У "Бир соатларда уйга қайтаман" деганда ҳам шу вақт ичида Райҳонага тегишли бўлган матолардан иккитасини нари- бери бичиб, унга кўрсатишни мўъжаллаган эди.

Айтилган вақтда , яъни Райҳона ўзиникига ташриф буюрганда Лолахон ўз кўзлаган режасини бир нави амалга ошириб улгурган эди.

Райҳона Лолахонларнинг уйига ёлғиз ўзи келди . У Али огоҳлантиргандек Фазилат опани ўзига ҳамроҳ қилиб олмади. Фазилат опа ишда эканлигини билган Райҳона "Лолахон опанинг уйлари бир қадам нарида-ку , шунга бировни овора қилишим шарт эмасдир" деган хаёлга борган эди.

Лолахон Райҳонани очиқ чеҳра билан кутиб олди. У ҳомиладо ҳолида куннинг иссиғи бироз таъсирлантириб лоҳаслантирган келинчакка дарровда муздек шарбат тутди :

- Дарровда ичиб юборманг, тагин томоғингиздан олиб қўймасин , - дея мулозамат кўрсатган бўлди Лолахон унга.

Райҳона унга ташаккур изҳор қилиб шарбат ичар экан , теварак - атрофга бир сидра қизиқсиниб қараб чиқди:

- Уйларингиз шинам экан. Айниқса мана бу тут дарахти ҳовлини ўз сояси билан муздеккина қилиб турар экан,- деди у ҳовлининг ўртасида қад керган қулочга сиғмас азим тут дарахтига ҳавасланиб боқар экан.

Лолахон ҳам беихтиёр баҳорнинг охирги ойида марвариддек оппоқ мевалари билан сийлайдиган балх тутига назар ташлади:

- Ҳааа айтманг , - деди у Райҳонанинг сўзларини маъқуллаб , - бу дарахтни ўзим ҳам яхши кўраман , бироқ кузда ярим куним хазон супуриш билан ўтади-да . Аммо ёзда айтганингиздек жоннинг роҳати.

Тагига тангадек офтоб тушмайди .

- Лолахон опа , бу ерда хўжайинингиз билан турасизми ? Фарзандингиз ўғил бола шекилли ? - Райҳона ҳовли бурчагида турган ўғил болачалар велосипедига ишора қилди.

- Адамиз Россиядалар , - Лолахон ёлғонлаётганини Райҳона сезиб қолмаслиги

@Xazon_Rezgi / 78

#ҚАСД

учун жавоб бераётиб бошини эгиб олди , - улар усталар. Ўғилчам эса бувижонисикида.

- Ҳаа шундай денг ? - деди Райҳона Лолахоннинг "ўғилчам" деганда ранги қув ўчганига аҳамият бермай,- узр кўп савол

бериб бошингизни қотириб юбордим-а ? Умуман мен "примерка"га тайёрман . Аввал "примерка" қилиб олайлик , кейин коллекциянгизни бафуржа кўриб чиқардик.

- Нега кўп савол бердим деб ўзингизни айблаяпсиз ? Бу ҳам танишишнинг бир усулида.

Ҳа майли, "примерка" учун ичкарига кирамиз энди.

Лолахоннинг Райҳона уйнинг ичкарасига бошлади. Райҳона даҳлиздан ўтар экан кираверишдаги трюмонинг тоқчасида турган рамкадаги суратга бир қаради-ю , диққатини ўша суратдан ола олмай жойида тўхтаб қолди :

- Вуууй , опагон . Бу бола ўғилчангизми ? Бунча асал бўлмаса бу ? Исми нима бу ширинтойнинг ?!

- Исми Мухторжон. Яқинда тўртга тўлди , - деб хўрсинганча жавоб қайтарди Райҳона.

- Ақлли бола эканлиги кўзларидан кўриниб турибди , сочларини-чи худди қиз болларникидек қоп-қора ва жингалак экан. Опагон , ўғлингизни роса соғинибсиз-а ? Бувисиники узоқдами дейман ?

Лолахон бошини базўр "Ҳаа" дея қимирлатди .

- Тўғриси айтсам ўғлингиз ёнимда бўлса ўпиб-ўпиб олардим. Сизниям тушунаман . Шундоқ болани соғинмай

бўладими ? Илоҳим менинг чақалоғим ҳам ўғлингизга ўхшаган шип-ширин бола бўлсин.

Лолахон Райҳонанинг қорнига ишора қилди :

- Ўғилми ?

Райҳона кулимсираб бош чайқади :

- Йўқ , адаси истагандек қиз бола. Аммо роса тўпалончи . Тепонғич Менимча туғилса шўхликда унча - мунча ўғил боладан қолишмайди шекилли-ёв ...

- Эсон - омон бағрингизга босиб олинг , - деди Лолахон тўғридаги эшикни очиб йўл бошлар экан,- илоҳим отасининг , онасининг кўзларини яшнатадиган солиҳа қиз бўлсин.

- Айтганингиз келсин , опажон , - деди Лолахоннинг ортидан кирган Райҳона хонага назар ташлар экан ҳиссиётини яшира олмади , - опажон бу ер чинакам ижодхонанинг ўзи-ку ? !

Дарҳақиқат, Лолахоннинг иш кабинети мақтов ва эътирофларга арзирли даражада саришта ва шинам эди. Икки тарафи шарнир билан қотирилган ғилдиракли илгакка чиройли қадоқлаб илинган келин сарупо либослари , девордаги осма жавонга териб қўйилган аксексуарларга бой бош кийимлари , ҳар бир либосга мослаб штрих бериб безатилган мутаносиб шарф ва рўмоллар кўрган кўзларни

жалб қилмай қўймас эди.

**Райҳона ўз либослари ҳақида унутиб ярим соатдан
ошиқроқ вақтини Лолахоннинг тиккан келин саруполарини
томоша қилиб ўтказди.**

**- Жуда гўзал , жуда бетакрор , - деди Райҳона охирги либосни
кўздан кечирар экан , сизга менинг ёрдамим мутлақо шарт
эмас экан. Қайтанга сиздан ўрганадиган нарсаларим бир
кўп экан.**

**- Йўғеей жуда унақа оширворманг , Райҳонахон! -
ҳижолатли оҳангда сўз қотди Лолахон, - бу даражадаги
мақтовларга лойиқ эмасман.**

**- Бор истеъдодни бор деб тан олиш ҳам мардлик,-
жилмайганча жавоб қайтарди Райҳона,- масалан менга сиз
тиккан либосларҳақиқатдан ҳам жуда ёқди. Шу сабаб
кўнглимдагиларни очиқ- ойдин ошкора айтиб қўяқолдим.**

**- Раҳмат , - деди Лолахон унга жавобан меҳмонининг
тақлидида жилмайганча , - келинг энди сизнинг ҳам
либосларингизни "примерка" қилиб олсак .**

**"Примерка" кўп вақтни олмади. Икки аёл бу борадаги
ишларини якунлаб олгач , Лолахон каттагина эскизлар
альбомини иш столига қўйди :**

- Синглим , - деди у Райҳонага илтижоли тикилиб , - илтимос шу эскизларимга мутахасис сифатида муносабат билдириб берсангиз.

- Хўп бўлади ,опажон, бажонидил.

Райҳона альбомни варақлаб эскизларни кўздан кечирар экан, уларга завқланганча таъриф бера бошлади.

- Илтимос , мана шу эскизга алоҳида эътибор беринг.

Лолахон Райҳонага маъноли тикилди.

Лолахон навбатлаги варақни очди. У ерда эскиз остига қора қалам ёрдамида катта-катта харфлар билан мактуб битиб қўйилганди.

- Райҳона жон синглим , илтимос ўзингизни худди сал аввалгидек хотиржам тутинг,- деб бошланган эди мактуб,- сиз ва мени камера орқали кузатишяпти. Ҳозирча ҳаётингиз хавф остида эмас, бироқ ...

27-ҚИСМ

хадемай унга дахл қилишмоқчи. Англаб турганингиздек бунинг учун мендан фойдаланишяпти.

- Сизга бу либос ёқдимми , Райҳонахон ?

Лолахон лаблари титраб эскизга ишора қилди .

Райҳона ўзини қўлга олиш кераклигини ҳис қилди . Кўзини эскиздан олмаган ҳолда Лолахоннинг саволига жавоб бериш ҳаракатига тушди:

- Ажжойиб ! Мутлақо қойил ! Очиғи сизнинг қўлингиздан шунақа сурат чизиш келади деб мутлақо ўйламаган эканман.

- Сўзларингизни мақтов ўрнида қабул қиламан , - овози титради Лолахоннинг,- менинг ўзим ҳам шунақа истеъдодим борлигини яқинда билиб қолдим. Бунга нима дейсиз ?

- Нима ҳам дердим , опа? Лолман дейман-да . Айтингчи , бу ҳаракатларингиз жиддийми ? Эскиз яратишга бўлган қизиқишингизни назарда тутаяпман-да?!

Лолахон унинг шаъмасини тушунди . Райҳона "Ҳақиқатдан ҳам ҳаётим хавф остидами?" деб сўраяпти .

- Албатта . Бўлмаса сизнинг қимматли вақтингизни олиб ўтирармидим,- деди Лолахон вазият ҳақида хабар берган бўлиб . Сўнг сўзларига қўшимча қилди ,-Келинг , кейинги эскизни кўринг , буниси аввалгисини тўлдиради.

Райҳона альбомнинг кейинги вароғида ёзувнинг давоми борлигини тушунди. Лабига сохта табассум қўндирганча оҳиста кейинги саҳифага ўтди.

- Ўўў ростдан буниси аввалидан-да чиройли , - у шундай деб либос эскизи атрофига тўлдириб ёзиб ташланган хатни ўқишга тутинди , - томоша қилиб кўз тўймайди-я ?

"Сизни ўғирлашмоқчи . Шунинг учун менинг уйимда тузоқ қўйишмоқда. Менинг бунга қаршилик билдиришимни ҳисобга олиб юрагимга ҳанжар қадашди. Ҳозир ўғлим Мухторжоним улар қўлида. Мен ҳам сиз каби қопқондаман"

Райҳонанинг кўз олдига сал аввал даҳлизда суратини кўрган бола келди . Бола ўзини деб гаров сифатида тутиб турилганидан хабардор бўлгач , ўзини ушлаб тура олмай қолди :

- Ким ? - деди Райҳона овози титраганча , сўнг ўзига илтижоли тикилиб турган муштипар онанинг кўзларига кўзи тушиб шаҳди пасайди , - ким бу эскизларнинг илҳом манбаи ? Мен ҳам ўша илҳом париси билан танишсам дегандим .

Мезбон "коса тагидаги ним коса"ни дарровда тушинди

- Ўзим , - деди у жилмайишга ҳаракат қилиб , - барчаси ўз ижодим маҳсули. Мана бу кийимнинг этагини қаранг , бироз қўшимча элемент қўшса яна ҳам очилса керак.

Лолахон қўлига қалам олиб альбомга энгашди.

*- Бирон баҳона топиб , мени уйингизга таклиф қилинг.
Барчасини батафсил тушунтириб бераман,- дея ёзди у сўзлар
орасига гулчалар расмини чизиб .*

*- Лолахон опа, бўлди ортиқ чидолмайман. Ҳозироқ мен
билан бизникига кетасиз. Мен уч кун ичида корхонамизнинг
янги маҳсулотига ёрлиқ тайёрлаб топширишим керак эди.
Менга битта болакай ва қизалоқнинг биргаликда ишланган
логотипи керак эди. Баъзи нарсаларни чизгандим , аммо
ҳозир янги ғоялар келиб қолди . Илтимос , жон опажон , йўқ
демай мен билан бирга боринг. Ҳизмат ҳаққидан ҳавотир
олманг. Рози қиламан.*

*- Ҳамма гап пулда эмас-ку , - деди Лолахон ўйчан кўринишда
,- орада одамгарчилик , инсонийлик деган тушунчалар ҳам
бор . Таклифингизга эса жон дейман, чунки бу таҳлит ишлар
ўзимга ҳам жуда ёқади.*

*- Кетдик бўлмаса , - деди Райҳона Лолахонга , - бу
альбомингизни ҳам олиб оламиз майлими ? Рухсатингиз
билан бир , икки жойидаги андозалардан кўчирма олардим.*

*- Вой бемалол , - деди Лолахон шошилганча , - айтганча
тушлик вақти бўлиб қолди-ю , сизга дастурҳон...*

*- Юраверинг , кўчамиз бошида янги очилган цехда роса зўр
булочкалар пиширишяпти , яна бир - биридан мазали*

сомсалари ҳам бор. Тушлик учун ўшалардан олиб оламиз.

- Унда мен тезда тайёр бўламан.

*Улар гап - сўзларсиз Райҳоналарникига кириб
келишганларида қоқ пешин вақти бўлиб қолган эди.*

*- Опажон, - деди Райҳона Лолахонга қараб , - рангингизда
ранг йўқ , чеҳрангизга қараб бўлмайдиган бўлиб қолибди.
Мен ҳозир чой қўйиб юбораман, бир пиёла чой устида
барчасини гаплашиб оламиз .*

*Лолахон унга эътироз билдирмади. У ўзи куни кеча ўтирган
ёғоч кроватга бемажол чўқди.*

Райҳона тезда хонтахта устидаги дастурхонни тузади.

*Барчаси тахт бўлгач , Лолахонга бир пиёла иссиқ чой узатар
экан:*

@Xazon_Rezgi /80

#ҚАСД

*- Олинг , опажон . Қорнингиз ҳам очиб кетгандир . Хотиржам
бўлинг, насиб қилса барчаси жойида бўлади. Ёмонлар*

жазосини олмай қўймайди. Аллоҳ уларни шундай қўйиб қўярканми ? - деди юпатувчи оҳангда.

Лолахон пиёладаги чойдан бир хўплади. Аммо охиригача ича олмади. Қўллари титраганча пиёлани дастурхон устига қўяр экан , шашқатор йиғлаб юборди.

- Мени кечиринг, жон синглим , мени кечиринг. Сизга қасд қилиш фикридан доим йироқ бўлганман. Аммо нима қилай , жоним ўша мунофиқнинг қўлида . Ўша мараз боламни мендан олиб қўйиб...

- Ўша мараз ?! Ким ўша одам ?! Унинг сизга бирор алоқаси борми ? Қандай қилиб ўғилчангиз унинг қўлига тушди? -дея Райҳона Лолахонга кетма-кет саволлар ёмғирини ёғдириб ташлади.

Сиз уни яхши танийсиз , - йиғи аралаш жавоб қайтарди Лолахон.

- Мен ?! Мен уни танийман ? Қанақасига? Ким экан у ? - Райҳона қаттиқ ҳаяжонланганидан лабидан охирги сўзлари бўғилиб чиқди.

- У ... У ... акангиз ...Ўгай акангиз Собит ...

- Собит акам? Ахир у Россияда эмасмиди ?

- У уч ойлардан буён шу ерда. Айтишича онасининг қасдини олиш учун бу ерга алоҳида ташриф буюрганмиш. Аммо мен бу сўзларига ишонмайман. У нафсининг кўйида ушбу ишларга қўл урмоқда.

- Аммо бу ифлос ишларида нега сизга тирғалади ?
Мухторжон...

- Мухторжон унинг ўғли ! - гапни шарт кесди Лолахон , - гарчи уни ҳароми деб тан олмаган бўлса ҳам ... Мен бундан икки ярим ой аввал қайтадан ҳаётимда пайдо бўлганда "Собит ака хатоларидан хулоса чиқариб олибди-да, бўлиб ўтган ишлар, дилхираликлар ўтмишда қолиб кетди эди" дея умид билан уни қабул қилишга рози бўлган эдим. Нима қилай , аёлман. Онаман. Ҳар бир она каби ўғлимнинг ота меҳрини кўриб ўсишини истаганим рост. Ва бу мени галдаги айбим бўлди.

У ... Яъни акангиз ўн кунча аввал "Бирга айланиб келамиз" деб ўғлимни олиб чиқиб кетганча ... Мен шундан буён ўғлимни кўрганим йўқ. Кейин билсам у уйимнинг ҳар ерига кузатувчи камераларни ўрнатиб ташлаган экан. Мен бир хафтадан буён Собит аканинг таклифига кўнмай хун бўкиб йиғладим. Аммо ўтган кун ширинтойимнинг соғинчи юрагимни эзиб юборганидан "Нима бўлса бўлар" деб таклифига қандай розилик берганимни ўзим ҳам билмай қолдим ...

Кеча сизникига келиб кетганимдан кейин эса бундай ифлос иш қилолмаслигимни билиб , эскизнинг тагига хат ёзиш фикрини ўйлаб топдим.

Райҳона... Бу ишни бир ёқлик қилишимиз керак. Мен

Ўғлимни қайта бағримга босишим учун нима қилишим кераклигини билмаяпман.

Бироқ ...

Собит ака агар бу ишда "қовун тушириб қўйсам "Мухторжонимни қайтиб кўрмаслигини қайта- қайта таъкидлаб турибди.

- Опажон, хавотир олманг , мен ҳозир Али акага қўнғироқ қиламан. Уларнинг бундай чигал ишларга тиши ўтадиган танишлари кўп. Насиб қилса , барчаси яхши бўлади, - уни хотиржам қилиш учун юпатган бўлди Райҳона, сўнг алланима ёдига тушгандек сўради , - ўзи бу ишнинг бош режаси мени ўғирлаш, шундайми ? Тўғри тушундимми ?

- Умуман олганда ҳа. У малъуннинг режасига кўра мен сизни ишончингизга киришим ва сизни ўз уйимда унинг қўлига топширишим керак. Балки , бу иш бошқа жойда амалга оширилиши ҳам мумкиндир. Вазиятга қараб режа ўзгариши ҳам мумкин. Сўнгра келишувга кўра Мухторжоним менга қайтарилади ва мен болам билан биргаликда кўздан ғойиб бўлишимиз керак бўлади.

Билганларим шулар.

Давомидан хабарим йўқ.

Тахминимча у ёғига Собит ака ўзига ўхшаган битта шотири билан сизни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетишса керак. Чамамда уйингизга қайтишингиз эвазига эрингиздан катта пул талаб қилишмоқчи .

Собит аканинг мен асл исмини билмайдиган "Полвон" лақабли бир укахони бор. Ўша йигитнинг шу ишда ёрдамчи бўлиш эҳтимоли катта.

- Бу ишлар қачон амалга оширилмоқчи ? - сўради Райҳона ижирғанганча .

- Сизнинг ишончингизга киришим билан. Фикри ожизимча яна уч- тўрт учрашувдан кейин.

- Буларники қизиқку-а ? Мен ҳомиладор бўлсам . Агар шу аҳволимда менга бирор кор- ҳол бўлиб қолсачи ? Унда нима қилишар экан?

- Ҳамма гап шунда-ки ...

28-ҚИСМ

бу иблислар ўзларини она туққанини унутиб қўйишган. Мен Собит акага айнан ана шу ҳомиладорлигингиз учун кўп ялиниб ёлбордим. У эса иршайиб "Нима мени шунчалар бешафқат , бағри тош , золим деб ўйлаяпсанми ? Райҳона ўз синглим бўлса... Мен унинг бошидан бир тола сочини тўкилишига йўл қўймасман" деди бемаза илжайганча. У акалик меҳрини ана шунақа тарзда изҳор қиларкан,- алам билан шивирлади Лолахон,- умуман олганда инсонийлик нималигини билмаган у сингари одамлардан инсоф кутиш ўринли эмас. Ўз боласини тан олмаган, балои нафсини мурғак ўғлидан устун қўйган бундан инсон қиёфасидаги шайтонга ишониб бўлмайди.

- Майли қўяверинг, опажон,- далда берувчи оҳангда сўз қотди Райҳона,- Сиз ҳозир қорнингизни тўйдириб олинг.

Булар билан курашиш ва ғолиб бўлиш учун ҳам куч керак. Мен Али акани чақирай а ? Нима дейсиз ?

- Майли , - деди Лолахон ҳам қаддини тик тутишга ҳаракат қилиб , - сиз нима десангиз шу. Фақат эрингизни мени кўриб жаҳллари чиқмаса бўлгани.

- Нега жаҳллари чиқсин ? Аллоҳнинг раҳми келгани шудирки , Собит ака ўз мунофиқ режасини амалга оширишда сиздан фойдаланишга қарор қилибди. Сизнинг эса кўнглингиз жуда поклигини ҳис қилиб турибман, - Райҳона шундай дея ўрнидан қўзғалди , - сиз олиб ўтиринг , мен ҳозир.

Райҳона ошхонага кириб Али акасига қўнғироқ қилди:

- Али ака , ассалому алайкум,- деди у Али унинг тармоққа улангач , - яхши ишлаб юрибсизми ?

- Ваалейкум ассалом, Жамбилхон. Мен- ку яхшиман. Тушлик вақти йўқлаганингга қараганда кўнглинг бир нималарни тусаяптими дейман ? - тармоқдан Алининг овози қувончга тўла бўлиб эшитилди.

- Йўқ , Али ака . Уйимизда меҳмон бор. Шунга бир келиб кетсангиз дегандим ...- деди Райҳона вазиятни юмшатиб тушунтириш илинжида.

- Меҳмон ? Қизиқ ким экан у? Мен танийдиган меҳмонми у ?

- Али акааа , илтимооос. Гапни айланторманг. Ундан кўра тезроқ келақолинг.

- Меҳмонинг жуда эътиборлими дейман- да ? Хўп майли , убу нарса керак эмасми ? Нима олиб борай ?

- Ҳамма нарса бор, Али ака . Ўзингиз келсангиз бўлгани . Бўпти кутаман. Мен меҳмонга қарай.

Райҳона охириги сўзларини нозланиб айтди-ю , суҳбатни яқунлади.

Райҳона Лолахон билан энди бир пиёла чой ичган ҳам эдики , дарвозадан қўлида полиэтилен пакет кўтарганча Али кириб келди.

Райҳона ва Лолахон дарров ўрnilаридан туриб салом берган бўлишди. Али тавозе билан алик олар экан қўлидагини Райҳонага узатди:

- Марҳамат, маликам...

Райҳона эрининг қўлидаги полиэтилиен пакетни олар экан, қизиққанидан ичига бир мўралашни унутмади :

- Али ака, нима обкелдиз ?

- Ассорти,- деди Али тантанали оҳангда , - тушликга нимадир таом олгим келганди. Аммо танлай олмай кўп иккиландим. Сўнгра шу таомни танладим. Ичида ҳар хил таом борда. Кабоб ҳам , ҳасип ҳам , дўлма ҳам - бир сўз билан айтганда ассорти.

Райҳона пакет билан кроватдан тушмоқчи бўлганда Али уни тўхтатди :

- Сен тушма. Мен ошхонада ҳам қўлимни ювиб келаман, ҳам ликобча билан санчқи олиб келаман. Айтганча , у ерда шафтоли ҳам бор эди. Узатвор бир йўла чайиб келаман.

Райҳона эрининг айтганини қилиб пакет ичидан қип-қизил луччак шафтолини узатар экан:

- Ооо ҳиди зўр- ку буни,- деди танглайини тақиллатиб.

Али Райҳонага индамади , Лолахонга эса "Мен ҳозир" деган маънода ҳайрихоҳ нигоҳ ташлади-ю , ошхонага кириб кетди.

@Xazon_Rezgi

/82

#ҚАСД

Кўп ўтмай барчалари бир дастурхон атрофида жам бўлдилар.

- Али ака , бу опагон кеча сизга айтган дизайней, тикувчи Лолахон опа бўладилар,- Райҳона меҳмонни эрига таништирган бўлди.

Али жилмайди :

Райҳонагон ва Лолахон ! Тоза топишибсизларми ? Ўзим ҳам айтдим уйимни гул ифори босиб кетибди деб ?! - у шундай деб Лолахонга юзланди ,- танишганимдан ҳурсандман, опагон. Хўш келибсиз уйимизга,-Али шундай дея меҳмонни дастурхонга ундади,- қани олинг , таом совумасин.

Лолахон Алини кўрганидан буён бу икки ёшнинг бир- бирига нақадар мос жуфт эканлигига тан бериб , ҳавасланиб қараб ўтирар экан, уялганча ерга боқди :

- Оляпман раҳмат , - у шундай дея қўшимча қилди ,- жудаям мазали экан.

- Ҳақиқатдан ҳам , Али ака , бунақа хуштаъм ассортини аввал емагандим,- деди Райҳона эрига эркаланганча савол назари билан боқди .

- Сезиб қолдинг-а ? - кулимсиради Али Райҳонага,- Шохруҳ уйида кичкинагина кафе очибди , таомни эса Зулҳумор

*пиширяптди. У асосан буюртмага таом пишираётган экан.
Қовурдоқ, норин, юпқа, қовурма чучвара деганларидек.*

- Қойил, - деди Райҳона юзлари гул - гул ёниб, - Зулхуморга доим тан берганман. Сўзи ширин, кўнгли очиқ, ўзи пазанда-бир сўз билан айтганда гап йўқ аёл.

- Тўғри айтасан, - уни гапига қўшилди Али, сўнгра таомни чимдиб ўтирган Лолахонга юзланди, - олинг опажон, таомдан уялмайдилар.

- Али ... Ука ... Мен ... Мен ... - гапини топа олмай чайналди Лолахон, сўнг йигитга тик боқди-ю, дарров кўзларини ерга олди, - мен бадбахтни кечиринг.

Лолахон шундай дея изиллаганча йиғлаб юборди.

Али дарровда жиддийлашди. Қўлини сочиққа артар экан, Лолахонга жиддий тикилди:

- Опажон. Тинчликми ё биздан бирор айб ўтдимми?! - Али Райҳонага қайрилди.

- Йўқ, йўқ, сизда сира айб йўқ. Бу ёғига сўрасангиз менинг ўзим ҳам айбсиз айбдорман, - ҳиқиллашда давом этди Лолахон.

- Ҳаммасини бир бошдан тушунтириб айтиб бера оласизми ?
- Али иложи борича ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилганча сўради , - илтимос манави сувни ичиб аввал ўзингизни босиб олинг.

Лолахон Али узатган сувни ичаётиб қалқиб кетди.

*Райҳона унинг елкасига кафти билан оҳиста урар экан,
Лолахонга ёрдами кераклигини ҳис қилганча деди :*

- Али ака ! Лолахон опам бир ёмон инсоннинг домига тушиб қолибдилар . Ўша ёмон одам менинг... менинг ўгай акам Собит ака эка...

- Собит ака ?! Ахир у Россияга даф бўлиб кетмаганмиди ? Ё ўша ердан туриб қилиқ қиляптими ?

- Улар шу ерда ... Тошкентда эканлар . Акам ... Акам ... - Райҳона сўз тополмай эрига дардли қаради .

- Хўш "аканг" бу сафар нима каромат кўрсатаётган экан?!

Бу опамнинг туришларига қараб "Шу шўрликкинанинг шўрига шўрва тўқдими?" деб ўйляяпман,- Алининг ёноқ суяклари лип- лип уча бошлади .

- Али акааа , Собит акам ...

29-ҚИСМ

Алининг қошлари чимирилди. Райҳонага "Яна нима гап ?!" дегандек тикилди.

Эрининг важоҳатли бургут қарашидан Райҳона бироз эсанкираб қолгандек бўлди, бироқ зум ўтмай ўзини тутиб олди :

- Собит акамнинг асл мақсади мени ўғирлаб ..., бунинг эвазига сиздан пул ундириш экан. Шу сабаб Лолахон опамнинг тўрт яшар ўғилларини ўғирлаб кетибди. Лолахон опам мени қўлга тушириб берсаларгина фарзандларини қайтарар экан. Собит ака бу опамнинг уйларига бир нечта камера ўрнатиб ташлабди. Шу сабаб мен уларни бу ерга таклиф қилгандим.

Али Райҳонанинг сўзларини бўлмайд охиригача эшитди.

У Райҳона гапини тугатгандан сўнг оғир тин олди:

- Онаси ким- у , боласи ким ? - деди Али ҳорғин товушда , - захар солмоқ эрур иши илоннинг.

Али Лолахонга жиддий тикилди :

- Опа , сизга катта раҳмат. Юрагингизни эзманг . Насиб қилса бу ифлос барча қилмишига жавоб беради. Айниқса ўғлингиз учун яхшилаб жавоб беришга мажбур қиламиз. Энди бор гапни батафсил менга гапириб берсангиз. Ҳаммаси нимадан бошланган эди ? Бу малъун билан йўлингиз қандай кесишиб қолди ?

Лолахон чуқур оқ тортиб ҳикоясини бошлади. Али унинглар экан беихтиёр тугилган мушлари борган сари жипслаша бошлади.

Аёл ҳикоясини тугатиб бўлгач , Алининг пешонасини реза тер қоплаган эди .

- Опажон , вақтингиз бемалолми ? Ё бизникида эканлигингизни ҳам кузатиб турганмикан у мараз ? - сўради Али алланималарни ўйлаган бўлиб .

- Ҳозирча билмайди. Аммо уйимда узоқ бўлмасам шубҳаланиши мумкин. Хуллас бу ерда узоқ қололмасам керак .

- Унда бундай қиламиз. Эртага бизникига вақт топиб яна бир амаллаб келиб кетасиз . Шу ер бежавотирроқ-да. Мен эса кечга бу мушкулнинг ечимини топа оладиган бир гуруҳ оқаларимни маслаҳатини олиб қўяман. Иложи борича бу масалани тезроқ бир ёқлик қилиб олишимиз керак бўлади. Ҳозир эса Райҳона билан бир , икки оғиз тикиш - бичиш тўғрисида суҳбат қилиб телефонингиз диктофонига ёзиб оласиз. Ҳарна ўша маразга ҳужжат бўлар.

Сўнг ... Менинг номимга барча гапдан воқиф қилиб , ёрдам сўраган мазмунидаги бир хат ёзиб берсангиз. Шу хат ёрдамида Собитнинг устидан ички ишлар идораларига ариза ташлайман.

Ҳозирча шу. Давомини эртага гаплашамиз,- Али шундай деб Лолахонга ҳотиржам назар ташлади , -менга ишонавернинг, барчаси жойида бўлади. Энди менга руҳсат .

Али юзига фотиҳа тортиб , Лолахон билан хайрлашганча ишга отланди. Ўзини кузатиб чиққан Райҳонани эса дарвозадан ташқарига чиқармади:

- Бу опа кетгач , эшикни қулфлаб ол. Ҳеч кимга очма . Телефон қўнғироқларига ҳам жавоб берма. Телефонда фақат мен билан гаплашасан, тушундинг-а ?

- Хўп бўлади , Али ака, - бошини эгганча жавоб қайтарди Райҳона.

- Бўпти , опага қарай қол . Мен кетдим.

- Яхши бориб келинг, Али ака ...

** * **

Али кечга яқин тоғаси Асад ака , Сардор Қораев билан бирга уйга қайтди.

- Тинчликми , жиян? - деди Асад ака дастурҳонга фотиҳа тортилгач , - барча гапни уйда гаплашамиз деганингга юрагим тошиб кетди.

- Тоға ... Ёрдамингиз керак. Маслаҳатингизга муҳтожман... -
Али шундай деб гап бошлади-ю, барча гап-сўздан тоғаси ва
Сардор акани бохабар қилди.

- Яна жанг бошланаркан-да ! -деди Асад Акбаров ўйчанлик
билан.

- Жуда унчалик жанг эмас, - Сардор Қораев дўстининг
фикрини тўлдириб ,- атака ! Қисқа муддатли атака ! Бу иш у
қадар мушкуллик келтирмайди. Албатта , анави
жипириқларнинг режаси аввалдан маълум бўлиб қолганлиги
учун. Агар улар биз бехабар ҳолда кўзлаган мақсадларига
етиб олишганидами эди? Ана унда кўргин эди томошани ?

- Менимча ўша томошани тезроқ ўз ниҳоясига етказишимиз
керак. "Пухта режа тузамиз" деб ишни қанча кўп чўзсак,
маразлар шунча тез вақтдан фойдаланиб қолишлари мумкин,
- деди Асад Акбаров дўстига .

- Бу фикрингга қўшиламан. Шундай қилайлик-ки , Собит
деганларининг пайтавасига қурт тушиб ишни тезлатиш
пайига тушиб қолсин,- уни қувватлади Сардор Қораев.

- Мундай қилсак-чи , - катталарнинг гапини ҳижолат бўлганча
бўлди Али, - эртага Райҳона Лолахон опага қўнғироқ қилиб уч
кун ичида Анталияга

#ҚАСД

мен билан бирга ёзги таътилни ўтказишга кетаётганини айтиб , тезроқ кийимларини битказиб беришини илтимос қилсин.

Бу хабар "Ҳурматли муллакам"ни оёғи куйган товуқ, йўғей хўроз аҳволига солиб қўйиши аниқ. У учинчи кунга қолмай "операция"ни ўтказиб юбориш ҳаракатига тушиб қолади. Тўғри-да, яна бир ой Райҳонани пойлашга тоқати борми унинг ?!

Шундай қилсак менинг тахминимча келаётган пайшанба куни "Ғирром" ғиромлигини қилиши учун энг қулай фурсат бўлади.

Шу фикрга нима дейсизлар ?

Асад Акбаров билан қисқа кўз уриштириб олган Сардор ака Алининг елкасига беозор шапатилади :

- Нима ҳам дердик ?! Боқса одам бўласан, ука ... Менга "Мана шу режадан ортиқ бирор режа тузиш мумкин !" десалар ҳаргиз ишонмасман.

Айнан худди ана шу режа асосида ҳаракат қиламиз.

- Фақат ...- чайналди Али

- Нима фақат ? - ҳайрон бўлди Сардор Қораев.

- Келинингиз бу аҳволда бўлса , унга зарар етмасмикан ...

- Ҳавотир олма , ука. Насиб қилса бари жойида бўлади . Ҳар эҳтимолга қарши шифокор кўригидан ўтиб , бироз тинчлантирувчи дорилар қабул қилиб олар балки?!

- Севара аянг ҳам биз билан курсда бўлади , хотиржам бўл,- Асад тоға Алига таскин берган бўлди.

Алининг режаси барчага маъқул келди.

Эртаси Лолахонга "кўнғироқ" қилган Райҳона уч кундан кейин Анталияга учиб кетишларини гап орасида қистириб ўтди.

Бу сафар Лолахоннинг қаршисида унинг Райҳона билан суҳбатини телефоннинг овоз кучайтиргич режимда тинглаб ўтирган Собитнинг ушбу хабардан ранги калтакесак тусида гезариб кетди.

Барча гапдан хабардор Лолахон ўзини ҳеч нимадан хабари йўқдек тутиб "Бу ёғи неча пулдан тушди ?" маъносида Собитга қаради.

Собит бошини қашлаб бироз ўйлаб ўтирган бўлди-ю , Лолахонни Райҳонага қайта кўнғироқ қилишга ундади.

- Райҳона ... Бу мен яна Лолахон опангиз .

Тармоқдан Райҳонанинг "Лаббай , опажон?! Менда бирор ишингиз бормиди ?"

деган саволига Лолахон яқиндагина Собит ўргатган сўзларни "сайрай" бошлади:

- Сингилжон. Келинг қўлингиз қуруқ қайтмасин. Эртага куни билан бўшман. Бирор соатни белгилаб келсангиз буюртма берган барча либосларингизни олиб кетардингиз. Мен иложи борича бугун барчасини якунлашга ҳаракат қилар эдим.

- Вуууй , қандоқ яхши,- тармоқдан Райҳонанинг "шодон" овози эшитилди,- эртага кундузги ўн бирлар бўладими унда ?!

Лолахон савол назари билан Собитга боқди . У беўхшов иржайиб бош бармоғини юқорига кўтарганча "зўр" деган ишорани қилди.

- Майли, Райҳонахон унда сизни ўша вақтда кутаман , - деди Лолахон телефонга ва қўнғироқ якунлангандан сўнг Собитга қаттиқ тикилди: .

- Мана бўлди , талабингиз қондирилди. Энди ўғлимни қайтаринг.

- Ҳали ўйин тугамади , жонидан. Аввал қушчамиз қафасга

қўнсин. Мен уни қанотчаларига тилло занжирли кишан тақай .
Ўз ошиёнимга олиб кетай. Ана ундан кейин "Кўзмунчоғинг"
ёнингга қайтади. Якшиии ?! - деди Собит охирги сўзларини
аллақайси фильм қаҳрамонлари тилига тақлид тарзида .

Лолахон унинг сўзларини эшитиб бўшашиб тушди.

- Одаммасакансиз , - алам билан шивирлади у , - илоё
боламни мендан ажратиб қийнаганларингиз азобини кўринг.
Кўрмасангиз розимасман.

- Менга қара , ўвв !- Лолахоннинг охирги сўзларидан
асаблари ўйнаб кетди Собитни,- сасима хўпми ? Қарғишинг
ўзингга урмасин тағин? Билиб қўй шунақа асабимга
тегаверсанг , айниб қолишим ҳеч гапмас.

Райҳонанинг эмас , сенинг болангнинг эвазига пул сўрасам
, додингни кимга айтаркинсан ?

@Xazon_Rezgi /85

#ҚАСД

Тўғри , итваччангга "Ош кўк"га нисбатан анча кам пул олишим
рост. Аммо бир олам ҳузур оламан. Ана ўшанда кўраман
"акажон" деб оёғимни ўпмаганингни ?

Лолахоннинг кўз олди қоронғилашиб кетди. Бир зумда
кўзлари "ярқ" этиб очилди.

"- Ифлоооосс !" - Лолахон бу сўзларни ичида хайқирди , аммо ташига чиқармади . Бунинг ўрнига Собитга ялинишга ўзида куч топди :

- Илтимос , мени кечириинг. Боламни жуда соғиниб кетдим-ку ахир ? Юрак- бағрим эзилиб тугади. Нима десангиз қиляпман-ку ? Барча шартингизга рози бўлмадимми ?! Илтимос , уни қайтариб беринг ... Боламни бир бор қучоқлай ...

- Қучоғинг ҳувиллаб қолган бўлса , ҳизматингга ҳозирман, қизғалдоғим. Аммо бугун болангни сўрамайсан. Эртага мен бу ёқдан Райҳонни олиб чиқиб кетаман, сен эса ўғлингни ёнига йўл оласан. Райҳон шу хонадонга қадам босиши билан қўлингга Мухтор турган квартирани манзилини бераман

- Сизга қандай ишона оламан? Ахир ҳозиргина уни "итвачча" деб ... - Лолахон сўзини давом эттира олмай ҳиқиллаб қолди.

- Менга қара , вей? Ўзинг бесабаб тилимни қичитдинг? Яна сен оппоғ- у , мен қораманми ? Билиб қўй мен - мардга мардман!

Агар Райҳонани шу уйга - қўлимга келтириб берсанг , болам ҳам қўлимда деявер !

Ёлғон гапирсам... - Собит бир зумгина жим қотди ,сўнгра дадил эълон қилди,- Ёлғон гапирсам онам хотиним бўлсин !

- Собииит акаааа ... Зинҳор ! Зинҳор бундай қасам ичманг !

Икки дунёингиз куйиб кетади ахир !

- Эээ бўлмағур гап билан бошимни қотирма ! Буям бир омади гап-да . Азбаройи менга ишонишинг учун келтирилган исбот ! Бўлди бу гапларни йиғиштир. Энди эртанги куннинг режаси билан таниш.

Хуллас ...

Эртага Райҳона келиши билан салом- алик қиласан-да унга уйқу дори солинган муздеккина шарбатни тутқазасан. Қўрқма , у дори сингилжонимнинг ҳомиласи учун хавфсиз. Райҳона ўн дақиқаларга қолмай уйқуга кетади. Мен эса уни гараждаги каптивамда олиб чиқиб кетаман. Иш битгунча Полвон гаражда кутиб турган бўлади.

- Биров шубҳага борса-чи ? Ахир ...

Собит Лолахонни гапини шарт кесди :

- Эээ ахир -пахирингни йиғиштир. Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Мен Райҳонани ўзим кўзлаган манзилимга олиб бориб олсам бўлгани . Умуман айтганда бу ёғи сени ишинг эмас.

-Тушунарли. Демак , уни бу ердан унча узоқ бўлмаган жойга олиб бормоқчисиз? Кейин эса маршрутингиз яна ўзгаради , шундай-а? - Лолахон Собитга синчков нигоҳини қадади.

- Кўп билсанг , тез қарийсан,- деди Собит ингичка лабларини пирпиратганча , - сен ундан кўра аввалги таклифимни ўйлаб кўр .

- Қайси таклиф ? - хаёли жойида бўлмайд сўради Лолахон.

Собит қошини қоқди :

- " Сичқонларнинг никоҳ тўйи ҳақидагиси бор- уу, ана ўшанисини" , - у шундай дея қаҳ-қаҳ уриб куларкан , озгина тин олиб давом этди , - Россияига "биллалашиб" кетиш ҳақидаги.

- У ерда Марусянгиз бормасмиди ? - кайфиятсиз оҳангда сўради Лолахон.

- Ҳм бор , - безбетларча иршайди Собит , - аммо исми Маруся эмас , Надя,- у шундай дея лабларини чуччайтирди , - бўлса нима қибти , Надянинг йўли бошқа , сенинг йўлинг бошқа.

- Надянгиз бир амалдорни қизи эди а ?- Лолахон ўзини Надя ҳақида "сарикмашак қизи" дейишдан аранг тийиб қолди , - мен унга тенг келолмайман, узр.

- Нимага тенг келолмайсан ? Нима ўзингга шубҳанг борми ? - маънодор тикилди Собит

- Ҳа йўқ , мен бойлик масаласини назарда тутган эдим,-
беҳафсала қўл силтади Лолахон,- Марусянгиз , узр
Наденькангиз аллақандай корпорейшн амалдорини фалон
миллион долларлик меросхўри бўлса , мен унга нима билан
ҳам бас кела олардим ? Дадам бояқиш қўли қадоқ оддий
бир ишчи бўлсалар?

- Шунга ўқсияпсанми ? Қўявер кўнглингни чўктирма. Насиб
қилса сенинг ёрдамингда Надяникидан бир неча баробар кўп
пулга эришаман. Так что сен шу сабаб туфайли ҳам биринчи
ўринга ўтасан.

"Ебсан",- дея ўйлади Лолахон кўнглида , аммо ташида сир
бой бермай Собитга сўз қотди, - аввал шу ишни бир ёқлик
қилайлик , кейин сиз билан...

30- ҚИСМ

бирга кетиш ё кетмасликни ўйлаб кўраман.

- Шуниям ўйлайдиган жойи бор экан-ми ? Шарт кетади қўяди
- да ?! - Собит шундай дея туриб гапига хулоса ясаб қўяқолди ,
-бўпти эрта ўтсин-чи , у ёғи бир гап бўлар. Майли мен кетдим.
Сен эса одобли қиз бўлиб ўтиргин, хап ?

Собит беўхшов ҳиринглади.

Лолахон унинг тақлидидан жавоб қайтарди :

- Хап...

- Мен Полвон билан эртага эрталабдан шу ерда бўламан, - огоҳлантирган бўлди Собит, - сен ҳам бугун яхшилаб дамингни олиб ол. Тиниқиб ухла. Эртага барчамиз учун муҳим кун.

- Хап, - яна аввалги жавобини беҳафсала қайтарди Лолахон, - эртагача унда...

* * *

Эртаси куни айнан белгиланган вақтда Лолахоннинг дарвоза қўнғироғи жиринглади.

Дарвозахона ёнидаги гаражда Полвон билан вақтни ўлдириш мақсадида карта ўйнаб ўтирган Собит сергакланди:

- Тшш, - деди у кўрсаткич бармоғини лабига босганча Полвонга ишора қилди у, - қушча тўрга илиниш учун ҳозир бўлди.

Собит ва Полвон - ҳар иккиси нафасларини ичларига ютиб машина ўриндиғига қапишиб олдилар.

- Ким у? - ташқаридан Лолахоннинг дилбар овоздаги саволи эшитилди.

- Мен Райҳонаман. Опажон, кеча учрашишга келишгандик-ку, ёдингиздан чиқдимми ? - Райҳона ҳам эркаланиб ўпкалаган бўлди

- Райҳонахон , ўзингизмисиз ? Бошқа биров эмасмикан деяпман-да ! - Лолахон шундай дея дарвозанинг кичик табақасини очди , - яхши келдингизми ? Марҳамат кирақолинг.

- Ассалому алайкум , опажон. Яна сизни безовта қиладиган бўлдим- да узр . Кўча бирам ёндирыпти-ей,- Райҳонанинг овози бу сафар озорланган каби эшитилди.

- Ваалейкум ассалом. Сиз ичкарига кираверинг . Мен ҳозир муздек шарбат олиб кираман.

Лолахоннинг Райҳонага нисбатан қилган мулозаматини эшитган гараждагилар бир - бирларига кўнгиллари тўлиб қараб қўйишди : "Ҳадемай барчаси бўлади о кей!"

Икки аёл дарвозахонадан узоқлашиб кетишди. Орадан йигирма дақиқалар ўтгач Собит безовталана бошлади. Айнан шуни кутиб тургандек гаражнинг эшиги қия очилди . Ташқаридан Лолахон ҳар иккала эркакга ишора берди : "Бўлди тайёр !"

Собит ва Полвон енгил ҳаракатлар билан гараждан чиқиб ўзларини ичкарига урдилар.

Улар шундоққина кираверишдаги хонтахтанинг олдида "беҳуш" ётган Райҳонани қўл ва оёқларидан аста кўтариб гаражга олиб кирдилар. Райҳонани машинанинг орқа ўриндиғига авайлаб жойладилар.

- Лола , битта ёстиқ олиб чиқ ! - деди Собит ўзлари билан изма - из келган Лолахонга .

- Сиз аввал Муҳторжоннинг манзилини беринг , - деди Лолахон қайсарлик билан , - айтганларингиз эсингиздан чиқдими ?

Собитнинг кайфияти чоғ эди , шу сабаб Лолага тегишган бўлди :

- Эркак киши айтадиям , қайтадиям...

- Бўлмаган гап ! - эркак кишининг салобатли ва таҳдидли овоз янгради машинанинг ёнгинасидан,- Бу эркакнинг гапи эмас, ифлос . Ҳам айтиб, ҳам қайтадиганлар эркак саналмайди !

Ним қоронғи гараж бирдан сутдек ёришиб кетди.

Собит машина атрофини қуршаб олган формали махсус ҳизмат ходимларини кўриб саросимага тушиб қолди.

У қаршилик қилиш бефойдалигини , ўзларини жиноят устида далиллар билан қўлга туширишганини англаб етиб алам билан рулни муштлади:

- Ҳаммаси тугади !

Собит ва Полвон машинадан туширилиб қўлларини орқага қайириб ҳовлининг очиқ саҳнига олиб чиқдилар.

Собит ўзига бақамти келган Лолахонга нафрат билан боқди :

- Сотқин! Ўғлингни тушингда кўрасан энди !

Лолахон ғазабига чидай олмай унинг юзига тупириб юборди :

- Ифлос ! Мен аллақачон сенинг одаммаслигингни тан олиб бўлганман. Маълумот учун айтиб қўяй . Зора бу маълумот сени ғазабдан баттар қовжиратиб юборса.

Унда эшит:

Мухторжоним аллақачон бағримда. Уни менга сенинг "суюкли" синглингни эри "суюкли" куёвинг келтириб берди . Айтганча сизлар ҳали бир- бирингларни танимайсизлар- а ? Ана , сенинг янги қариндошинг - Али !

Собит Лолахон имо қилган тарафга боқди . У Алининг

расмини бир, икки кўрган эди. Аммо ўзи билан ҳеч бақамти учрашмаган эди. Али оҳиста қадам ташлаб келаётган Райҳонани суяб етаклаб келар эди. Улар Собит

@Xazon_Rezgi /88

#ҚАСД

билан юз - юз қарши келишларига кўп вақт кетмади.

- Ва ниҳоят учрашдик ...

Алининг Собитга айтган илк сўзлари шу бўлди.

Алининг мушақдор кенг елкалари , басалавлат қомати, тик бўйи олдида Собит ғариб кўриниб кетарди.

Жаҳли чиқиб кетгандаги ҳар доимги одати бўйича Алининг ёноқ суяклари уча бошлади:

- Ихтиёр менда бўлганда сени икки оёғингдан иккита отга бойлаб икки тарафга айиртириб ташлардим,- деди Али оғир ҳансираб ,- Бу Райҳона учун эмас. Бу ёлғиз синглим раҳматлик Обида учун бўлар эди. Сен уни исмини хаттоки билмаган бўлсанг ҳам керак. Бундан бир ярим йил аввал бешта қиморбоз гумаштангни ўртасига олиб бориб хомталаш қилдирган оппоқ юзли, нозик , маъсума қиз ёдингдами ? Мен айнан ўша қизнинг , ўша қиморбозлар тажовузига учраб номус аламига чидай олмай ўз жонига қасд қилган

Обиданинг акаси Алиман.

Дунёнинг торлигини қара . Сен мени синглимдан жудо қилдинг. Сенинг синглинг эса мени ҳаётга қайтарди.

Билиб қўй!

Бир милтиқ билан адашиб икки марта ўқ узиб хато қилиб бўлмайдди. Сен ҳам синглимга қилган маразликларингни аёлимга қила олмайсан. Рангинг гезариб кетди- а ? ! Ҳозир мендан калтак ейман деб ўйлаяпсанми ?!

Шу ерда хато қиласан. Мен ўзимни ҳар хил нажосатдан нари тутиб юраман. Шунингдек қўлимни ҳам. Сенга аталганларини қонун йўли орқали олавер. Менинг ўзим сенга қарши асосий гувоҳ бўламан.

Бу дегани ҳали сен билан кўп кўришамиз дегани.

Али Райҳонанинг елкасидан аста қучди. У бугунги "операция"ни ўтказишга бош бўлган ҳуқуқ-тартибот ходимига "кетишга руҳсатми ?!" дегандек қараб эшикка ишора қилди.

Шу пайт Райҳона тилга кирди . У Собитга қараб титраб-қақшаб сўзлай бошлади:

- Мен...

Мен сизни нима деб аташга ҳам ҳайронман. Бу йиғилганлар назарида биз ўгай бўлса-да ака ва сингилмиз . Ҳа тўғриси ҳам шундай. Аммо ...Сиз билан деярли ўн беш йил бир уйда яшаган бўлсак ҳам ҳеч қачон бир - биримизни қабул қила олмадик. Қонимиз қўшилмади. Фақатгина ака-сингил деган номимиз бор эди халос . Бугундан бошлаб эса ўша ном ҳам йўқ бўлди.

Сиз ва мен энди бир- биримиз учун ҳеч киммиз . Ҳеч ким..., - Райҳона Собитга алам билан тикилди , - эссиз одамгарчилик , эссиз инсон деган ном...

Райҳона Собитга надомат билан қараб қўйди-ю, Алининг қўлидан етаклаб нари кета бошлади.

Шу пайт ортларидан "Қарс" этиб туширилган мушт овози ва Собитнинг "Иммм" деган бўғиқ товуши эшитилди.

Али ва Райҳона ҳайрон ортга ўгирилишди. Сардор Қораев ғолибона илжайиб муштани силаб турар , Собит эса биқини ушлаганча чангак бўлиб қолганди.

- Менга эса фарқи йўқ , нажосатми , баломи, хумордан чиқсам бўлди,- қилган ишига изоҳ берган бўлди Қораев,- ундан кейин қўлимни совунлаб ювсам топ- тоза бўлади. Жавоб ! Сув нималарни тоза қилмайди , а лаббай?!

Асад Акбаров дўстини четга тортди :

- Қўй, шу палид билан тенг келма .

- Қани энди шу ифлосни менга қўйиб беришса эди, онанинг бағридан фарзандини юлиб , изтироб ўтида қовжиратгани учун яхшигина улуш берардим, нима дедиз , камандир ?

Қораевнинг ҳозирги вазиятда бироз ўз ҳолига қўйиб берган махсус ходим осойишта жавоб берди.

- Ҳавотир олманг , буларнинг ҳар иккаласи қонун олдида тегишли тартибда жавоб беради,- у шундай дея қўл остидагиларга буюрди , - иккисини ҳам олиб чиқинг !

Собит ва Полвонни олиб чиқиб кетишди.

Шу пайт Севара опа уйнинг ичидан Мухторжонни етаклаб чиқди. Лолахон боласи билан сал аввал кўришган эди , бу сафар бағрига қаттиқроқ босди :

- Болажоним...

Али билан бирга келганлар ҳайрлашиб кўчага отландилар.

Али Райҳонани тезроқ бу ердан олиб кетгиси келар эди. У оғир қадам босиб кетаётган Райҳонани машинасининг олд ўриндиғига ўтказди ва ўзи айланиб ҳайдовчи жойини эгаллади.

Али машинасини энди қиздираётган ҳам эди- ки , Райҳонанинг :

- Али акаааа , - деган ингроқ тўла дардли шивирини эшитди. Али ҳайрон бўлиб жонҳолатда Райҳонага қаради.

Ранги қув ўчиб кетган Райҳона эрининг қучоғига беҳуш йиқилди ...

31- ҚИСМ

Бир зумда кўча тўс- тўс бўлиб кетди.

Беҳуш ётган Райҳонани дарровда машинанинг ўриндиғини тушириб ётқаздилар. Кимдир тез ёрдам ҳизматини чақира бошлади.

Али қўрқиб кетганидан каловланиб қолган эди.

Севара опа машина атрофига йиғилиб келганларга қатъий буюрди :

- Ҳаммангиз нарироқ кетинг. Қизимизга тоза ҳаво керак ?!

- Унга ... Райҳонага нима бўлди ? - аранг лаблари қимирлаб сўради Али .

- Асаблари дош бермади чоғи , юраги нормада урмаяпти , энг ёмони чамамда қон босими кескин кўтарилган .

- Болага таъсири борми бунинг ?

- Бор таъсири ...ўзигаям бор...

Севара опа шундай деб атрофга аланглади , - тез ёрдамни кутолмаймиз , зудлик билан туғруқхонага боришимиз керак , у келган тақдирдаям бизни барибир ўша ерга элтади. - опа шундай деб Алини нари сурди , - сиз рулга ўтирманг , чунки ҳушингиз жойида эмас.

Али унга сўзсиз бўйсунди. У ўз машинасининг орқа ўриндиғи- Севара опанинг ёнидан жой олди. Машина рулини эса Сардор Қораев чапдастлик билан эгаллади:

- Қаерга ? - деди Қораев ортиқча саволлардан тийилиб

- "Она ва бола"га. Фақат тезроқ.

Али йўлда алам билан билан пишқирди:

- Агар Райҳона ёки болага бирор гап бўлса , Собит демаганларининг хонумонига ўт қўяман !

- Ўзингизни босинг , Алихон, - уни тинчлантиришга уринди Севара опа, - ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас...

Севара опа қўлидаги телефонини титиб керакли рақамни қидира бошлади . Уни топди шекилли тезда чақирув сигналини юборди :

- Алло , Шоҳида. Қаердасан ? Уйда ? Бугун навбатчиликдан чиққанмидинг ? Йўқ тинчлик эмас ! Райҳонанинг тоби қочиб қолди. Ҳа, ҳа , жиддий ! Менимча ҳам шундай! Тез етиб келмасанг бўлмайди. Ҳар ҳолда сенинг йўлинг бошқа . Бўпти , биз ҳам касалхонага яқинлашиб қолдик ...

Қораев бошқарувидаги улов ўн дақиқаларга қолмай

айтилган манзилга етиб келди.

Касалхона ходимлари ожизгина инграшга ҳам мадори етмаётган Райҳонани тезлик билан ичкарига олдилар. Севара опа улар билан кириб кетди. Йўлакда Али , Сардор ака ва улар билан олдинма- кетин етиб келган Асад Акбаров қолдилар. Асад ака ҳам кўп ўйланиб ўтирмай эшик ёнида ўтирган қўриқчига нималарнидир деди-ю ичкарига сирғалди.

Орадан бир мунча фурсат ўтмай йўлак бошида Райҳонанинг шифокори Шоҳида Туроповна ҳам чопганча ичкарига отилди . У қаршисидан чиққан Алига деярли эътибор бермади.

Орадан ярим соат вақт ўтар - ўтмас Севара опа Алини чақирди:

- Алихон, юринг мен билан ...

Али Севара опага эргашганча дори ҳиди анқиб турган йўлакдаги охирги хонасига қадам босди.

- Ассалому алайкум , - деди у тўрда ўтирган шифокор аёлга қараб .

- Келинг , йигит , - деди туғруқ бўлимнинг бошлиғи бўлган шифокор аёл ортиқча мулозаматсиз , - Марҳамат ўтиринг.

Али у кўрсатган жойга омонатгина ўтирди. Севара опа ҳам Алининг ёнидан жой олди.

*- Ука , кўп вақтингизни олмайман. Вақтимиз шундай ҳам зиқ.
Хуллас ... Келинимизнинг ҳаёти ва ҳомиласи хавф остида.
Зудлик билан операция столига олишимиз керак.*

- Ахир ... Нима учун ? ... Бошқа иложи йўқми ?

*- Агар бошқа иложи бўлганда ҳозир сиз бу ерда бўлмас
эдингиз . Қайтариб айтамыз , она ва боланинг ҳаёти хавф
остида. Биз кўра - била туриб уларнинг ҳар иккисининг
ҳаётига қасд қила олмаймыз . Хуллас сизни беморнинг яқин
кишиси сифатида вазиятдан огоҳ қилиш мақсадида
чақиртирдим. Энди эса баъзи бир қоғозларга қўл
қўйишингиз керак бўлади. Биз ҳам вақтни йўқотмай қўлдан
келганча ҳаракатни бошлайлик.*

*- Бола-чи? У яшаб кета оладими ? Бунга кафолат бера
оласизми ? У ахир энди етти ойлик бўлди , - Алининг томоғига
нимадир тиқилгандек бўлди.*

*- Ука , биз ҳам Аллоҳнинг худди сизга ўхшаган оддий
бандаларимиз . Бундан бу ёғига фақат яхши гумон ва умидда
бўламиз. Битта овунтирадиган нарсани айтишим мумкин.
Ҳомила қиз бола экан. Қиз болалар эса ўғил болаларга
нисбатан яшовчан бўлади,- у шундай деб ўрнидан турди , - мен
кетдим бўлмаса, вақтни йўқотмайлик ...*

#ҚАСД

Райҳона операциядан бир соатларда чиқди...

- Операция муваффақиятли ўтди , онанинг ҳам , боланинг ҳам аҳволи яхши , - дея суюнчилади Шоҳида Туроповна, - фақат қизчамиз бироз енгил тош босганлиги учун вазни бир ярим килограммдан икки ярим килограммга етгунига қадар назоратимиз остида бўлади. Насиб қилса барчаси яхши бўлади.

- Аллоҳга шукр , - енгил тин олишди Сардор ҳамда Асаджон ака биргаликда ва Алини табриклаш учун қучоқ очишди , - қизча муборак бўлсин. Бахтли-тахтли , ризқ- насибали бўлсин. Илоҳим ота- онаси камолини кўриб юрсин .

Шу куни Севара опа Райҳонанинг ёнида қолди.

Али қизига Иймона дея исм берди. Ширинтой Иймона икки ой деганда онаси билан туғруқхонадан чиқди.

Иймона билан бирга Алиларнинг хонадонига чинакам бахт , тинчлик , осойишталик кириб келганди.

Райҳона билан қизалоғи туғруқхонадан чиққач , орадан бир hafta ўтиб уларни Иноят хола йўқлаб келди.

Райҳона Иноят холани кўриб севинчи ичига сиғмади. Икковлари бамисли она ва қиз бўлиб кечгача суҳбатлашиб ўтиришди.

Иноят холанинг ҳаётида ҳам бир талай яхши ўзгаришлар рўй берибди.

Холанинг ўғли Моҳиржон мактабни битирибди. Олийгоҳга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб бир эмас бир неча ўқув масканига талаба бўлиш бахтига сазовор бўлибди.

- Моҳиржон Америкадаги катта ўқишга кетмоқчи

- Сизчи , сиз бу масалага қандай қараяпсиз? - боласини ёнига ётқизар экан сўради Райҳона

- Мен нимаям дердим қизим. Менга болам қаерда соғ , тинч ва кўнгли хуш бўлса ўша бахт.

- Она бўлиш дегани ўзидан кечиш дегани-а , хола ? Сизга қараб туриб шуларни ҳис қилдим. Мана мен . Шу митта жонни шунчалар яхши кўраман- ки ...- Райҳона қизалоғини қўлига олиб , бағрига босди , тўйиб - тўйиб ҳидлади ва жилмади,- гўдақдан жаннатнинг ҳиди келади деган гапга ҳам ажабланмай қўйдим.

- Қизалоғингни эсон - омон бағрингга босиб олганинг яхши

бўлди-да , айтганча Собитнинг иши нима бўлди ?

- У узоқ йилга қамалди . Шериги эса бирмунча камроқ муддат олди. Аммо барибир юрагим туздек ачишди. Нимага дейсизми ? - Райҳонанинг кайфияти бир зумда тушиб кетди, - у Россиядан бедаво дард орттириб келган ва шунақа касалларнинг ҳисобида турар экан. "Сени олиб қочиб озроқ пул ишламоқчи ва ўз касалимни ўзим боқмоқчи эдим" деб филтиллаб йиғлаб роса кўнглимни бузди. Биз ҳам одаммиз "Шунақа гаплар , шунақа- шунақа бўлиб қолди" десангиз берар эдик ўша пулларни десам "Эрингни олдида тилим қисиқ , гарчи жиноят иши беркилган бўлса ҳам , синглисини ўлимида асосий айбдор мен эдим" деб тан олди.

Аммо куёвингиз барибир мардлар. Акамнинг даволаниб туришлари учун анча маблағ ажратдилар. Улар "Акангни худо уриб бўлган , энди меники ортиқча" дедилар.

- Куёв маънилик одам-да . Айтган гапининг барчаси тўғри.

Райҳона холага қараб ўйланиб қолди:

- Иноят хола , майлими сизга бир гап айтсам ?!

- Қандоқ гап , қизим? Рухсат сўрамай айтавер , бемалол,- деди Иноят хола ройиш овозда.

- Шу десангиз , Моҳиржоннинг ҳам чет элга кетиши аниқ экан. Сиз домда бир ўзингиз қолиб кетасиз. Менимча бу Моҳиржонни ҳам хавотирга солиши табиий. Шунга сизга бир

**таклифим бор эди . Моҳиржоннинг ўқиши битгунча биз билан
яшаб турсангиз-чи ?**

Очиғи...

**Куёвингиз кун бўйи ишдалар. Мени бир ўзимни ҳайҳотдек
уй ютаман дейди. Ҳарна бир - биримизга кўнгилдош , сирдош
бўлар эдик. Кейин Иймона қизингизни катта қилишда ҳам
маслаҳатларингизга роса муҳтожман-да . Шунга нима дейсиз ,
яъни она - бола бўлиб яшашимизга?**

**Иноят хола индамай қолди . Бироз ўйлангач бошини
кўтарди:**

**- Болам , кўнглимдаги яширмайман. Тўғрисини айтсам
таклифинг менга жуда маъқул бўлди. Аллоҳ барчани
ёлғизликдан асрасин , айниқса қариган чоғида.**

**Аввал ўғлимнинг иши битаверсин-чи , у ёғини яна бафуржа
гаплашиб кўрамиз ...**

#Орадан_беш_йил_ўтди

- Адаажооон !

Ҳозиргина хонага кирган Али Азмиддинович ўзини кабинетдаги иш столнинг тагига яшириниб олган Иймонани пайқамаганга олди.

@Xazon_Rezgi /91

#ҚАСД

- "Кимдир" мени чақиргандек бўлдими ?! - дея қувлик билан ўзига - ўзи гапирган бўлди у , - овози Иймона қизимни овозига жуда ўхшарканми?

Аммо минг афсус-ки , қизалоғим боғчада. Қанийди у шу ерда бўлса , мен уни ачом қилиб ўзи яхши кўрган ширинлигини олиб берардим.

- Ман шўттаман, адажоооон !

Иймона столнинг тагидан қийқириб чиқиб келди.

Аммо Али Азмиддинович ўзини гўёки қизини кўрмаётгандек тутишда давом этди.

- Эссиз-а , қанийди Иймона қизим шу ерда бўлса , уни бирам соғиндим- киин...

- Адажооон , мана-ку ман ...

Иймона бежирим оёқчалари билан ер депсинди.

- Тавба қизиқ кун бўлди-я , нуқул Иймона қизимнинг овози эшитилади, ўзи кўринмайди,- Али Азмиддинович шундай дея эшик томонга йўл олди , - аясидан сўрай-чи , балки унинг ёнидамикан ?!

Ва ниҳоят қизалоқнинг тоқати - тоқ бўлди:

- Энди сизни ада қилмиман. Энди аямни ада қиламан...

Али Азмиддинович бу ёғига таслим бўлмаса аҳвол чатоқлигини тушунди. Агар қизини ҳалиям "кўрмаса" уни йиғлаб беришини ҳис қилди:

- Вооой , Иймонамисан,- деди у ортига ўгирилди ва ерга тиззалади , - қаердан пайдо бўлиб қолдинг ? Боядан буён овозинг эшитилади , ўзинг кўринмайсан ? Энди кўзойнак олиб тақмасам бўлмайди шекилли...

Иймонанинг шаҳло кўзлари янада катталашди :

- Йўқ , адажоооон , энди столни тагига беркинмайман. Кўзойнак тақманг. Бўлмаса Розик додамдака қариб қоласиз . Ҳечам қариманг , адажон , хўпми ?

- Хўп , қизалоғим , хўп? Аянг хонасидан чиқиб кетганингни билладими ?

Иймона "йўқ" дея бош чайқади.

- Эҳ сени қара-ю , - деди Али қизчасини кўтариб кабинетидан чиқар экан,- юр аянгни огоҳлантирайлик.

Иймона адасини маҳкам қучганча чучук тиллари билан эркаланиб сўради :

- "Панки" олиб берасизми , адажон ?

- Асал қизимга албатта олиб бераман ўша айтган "панки"сини ...

Али Азмиддинович қизчаси билан ўзи директорлик қилаётган корхонанинг кенг ва узун йўлагига чиқди .

Ота ва қиз тўртинчи рақамланган эшик олдида тўхтади. У ерда кичкина тилла ҳалли лавҳда "Илмга сармоя" корхонаси бош дизайнери Райҳона Субҳонбековна Мардонбекова-Аслиддинова" деган ёзув илиб қўйилган эди.

Али Азмиддинович бир қўли билан қия очиқ эшикни оҳиста итарди. Эшик овозсиз очилди. Райҳона уларнинг кирганини пайқамади.

Али Азмиддинович қошларини уйганча стол устидаги ноутбукида нимадир тераётган Райхонанинг ёнига овозсиз келиб шивирлади :

- Аяжонисиини...

Райхона қаттиқ чўчиб тушди. Жонҳолатда ноутбукни шарт ёпди.

Ундаги бу ҳолат Али Азмиддиновичга шубҳали туюлди , сабаби Райхона ўзини анчадан буён шундай ғалати тутаётган эди.

Али ...

#ҚАСД

32-ҚИСМ

Райхонанинг иш столини айланиб ўтиб ноутбукига қўл чўзди. Райхона ноутбукни шарт тортиб олди .

- Тинчликми ? - дея сўради Али Азмиддинович унга шубҳали назар ташлаб , - билсак бўладими аёл киши ўз эридан яшириши мумкин бўлган нарсанинг номи нима экан ?

Райхона тезда ўзини қўлга олди :

- Илтимос тегманг ! Сизга сюрприз қилаётгандим ... Янги ғоя ...
- у шундай дея ўпкалаганнамо ерга қаради , - Битмасидан кўрсатмоқчи эмасдим.

Али Азмиддиновичнинг дарровда шаҳди пасайди :

- Шундай дегин ? Ҳа майли , сюрприз бўлса сюрприздирдир-да ? Аммо барибир сени хафа қилишимизга тўғри келади , - у шундай деб айёрлик билан кўзини қисди ва қизига қаради , - шундайми асал қизим ?

- Ота - бола бир бўлиб нималарни ўйладинглар ? Беш минут бўш қўйсам дарров режа пиширасизлар ? - деди Райҳона ҳали ҳам бояги ўйчанлик ҳолатидан чиқиб кета олмай

Али қизининг юзидан бир ўпди-ю, жилмайди :

- Шу десангиз, аяжониси, биз ишимизни тугатдик. Энди уйга кетмоқчимиз. Ҳа- я , балки сизга қизиқдир , йўлда маркетга кириб ўтамиз . Баъзи бир нарсаларни харид қилишимиз керак.

Райҳона эри ва қизалоғига синчковлик билан тикилди.

- Ҳаа ! Нимадир демоқчимисан?! Ё юзимга бир нарса ёпишиб қолибди-ми ? - Алининг ўктам овози Райҳонанинг завқини келтирди :

- Мен-чи ? ! Мени шу ерда ташлааб кетаверасизларми ? Ота ва қиз ? Жуда индамасам? - Райҳона ўзича аразлаган бўлиб юзига кафтларини босган бўлди.

- Адажооон, аяжоним ҳам биз билан кетақолсинлаааар , майлими ? - сўради Иймона адасининг бўйнидан янада маҳкамроқ қучиб , - бўлмаса ҳозир йиғлаб юборадилар .

- Сен нима десанг шу, қизим ? Ўзи аянг биз билан кетишни ҳоҳлармикан ?

- Бўлмасам-чи, - кулимсиради Райҳона , -ҳозир нарсаларимни йиғиштириб олай ... Фақат, - у шундай дея эрига қитмирчилик қилди, - иш тугамасидан кетиб қолганимни раҳбарим билиб қолмаса бўлди , унинг жаҳли жуда тез.

- Ўша раҳбарингга ўзим тушунтириб қўяман, оиланинг биринчи ўринда, эрнинг эса ҳоким эканлигини . Қани гапимни эшитмасин-чи ?! .

- Яшанг , адажониси !

Кўп ўтмай барчалари биргаликда "Илмга сармоя" корхонасининг бош биносини тарк этдилар.

Кечга бориб , Иймона ухлагандан кейин Райҳона Алига "Бироз илҳом келди, мен бирпас ижод қиламан" деди-ю , иш кабинетига кирди.

У кабинетига киргач , Али туйқусдан кириб қолса барини ўчириб ташлашга осон бўлиши учун ноутбукини қулай жойга жойлаштирди.

Райҳона эшик тарафга қарай- қарай ҳадиксираб ноутбукни ёқди.

Қараса яна ўша йигитдан смс келибди . Райҳона ғижиниб кетди :

- Одаммас экан бу ?!

Райҳона кейинги кунларда нима хаёлга боришни ҳам билмай қолди . Бир ойча аввал ижтимоий тармоқда ўтказилган сўровномада қатнашди-ю , боши балога қолди. Қаердан шу йигит илашди. Бошида одамга ўхшаб муомала қилди. Маъноли саволлар берди. Райҳона ҳам очиқ кўнгиллик билан жавоб қайтар эди. Кейин эса ўша йигит қуюшқондан чиқа бошлади. Ҳаддини билмади. Райҳона бундай вақтда кўриладиган энг осон чорани қўллади . Унинг аккаунтини блоклаб қўйди. Аммо бу саргузашт талабидаги йигит учун чора бўлолмади. Тармоқ техникасини билган одамга биргина рақамнинг ўзидан аккаунтларни қаторлаштириб тахлаш иш бўлибди-ми ?

Райҳона бор гапни эрига айтиб берганда эди , шу билан масала ҳал бўларди.

Бироқ ...

У Али акасининг кўнгли бузилишидан кўрқди . Энг катта айби ўша йигитнинг ёзишмаларини сақламаганлиги экан.

Йигит - "Красавчик" эса Райҳонадан фарқли ўлароқ орадаги ёзишмаларини "тахлаб" ташлабди.

Кейинги кунларда ўша ёзишмаларни тавозе билан Райҳонага биттама- битта кўчирма тарзида узата бошлади.

Райҳона битта саволга жавоб ололмай ҳуноби ошади :

- Унинг мақсади нима ?

Йўқ саволлар кўп экан... Ўша профил эгаси ҳақиқатдан ҳам йигитмикан? Ўзи айтгандек... Ёки Райҳонанинг кўнгли ҳижил бўлгани каби катта ёшли , кўча кўриб қўйган эркакмикан ?

Ёки бирор таҳдидчи, таъмагирмикан ? Танишувлари ростдан ҳам тасадифмикан ?

Райҳона шуларни ўйлаб боши оғриб кетди.

Икки қўли билан чаккасини

@Xazon_Rezgi / 93

#ҚАСД

маҳкам чангаллаганча келган смсни ўқишга тутинди:

- Яна бир бор салом , гўзал қиз . Ҳайрли кеч. Гўзал қиз деганимга жаҳлингиз чиқмасин. Тўғри айтгансиз . Оилалисиз ва билишимча битта эрингиз ва битта қизчангиз бор. Аммо бу сизнинг малоҳатингизга асло таъсир кўрсата олмаган. Сабаби ҳали ҳам "тасмадеккина"сиз . Тўғри-да, йигирма беш ёшлик жувон яна нима ҳам бўлсин?! Қисқаси менга буларнинг фарқи йўқ . Эээ айнан ниманинг фарқи йўқлигини айтмабман- у ?! Эрингиз ва қизингиз борлигини фарқи йўқ деяпман. Нега деб сўрамайсизми ? Майли , сўрамасангиз ҳам айтаман : Мен кўнгил кишисиман. Кўнглим буюрган ишни қиламан. Масалан ҳозир сиз билан тез- тез гаплашиб туришни истаяпман. Аммо профилингиздаги расмларингизни олиб ташлаб зап яхши иш қилдингиз-да . Кўз тегиши бор гап. Ундан кейин рашким ёмон . Расмларингизни яхшиям галереямга "сохранить" қилиб олган эканман. Янгилари бўлса бемалол , беҳижолат шу личкамга ташлаб юборавринг.

Менга бир ўзингиз тушган сельфиларингиз ёқади- да. Корхонадагилар давраси , турли семинар , учрашувларда тушган суратларингиз эса интернетда қайнаб ётибди.

Хўш бугунча шулар эди.

Кўнглимдаги охириги саволни билишни истайсизми ?

Бу савол эмас , тўғрироғи истак экан.

Эҳ , қачон сиз билан учрашар эканмиз - а ?

Райҳона смс- хабарни охиригача зўрға ўқиди.

Бир кўнгли хабарни эга - пегаси билан "удалить" - ўчириб ташламоқчи бўлди-ю , ўзини аранг босди.

" Сенга керак бўлган ёзишма , менга ҳам далил сифатида керак бўлиши аниқ , - ўйлади у ва ноутбукидан алоҳида папка очиб ўзини "Красавчик" деб номлаган йигитнинг ёзишмаларини ўша папкага "ирғитди" .

Ўзи эса Красавчикга бир оғиз жавоб ёзди :

- Пошшшол вооон !!!

Райҳона тармоқдан чиқмоқчи бўлиб энди чиқиш тугмасини босай деган эди ҳам-ки, Красавчикдан янги хабар келиб тушди : .

- Бунчалар бағри тош бўлмайдилар - да?!

Райҳонанинг кўзи тиниб кетди :

"Қандай бало экан бу ?! "

- Мендан нима истайсан ? - деб ёзди Райҳона беихтиёр

**- Вой эй хотирангиз пастми , қизи ? Сал тепада учрашишни
истайман деб ёздим- ку ?!**

**- Уни ўқидим ?! Бу учрашувдан нима истайсан ?! Шунга
қизиқяпман,- Райҳона бунчалик шижоат қаердан пайдо
бўлганига ўзи ҳайрон бўлганди**

-Учрашсак айтаман- деган жавоб келди Красавчиқдан.

- Демак, ҳеч қачон билмас эканман .

- Билишга мажбурсиз, қизи , чунки ...

Муаллиф: Хазонрезги

33- ҚИСМ

**учрашувдан бош тортсангиз ёзишмаларингизни Али
Азмиддиновичга юбораман ва айтаман-ки , суюкли
хотинчангиз пана-панада эркаклар билан қаймоқлашиб
юрибди.**

- Мараз !

**Райҳонанинг ортиқ тоқати қолмади . Шаҳло кўзлари жиққа
ёшга тўлганча тармоқдан чиқиб кетди .**

**У кабинетида яна анча вақт ўтирди. Ўзини босиб олишга
қанчалик ҳаракат қилмасин , урдасидан чиқа олмай
қийналди.**

**Вақт ярим тунга яқинлашгандагина ётоқхонага кирди. Эри
ўгирилиб ухлаб ётарди .**

**Райҳона Алининг ухлаб ётганини кўриб енгил тортди . Уни
уйғотиб юбормаслик учун оҳиста қадам босиб жойига ётди.
Аммо сал аввал алам томчилари меҳмон бўлган кўзларига
уйқу илашмади. Асабийлашгандан анчадан буён безовта
қилмай қўйган юраги ивишиб кетаверди.**

**Аста қўл узатиб ётоғи ёнидаги тумбадан пайпасланиб
дорисини топди. Бир донасини тилининг тагига ташлади.
Хонага майин чўл ялпиз ҳиди таралди. Райҳона билинтирмай
чуқур хўрсинди.**

- Райҳон... - деди шу пайт Али , - қачонгача шунақа қилиб...

Райҳона эрининг уйғоқ эканини шундагина пайқади . Унинг дабдурустдан берган саволини тушунмади. Тўғрироғи тушунишга қуввати етмади.

*- Тушунмадим , Али ака ...Нималар демоқчисиз ? :
Райҳонанинг саволи инграганга ўхшаб чиқди. Бу Алининг юрагини баттар ўйди.*

- Нимани тушунмайсан , - деди у аёлига ўгирилиб , - мен Красавчикни назарда тутяпман.

Эрининг изоҳини эшитиб Райҳона сал қолса ҳушидан айрилаёзди. Ним қоронғи бўлишига қарамай унинг дағ- дағ титраётганини Али ҳам ҳис қилди :

- Али ака ... Мен ... Мен айбдор эмасман ... Ишонинг менинг айбим йўўўқ... - овози бўғилди Райҳонанинг...

Али Райҳонанинг сочларини оҳиста силади :

- Ўзингни айблама ... Мен ҳаммасини биламан...

- Ҳаммасини биласиз ? Ахир қандай қилиб ...

Али қўлини Райҳонанинг елкасидан ошириб чўзганча унинг тумбасида турган тунчироқни ёқди . У эртақлардаги парилардек хушрўй, шу билан бирга бениҳоя маъсума аёлига қараб кўнгли бузилди :

- Шу мараз охиригача н

нима деркин дея индамай тургандим. Аммо ... Индамасам тобора ҳаддидан ошяпти. Сенинг эса тобинг қочаяпти. Энди аралашмасам бўлмайдиганга ўхшай...

- Али акааа...

- Ҳааа , Жамбилхон ?

- Сизни ёмон кўраман ... Ёмон кўраман ...

- Иии нимага ?

- Мени қанча қийналганимни биласизми ? - Райҳона пиқ- пиқ йиғлай бошлади

*- Иии , Жамбилхон , нега йиғлайсан ? Мен сени уришганим йўк
- ку? Менинг энг бошидан барча гапдан хабарим бор эди.*

*- Демак , интернет рақамимга "доступ"ингиз бор экан-да ?!
Нега менга айтмагансиз ?!*

- Айтсам қизиғи қолмас эди-да !

- Мен жуда эзилиб кетдим ахир ! Сизнинг ишончингизни йўқотиб қўйишдан жудаям қўрқдим . Ахир у мараз менга нималар деганини билмайсиз ?!

- Биламан ! Сен ўчириб ташлаган ёзишмалар менда сақланиб қолган. Фақат бу ёғи нима бўларкин деб ...

- Демак , менга ишонмагансиз . Тилимдан илинишимни пойлабсиз-да ?! Роса маза бўлгандир ўз аёлингизни жизғанак бўлиб куяётганини томоша қилиш, - Райҳона бирдан йиғидан тўхтади , энди унинг эрининг қилмишидан аччиғи чиқаётган эди.

Али эса аксинча мутлақо хотиржам эди:

- Йўқ ! Бу ерда масала бутунлай бошқа мазмунда. Эсингдами ? Мен сенга "Ўзингга эҳтиёт бўл, аёл кишининг шаъни мисли мўрт шиша , синса ёки хатто дарз кетса ўз ҳолига қайтариб бўлмайди" дегандим.

Сен эса нима дегандинг ? "Сиз ҳаммага шубҳа билан қарайсиз ? Ҳамма инсон ҳам ёмон эмас , кўнглингизни сал кенг қилинг, кенгга- кенг, торга - тор дунё" деганмидинг ? Деган эдинг-а ? Хатто ўз фикрингда қатъий туриб олиб мен билан обдон жиқиллашгандинг.

Айнан шу сўзларинг туфайли мен арқонни узун ташладим , токи эҳтиёткорликка беэътибор бўлмагин, беш қўл баробар эмас, кўза кунда эмас, кунда синишини билиб олгин дегандим.

Райҳона хўрсинди :

- Энди бу ёғи нима бўлади ?

- Боя зўр жавоб ёздинг- ку , "Пошшол" деб ! Шу етарлидир ?! Сенга яна ёзса ўзим жавоб қайтараман, хавотир олма...

- Қайдам бу билан тинчимаса керак?! У менга "Суратларингни , ёзганларингни интернетда тарқатиб юбораман" деб дағдаға қилганди. Суратларимни монтаж қиларкан , ёзганларимни эса таҳрирлаб ташлабди.

@Xazon_Rezgi /95

#ҚАСД

- Майли , наилож . Буқанинг ўлгиси келса қассоб билан ўйнашар экан. Демак , унинг истагини бир раво қилиб кўрар эканмиз-да , токи бурни ерга ишқаланмагунча ...

- Қандай қилиб ? - қизиқиб савол берди Райҳона,- ишқилиб ўзингизга зарар бўлиб қолмасмикан ?

- Жамбилхон , бу ёғи ёш ўттизга қараб кетди , сен бўлсанг мендан ҳали ҳам ҳавотир оласан.

Ҳозирча уни таъзирини қандай беришни билмайман. Аниқ режам йўқ . Билганим шуки , яхшиям эртага якшанба . Бўлмаса эртага ишда уйқусираб, мудраб юрардим. Соат ҳам тунги иккидан ошди-я ?

- Менинг ҳам энди уйқум келяпти. Сиз ҳаммасидан хабардор эканлигингиз қандоқ яхши бўлди-я ? Энди хотиржамман. Очиғи кейинги пайтларда на еганимда , на ичганимда ҳаловат бўлмаётган эди. Бу ёғи ҳам яхшилик билан тугашига ишончим комил .

Бироқ...

- Нима бироқ , Жамбилхон?

- Агар вазият бутунлай бошқача бўлиб менга ишонмаганингизда , биласизми нима ?

- Биладан...

- Билсангиз ҳам айтаман:

Мендан воз кечсангиз ўлганим ўша !

- Райҳон...

- Хммм ...

- Мана шу охирги сўзларинг сени севги изҳоринг- а ? Турмуш қурганимизга олти йил бўлди. Сен менга кўп марта шу сўзларни айтгансан. Мен авваллари бу гапинг орқали нимани назарда тутишингни билмасдим.

Сабаби бундан жуда кўп маъно чиқади ...

Аmmo кейинчалик билдим- ки , бу сўзлар сенинг энг гўзал севги изҳоринг экан...

Ҳақиқатдан ҳам суюкли инсоннинг ёнингда бўлмаса , яшашдан не наф ? Ҳаёт кўнглинг истаган инсонинг билан яшагандагина гўзал , мазмунли.

Менинг ҳаётим ҳам сен бор учун мазмун касб этганди. Кейин эса мени янада бахтли қилиб Иймонани ҳаётимга олиб кирдинг. Ўшанда шифокорлар сенга туғиш мумкин эмас деганларида қанчалик курашган эдинг- а

Мен ҳаётимнинг асл гавҳари- сендан қандай шубҳаланишим мумкин ? Воз кечиш ҳақида эса ... Сендан бир вақтда воз кечишим мумкин... Қачон- ки ўзимдан воз кечсам ... Эшитяпсанми , ўзимдан воз кечсамгина сендан воз кечишим мумкин...

Райҳона индамади . Алига жавоб қайтармади. У кейинги ҳафталар ичида илк бор хотиржам бўлиб уйқулар мамлакатига қадам қўйган эди ...

Райҳона эрталаб уйқудан уйғонганда эрининг ўз иш кабинетида эканлигини кўриб юраги "шув" этди . Бу Алининг одатига мутлоқ ҳилоф иш эди . Али дам олиш кунлари корхона ишлари билан шуғулланмас, вақтини оила даврасида ўтказар , иложи борича Райҳона ва Иймона билан кўнгилочар жойларга боришга ҳаракат қилар эди. .

Райҳона Али акасининг "Красавчик" билан ёзишиб ўтирганини тахмин қилди . Эрининг барча гапдан хабардор бўлганлиги учун унга ҳалақит бермаслик ва ўз ҳолига қўйишга қарор қилди.

Райҳона ювиниб , тараниб олгач ошхонага йўл олди. У кеча Али акаси ва Иймона билан бирга супермаркетдан олиб келган ярим тайёр масаллиқлардан эри хуш кўриб ейдиган енгил таомни тайёрлашга киришди.

Нонушта тайёр бўлгач Райҳона кабинетга бош суқди :

- Нонушта тайёр , аъло ҳазратлари. Тановвул қилсангиз бўлди.

Али экрандан кўзини олмай сўради :

- Кичкина маликамиз уйғонмадими ?

- Бир ширин ухлаётган экан уйғотишга кўзим қиймади,- деди Райҳона эрқаланиб

- Эҳх афсус бирга чой ичсак яхши эди-да ! Ҳа майли ухлай қолсин .

Эр - хотин нонушта дастурҳонига энди ўтиришган ҳам эди-ки , остонада пирпиракли тунги кўйлакчасида Иймона кўринди :

- Ман уйғондиим

Али кулимсираб ўрнидан турди :

- Ҳооо, адасини эрка қизи уйғонибди-ю , юзларимизни ювиб келайлик-чи , - у ўрнидан туриб Райҳонага "Сен ўтиравер" деган ишорани қилганча қизчасини етаклаб ювиниш хонасига йўл олди.

Кўп ўтмай ота ва қиз изига қайтишди.

- Менга ундай қарама , - деди Али Райҳонага маънодор оҳангда , - Иймонанинг кийимларини нонуштадан кейин алиштирамиз. Бирйўла Иноят бувижонисиникига кетаётганда.

- Бувижонимларни жудаям соғиндим , - гапга қўшилди Иймона.

- Чой ичиб олайлик, кейин уларникига бориб келамиз . Кейин сен ўша ерда бўлиб турсанг , аянг билан бир жойга бориб келишимиз керак.

- Қаерга , адаси ? - деб сўради Райҳона кўнглига келган хаёлдан юраги орқага тортганча...

- Мен учрашув белгиладим,- деди Али бамайлихотир, - сен билан ўша ...

34- ҚИСМ

ўша Красавчикнинг учрашувини.

- Али акааа ,-зорланди Райҳона,- ўша ифлоснинг турқитароватини кўргим йўқ ...

- Ўзинг барчаси якунига етишини истамаганмидинг ? Қўрқма, ёнингда бўламан,- уни тинчлантиришга ҳаракат қилди Али.

- Ахир қандай қилиб ? Менимча у сизни яхши танийди. Гапларидан сезганман. Шунинг учун ...- Райҳона "Барибир ёнимда бўла олмайсиз" дегандек хўрсинди .

Али уни мулоҳазасига дарровда тушунди :

- Мен учрашувни Шоҳруҳнинг янги очган кафесига тайинладим. Шунга хотиржам бўл. У ерда "ўзимизникилар" етарли. Мен эса сал нарида бўламан , халос. Қани кўрайлик-

чи бунинг нияти нима экан ? Сен иложи борича унинг кўнглида нима гап борлигини билишга ҳаракат қилиб билиб ол. Хўпми ?

- Қўлимдан келармикан, Али ака?

- Райҳона, мана салкам уч йилдан буён одамлар орасида , кенг давраларда муомала қилиб ишляяпсан. Нимага қўлингдан келмас экан ? - унга далда берган бўлди Али.

- Билмасам, у бошқа масала , буниси эса бутунлай бошқа. Ундан кейин ...- Райҳона гапининг давомини айта олмай ерга қаради .

- Нима ундан кейин ? - ҳайрон бўлди Али.

- Бу ҳолатда , яъни бегона эркак билан ... Хуллас кўнглим айниб кетаяпти ...

- Агар ... Бу мавзуга ҳозир далил устида узил - кесил нуқта қўймасак , кейин янада авж олиб кетиши мумкин. Ким билсин ўша одам пихини ёрган товламачидир. Бундай ишларни қанчалик уддалаши сенга ёзган дағдағали гапларидан ҳам кўриниб турибди.

- Майли , Али ака. Сиз нима десангиз шу . Қолаверса халқимизда бир гап бор- ку: "Кунда бир ўлгандан кунида бир ўлган афзал" деган, - Райҳона Алига итоаткор нигоҳ ташлади .

- Унда тез ҳаракатимизни қилайлик. Ҳали ойимникига ҳам кириб ўтишимиз керак.

**- Ҳаа , мен тезда ошхонани саранжомлайман унда .
Ойижонимни уч кунда бирам соғиндим- ки . Ўзи минг марта ялиндим , Моҳиржон таътилини бизникида ўтказсин деб .
"Ҳеч бўлмаса бир хафта алоҳида турайлик , ўғлим билан бозорга тушиб бўлажак келинга сарупо- суруқ оламан" деб унамадилар.**

- Келин тайёрни дейман , Райҳона?

- Билмасам , балким Моҳиржоннинг кўз остига олган қизи бордир. Ёши йигирма учга бориб қолди-ю. Аммо ойижоним бу ҳақда лом- лим демаганлар. Ё ҳеч гап йўқ , ё Моҳиржон кимнидир яхши кўриб қолган бўлса ҳам айтмаган ҳали. Аммо ойижоним барибир бозор айланиб сарпо қилиш гаштини тортгилари келгани рост.

- Келинликка номзод бўлмаса , қанақа қилиб бозор қиладилар ? Келинпошшанинг ўзи ҳам , ўлчами ҳам номаълум бўлса ?

- Вой , адажониси-ей , - кулимсираб дастурхон устини йиғиштира бошлади Райҳона,- ким айтди ойижоним сизга тайёр кийим - кечак оладилар деб ? Улар сарупони ҳомини оладилар. Масалан , кийим учун матолар дегандек. Келин маълум бўлса, ўша матолардан кийим тиктириб бераверадилар. Яна бошқа шунга ўхшаш майда-чуйдалар -

сумкачалар , сочиқлар , чойшаблар... - хуллас нимани ният қилган бўлсалар ўша нарсаларни сотиб олиб қўядилар. Орзу-хавасда энди бу. Менимча аёл киши шунақа буюмлар олса кўнгли бир яйраб олса керак.

- Ҳаа шунга яраша келадиган келин яхши бўлсин , - гап қотди Али.

- Иноят ойижонимга ёмон келин келади деб ўйламайман. Тўғрироғи ўйлашни истамайман. Худо хоҳласа ўзларига ўхшаган дилбаргина қизни келин қиладилар.

- Гапингга қўшиламан , Жамбилхон. Мана мен... Қандоқ яхши йигитман. Ақлли , кўркам , келишган. Шунингдек учун пешонамга сен битилгансан.

Райҳона кулиб юборди :

- Нима бу ўз- ўзини мақташни янги усулими ? - Райҳона муғомбирона нигоҳ ташлади , - Шу сизни мен ҳам мақтар эдим-у , аммо ортиқча мақтов "кимларгадир" оғирлик қилиши мумкин-да .

- Ким экан ўша "кимлардир" ? Биз ҳам билайлик ...

- Мен идишларни ювиб бўлдим , - деди Райҳона атайдан жавобдан қочиб , кейин ўзи ва адасининг гапларига халал бермай ўйин ўйнаб ўтирган Иймонанинг қўлидан тутди , - биз

ўн беш дақиқада тайёр бўламиз , адажониси ...

- Ҳооов , саволимга жавоб бермадинг- ку ? - она - боланинг изидан сўз қотди Али.

Райҳона ортига ярим ўгирилди .

Чап кўзини қисиб қўйганча кулимсиради :

- Кейин ... Кейин айтаман...

@Xazon_Rezgi /97

#ҚАСД

Али ва Райҳоналар Иноят холаникида ҳам икки соатларча қолиб кетишди. Гарчи Моҳиржон Америкадан учиб келган куни ҳам алламаҳалгача ўтиришган бўлишса-да, бугун яна гаплари тугамади.

Гап орасида Иноят ҳола Райҳонани ошхонага имлади- ю , у ерда шоша- пиша қўлига бир хат тутқазди:

- Қизим бу хат сенга Собит акангдан экан,- деди у

**хўрсинганча,- Менга ҳам шунақа хатдан биттасини ёзибди .
Айтишича сенга битган мактубини уй манзилингга жўнатишга
бети чидамабди. Минг қилсаям Али боламнинг олдида юзи
қора. Бу хатни ўзинг ҳозир яшириб қўяқол. Унда нима
ёзганини билмайсан- ку, шунга айтяпман-да . Менимча у сенга
ёзганларидан эринг хабардор бўлишини истамаган чоғи.
Аввал ўзинг ҳоли ўқиб кўр-чи ? Кейин лозим топсанг Али
боламга ҳам айтарсан.**

**Ҳай майли , меҳмонхонага чиқайлик-чи . Айтганча , хатни
кираверишга илиб қўйган сумкангга солиб ўтарсан.**

**- Хўп бўлади. Ойижон , тўхтанг , - Райҳона ошхонадан
чиқаётган Иноят холани қайтиб изига чақирди , - биз ҳозир
куёвингиз билан бир жойга бориб келмоқчи эдик. Шунга
набирангизга қараб тура оласизми ? Кўпгамас , узоғи билан
икки соатларда қайтамиз.**

**- Нега қараб туrolмас эканман, қизим. Тўғриси айттайми ?
Раҳматли ойим "Ўригидан мағзи ширин " десалар ҳайрон
бўлардим. Энди билдим мағзининг қанақа ширин бўлишини.
Ўзим ҳам Иймонагинамни бирам соғинибман-ей. Хатто
Иймона, Иймона деяверганимдан Моҳиржон уканг баъзида
рашк ҳам қилиб қоляпти.**

**- Йўғе-ей,- дея кулимсираган бўлди Иноят ҳолага Райҳона ва
зумда хаёли яна қўлидаги мактубга кетди "Нималар ёзилган
экан-а бунда ?" , сўнг ўзини қўлга олишга интилди , - майли
ойижон , фарзандларда ўзи шунақа қизғончиқлик ҳисси
вақти - вақти билан бош кўтариб турар экан. Очиғини айтсам
ўзим ҳам сизни баъзан Моҳиржон у ёқда турсин, Али
акамлардан қизғониб қоламан.**

Иноят хола ёйилиб кулди :

- Вой қизим тушмагур- ей ?! Бундоқ алдашни ҳам билмайсан-а ? Менам қизғанаман деганингга айтаман-да ?! Бўпти , ҳозир йигитларимиз "Булар қаерда қолди ?!" дея ...

Иноят ҳоланинг сўзи шу ерда бўлинди . Ичкаридан Алининг :

- Ойиии ?! Ойи- ююю? Қаерда қолдинглар ? - деган ўктам овози эшитилди.

Иноят хола Райҳонага "Ана айтмадимми , болам ?!" деганича ичкарига шошилди.

** * **

Али йўл - йўлакай Райҳонани огоҳлантириб кетди .

- Райҳон. Мен ўша Қрасавчикка эрталаб нималар ёзганимни ўқиб ол. Ўзим айтмасам хаёлингга ҳам келмади-я буни сўраш

.

Райҳонанинг афти буришди:

- Уфф... Хўп ...Майли телефонингизни беринг-чи ?- деди у истамайгина .

- Ўзингни телефонингдан ҳам ўқисанг бўлади -ю , - таъкидлади Али .

- Эээ ҳаа-я , ҳозир ...

Райҳона сумкачасидан телефони ола бошлади .

- Райҳон, бунча довдирайсан ?! Қўлларинг қалт-қалт қилишини қара ? Сал ўзингни ушла ! Бунақада сиримизни фош қилиб, қовун тушириб қўясанку ?! -Алининг овози далил - дадил эшитилди , - қўрқма ёнингда Шоҳруҳнинг укаси Шоҳбоз официант ролида туради. Зулхумор келин ҳам атрофда бўлади. Сизлар кабинкага кириб кетишинглар билан мен ҳам Шоҳруҳ билан ёнингдаги қўшни кабинкадан жой эгаллаймиз .

- Хўп яхши , - Райҳона шундай деб эри ва Красавчикнинг ёзишмасини ўқишга тутинди .

- Салом , Красавчик ака ! Ака деб ёзганимни қаранг ?! Ака бўлинг-да , ишқилиб ! Негалигини айттайми ? Айтсам шаҳар берасизми ? Қайси шаҳар деб сўрасангиз.. Ҳммм... Қаерни танлаган бўлардим ... Бали ороллари ! Аммо ҳафсалангиз пир бўлсаям айтаман: у ерда бўлмаганман ! "Орёл и решка" деган кўрсатувда кўрганман. Россиядан берилади ўша кўрсатув. Аммо боришга ният бор ... Қачондирам... Иии айтганча нега "Ака бўлинг-да ишқилиб" деганимни айтмабман-

ку ?!

Негаки , баъзи ёш болачалар интернетда ўзларини катталардек тутиб кўришга уриниб биз тенгги аёлларга шунақа маънода хазил қилишади. Сиз ҳам шунақа "балача"масмисиз ?

Райҳона Алининг ёзганларини ўқий туриб сал аввалги ҳаяжонини унутиб кулиб юборди .

- Ҳаа, - деди Али кўзини йўлдан олмай,- нега куласан ?

Райҳонанинг кайфияти анча кўтарилган эди. Айниқса Али "Красавчик"ни "балачамасмисиз ?" дея мазах қилганига тобора кулгуси келар эди .

@Xazon_Rezgi /98

#ҚАСД

Шу сабаб Али акасига:

- Тошкандда шундай Али акам бор эканлар- у билмай юрганимни қаранг ? Сизни бунчалик истеъдод эгаси эканлигингиздан умуман ҳабарим йўқ экан.

- Эээ , кўп нарсадан ҳабаринг йўқ сени ,- Райҳонанинг

*кайфияти Алига ҳам юқди , - жиим юришимга қарама мени .
Жаҳлим чиқса ёмон бўлади. бунақа Қрасавчикларингни
нечтаси бўлса ҳам "қалпақ" қиб яйиб - чачиб тайлайман .*

*- Илтимос , фақат шунақа қилманг, - кулишдан кўзлари
ёшланганча давом этди Райҳона, - ҳеч бўлмаса "қалпақ"ни
ўрнига "кепка" қиб ташлайқолинг.*

Райҳона шундай дея туриб Алига яна сўз қотди :

*- Очиғи , бу кайфиятда ўша Қрасавчикдан ҳадиксирамай
қўйдим , фақат курсда бўлиш учун қолган гапларнингизни ҳам
ўқиб олай. Илтимос , гап отмай туринг.*

- Гап отмайми ёки гап қотмайми ?

- Али акаааа ...

- Хўп , ўқи...

Райҳона телефон экранига тикилди :

*- Ауууу, Қрасавчик- ууу , ҳалиям уйғонмадингизми ? Туринг-э
"Болажон" канали ўз ишини аллақачон бошлади (Райҳона
буёғига кулиб юбормаслик учун лабини тишлаб ўқий
бошлади).*

Ҳай бола , обакидандондан емайсанми ? Қачон нетга кирасиз энди?

Шу ердан Красавчикнинг Алига жавоб ёзиши бошланган экан.

Красавчик:

- Ҳо бугун кайфиятлар яхшими? Тушингизда мени кўрдингизми дейман ?

Райҳона (Али):

- Анчадан буён тушимда олабўжиларни кўрмай қўйганман.

Красавчик:

- Унда бундай шод- хуррамликнинг сабаби недир , қизи ?

Райҳона (Али):

- Шунчаки . Бугун эримдан хафаман. У кеча мени уйда ёлғиз қолдириб ўзи дўстлари билан балиқ овига кетди. "Мен- чи? Мени ёшгина бошим билан уйда шундоқ қолдириб кетишга қандоқ кўзингиз қияди ?" десам , "Сен ҳам дугошларинг билан айланиб кел , қаршилигим йўқ" деди.

Шунга "Қайси дугошим билан учрашсам экан ?!" деб учрашув тайинлагани нетга киргандим.

Красавчик:

- Мен билан учрашинг афсусланмайсиз, жавоб !

Ҳа айтганча сиз тахмин қилгандек ёш бола эмасман, сиздан ёшим бироз катта десаям бўлади.

Райҳона (Али):

- Унда яхши ! Учрашганимга афсусланмасам учрашганим бўлсин ! Хўш , демак сиз билан соат ўн икки- ю ноль нолда "Дилим" кафесида учрашамиз . Манзилни биласизми ?

Ҳа ?! Унда яхши . Мени- ку танийсиз , сизни қандай таниб оламан ?

Красавчик:

- Мен ўнинчи рақамли сариқ футболка , кўк шорти , оқ крассовкада бўламан .

Райҳона (Али):

- Кийимларингиздан ростдан Красавчиксиз шекилли . Бўпти мени кутинг ва мен борурман.

Райҳона эри билан Красавчикнинг ёзишмаси шу ерда туганганлиги учун телефондан бошини кўтарди.

-Манзилга яқин қолди , бу ёғига машинани ўзинг ҳайлаб кетасан . Кафе кейинги кўчада , - Али шундай деб машинадан

тушиб рулни Райҳонага бўшатиб берди .

- Али ака , кечикманг. Бўлмаса ўзимга жавоб беролмайман. У ғаламисни бир нарса қилиб қўйишим мумкин.

Али илжайди.

Райҳона Шоҳруҳ ва Зулхуморларнинг яна янги кафе очганларини хабарини бир эшитгандек бўлган эди-ю , аммо бу кафенинг бу даражада шинам ва кўрган кўзларни қувонтирар даражада одам чақирадиган эканлигини чамаламаган эди.

*"Али акамнинг дидлари зўр-да!- ўйлади Райҳона , - учрашув белгилаган кафелари жуда зўр жойда жойлашган экан .
Дизайнини айтмайсиз-ми ? Одамни ташқи ҳаётдан бир зумда ўз бағрига суғуриб оладиган даражада эртакнамо ва хушманзара-я ?! "*

Райҳона ичкарига битта...

35- ҚИСМ

битта қадам босганча кириб борди. У сал аввал Али акаси билан гаплашиб кўнгли анча хотиржам тортганлиги учун қадамларида ҳам гўё шахдамлик сезилиб тургандек эди.

Учрашув кафенинг бешинчи рақамли кабинкасига белгиланган эди. Райҳона у ерга қадам босиб ёзишмада тасвирланган кийим кийган йигитни учратмади. У ерда айтилган сариқ футболка , кўк шорти ва оқ крассовкасида ҳеч қандай дарак бўлмаган классик услубда кийинган ёши қирқларни қоралаган бошқа эркакга кўзи тушган Райҳона тараддусланиб қолди . Ўзига савол назари билан тикилган эркакка шошилиб қолиб салом берганча "Мени кечирасиз" дея ортига ўгирилиб ташқарига йўл олди.

Аmmo изидан :

- Иии қизи тўхтанг , қаёққа ? - деган сўзни эшитиб ҳайратдан донг қотди.

Беихтиёр ортига ўгирилди :

- Сиииз ? Ахир ... - Райҳона гапиришга сўз тополмай тили тутилди.

- Ҳаа нимага довдирайсиз ? - гап қотди эркак ўзига ишончи катта эканлигини сўз оҳангида билдиришга ҳаракат қилганча , - кўриб турганингиздек "балачамасман"?!

- Ҳаа кўряпман , - аста- секин ортига қайтди Райҳона. У эркакнинг тўғрисидаги стулга бемулозамат ўтиргач , гапида давом этди , - "балача" эмассиз , шу билан бирга ...

Райҳона атайин сукут сақлади :

Эркакнинг тоқати тоқ бўлди:

- Нима шу билан бирга ? - деб сўради у Райҳонанинг шахло кўзларига лўқ бўлиб тикилганча.

- Шу билан бирга Красавчик ҳам эмассиз ?!

- Мен ўшаман, йўқса айтинг-чи сизни қаердан таниган бўлардим ?!

Райҳона лабининг бир четида захарханда кулган бўлди:

- Мени тушунмадингиз ?! Сизни ўша - мени шахсийимга ёзган киши эканлигингизга шубҳам йўқ. Бироқ Красавчик эмас экансиз деганимни маъноси бошқа эди . Красавчик дегани тахминан "Келишган " , "Кўркам" ... хуллас шунга ўхшаш маъноларни беради , сиз эса ... Мени кечирасиз- у ...

- Нима мен эса ? -яна лўқ бўлиб тикилди эркак , - гапларингизни қандай тушунишим керак ?

Райҳона уни "Эркак зотига иснод келтирмай ўл!" дея силтаб , жеркиб ташламоқчи бўлди- ю, бирдан эрининг "Иложи борича ундан кўпроқ маълумот олиб , мақсадини билишга ҳаракат қил" дегани ёдига тушиб, ўзини босди.

Мезбон эркакка қараб жилмаймоқчи бўлди-ю , аммо жилмайиши кўпроқ масхараомуз илжайишга ўхшаб чиқди :

- Сиз келишган эмас кетворган экансиз , - деди ўз сўзларидан кўнгли айниб , сўнг атрофга аланглади - бу ер зўр жой экан- у, официантлари оёғига сал тош боғлаган эканми дейман ...

Райҳонанинг шу сўзларини кутиб тургандек эшик олдида официант формасида Шоҳбоз кўринди :

- Ассалому алайкум, бирон нарса буюрасизми ? - деди у Райҳонадан кўзларини олиб қочганча .

- Ҳмм , асфальт тузатадиган машина керак эди , - деди Райҳона азбаройи асаби бузилганидан .

Унинг холатини тушуниб турган Шоҳбоз илжайди :

- У- ку йўғаа , аммо бир қарич тил бор , опажон ...

- Қоврилганми , қайнатилганми ? - Райҳонанинг асаблари ҳали бери ўзига келадиган эмасди.

- Сиз қайси бирини буюртма берсангиз ўшани дарровда есть қиламиз . Узоғи ўн минут кутасиз.

Райҳона Шоҳбознинг сўзларидан "Ўн минутча чидаб туринг" деган маънони илғади-ю, кўнгли ёришди.

- Бўпти унгача муздеккина шарбат олиб келақолинг . Икки кишилиқ.

- Бошқа нарса ҳам буюрайлиқ , - деди Красавчик ялтоқиланиб .

"Сен лаънатига замбаракнинг ўқини буюрардим менга қолса " - Райҳона шундай деб ўйлади-ю , аммо унга кулимсиради :

- Шошманг, қовирилган ва қайнатилган супер таом келяпти. Бесабр бўлманг . Менга бесабрлар ёқмайди.

Красавчик "хўп яхши" деган маънода бош силкиди.

- Сиз-ку, мени танийсиз . Аммо мен сизни танимайман. Ўзингиз ҳақингизда батафсил гапириб берсангиз. Яна мендан нима истайсиз ? Шу ҳақида ҳам билишни истардим. Бир бошидан бошланг-чи ?

- Мана кўришдик , энди аста - аста бир - биримизни билиб олаверамиз - да. Бир кўрган таниш , икки кўрган билиш деганларидек.

- Красавчик ака, ўзингизни таништиринг . Исмингиз нима?

- Исминим ... Паспортидаги исминим Йўлдош . Ёшим ўттиз еттида .

- Келинойим бормилар ? Бола - чақалар дегандек?

- Шу саволингизни жавобсиз қолдирсам бўлмайдими ?

У ҳақда гапиргим йўқ...

Красавчик ёлғондакам хўрсиниб ерга қаради.

Райҳона унга қараб туриб "Тавба шунақа қилса раҳмим келиб кетса керак деса керак-да бу ... " деб ўйлади ва ўзини у кутгандек тутди :

- Шу нозик ярангизга тегиб қўйдим-ов . Узр билмагандим.

- Бу дунё бир кам дунёда Райҳонахон... Мана мен . Бир умр сиздек аёлни орзу қилганман. Аммо пешонамга битилгани бир алвасти бўлди

- Алвасти ? Нега унақа деяпсиз ?

- Эээ суймаганинг билан яшасанг шу экан- да. Уйда бўлсам мундоқ гаплашиб ўтиришга арзимайди.

- Уларниям кафега таклиф қилинг , мазза қилиб гаплашиб ўтирасиз ўшанда. Мана мени таклиф қилдингиз- у. Кўндириш учун қанча вақт сарфладингиз. Келинойимларни бир марта таклиф қилганингизда йўқ демасдилар.

- У сизга ўхшамайди. У бошқа , сиз бошқа !

Шу пайт кабинкага Али , Шоҳруҳ ва яна икки йигит бостириб кирди .

Келганлардан бирининг қўлида видеоаппарат бор эди. У аппаратни елкасига қўйганча суратга ола бошлади .

Йўлдош ўрнидан сапчиб турган эди , кирганларнинг иккинчиси уни бир мушт билан жойига "михлаб" қўйди.

- Салом бердик энди - Али шундай деб Қрасавчикнинг тўғрисига оёқларини чалиштириб ўтириб олди , - қай юртлардан келдингиз ? Қани нелар кўрдингиз ?

- Ассалому алайкум , яхшимисиз ? - деди Қрасавчик ўтирган ўрнида мўлтираб.

Али унинг саломига алик олмади , балки видеога олаётган йигитга сўз қотди:

- Ҳусан , яхшилаб ол видеоингни? Юзи аниқ - таниқ кўринсин

! Ҳол- поллари билан !

Бу окамизни "интернет звезда" қиламиз ҳали! Шунақа таниқли бўладилар- ки , кўчадан кетаётган лайчаям бир оёғини кўтариб битта йўқлаб ўтиб кетадиган бўлади.

- Сиииз ... Сиииз... Бизни нотўғри тушундигиз. Мен бу синглим билан иш юзасидан ҳамкорлик қилмоқчийдим . Ҳозир шуни келишиб ол...- Красавчикнинг сўзи бўғзида қолиб кетди.

- Сен синглим деган аёл мени хотиним бўлади ! Ўзингни биламасликка солма , туршак! У билан ёзишган смсларингни ўқидим . Ишга доир бирон сўз ҳам йўқ- ку ! Қайтага нуқул суюқлангансан.

Энди эшит ! Сени устингдан видео ишлатиб интернетда бир айлантираман , ўшанда кўраман аҳволингни . Ўшанда кўраман бировнинг никоҳидаги аёлига шилқимлик қилиш қанақа бўлишини.

Красавчик истеҳзоли илжайди :

- Бу ишни қилолмайсиз. Нега дейсизми ? Ўшанда ўзингиз ҳам ёмонотлиқ бўлиб қоласиз. Нега-ки , бу кишим менга анча ажабтовур сўзларни ёзганлар. Бу сўзлар ўртага тушса шаънингизга минус кетиши аниқ ...

- Йўғеей ! Ҳов товукмия ! Ўша сўзларни сенга мен ёзганман ! Сени салкам бир ойдан буён кузатаман. Қаерда турасан, оилавий шароитинг қанақа , касби-коринг нима - баридан

хабарим бор.

*Аёлимга келсак, битта айби бор . У ҳам бўлса барчани одам ўрнида кўриши . Мен уни минг марта огоҳлантирганман.
"Ҳаммаям одаммас , унда бунда йўлингда бор иши булғаш бўлган чўчқалар ҳам учраб туради"- деб. У сен билан тўғрилиқча гаплашиб балога қолди. Аммо ўша ўзи қатнашган семинаридан корхонамиз учун ўнта ижодкор ёшни танлаб ишлик ҳам қилди.*

Энди у бояқиш орада подани булғайдиган битта номаъқул бузоқ чиқишини қаердан ҳам билибди.

Райҳона , таниш !

Салкам бир ойдан буён сени тинчинг ва хотиржамлигингни ўғирлаган бу сўлтаматнинг асл исми - Мирғози. Қиладиган иши бойвачча хонимларни авраб - альфонслик қилиш, яъни аёллар ҳисобига яшаш. Аммо аёли мард хотин экан. Олтита боласини ғиринг демай боқаяпти. Ҳа-я, у аёлга раҳминг келмай қўяқолсин. Улар аллақачон ажралишиб кетишган. Бояқишнинг кўзи боласи олтита бўлгандан кейин очилгани бироз ачинарли лекин. Майли нимаям деймиз... Ҳечдан кўра кеч яхши .

Райҳона ўзини тутиб тура олмади . Стол устида турган шарбатни олиб Мирғозининг юзига сепиб юборди .

- Ифлос ! - деди у титраб - қақшаб , - ҳали кўр бўласан! Қараб тур. Олтита болангни уволи тутди сени ! Сенга шунча фарзанд туғиб берган аёлинг ҳақида нималар демадинг-а ? Э бит кўзларинг тешилсин сени !

Мирғозини Райҳона таърифлагандек бит кўзлари ялтираб кетди.

@Xazon_Rezgi /101

#ҚАСД

- Ҳай, ҳай , Райҳона, ўзингни бос. Видеони сифатини тушуриб юборма. Сен яхшиси ташқарига чиқақол. Бу ёғига энди эркакча гаплар бўлади.

Райҳона эътироз билдирмай ташқарига чиқиб кетди.

Али сўзида давом эта бошлади :

- Хўйўш ...Сени устингдан керакли жойга ариза ташламайман. Шунақа ишлардан бироз чарчадим. Нимага дейсанми ? Бироз югур - югур, чоп- чопи кўп. Ундан кейин блогерлар бир учини эшитиб қолса унда кўр томошани. Шунинг учун сени яхшиси "Одил суд" га топшираман. Шуниси тинч .

**Мана бу аканг - Али қўли билан Шоҳруҳни кўрсатди,-
Каллахоналик Раим ошпичоқ . Уни иккинчи номи ҳам бор .
Эшитгандирсан, "Пахань Ташкентский" деганларини. Ойда бир "офис"и - каллахонада "разбор" қилиб туради. Бахтинг бор экан уч кундан кейин "разбор" куни. Баъзи шўрпешоналар ўз "разбор"ларини салкам бир ой қуёш кўрмасдан, қотган нон еб ,**

қайнамаган сув ичиб кутиб ўтиришади. Сен эса икки кун кутасан . Ана бахт !

Али Шоҳруҳга имо қилди :

- Пахань , ол !

Йигитларинг тунов куни менга "Ока , қачон миндай мазза қиловуз ?!" дейишганди.

Бу окам ўша йигитларингга совға . Бир мазза қилиб ўйнашсин. Фақат илтимос пичоқни эҳтиёт бўлиб ишлатинглар . Ўтган сафаргидака ҳунар чиқариб юрмаларинг . Санларни вақтичоғилигинг деб касалхонага хазил пул кетдими ? Аммо лекин шунга қарамай зўр бўлганди а ўзиям ? Окахон иккинчи аёлларга гап отиш у ёқда турсин , аёл деган номни эшитса иштонини хўллаб қўядиган шартли рефлексга ўрганиб қолганди. Айтганча , хабар олиб турибсиларми , бояқишдан ?

Шоҳруҳ четга қараб дўриллади :

- Разбордан кейин узоқ яшамади.

- Оббооо, шуниси чатоқ бўлибди- ю ... Чиқ , чиқ , чиқ ...- танглагини тақиллатди Али,- мақсадимиз инсонларга тўғри йўл кўрсатиш эди. Йўлдан бутунлай олиб ташламасдан.

Али қўлидаги соатига қаради :

- Бўпти , бу окани санга топширдим. Ҳозирча кўзимдан қурит. Умуман айтганда у ҳақда бошқа эшитишни истамайман.

Шоҳруҳ "Той! " деб чақирганди ташқаридан яна бир гавдали йигит кўриниш берди :

- Буюринг , ока !

- Манави ўлакани "офис"га олиб бор. Нима қилишни ўзинг биласан... Оғзини скочлаб ташаларинг , бўлмаса йўлда увиллаб асабни ейди.

Той ва Алилар билан кабинкага бирга кирган гавдали йигит кўзи аланг- жаланг қилиб , гапиришга ҳам мажоли қолмаган Мирғозини олиб чиқиб кетдилар. Видеога олаётган йигит ҳам камераси билан уларга эргашди.

Улар чиқиб кетгач, Шоҳруҳ бор овозда кулиб юборди. Алининг рўпарасига келиб қарсиллатиб кўлига беш ташлади :

- Қўймайсан сан ҳам . Аммо ёмон едирдинг ?! Ўлай агар ўзим ҳам "Пахань" эканимга ишониб кетдим.

- Бу сўтак каллахонани тушида кўрибдими ? Гўшт сақланадиган омборингга кўзини боғлаб оборсанг , мазза қиласан у ёғига. Пахань нима бўлибди ? Ўзингни Амир Олимхондек ҳис қиласан. Аммо тавбасига яхшилаб таянтир. Ғиринг деёлмайдиган қилиб бўйнига у - бу нарсаларни илиб ташла.

Балки омборда бир , икки ой ишлатарсан. Ишлаган ҳақини

болаларига жўнатвор. Отасини иш ҳақилигини билмай қўяқолишсин. Бирор баҳона топарсан бу ёғига.

- Бўпти бу тарафдан хотиржам бўл . Аммо бугун мазза қилдим . Нима дейсан , Али , ростан ҳам "разборшик" бўлсаммикан ?!

- Пишт -ей ?!

Дўстлар кулиб юбришди.

Райҳона Иноят холаникидан уйга қайтишлари билан кийим алиштиргани хонасига кириб кетди-ю, Алини ҳавотирга солиб ...

Муаллиф: Хазонрезги

36- ҚИСМ

одатига қарши анча вақт ташқарига қайтиб чиқмади.

Али Иймонани хонасида ўйинчоқлари билан бир зумга

ёлғиз қолдирди- ю, ўзи Райҳонадан хабар олиш учун ётоқхонага қадам босди.

Ичкарида Райҳона қаттиқ ухлаб ётарди.

У ҳатто Алининг ётоқхонага кирганини ҳам пайқамади. Али унга яқинлашди . Аёлининг тепасида унга мафтун бўлиб тикилди.

Райҳонанинг уйқу илашган серкиприк оҳу кўзлари , қалдирғоч қанотидек қошлари, гулгун ёноқлари, ақиқ лаблари , ўримга бўйсунмаган қоп - қора зулфлари Алини гўё ўзига сеҳрлаб қўйгандек эди.

Али унинг уйқусига ҳалақит бергиси келмади.

"Майли ухлай қол,- деб ўйлади Али изига бурилар экан , - бугун барчамиз учун оғир кун бўлди "

Али Иймонани хонасидан олиб чиқиб ошхонага кирди.

- Аяжонинг ухлаб қолибди , қизим . Энди иккаламиз тўпалон қилмай яхши бола бўлиб ўтирамиз , хўпми ? - деди у қизига жилмайиб.

- Сиз ҳам бола бўласизми ? Адажон бўлмайсизми? - кўзлари катта - катта очилди Иймонанинг.

- Мен Адажон бўла қоламан. Сен ҳам одобли Иймона қиз бўлгин , хўпми?

- Хўп , Адажооон ...

Али қизига озроқ ширинлик едириб, сут ичирди.
Овқатланиб бўлишгач , Иймонани ювиниш хонасига олиб
кириб юз-қўлларини, тишларини ювишига кўмаклашди.
Сўнгра Али Иймонани кўтариб хонасига олиб кирди ва оҳишта
ўрнига ётқизди.

- Қайси эртақни ўқиб берай ? - сўради у қизидан.

- Онасини йўқотиб қўйган бузоқчани...

- Яхши , эшит унда. Биринчи кўзларингни юмиб ол-чи ? Хўўўп
ана !

Бир бор экан, бир йўқ экан...Қадим - қадим замонда , катта
ўрмон томонда бир ...

Иймона эртақнинг ярмигача ўқилмасдан ухлаб қолди.

Али хонанинг тунги чироғини ёқди. Эшикни қия очиқ
қолдирганча ўз ётоғига йўл олди.

У ётоқхонага Райҳонани уйғотиб юбормаслик учун аста
кириб ўрнига чўзилди.

Али ярим кечада сувсаб уйғониб кетди. Ўрганиш бўлиб

қолган одати - қўли билан пайпаслаб Райҳонанинг ўз ўрнида йўқлигига гувоҳ бўлди. Анча вақтгача уни келиб қолар дея кутди. Аммо Райҳонадан дарак бўлавермагач , ташқарига йўл олди.

Райҳона Али тахмин қилганидек ўз иш кабинетида экан. Фақат бу сафар ҳар доимгидек иш столи ёнида эмас , хона бурчагидаги креслода ўтирган эди. Эшик очилиши билан Алига бир назар ташлаган Райҳона кўзидаги ёшларини шоша - пиша артди.

- Райҳон... Ярим кечада бу ерда нима қилаяпсан ?
Йиғлаяпсанми ?.- сўради хавотирга тушганча Али , - тинчликми ўзи , яна нима гап бўлди ?

Райҳона тиш ёриб индамади, қўлида ушлаб ўтирган қоғозни эрига узатди.

Али ҳайрон бўлганча у узатган қоғозни олди. Ҳайрон бўлганча аёлининг ёнига ўтириб уни ўқишга тутинди.

Бу ҳали Иноят хола берган Собит юборган мактуб эди.

Али уни ярим овозда шивирлаб ўқий бошлади:

- Салом , Райҳона... Бу мен Собитман. Биласанми бу хатни ёзишни ихтиёр қилдим-у , аммо ёза олмай жуда қийналяпман.

Ўз хаёлимда уни "Салом қадрли, азиз сингилжоним , Райҳона. Бу мен, сени жондан севувчи аканг Собитман" деб

бошлашни қанчалик исташимни тушуниб қолдим.

Афсус-ки , бундай деб ёзишга на ҳаддим бор , на-да ҳаққим.

Негалигини ўзинг ҳам яхши тушинасан.

Сен "Нега Собит (акам) бирдан мени йўқлаб қолибди ?" дея ажабланаётгандирсан- а ?

Ажабланма. Вақтики келиб бари аён бўлганда ажабланишга ҳожат қолмайди . Балки ўшанда мени кечиринингга умид ҳам қила олишим мумкин бўлар. Аммо буларнинг бари мен учун мавҳум бўлиб қолса керак.

Райҳона... Мен сенинг ва эрингинг олдида айбдор ва бир умрга юзи қора бўлиб қолган одамман.

Барига сабаб ...

Нима деб ўйлайсан?

Барига нима сабаб бўлган экан ? Албатта , барига сабаб менинг олган тарбиям бўлган. Сизларникига келгунимизча тарбиям бузилиб бўлган эди. Онам сабаб ... Бу нарсаларни гапириш мен учун оғир . Бироқ ёшлигидан катта еб , катта кийишга ўрганган онам енгилтабиат , маишатга ўч аёл бўлганлиги сабаб оддий қурувчи бўлган ўз ҳақиқий отамнинг топганига қаноат қилмай ташлаб кетган, кўнгил кўчаларида "бахт" излаган эди .

@Xazon_Rezgi /103

#ҚАСД

Аслида отамга ҳам уйидагиларига қарши бориб турмушга чиққан онам , вақт ўтиши билан қараса- ки , ҳаёт хаёлдан

анча фарқ қилиб қолишини тушуниб қолган.

У отамдан ажрашиб икки йилча ўз "тенги"ни қидирган ва сени дадангни учратган. Қолгани ўзингга маълум.

Очиғи ўгай отам , яъни даданг ҳазрати инсон бўлганлар, буни тан олмаслик мумкин эмас. Аммо шундай инсон билан яшаш бахт эканлигини тушуниб етмаган онам , яна маишатга бой ҳаётини қўмсаган. Бу ёғини ўзинг яхши биласан. Хуллас отангнинг бошини еган ҳам шу онам бўлади.

Мен ҳаётим учун андозани онамга қараб олганман. Ҳаётдаги шиорим ҳам уникининг айнан ўзи бўлган:

"Пул бўлса - чангалда шўрва" .

Мен ўспиринлик вақтидаёқ аллақачон "катта ҳаёт"га қадам қўйиб бўлган эдим.

Ҳаётимдан ўзинг хабардорсан.

Унинг бундай нотекис кечишида онамни айблашим ... Билмадим бу қанчалик тўғри ? Аммо ўзим ҳам оппоқ эмаслигим кафтдек маълум.

"Менга дўстларинг кимлигини айтиб берсанг , сени кимлигингни айтаман " деган гап бор. Мени дўстларимнинг эса барчаси кўча болалари бўлган. Барчаси ота - онасининг пулига "кариллаган" кўча болалари ...

Майли, бу гаплар ўтди. Гапиргандан фойда йўқ. Барчаси ортга қайтмайди энди .

Энди сенга нима учун бу хатни ёзаётганимни айтсам.

Биласан , бедаво дардга чалинганман. Ва ниҳоят дард мени деярли мағлуб қилиб бўлди. Ҳозир салкам уч ойдан буён махсус касалхонадаман. Юра олмай қўйганимга эса икки

хафтадан ошди. Буёғи яқин қолди. Тан олиш қийин ... Бироқ ... бу дунёдаги сафарим қариди . Хат ёзишдан ҳам мақсадим шу эди.

Дунёдан ҳеч бўлмаса битта юксиз кетай. Қиёматга қолмасдан ҳеч бўлмаса сендан кечирим сўрай. Кечирасанми , йўқми бу энди сенинг ишинг .

Охирги ойларда бошим ёстиққа текканидан буён кўп ўйлайман. Барчаси бошқача бўлиши мумкин эди- ю ? Нега буни аввалроқ тушуниб етмадим ? Нега ? Қани эди сени аввал бошдан синглим деб тан олганимда ?

Энди эса ... Кеч ... Жуда кеч...

Инсоннинг кўзлари қачондир очилар , бир куни бор ҳақиқатни англар экан-у ... Аммо ўшанда бариси учун жуда кечлигини англаб пушаймонлик ўтида куйиб , қовжираб кетар экан . Дўзах азобини тотиш шундаймикан- а ... Жисм қийноғидан кўра руҳнинг қийноғига чидаш азобли бўлар экан. Ҳаддан ташқари азобли...

Мен ҳам ҳозир шундай ҳолатдаман . Жоним қийноқда , руҳим эса мислсиз азобда ...

Ҳозир менга битта нарса таскин бермоқда. Шу тортаётган азобларимнинг бир қисм гуноҳларим учун каффорат бўлиши...

Сингилжон (сенга бундай мурожаат қилганим учун мени айбситма, илтимос... Сабаби чиндан ўзимни акадек ҳис қилгим келяпти. Айни топда ҳаммадан ҳам жигар меҳрига зорман) ...

Бундан беш йил аввал мен сени ўғирлаб кетмоқчи бўлганимда кўнглимда ёмон ният йўқ эди. Ўша вақтлар касалимдан хабар топган , дунё кўзимга остин - устун бўлиб

кетган вақтлар эди. Мен сени ўғирлаш режасини кўп ўйлагандим. Яна шуни ўйлаган эдим- кии "Сен эрингга мени айбларим учун мажбуран турмушга чиққансан , у сенга мендан қасд олиш ниятида уйланган" деган мулоҳазага борган эдим. Кейин мени қўлга олишганда билдим-ки эринг тилла йигит экан. Эркак сўзининг бор сифатларини ўзида жамлаган мард инсон экан. Уни сени севишига дилдан иқрор бўлдим. Али учун бойлик , мансаб, шон- шуҳрат бир пул , асл хазина тоза қалб ва соф иймон эканлигига амин бўлдим ва бундан беҳад мамнунман. Мамнунлигимнинг сабаби сендан кўнглим буткул тўқ энди.

Райҳона... Аллақачон хабар топгандирсан. Лола мени хаётимдаги ягона никоҳли аёлим бўлган . Мухторжон эса ўғлим. Мен улар олдидаги қарзимни сендан ундирмоқчи бўлган пуллар билан узмоқчи эдим . Сўрамоқчи бўлган пулларим ҳам шунга яраша эди. Кўп пул сўрамоқчи эмас эдим. Аммо буларни судда айтишга бетим чидамади. Шу ерига ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Қара-я , мендаям бет бор экан

Мен касаллигимни билганим ва мақсадим бутунлай бошқа бўлганлиги сабаб Лолага қайтиб бармоғимни учини ҳам теккизмадим.

Сингилжон ... Сендан бир илтимос . Агар Лолани яна қайтиб учратиб қолсанг , унга бу гапларимни етказ.

@Xazon_Rezgi /104

#ҚАСД

*. Яна айтгин-ки, ўзига муносиб йигит топиб турмушга чиқсин.
У ҳам бахтли бўлишга ҳақли, тўғри эмасми ? Зора шу билан
яна бир дардим ариса ...*

Сингилжон...

*Сендан яна бир илтимос ... Алига эътиборли бўл. У сени
ардоқлагани каби сен ҳам уни ардоқла ...*

*Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим... Мен ўшанда Алини
синглисини кайфчиликда ўғирлаганман. Тўғри бу оқлаб
бўладиган сабаб эмас. Аммо кейинчалик ўша қиз менинг
айбим билан ўз жонига қасд қилганидан хабар топганимдан
сўнг... умримда биринчи мартаба қилган ишимдан пушаймон
бўлдим. Нималар қилиб қўйганимдан даҳшатга тушдим. Мен
туфайли авж балоғат ёшидаги қизнинг ўлими юрагимни
қаттиқ саросимага солди. Виждонимнинг тош босиб ётган
кўзлари очилди. Муқаррар жазодан қўрқиш ҳамда ундан
қочиш ва тинимсиз қиймаловчи виждон азоби сабаб мен
Россияга кетиб қолдим . Ва жазодан қочиб... жазога
тутилдим. Мен бедаво дард соҳибаси Надянинг қўлига
тушдим.*

*Райҳона... Касалхонадаги мени даволовчи шифокор жуда
ўқимишли, диний илмдан ҳам яхшигина саводи бор эркак
экан. У менга кўп нарсаларни гапириб берди . Унинг ҳикоя
қилишича тақдирингга ёзилгандан ҳеч қаерга қочиб қутилиб
бўлмас экан. Бир куни бир киши Аллоҳу Таолодан тилак
сўрабди. Тилаги ўзининг ажали келганда Азроил
Алайҳиссаломни таниб олиш ва ўша вақтда яна иккинчи бир
тилак билдиришдан иборат экан. Кишининг сўраганлари*

ижобат бўлибди.

Шундан сўнг ўша инсон хотиржам тортибди. Орадан бирмунча муддат ўтиб ҳалиги киши чойхонада улфатлари даврасида ош еб ўтирса , булар тарафга ҳайрон боқиб турган Азроил Алайҳиссаломни таниб қолибди. Ҳалиги инсон дарров Аллоҳга муножаат қилиб, ундан ўзини етти тоғ , етти денгиз , етти чўл нарида пайдо қилишини сўрабди.

Сўраши билан айтилган ерда пайдо бўлган киши қаршисида турган жон олувчи фариштани кўриб аранг сўрабди:

- Сиз бу ерда нима қиляпсиз ?

Шунда Азроил Алайҳиссалом шундай деган эканлар :

- Бугун сенинг жонингни ҳудди шу ерда , ҳудди шу вақтда олишим тақдирингга ёзилган эди. Аммо сал аввал сени етти тоғ, етти денгиз, етти чўл нарида кўриб чуқур таажжубланиб турган эдим, - у шундай деб жавоб берибди- ю ўз вазифасига киришибди .

Кўрдингми ? Пешонангга ёзилган тақдир қайда бўлмасин сен билан бирга экан. Мен Надя орқали ҳукм қилиндим. Жазоим ҳам у бўлди.

*Сингилжон ...(Оҳ бу сўзнинг талаффузи нақадар ёқимли а ?)
Агар сенга кимдир "Бу дунёда қилган қайсидир гуноҳинг жавобсиз қолади " деса - ишонма ! Зинҳор ишонма! Шу касаллигимнинг ўзи менинг энг биринчи жазоим. Ҳали*

оладиган , олишим керак бўлган қанча жазолар мени кутиб турган экан- а ?

*Айтишларича, Азроил алайҳиссалом (яна ўша мавзу !)
кунда ҳар бир инсоннинг ёнига беш мартадан рўбарў
келармишлар. Аммо кимнинг қазоси қачонга
тайинланганидан улар ҳам беҳабар эмишлар . Шундай
ташрифларининг бирида "Бўлди , бу банданинг куни битди ,
жонини ол!" деган фармон келаркан ва ўша лаҳзада жон
олишга киришар эканлар.*

*Менга ҳам аллақандай шарпалар , кўланкалар кўрина
бошлаганига кўп бўлмади. Улар шунчалар қўрқинчли-киии...
Ўзини жасоратда тенгсиз дея ҳисоблаган мендек инсон ўша
шарпалар атрофимдан бир айланиб ўтганларидаёқ тутдек
тўкилиб кетаяпман...*

Қўрқаман...

Қўрқаман...

*Кейинги кунларда шифокорим менга калима қайтаришни
ўргатди. Унинг айтишича дўзахга тушган инсоннинг тили ва
қалби ана шу калима сабаб куймас эмиш. Тили талаффуз
қилгани учун, дили чин дилдан буни тасдиқлаб иқрор
бўлгани учун. Айбдор одам қачон бор гуноҳлари учун жавоб
бериб дўзахдан чиқса , тили ва дили орқали қайта шаклланиб
олар экан..*

*Мен ҳам тез - тез калима қайтараяпман. Ва ана шу калима
қайтарган тилим ва дилим билан сени исмингни
такрорляяпман. Токи унда сенинг ҳам ҳотиранг қолсин.*

Сингилжон... Аллоҳга омонатсан... Қиёматда кўришгунча ...

Аканг (бу сўзни ёзганим учун авф эт) Собит ..."

Али мактубни ўқиб бўлиб Райҳонага қаради.

- Али акааа, илтимооос , жон Али ака! Мени акамнинг ёнларига олиб боринг...

Али оғир хўрсинди. Райҳонанинг елкасидан оҳиста қучди ва :

- Райҳона...

37-ҚИСМ

Гўзал дилбарим ... Мендан буни сўрама...

- Нимага ? Нима учун , Али ака ?! Биламан сиз кўнгилчан, кек сақламайдиган инсонсиз . Мана хатни ўқидингиз. Инсон ўлаяпти. Тушуныпсизми бунинг нақадар даҳшатлилигини? Ҳеч бўлмаса улар билан бирор дақиқа учрашиб "кечирдим" деб қўяйлик... Ёки ... Ёки сиз уларни кўришни истамасангиз мени ўзим акам ётган палатага кириб чиқай. Илтимос , жооон, Али ака, руҳсат беринг ... Жооон , Али акааа ... - Райҳона эрининг қўлларини жонҳолатда силкита бошлади.

Али оғир тин олди... Райҳонанинг қўлларини кафтлари орасида маҳкам қисди :

- Райҳона ... Мени руҳсат беришим энди ҳеч нарсани ўзгартирмайди.

- Нега ? Тушунмадим . Тушунтириброқ айтинг ? - Райҳона ҳаяжон ичида довдираб қолганди.

- Аканг...

Энди йўқ...

У уч кун аввал оламдан ўтибди...

Хатда тилга олинган шифокордан бизга кечроқ хабар бериш ва қўлингдаги мактубни жўнатишни илтимос қилибди. Бу хат кеча Иноят ойимга келганда , ўлим хабари менга етганди. Мен сенга мактуб ёзилганлигидан шунда хабардор бўлгандим. Шифокор эса ўлим хабарини мактубни ўқиб бўлганиндан сўнг айтишимни илтимос қилган.

Аканг шифокордан ўзини дафн этишни ҳам илтимос қилган экан. У ўша шифокорнинг қўлида калима қайтариб жон берибди. Шифокорнинг ўзи уни поклаб , сўнгги манзилга кузатибди...

-Акааа...

Райҳонанинг кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди...

- Акааа ... - деди у яна умидсиз оҳангда .

*** * ***

Эртаси тонгда Райҳона ўрнидан тура олмади . Унинг тоби қочган, иситмаси жуда баланд бўлиб кетган эди.

Алининг "Тез ёрдам" хизматига қўнғироқ қилишдан бошқа иложи қолмади.

Шошилинич тиббий ёрдам шифокори Райҳонани обдон кўриқдан ўтказиб ҳайрон бўлди :

- Танада шамоллаш аломатлари йўқ. Йўталмаяптилар , томоғи қизармаган... Қизиқ ...

Ўрта ёшли шифокор аёл шундай деб бир муддат ўйланиб қолди ва Райҳонага хомуш тикилиб турган Алига савол берди:

- Яқин орада бирон- бир нохуш ҳолат юз бермаганмиди ?

- Уч кун аввал олисдаги акаси оламдан ўтибди. Биз эса кеча хабар топдик...

Шифокор бошқа савол бермади.

Райҳонага иситма туширадиган укол қилди. Сўнг Райҳонани ёлғиз қолдириб даҳлизга чиқди. У ерда турган стол ёнидаги стулга омонатгина қўнди. Ўтирган жойида алланиманиларни ёзди- ю , Алига узатди. Ҳозирча мана шу дориларни олиб ичирасиз. Ретцепда укол ҳам ёзганман,- у

шундай деб Алига савол назари билан боқди , - Укол қиладиган одам топиладими ? -Али "ҳа" ишорасини бергач, сўзида давом этди , - уколлар проба билан қилинади . Тагига қачон , қанча миқдорда қилиниши қайд қўйилган.

- Доктор , аёлимга нима қилган?

Шифокор бир ютинди ва оҳиста гапира бошлади.

- Беморимиз қаттиқ руҳий зўриқишни бошидан кечирган. Аммо бу биргина хабар билан боғлиқ эмас. Ундаги касаллик кейинги вақтларда мунтазам содир бўлган сурункали тушкунлик оқибатида юзага келган. Бари асабдан. Қизимизнинг асаблари кейинги вақтда кўп бузилган кўринади . Ўлим ҳақидаги сўнгги хабар эса дарё ўзанини бузиб юборган ҳолатга қиёс .

Аммо буни даволаса бўлади. Аёлингизга аввало эътибор керак. Кейин яхши дам ва парвариш ҳам . Ишларидан бирикки hafta жавоб олмасалар бўлмайди. Кўпроқ табиат қўйнига олиб чиқинг. Таомномаларини асосини суюқ овқатлар ва витаминга бой сархил мевалар ташкил қилсин . Ҳозирча шулар...

У чиқиб кетар экан Алига далда берувчи оҳангда сўз қотди :

- Сиқилманг , ука ... Ҳадемай барчаси ўз ўрнига тушиб кетади.

Райҳона Алининг қарори билан бир ойлик таътилга чиқди.

Унинг тоби қочиб қолганини эшитиши билан Иноят хола ва Моҳиржон ҳам Алиларникига қайтиб келишди. Орадан hafta

Ўтиб Моҳиржон яна Америкага учиб кетди. Ҳаёт аста-секинлик билан ўз измига қайта бошлади.

Бир ой деганда Райҳона буткул соғайиб ўз ишига қайтди.

- Қайтганинг бирам яхши бўлди-ки, ўртоқжон, - дея уни қучоқ очиб кутиб олди дугонаси Зиёда, - ишхонамиз сенсиз жуда ҳувиллаб кетганди-кии...

Райҳона Зиёда билан корхонага келган биринчи кундан самимий чиқишиб кетганди. Дастлабки танишувдан бир-бирларига сизлаб мурожаат

@Xazon_Rezgi /106

#ҚАСД

мурожаат қилган бу икки аёл бир хафтага қолмай сенсирашганча дугона бўла бошлагандилар.

Ўтган икки йил ичида эса аллақачон ўзаро сир яширмайдиган қиёматли дугонага айланиб улгурган эдилар. Улар ўзаро бир бирларини кунда кўришмаса тезда соғиниб қолишарди. Гарчи Зиёда Райҳонадан бетоб бўлган вақтида тез - тез хабар олиб суҳбатлашиб турган бўлса-да, ишхонада дийдорлашишнинг завқи ўзгача эди. Устига-устак яқин дугона сифатида Райҳонанинг соғлиғи Зиёда учун муҳим эди.

Райҳона Зиёданинг тўлин ойдек юзларига меҳр билан

тикилди :

- Яхши юрибсанми , дугош ? Мен ҳам сени бирам соғиндим-ки.

Райҳона гарчи бош дизайнер сифатида ўзининг алоҳида иш кабинетига эга бўлса- да , кўп вақтини Зиёданинг шинамгина "устахонаси"да ўтказишни хуш кўрар эди. Корхонада безакчи рассом сифатида фаолият юритадиган Зиёданинг ҳаёти ўзи каби самимий эди.

Райҳона юзи билан битта кулгу бўлган , ўзига учта келадиган дўмбоққина Зиёданинг эри Юнусалини расмини биринчи бор кўрганда ҳайратда қотиб қолганди.

- Ҳаа , намуноча ҳайрон бўласан , дугош ? Ўзингга " Кимсан Зиёдахондек кўхликкина жувоннинг ишқи келиб - келиб шу игна ютган итдек озғин йигитга тушибди ?!" деяпсанми ?

Дема, хўп ! Любоп бу - любоп ! - дея шарақлаб кулганди Зиёда ўша пайт .

- "Любоп"лигини кўрдимку-я,- базўр жилмайганди Райҳона ҳам ,- аммо "кўхлик" деганинг нимаси ?

- Бу сўз "чиройли", "гўзал" - деган маънони беради. Эшитмаганмисан "Ким кўхлик - дўмбоқ кўхлик!" деган гапни . Менинг мисолимда бу сўзни "кетворган" деган синоним билан алиштирсанг ҳам бўлаверади ,- дея хахолаб кулганди Зиёда Райҳонага жавобан.

Мана ҳозир икки дугона иш бошлашдан аввал бироз яйраб олишди. Райҳона Зиёдага "Қолган гапларни тушлиқда гаплашармиз" деб ўрnidан қўзғалган ҳам эди- ки , эшик оҳиста чертилиб хонага ўн тўққиз, йигирма ёшлардаги қиз мўралади.

- Мумкинми , Зиёда Раҳматовна?!

- Кираверинг ! - деди Зиёда қизга қараб.

- Ассалому алайкум , - деди қиз ҳар икки дугонага қараб , сўнгра Зиёдага юзланди , - Каримжон ака айтдилар-ки, бу файлни кўриб чиқиб кечгача таклиф ва мулоҳазаларингизни ёзиб берар экансиз.

- Яхши , - деди Зиёда қизга , - ҳаракат қиламан.

- Ижозатингиз билан , - қиз хонага қандай сирғалиб кирган бўлса , шундай овозсиз чиқиб кетди.

- Ким бу ? - ўсмоқчилаб сўради Райҳона Зиёдадан,- янгими дейман ? Келишган қиз экан.

- Хмм , ўзича мадам бу ойимча , - қизни ёқтирмаслигини яшириб ўтирмади Зиёда , - сепиб олган атирини қара... Чўмилганми нима бало ? Ҳамма ёқни бош оғритадиган ҳиди билан дезинфекция қилиб юради.

Райҳона унга индамади. Ҳақиқатда қиз чиқиб кетган бўлишига қарамай , хонада ундан қолган француз атирининг ҳиди гупиллаб уриб турар эди.

Зиёда шундай деб ҳамон индамай жавоб кутиб турган Райҳонага савол назари билан боқди :

- Бу қиз Васида опанинг ўрнига ишга қабул қилинган янги котиба. Али ака индамаганмидилар ? Келганига салкам бир ойча бўлиб қолди-ю ?

Райҳонанинг юзидан олов чиқиб кетди. Эрининг котибаси алишганини айтмаганлигини тан олишга ичи эзилди :

- Айтгандилар шекилли , - деди у аранг қийналиб ,- эътиборга арзитмагандим ўзим...

- Мана кўрдинг янги котибамиз эътиборга қанчалик арзишларини? - луқма ташлади Зиёда кесатиб ,- аммо лекин муносиб конкурент .

- Нима деганинг бу , Зиё ? - астойдил ранжиди Райҳона, - ўйлаб гапиряпсанми? Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир деган гап бор ?! "

- Вой - бўйў , ҳазиллашдим, - деди Зиёда , - Али акангни рашк қилармикансан девдим- да . Энди билдим, рашк бобида Отеллодан ўтишингни .

- Ўзингни Юнусали аканг ҳақида шунақа десам чидайсанми ?
- деди Райҳона унга синчков назар ташлаб .

- Мен уларга ишонаман ! - бамайлиҳотир жавоб қайтарди
Зиёда , - ўзлари ҳар куни "Сендек соҳибжамолни ер юзини
икки карра айланиб ҳам тополмайман" дейдилар.

- Кўрдингми ? Жавобни қара , демак учинчи айланганда

@Хазон_Резги /107

#ҚАСД

топишларига ишончлари комил экан,- атайдан Зиёдани
асабига тегди Райҳона

- Қани топиб кўрсинлар-чи?- астойдил аччиғи чиқди
Зиёданинг, - шунақа қилсинлар-чи, бошмолдоғимга осиб
ўлдириб қўярман.

- Ҳай , ҳай бу жаҳлингдан туш ! - уни тинчлантирган бўлди
Райҳона,- буям гап йўғида бир гапда . Ундан кўра айт- чи , бу
хурилиқо корхонада қаердан пайдо бўлиб қолди ?

- Васида опанинг нафақага чиқишлари сабаб кетишлари

аниқ бўлганда ўзлари ўрниларига шу қизни тавсия қилибдилар. Қийналган қиз экан, отаси йўқ эмиш. Аммо бундай қарасам ҳеч қийналган қизга ўхшамайди . Сабаби олти иш кунида олти хил кийим кийиб келади. Мени назаримда у ўзини бозорга соладиган енгилтабиат қизларга ўхшайди.

- Одамнинг кўнглини билмасдан хулоса чиқариш яхши эмас , Зиё . Қайдан биласан шу йўл билан , яъни ўзига оро бериш билан дил тубидаги дардларини яширар . Айтганча исми нима экан ?

- Настарин, - дея пўнғиллади Зиёда

- Настарин ?! Ажойиб- ку , чиройли исм экан,- Райҳона шундай деганича эшикка отланди,- бўпти давомини ҳали гаплашамиз.

Зиёда уни очиқ чеҳра билан кузатиб қолди.

Райҳона узун даҳлиз бўйлаб хонасига яқинлашар экан , бирдан фикри ўзгарди.

У тўрдаги эрининг кабинети қараб йўл олди .

Қабулхонада бояги котиба қиз кўринмасди. Аммо Алининг эшиги очиқ экан. Райҳона айна дамда ўзида кечаётган ҳисларга ўзи ҳам тушунмай, нима учундир эрининг хонасига

овоз чиқармай аста қадам босди.

Настарин ичкарида экан. У хона бурчагидаги катта , шохлари кенг тарвақайлаган "Қора шаҳзода" номли бутасимон манзарали ўсимликни ҳафсала билан берилиб артар эди.

Райҳона унга аста разм солди. Қиз беҳад мафтункор эди...

Унга қараб туриб Райҳонанинг ёдига машҳур бир ёзувчининг ёзган сатрлари тушди :

"Ўн саккизга кирган қизларнинг ҳунуги бўлмади !".

Райҳона шу топда кўнглига савол берди : "Бу мисралар ўн саккизга кирган ҳунук қизлар ҳақида. Агар жуда чиройли , гўзал қизлар ўн саккизга кирсалар-чи ? У ҳолда уларга нима деб таъриф бериш мумкин ? "

Райҳона ҳам қаршисидаги қизга таъриф бера олмай ҳуноби ошиб хўрсинди.

Оловдек қип- қизил ҳаррир кўйлак кийиб олган котиба қиз ҳақиқатдан чиройли эди. Унинг оппоқ юзига ярашиб тушган зулукдек қош - кўзлари , чимдиб кўйилган каби бурунчаси , атиргул ғунчасидек лаблари , шалоладек жингалак сочлари , тикмачоқдек қадди- баста Райҳонанинг дилида лов этиб аллақандай олов ёққандек бўлди.

Унинг бутун жисми бўйлаб тушуниксиз озорли бир туйғу

тарқалди. Бу туйғу ўша "рашк" дея аталувчи туйғу эканлигидан Райҳона ҳали беҳабар эди...

Настарин Райҳона хонага кирганлигини бироз вақт ўтгач пайқади. У қаддини ростлаб жилмайганча салом берди:

- Яна бир марта ассалому алайкум , Райҳона опагон , соғайиб кетдингизми ?

- Раҳ... Раҳммаат , - шошиб қолди Райҳона ва тезда ўзини қўлга олди , - ваалейкум ассалом. Биз танишми ?

Настарин жавоб қайтармади . У таманно билан юрганча Алининг иш столига яқинлашди ва у ердан ...

38- ҚИСМ

бежирим рамкага Алининг Райҳона ва Иймона билан бирга тушган суратини олиб кўрсатди:

- Мана сизни қаердан танийман ?- дея кулимсиради у ва қўшимча қилди , - соғайиб кетганингиздан хурсандман. Ижозат берсангиз ўзимни таништираман . Мен Настарин Мадумароваман. Ёшим ўн тўққизда. Нафис санъат лицейини тугатганман. Ўтган йили олийгоҳга кириш учун омадим чопмади. Супер контрактга илиниб қолдим. Бу йил эса қайтадан ҳаракат қилиб кўрмоқчиман.

- Омадингизни берсин , - деди Райҳона ҳорғин овозда , -

насиб қилса бу йил ўқишга кириб оласиз.

Райҳона қизга шундай деди- ю , кўнглида "Ишқилиб насиб қилсин-да" деб қайтадан такрор таъкидлашни унутмади.

Қиз "Илоҳим айтганингиз келсин" дея унинг сўзларига қўшилди.

- Али ака қаердалар , у - бу ёққа чиқиб кетдиларми ?- дея сўради Райҳона бу ерга нима учун келганлиги ёдига тушиб.

- Улар чет эллик ҳамкорлар билан корхонани айлангани чиқдилар. Барча ишларни битириб , бирга тушлик қиладар экан. Бу ерга эса тушликдан кейин қайтарканлар.

- Ҳа унда мен ҳам хонамга кетдим . Яхши ишланг .

Райҳона хонасига йўл олди.

У кабинетига киргач иш столига ўтирди. Беихтиёр хаёлга чўмди.

"Қизиқ , авваллари Али акам бундай эмасдилар,- ўйлади у , - чет эллик ҳамкорлар масаласини айтаман-да. Корхона тақдирида роль ўйнайдиган бундай муҳим ҳамкорликдан энг биринчи менинг ҳабарим бўлар эди. Афтидан бугунги учрашув биринчиси эмас , аммо нима учун бу ҳақда бир оғиз менга айтмадилар. Оддий бир котиба ипидан игнасигача билган нарсани мен билмасам. Мен . Бир ёстиққа бош қўйганига олти йилдан ошган аёл" .

Райҳона шу зайлда анча ўйлади. Кейин эрини оқлаш учун баҳона топди.

"Али акадан узоқлашган ўзим. Мана бугун ҳам ишхонага бирга келишдан бош тортдим. Ўз машинада бораман дедим . Бирга юрмагандан кейин шу-да . Тобора узоқлашавераркан киши.

Ўзим ҳам кейинги вақтларда анча инжиқ бўлиб қолдим. Бирда иссиқ , бирда совуқ ёқмайди .

Али акам ҳам токай кўнглимга қарасинлар ? Уларнинг менга энагалик қилишдан ҳам муҳимроқ ишлари кўп- ку ахир. Қўл остиларида минглаб одамлар ишласа"

Райҳона шуларни ўйлаб кўнгли бироз ёришди. Сўнг ноутбукидан керакли файлларни топиб ишга шўнғиди. Бир ой уйда ўтириб ишини обдан соғинган экан тушликкача бош кўтармай ишлади . Зиёда кўнғироқ қилиб чақирмаганда тушлик ҳам зое кетиши тайин эди.

Тушлик вақтида Зиёда янги котиба мавзусини четлаб ўтди. Ё у ҳақда гапириш ёдидан чиқди , ёки ўзининг ҳам ва айниқса бетобликдан сўнг янги оёққа турган дугонасининг ҳам асабларини аяди.

- Дугош , Чилонзор -19да зўр дўкон очилибди. Аёллар кийим - кечакларини сотиладиган. Ассортименти роса кўп . Айниқса менга ўхшаган кетворган ойимқизлар учун алоҳида бўлими бор экан. Ўша бўлимнинг пештоқига "Кута , кута кўзимиз толди" деб ёзиб қўйганмиш",- дея кулимсиради Зиёда , - бир борайлик. Нима дейсан ?

Райҳона "Билмасам " дегандек елка қисди.

- Елка қисма , дугош . Ундан кўра хўп де. Биласанми "Эркакнинг юрагига йўл ошқозон орқали борилади" деган иборалар аллақачон давр талабидан тушиб ҳам бўлди. Ҳозир трендда "Эркак кўзи билан севади" деган мақол эмиш. Так што, индама жим ...

Райҳонанинг ўзини ҳам айлангиси бор эди. Шу сабаб Зиёдага эътироз билдиргиси келмади :

- Яхши мақол чиқибди. Шу мақолдаги сўзларни синаб кўриш зарар қилмас. Нима қилиб ўтирибмиз , кетдик .

- Вооой дугош , дарровдан- а ? Иш-чи ? Бошлиқларга нима деймиз ? Дўконга боргандан кейин дарровда чиқсак экан? Камида икки соатсиз чиқолмасмиз, - Зиёда шошиб қолди.

- Қайси бошлиқни айтаяпсан , Зиё ? Асосий бошлиқнинг ман-ку! - кулимсиради Райҳона,- юрақол , биров сўраса янги маҳсулотлар учун янги ғоялар излаб махсус сафарга кетган бўламиз. Турақол ...

Зиёда илжайди :

- Шу феълингга борман- да , дугош ... Кетсак кетибмиз-да.

Икки дугона Райҳонанинг сўнгги русумдаги каптивасига минишди.

- Жуда кўполда шу каптиванг, - деди Зиёда машинага

Ўтирар экан, - аёл кишига мос сал ихчамроқ бирон машина минсанг бўлмайдами ?

Райҳона унга жавобан жилмайди :

@Xazon_Rezgi /109

#ҚАСД

- Билмасам , қўлим шуни ҳайдашга келишиб қолган. Кейин бу тойчоғим сираям қўполмас.

Қайтага унда ўзимни жуда эркин ҳис қиламан.

- Майли , ўзингга ёқса бўпти- да. Ўзи суйган ошни ичганга нима етсин ...

Зиёда айтган дўкон ҳақиқатда мақтовга арзигулик экан. Гарчи Зиёда у ерни оддийгина қилиб дўкон деб атаган бўлса- да, мазкур жойни дўконлар мажмуаси дейиш кўпроқ ҳақиқатга яқин бўлар эди. Икки дугона у ерда ўзлари тахмин қилгандан ҳам кўпроқ қолиб кетишди. Ҳар икковлари бир неча сидрадан кийим- кечак сотиб олишиб йўлга тушганда , Зиёданинг бирдан афти буришиб кетди :

- Ибии , дугош. Ўлдим энди. Карим ака топширган иш бутунлай ёдимдан чиқибди- ку. Кечгача қандай улгурдим энди.

- Шуям иш бўлибдими , Зиё ?- йўлдан кўз узмай жавоб қайтарди Райҳона,- Сен ўша файлга умумий тарзда тақриз ёз. Бироз мақта , бироз ўртага таклиф ташлаган бўл. Хулоса ўрнида "Охирги сўзни ўзингиз айтсангиз яхши бўлар эди" деган мулоҳазани қоғозга ўраб ўзининг ҳукмига ошириб юбор. У ёғига Карим аканинг ўзи балогардон.

Шундоқ ҳам бу эскиз намуналарни ижодий кенгаш ҳали бир бошдан бирма- бир кўриб чиқади .

Зиёданинг юзи ёришди :

- Балосан , дугош, балосан. Сенга доим қойил қолганман. Нима қилсаям тадбиркорлик қонингда бор-да . Бир кунлик ишни ўн беш минутда ҳал қилиш йўлини топганингни қара.

Улар корхонага етиб келишганда Зиёда Райҳонага юзланди:

- Бу харидларимиз машинангда тура турсин. Иш тугаганда оларман, майлими ?

Райҳона "хўп" деганича бош силкиди.

Офисга қадам босганларида Райҳонанинг телефони жиринглади.

- Алло , Али ака ? Эшитаман?

- Райҳона қаердасан ? Хонангда кўринмадинг ? Сендан ҳавотир олдим.

Райҳона Зиёдага "ҳайр" ишорасини қилиб ўзи иккинчи қаватга кўтарилар экан Алига изоҳ берди:

- Бироз айланишган чиққан эдим. Ҳозир ёнингизга кирман.

- Келақол . Иш юзасидан гаплашиб оладиган лойиҳалар бор. Кутаман.

Райҳона аста - секинлик билан Алининг кабинетига йўл олди. У қабулхонага кирганда Настариннинг иш жойида йўқлиги яна эътиборини тортди .

"Тавба , котиба деганлари жойида ўтиргувчи бўлмасмиди , - гаши келган бўлди Райҳонанинг, - бунинг хонасидан илон чиққанми нима бало ?" Райҳонанинг қадамлари ўз - ўзидан секинлашди. Салгина қия очиқ эшикдан эрининг хонасига мўралади .

У кўзи тушган ҳолатдан асаблари қақшаб кетди :

Настарин Алининг елкаси оша энгашиб ширин жилмайганча аллақайдай қоғозларга қўл қўйдирар , шу аснода қўнғироқ сочлари бошлиғининг юзига тегиб - тегмай тўлқинланиб турар, энгашган сари ёқалари керагидан ортиқ очиб қўйилган кўйлаги ортидан оппоқ бўйни ва бўлиқ тўшлари ўз - ўзини кўз - кўзлар эди .

Райҳонанинг димоғига Настарин сепган француз атирининг эрталаб туйган ҳидлари қайта урилгандек бўлди.

Райҳона беихтиёр эшикни чертди.

*Чертки овозини эшитган Настарин тезда қаддини тиклади .
У худди гуноҳ иш қилиб қўйгандек беихтиёр чап қўли билан
кўйлагининг ёқасини тутамлади .*

*Настариннинг бу қилигини кўрган Райҳонанинг бўлари
бўлди .*

*- Мумкинми , - деди у эрига алам билан тикилиб , - кирсам
ҳалақит бермайманми ?*

*Али Райҳонадаги бу ҳолатни тушунмади, очиқ чеҳра билан
уни қарши олди :*

*- Қачондан бери киришга руҳсат сўрайдиган бўлиб қолдинг ,
Райҳона? Киравер , сени кутиб тургандим ўзи.*

Али шундай деб Настаринга юзланди:

*- Настарин, бизга шарбат олиб келсангиз , қолган
ҳужжатларни кейин кўриб чиқаман.*

*Настарин "хўп" дея хонани тарк этди , аммо кўп ўтмай
мўъжазгина патнисда иккита бокал ва графиндаги шарбатни
кўтариб кирди.*

- Сизлар яхши кўрган шафтолили шарбат , - деди Настарин қўлидагиларни стол устига қўяр экан , - ёқимли иштаҳа ...

Настариннинг чиқиб кетишини кўзлари билан жим кузатиб қолар экан Райҳонанинг кўнглидан аламли бир ўй ўтди:

" Буларнинг гаплашмаган гапи қолмаганми дейман , нимани биргаликда яхши кўришимизгача хабардор "

- Райҳон... Аҳволинг яхшими ? Толиқиб қолдингми ? Ўзингда йўқдексан?

Алининг қаторлаштириб кетма - кет берган саволлари Райҳонанинг хушини ўзига келтирди.

@Xazon_Rezgi /110

#ҚАСД

- Йўғей, ҳаммаси яхши,- деди у эрига жилмайишга ҳаракат қилиб , - ўзингиз чарчамадингизми ? Ҳамкорлар билан учрашув қандай ўтди?

- Жуда яхши, -Алининг учрашувдан кўнгли тўлганлиги юз-кўзидан яққол акс этиб турарди,- ўртадаги шартнома ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлиши аниқ...Бугун Франциялик тадбиркорлар билан учрашдим. Эртага эса насиб қилса

қўшни ва қардош Қозоғистонлик биродарлар билан иш юзасидан келишиб олинадиган масалалар бор.

- Омадингизни берсин , Али ака, - Райҳона шундай деб кўнглидаги саволни беришдан ўзини тия олмади , - янги котиба олибсизми ? Васила опанинг кетганлари ҳақида айтмабсиз ҳам...

- Узр , ёдимдан чиқибди, - деди Али хаёлпаршонлик билан кўлидаги қоғозларга кўз югуртирганча , - ўша пайтларда тобинг йўқ эди , аслида мен ҳам ўзинг билан овора ҳам эдим-ку. Кейин Васила опа бир кунда "Кетмасам бўлмайди" деб шартта ариза ёздилар- у, ўрниларига Настаринни тавсия қилиб кетдилар.

- Хўйўшшш... - деди Райҳона эрига бошқача назарда тагдор боқиб .

- Нима хўйўшшш ?

- Настарин қандай қиз экан ?

- Умуман олганда ёмон эмас. Муҳими зийрак ва фаросатли. Яна тиришқоқ ҳам. Аммо ҳали ўқиб- ўрганиши керак бўлган тарафлари ҳам йўқ эмас ...

- Ҳмм , шундай денг ?!

- Шундай ... - Али Райҳонага жавоб қайтара туриб, суҳбат мавзусини бошқа томонга кескин ўзгартирди , - Райҳон... Менга ёрдамнинг керак... Французлар ғаройиб таклиф киритишди. Унга кўра...

"Али акамнинг аввал бундай одати йўқ эди , сўзлашганда у мавзудан бунисига учиб - қўнмасди. Мендан эса хатто қаерда эдинг?" деб сўрамадилар .

Райҳонанинг кўнгли оғриди . Берилиб гапираётган эридан алам олгиси келди.

- Али ака , шу гапларни сал кейинроқ гаплашайлик. Биринчи кундан ишга кириша олмаяпман. Бошим ҳам бироз оғриб тургандек, - Райҳона шундай деб Алининг жавобини эшитмасдан ўрнидан туриб , эшикка қараб йўл олди , - мен ўз хонамда бўламан.

- Яхшии , - деди Али унинг ортидан , - ёки уйга ташлаб келайми?

Райҳонадан жавоб бўлмади . У хонани тарк этиб бўлган эди...энг

Ярим соатдан кейин Райҳонадан хабар олиш учун унинг кабинетига борган Али хонанинг қулфололиғ эканлигини кўриб ҳайрон бўлди. Беихтиёр файе деразаси орқали автотураргоҳдаги Райҳонанинг машинаси турадиган жойга қаради. Машина жойида йўқ эди.

" Райҳона ҳаддан ташқари кўнгил одами-да , бўлиб ўтган воқеалардан ҳали - ҳануз ўзига келиши қийин бўлаяпти. Майли, ҳар нарсанинг давоси вақт. Уни бир муддат ўз ҳолига қўйиб кўрай-чи "

Али шундай қарорга келганча изига қайтди.

" Райҳонанинг ўз ҳолига қўйиб туриш" - бу Алининг кейинги кунларда қабул қилган ва ҳаётини бутунлай измидан чиқишига сабаб бўлувчи энг хато қарори эди...

Кейинги бир ойларда Райҳона бутунлай ўзгариб қолди. Ўз - ўзидан асабийлашадиган , сал нарсага хафа бўлиб қоладиган жиззаки аёлга айланди.

Бу нарсалар ўз - ўзидан бўлмаётган эди. Райҳона ўзини бундай тутишига сабаб бўлаётган туйғуларида ҳақ эди. У илк бор Али акаси ва Настаринни бирга учратгандаги ҳолатини кейин ҳам бир неча бор кўргандек бўлди. Унинг кўзига Настарин қандай қилиб бўлса-да эрини йўлдан уришга шай жодугардек бўлиб кўринаётган эди.

Райҳона қанчалик оғир бўлишга ҳаракат қилган сари атрофидаги ўзи кўришни истамаган нарсалар кўз олдига атайин келаётгандек эди.

У ахири чидамади . Бор дардини Зиёдага тўкиб -солди. Зиёда эса уни эшитиб кўнглидаги шарт айтди - қўйди:

- Ўзим ҳам айтувдим-а шу мегажинда бир гап бор деб . Менга бу ифлоснинг олма- кесак терадиган кўзи бошидан

ёқмаган. Ўзи эса кўзимга нуқул айри тилли илонга ўхшаб кўринади.

Очиғи хафа бўлмагун- у , Али акангга қилпиллашини сезганимга анча бўлган, яшшамагур алвасти яна шу қилиғинича яширай ҳам демайди, барини худди атайин қилаётгандек. Дилингга озор бериб қўймай деб анчадан бери ўзимни босиб юрувдим. Ёмондан ҳазар дейдилар. Менга қолса-чи , бу ликилдоқни башарасини кўчага қаратиб, иккинчи қайтиб келмайдиган қилиб кетига ўхшатиб тепган бўлардим.

@Xazon_Rezgi /111

#ҚАСД

Райҳонанинг дугонасига бирор нарса дегулик ҳоли қолмаган эди.

"Эр бермоқ - жон бермоқ".

Райҳона нима қиларини билмай қолган эди.

Зиёданинг иқрори гулхан гуриллаб ёниши учун энг сўнгги учқун ролини ўйнаганди. Райҳона эри билан узил - кесил гаплашиб олмоқчи бўлди.

**"Сизсиз ҳам бир кунимни кўрарман, -алам билан ўйлади
Райҳона, - аммо кунда рашк оловида қоврилавериб жонимда
дармон қолмади"**

**Али синфдошлари билан учрашуви борлиги боис Райҳонани
бугун уйга кеч келиши ҳақида огоҳлантирган эди.**

**Иноят хола Иймонани олиб хайрли тун тилаб хоналарига
кириб кетишгач, Райҳона ўз кабинетига қараб йўл олди .**

**Кабинетга кирган Райҳона креслога бемажалол чўкди. Шу
пайт креслонинг бир четида турган плейерга кўзи тушди. У бу
плейерни хотирасида ўзига маъқул келган аудио шеърларни
сақлар эди.**

**Райҳона беихтиёр керакли тугмани босди. Тақдирнинг
атайин қилинган ўйини каби Райҳонанинг айна вақтдаги
кайфиятига мос ҳазин куй хонага тарқалди ва шикаста
овозли дардли шеър унга ҳамоҳанг янграй бошлади...**

Шунча йиллар ўтди бесамар ,

Қани дилдан юлиб ташласам,

Кундуз- қуёш , кечалар - қамар,

Бўлар экан сизсиз яшасам...

Зое кетган қанча қайтмас он,

Васлингиз деб юрмабман шодон,

Бугун эса ... ўзимга ҳайрон,

Бўлар экан сизсиз яшасам ...

*Тилай, тилай биргина шафқат ,
Улфатларим бўлибди ҳасрат ,
Сизга эмас, ўзимга нафрат ,
Бўлар экан сизсиз яшасам ...*

*Пучакларни санаб мағзи тўқ,
Умрим ўтди садоғисиз ўқ ,
Энди асти ортга қайтиш йўқ,
Бўлар экан сизсиз яшасам ...*

*Ҳар кўчадан ҳар не сўроқлаб,
Юраверинг кўнглингиз чоғлаб,
Мени сизга бермаган боғлаб,
Бўлар экан сизсиз яшасам...*

*Соғинчимас, фироқни ғашлаб ,
Суйган дилим озорда муштлаб,
Сиз эмас, мен кетяпман ташлаб,
Бўлар экан сизсиз яшасам...*

*Гулга тўлса ўнг- у сўлингиз ,
Бўстонга айланса чўлингиз,*

*Кетаверинг , очик йўлингиз,
Бўлар экан сизсиз яшасам ...*

*Надоматнинг юки хўп оғир ,
Сўзларимнинг сўнггиси охир,
Бир кунимни кўрарман ахир,
Бўлар экан сизсиз яшасам ...*

*Бўлар экан сизсиз яшасам ...-такрорлади Райҳона,-бўлар экан
сизсиз яшасам...*

Райҳонанинг кўзлар ёшлари маржондек тизилди...

*Эртаси куни Райҳона ишга келиб ноутбукини интернетга
улаганда ўзига нотаниш рақамдан СМС хабари келганлигини
кўриб сергакланди :*

"Ким экан бу ?"

Райҳона беихтиёр мактубни очиб ўқишга тутинди.

*- Райҳона ... Жон синглим... Илтимос , мактубимни
охиригача ўқинг. Мен бу мактубни ёзайми , йўқми деб узоқ
ўйландим. Ахири ёзишга қарор қилдим.*

Илтимос мени кечиринг...

Ортиқ бу ҳолатга кўз юмиб қараб туrolмайман. Айтсам тилим, айтмасам дилим куйиб кетмоқда. Аммо айтишга қарор қилдим, сабаби сиз бу таҳлит муомалага сира ҳам муносиб эмассиз ...

*Бари эрингиз ва унинг янги котибаси Настарин ҳақида ...
Райҳона...*

39- ҚИСМ

Мен эркак кишини айбламайман. Эркак киши асосан ишонувчанлик , раҳмдилликка мойил бўлади. Буни билган аёллар уларнинг бу нозик жойларидан усталик билан фойдаланишади.

Хуллас , сингилжоним оилангизнинг тақдири қил устида турибди. Сиз бу корхонада кўпчиликка қилганингиз каби менга ҳам кўп ёрдам қилгансиз. Бу сўзларимни ўша ёрдамнинг учун раҳмат ўрнида қабул қилинг. Илтимос , мени қидирманг. Бу хатни ўғлимнинг рақамидан беркитиқча ёзаяпман.

Агар гапларимга шубҳа қилсангиз , бугун эрингизнинг кабинетига кириб кўринг. У ер бутунлай бошқа кўринишга келтирилган. Мен кеча эрингиз билан ўша яшшамагур қизнинг ярим кечасигача хонани қайта жиҳозлашганига гувоҳ бўлдим. Ваҳоланки , эрингиз сизга синфдошларим билан учрашувга кетаман деган. (Бу сатрларни ўқиб Райҳона титраб кетди .

"Наҳотки , - деб ўйлади у , - йўқ бўлиши мумкин эмас, йўқса бунчалик аниқ далил қаердан келмоқда? ")

Сингилжоним. Эсингиздами ,уч кун аввал кундузги соат учларда эрингизни излаб унинг кабинетига бордингиз. Аммо эшик қулфлоглиқ эди. Сиз эрингизга қўнғироқ қилганингизда у иш билан кетганлигини айтганди. Настарин эса боши оғриб жавоб сўраган бўлган. Аммо сиз бу ёлғонларга ишонманг. Ўша куни кечки соат ўн тўққизларда хона ичидан очилди. Эрингиз ва Настарин бирин - кетин хонани тарк этишди. Менга ишонмасангиз ишхонадаги кириш- чиқиш йўлларидаги камераларни текширинг. Гапларим тўғрилигига амин бўласиз.

Илтимос , хатим сизни жунбушга келтирмасин. Оғир - вазмин бўлинг. Ҳар иккисини ўзаро "тиллашаётганда" қўлга туширинг.

Синглим. Эркак кишининг ҳаётида бундай "бош айланишлар" вақти билан содир бўлиб туради. Менинг мақсадим , сизларни ажратиш эмас , балки оилангизни сақлаб қолиш.

Бугун мен келтирган далилларни текширинг. Агар менга ишонсангиз сизга эрта учун йўл кўрсатаман . Мен сиз ўйлагандан ҳам кўпроқ маълумотга эгаман,чунки уларни деярли бир ойдан бери кузатаяпман. Қўлимда сизга айтганларимдан ҳам кўра кўпроқ далилларим бор. Фақат... Фақат менга ишонсангиз бўлди .

Илтимос. Қизишманг . Мен кечга яна ёзаман.

Райҳонанинг кўз олди қоронғулашиб кетди. Унинг учун ер ва осмон бараварига чайқалиб кетгандек бўлди .

- Йўўўўқққ ! - дея бақирди у бор овози билан. Аммо товушлар томоғини ҳатламади.

У ўрнидан туриб кабинети эшигини ичкаридан қулфлаб келди. Телефонини ҳеч ким қўнғироқ қила олмайдиган режимга солиб қўйди.

Райҳона ичкарида икки соатча қолиб кетди. Орада кабинети эшиги уч марта тақиллади. Аммо у жавоб қайтармай ўтираверди.

Райҳонанинг юраги йиғлар эди. Аммо кўзларидан бир томчи ёш чиқмади. Йиғи юракдан чиқиб яна юракнинг ўзига қуйилаверди.

Райҳона келган мактубни қайта- қайта ўқиди. Ўқигани сари кўнгли совий борди. Совиган кўнглига эса борган сари нафрат ўрнаша бошлади.

Райҳона бир қарорга келиб ўрнидан турганда бутунлай бошқа инсонга айланган эди.

У ўзини шу қадар совуққон тута бошлаган эди-ки, хатто қандай қилиб бунчалар тез ўзгарганига ўзи ҳам ҳайрон қолган эди.

"Эҳ, Али ака... Али акааа... Нималар қилиб қўйдингиз- а ? Сиз мени пичоқсиз сўйдингиз ... Тириклайин кўмдингиз. Ёна - ёна лағча чўғга айланган уюмга отиб юбордингиз...

Мен энди тамом одамман. Мен энди йўқман...

Айтган эдим- а ... Айтган эдим- а ... Минг бора айтган эдиим

!

"Мендан воз кечсангиз ўлганим ўша !" деган эдим.

Мана энди Райҳона йўқ ! Райҳонангиз йўқ !

*Аммо менсизлик сиз учун қанчалик қимматга тушишини
англамадингиз...*

Англаганингизда эса бутунлай кеч бўлади ...

Кеч !!!

Сиз мени ўз қўлларингиз билан ўлдирдингиз ...

*Мен бу ишларда ўша қизни айбламайман. Барча айб сизда !
Кап - катта, оилали , фарзандли эркакда ! Сиз ким учун кимни
қурбон қилаётганингизни фаҳмлашингиз керак эди.
Ўйладингиз- ки , бари яширин қолади деб . Қаёқда ! Сал
нотўғри нафас олсангиз ўпкасини қўлтиқлаб олиб менга
суюнчилаб чопадиганлар қанча ?*

*Чакки қадам боссангиз-чи ? Ана "Барча маълумот қўлимда"
деб иддао қилаётганларни кўряпсизми ?*

Эээҳҳ , Али акаааа ... Али акаааа ...

Нималар қилиб

@Xazon_Rezgi / 113

#ҚАСД

қўйдингиз?! Барчасини ўз қўлларингиз билан барбод қилиб ташладингиз- ку?

Райҳона ўрнидан туриб кабинет эшигини очди. Ўжар қадамлар билан эрининг хонасига қараб йўл олди. Настарин ўз жойида экан. У оч сариқ рангдаги шифон кўйлакда жуда очилиб кетган эди. Настарин Райҳонани кўриб қўлини кўксига қўйганча салом берди .

Райҳона унинг саломига ижирғанганча базўр алик олди.

Райҳона Настаринга атайдан "Кимсан, нимасан?" деб ўтирмасдан эрининг хонасининг эшигини шарт очди.

У ичкарига қадам қўяр экан , беихтиёр бўшашиб кетди. Кабинет ҳақиқатдан ҳам бутунлай бир бошдан қайта жиҳозланган эди.

Али тўрдаги столда алланималарни ёзиб ўтирар эди.

Райҳонанинг хонасига кириб келганлигини кўриб Алининг чиройи очилди :

- Ўўў , хуш келибдилар , маликаи олиям, қаерларда эдинг? Эшигинг қулф, телефонинг ўчиқ?! Энди сени қаердалигингни

билиш учун битта хос сочқини ишга олмасам бўлмайдиганга ўхшаяпти?! Ҳеч бўлмаса ўша соқчи сендан ҳавотир олмаслигимиз учун маълумот бериб турган бўлармиди?

Райҳонанинг ранги гезарди, у асабини боса олмай титраб - қақшаб гапира кетди:

- Сизга мумкин бўлган нарсалар менга мумкинмасми?

- Тушунмадим... Бу нима деганинг, Райҳона... - сўради Али Райҳонанинг муомаласидан ҳайратга тушиб.

- Мана ўзингиз, кечаси уйга соат неччида келдингиз? Синфдошларим билан учрашувга кетаяпман деб?! Ҳар ҳолда кабинетингизни қайта жиҳозлаб чиқмагандирсиз ярим кечгача?!

- Қизиқ, синфдошлар билан учрашувни кабинетимни қайта жиҳозлашнишига нима алоқаси бор? Гапларинг бири тоғдан, бири боғдан келаяпти,- Али шундай деб ўзича Райҳонанинг сўзларига жавоб бердим деб ўйлади шекилли, кўзини қисиб қўйди ва сўзида давом этди,- умуман олганда кабинетни Настарин қайта жиҳозлабди. Эрталаб келганимда кўриб ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

- Ҳайрон қолдирадиган иш бўлибди- да ўзиям,- Райҳона барибир тилини тийиб тура олмади ва шу билан бирга Настарин қайта жиҳозлаган хонада қолгиси келмади,- майли мен кетдим. Биринчи қаватда Зиёданинг ёнида бўламан.

Қидириб юрманг ...

Райҳона кечгача қандай ишлаганини билмади. Аммо дилида кечаётган қўзғалонларни Зиёдага айтгиси келмади. Айтса дугонасининг ўзини юпатиш ва кўзини очиб қўйиш мақсадида айтадиган бир - иккита аччиқ- тизиқ гапларини юраги кўтара олмаслигидан қўрқди. Шу сабаб барча гапларни ичига солиб ўтираверди.

Зиёда гавда тузилишидан оғир карвон кўринса-да , бироқ жудаям сезгир аёл эди. У Райҳонанинг юрагини нимадир эзаётганини дилдан ҳис қиларди ва ана шу "нимадир"нинг нима эканлигини ҳам яхши англаб турар эди.

Зиёданинг ўзи балки Райҳона муносиб деб топса кўнглидаги дардларини барини баҳам кўрар деб кечгача дугонасининг оғзини пойлади. Бироқ Райҳонадан бу тўғрида лом - лим деган садо чиқмади.

Кечга бориб икки дугона ҳафсаласиз ҳайрлашдилар.

Райҳонанинг юраги орзиқиб турар эди. У ўзини огоҳлантириб хат ёзган кимсанинг иккинчи ташрифини кутар эди.

У уйдагилар билан кечки овқатни бирга танаввул қилмади. Унинг ўрнига бир бокал олма шарбати ичди халос.

Ўзига ҳайрон бўлиб боққан Иноят хола ва Алига :

- Узр , бироз иштаҳам йўқроқ . Қорним очқаса ҳалироқ ҳам таомланиб олавераман , - деди- ю ўзи шуғулланадиган хонага

йўл олди.

- Болам , - деди Иноят хола Райҳона чиқиб кетгач Алига , - кейинги кунларда Райҳонанинг шаҳди бироз пастроқми ? Ё менга шундай туюляптими ?

- Сизга шундай туюлмаяпти , ойи. Райҳона ҳақиқатдан ҳам кейинги кунларда бироз толиққандек,- деди Али ўйланиб ,- у охирги ойларда кўп даволанди. Уколлар таъсирида бироз заифлашди. Ўзи инсон даволанса шунақа бўлади- ю, дастлаб танаси дард билан олишиб беҳоллашади , сўнгра аста -секин ўз ҳолига қайтади.

- Болам , унга ҳозир ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ сиз кераксиз. Бекорга тан маҳрами дейилмайди,- шундай дея Иноят хола Алига илтижоли боқди, - аёл кўнгли бамисли гул. Бир оғиз ширин сўз юракка малҳам . Бир оғизгина "Бу дунёда яхшиям борсан, онаси" десангиз, бўлди.

@Xazon_Rezgi /114

#ҚАСД

Олам гулистон. Ана ўша сиз айтган дунёни оёғингиз остига тўшайдиган ҳам аёл бўлади.

- Хўп , ойи , - айтганингиздек қиламан. Кейинги кунларда корхона ишлари билан бўлиб унга етарлича эътибор бера олмаяпман. Аммо сизга битта сирни айтаман. Яқинда охирги катта лойиҳани яқунлаймиз. Шундан сўнг мен , сиз, Райҳона,

**Иймона ҳаммамиз чет элга чиқиб хаво алиштириб келсак.
Шунга нима дейсиз , оий ?**

- Менга сизларнинг орангизда нима бор, болам . Ёш нарса ўзинглар мазза қилиб дам олиб келаверинглар . Мен уй пойлаб қоламан, - деди Иноят хола қимтиниб .

- Ҳечамда. Сизсиз дам олиш бизга татирканми ? Моҳиржон келиб бир хафта уйингизга кетганингизда ҳаммаёқ ҳувиллаб қолиб зўрға чидадик- ку ? Ундан кейин Иймона ҳам сиздан бир қадам ажралгиси йўқ. Уйга келсак ўз жойида тураверади , бўри ермиди .

- Майли, болам . Ўша кун келаверсин-чи. Ҳақиқатда Иймонага қараб туриш учун ҳам боришим керак шекилли. Сиз ёшларнинг шаҳар айланишга чиқишинглар бор , кўнгилочар жойлар дегандек.

- Оий , булар ўз йўлига . Ундан кейин қаерга борсак ҳам бирга бораверамиз. Оилавий. Тўртталамиз ,- жилмайди Али.

Али Иноят хола билан гаплашаётган бир вақтда Райҳона номаълум "ҳайриҳоҳ" инсондан ўзига келган иккинчи мактубни ўқиб ўтирар эди.

" Райҳона. Сингилжон , - дея бошланган эди мактуб , - эрталабки ёзганларимни текшириб , ёлғон гап айтмаганимга гувоҳ бўлгандирсиз-а ? Бу иккинчи мактубни ёзишдан мақсад сизга барига узил- кесил нуқта қўйишингизга ёрдам бериш.

Бу сафар узундан - узоқ хат ёзиб вақтингизни олмоқчимасман. Фақат бир нарсани айтмоқчиман. Билсангиз эрталаб эрингиз корхонага сиздан бир соат олдин келади. Бу вақтда Настарин аллақачон ўз ўрнида бўлади. Сиз эса эрингиз Али Азмиддинович ишга келганидан сўнг орадан бир соат , бир ярим соат ўтгандан кейингина корхонага қадам босасиз.

Сизга бир маслаҳат. Эрингиз ишга етиб келганидан сўнг ўн беш - йигирма дақиқалар ўтгач сиз ҳам унинг кабинетига етиб келинг. Шунда ... Шунда мен назарда тутаётган барига нуқта қўйиши мумкин бўлган ҳолатга дуч келасиз. Мени тушундингиз- а ? Бу сизнинг Настариндан қутилишингиз учун энг яхши имкон .

Аммо ёдда тутинг. Оила муқаддас кўрғон. Уни кўчадан келган аллақандай "капалакхон"лар бузишга йўл қўйманг . Яна бир бор таъкидлайман: Йўл қўйманг !

Умид қиламан- ки , қайтиб бу мавзуда сизни безовта қилмайман.

Саломат бўлинг ..."

Райҳона алам билан лабини тишлади. Сўнг кабинетини ҳам тарк этиб ётоғига йўл олди.

У Алининг қадам товушлари эшитилиши билан ўзини қаттиқ ухлаганга солиб олди ...

Али эрталаб Райҳонани кайфияти яхшилигини кўриб юзи

ёришди.

Райҳона елиб - югуриб нонушта тайёрлар ва ора - орада эрига кулимсираб қўяр эди. Бу сафар эр-у хотин бирга нонушта қилишди. Нонушта вақтида Райҳона бир - икки латифа айтиб, чой хўплаётган Алини кулдириб "раҳмат" ҳам эшитди, сабаби у куламан деб қаттиқ қалқиб кетганди.

Нонуштадан сўнг Али Райҳонадан:

- Балки бугун ишга мен билан бирга кетарсан ? - дея сўради.

Райҳона эса унга эркалиниб нигоҳ ташлади :

- Эрта - сахардан нима қиламан у ерда ? Сал туриб йўлга чиқаман.

- Сал туриб деганда қанча соат тушунилади ? - кулимсиради ошхонадан чиқиб кетишга шайланган Али

- Яқини бир ярим , узоғи икки соат "сал туриб" бўлади , - деди Райҳона ҳушнуд оҳангда .

- Ҳай майли , сал туриб кўришгунча унда , - Али яхши кайфиятда хонани тарк этди.

Али машинасини ўт олдириб , йўлга тушгач, Райҳона ҳам унинг ортидан ўз машинасини оҳиста қўзғатди ...

Настарин иккинчи қават деразасига тақилган жалюзи ортидан Райҳона машинасини ҳар доимги қўядиган жойига келтириб тўхтатиши билан саноқни бошлади. Машина турган тураргоҳдан Алининг кабинетига олти юз эллик беш, плюс , минус беш қадам . Бу Райҳонанинг қадамида . Настарин бу хисобни ўн кунларда ҳисобини олганди .

Режасини уч юзинчи қадамдан бошласа бўлади , сабаби Райҳона ўша вақтда иккинчи қаватга чиқадиган зинага етади. Настарин унга икки юзини ўз қўллари билан кўзидан ёш чиқиб кетгунча қаттиқ чимчилади . Унинг юзлари ловуллаб ёна бошлади. Шу орада у ичида

@Xazon_Rezgi /115

#ҚАСД

- битталаб санаб туришни қўймади. Настарин саноқ уч юзга етганда деразани очди , сўнг аввалдан гугурт қутисида тайёрлаб келтирган қовоғарини чиқарди. Уни қўлидаги пинцет билан ушлаб атай бугун учун кийиб келган белида камари бор кофтасининг орқа бўйин қисмидан баданига ташлаб юборди.

- Али ака , Али ака ! Ёрдам... Ёрдам беринг , илтимос , - дея Алининг кабинетига югуриб кирган Настарин ҳансираганча нафас олар экан, - деразадан катта қовоғари учиб келиб ичимга кириб кетди , бир марта чақиб ҳам улгурди

Али Настариннинг қизариб, бўртиб кетган юзларига боқиб шошиб қолди. Ўрнидан тезлик билан турди- ю, шоша - пиша қизга яқинлашди :

- Қани , қаерда ?

Настарин яқиндагина сариққа бўяб олган сочларини қўли билан сидириб кўкси тарафга олди ва кофтасини орқасини ўгирди.

- Али ака , мазам қочиб ғалати бўлиб кетяпман. Ўша ерни қаранг , кофтамни тугмаси ўша ердан ечилади.

Али қизнинг қизариб кетган юзини кўриб вазият жиддийлигини фаҳмлади ва тезда арини олиб ташлаш учун энгашиб қизнинг кофтасини орқа елка қисмидан ечди:

- Илтимос , жуда тобим қочиб қолаяпти... Жооон , Али акааа ... Жооон , Али ака ...

Али Настариннинг кофтасини аста силкита бошлади . Шу пайт қизнинг чап кураги тарафида турган қовоғарига кўзи тушди:

- Ҳозир , ҳозир ... Озгина чиданг ...

Шу пайт остонада Райҳонанинг ёввойи чинқириғи

эшитилди:

- Ифлослаааррр... Ер ютсин сенларниии ... Ютмаса розимасман! Розимасмаан !

Али ранги қув ўчиб кетган , дағ- дағ титраётгаг Райҳонани кўриб шошилиб қолди. Қаддини бирдан ростлади :

**- Райҳона ! Райҳон, шошма ! Бу сен ўйлаган нарса эмас !
Ҳозир тушунтириб бераман.**

- Исминни иккинчи оғзинга олма ! Мен ҳаммасини етарлича тушуниб бўлдим...

Райҳона шундай деб ортига ўгирилди , эшикни орқасидан бор кучи билан тепди. Эшиқ қарсиллаб қулфланиб қолди .

Райҳона кейинги хона-қабулхонадан чиқар экан у ернинг эшигида калити турганини кўрди. Шартта эшикни қулфлади. Калитни олиб очиқ деразадан ерга улоқтирди . У иккинчи қаватдан елдек учиб тушди. Машинаси томон кетар экан Али унинг ортидан деразадан жонҳолатда бақирди :

- Райҳона, эсингни йиғ !

Райҳона жавоб бермади. Машинасига ўтириб ўт олдирди-ю, машина қизигунигача ҳам кутмай учиртириб ҳайдаб кетди.

Райҳона тезлик билан шаҳар ташқарисига йўл солди. Катта йўлга чиқиб олгач бор овозда ўксиб - ўкириб йиғлай бошлади.

Шу алфозда қанча юрганини билмади . Бир вақт Чимёнга олиб чиқувчи тоғ йўлини таниди.

Машинани тўхтатди. Ундан тушган Райҳона ўзини бир ёни жарликка туташиб кетган йўл ёқасида кўрди...

Атрофда ҳеч бир зоғ кўринмас эди. Йиғлайвериб хун бўлиб кетган Райҳона жарликка қараб томоғи қирилгунча бақирди :

- Алиии акаааа ! Сизни ёмон кўрамаааан ?! Сизни ёмон кўрамаааан !

Тоғлар Райҳонанинг сўзларини ўзига қайтариб олиб келишди :

- Ёмоон кўрамаааан ! Кўрамаааан !

Райҳона бақира - бақира ҳолдан тойди.

- Али акааа ... Сизсиз қандай яшайман энди... - ожизгина ингради у орадан бир соатча вақт ўтгач...

Райҳона тоғ йўлида яна анча вақт шу алфозда ўтирди. Сўнгра бирдан қатъий қарорга келди :

- Қизимни олиб кетаман...

У қайтиб машинага ўтирди. Машинани юргизиб орқага бура бошлади . Шу вақт бирдан юраги санчди...

- Имम्म,- рулни маҳкам тутганча нафасини ушлаб қолди Райҳона . Тез орада санчиқ иккинчи сафар жуда қаттиқ қайтарилди. Райҳонанинг кўз ўнги қоронғилашди . Оёқларида жон қолмади Қўли рулдан чиқиб кетди. У ҳушини йўқота туриб ўзини жарликка қулаётганини ҳис қилди... Сўнги бор боши қаттиқ бир нарсага урилди- ю , шу бўйи йўқлик қўйнига сингиб кета бошлади ...

40-ҚИСМ

Райҳона дастлаб танаси бўйлаб тарқалган чидаб бўлмас даражадаги қаттиқ оғриқни ҳис қилди. Назарида бутун танаси заррадек бўлақларга бўлингандек бўлди. Аммо кўп ўтмай оғриқ чекинди. Уни оппоқ , узун ҳарир либос кийган аллақандай мавжудотлар икки қўлидан тутганча қувурга ўхшаш йўлак бўйлаб тортқилаб учиб кета бошладилар. Йўлак эса жуда узун эди...

- Алло бизга Али Азмиддинович керак эдилар .

Али ўзига қўнғироқ қилиб йўқлаётган инсонларга беҳафсала оҳангда "Ҳа , Али Азмиддинович мен бўламан" деди.

... Мана уч соатдирки , Райҳонадан дарак йўқ. У ўз телефонидаги эрининг рақамини блокка солиб қўйибди. Али нима қилишини билмай бошини чангаллаб қолган эди. Али Райҳонанинг бориши мумкин бўлган жойларини бирма - бир сўраб чиқди. Барчада бир хил жавоб :

"Йўқ , Райҳона бу ерга келмади" .

Чорасиз қолган Али тоғасига қўнғироқ қилиб ёрдам сўради. "Шунақа , шунақа бўлиб қолди " деб ҳолатни тушунтиргунча уятдан етти қават териси шилиниб тушди. Аммо тоғаси тушунган одам , вазиятни зумда фаҳмлади. Алини хотиржам бўлишга чақириб , таскин берадиган сўзларни териб-топиб айтиб , унга далда бўлишга ҳаракат қилди.

Бу ёқда Настарин йиғлайвериб хун бўлиб пишиб кетди . Ҳар икки гапнинг бирида :

- Нима қилиб қўйдим ? Энди Райҳона опамнинг кўзларига қандай қарайман ? Улар барчасини нотўғри тушундилар. Бу кунимдан ўлганим яхши эди, - дея тинмасдан уввос солар эди.

Али унга қараб туриб ачиниб кетди . "Бу бечораям мен каби айбсиз айбдор бўлиб қолди-я,- дея ўйлади Али , - ёқасидан кириб чаққан ари нақд бошмалдоқчалик экан .

Қизиқ айнан шу вақтда , яъни Настаринни ари чақаётган , мен эса уни ўша аридан халос қилиш илинжида бўлган вақтимда Райҳона қаердан келиб қолди ? Ахир у "Мен бир ярим, икки соатдан сўнг ишхонага ўтаман" демаганмиди ? Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Аммо қандай гап ?! Мен Райҳонага "Доим эҳтиёт бўлиб юр" деб ўзим бунга амал қилмабман. Аммо Настаринда бир гап бор десам... Йўйўйқ ... Бўлиши мумкин эмас , у ҳали деярли гўдак-ку... Гўдак ...

*Уфф , бошим ҳозир тарс ёрилади. Бу Райҳона қаерда экан ?!
Райҳон, Райҳон ... Қаердасан ?!"*

Алининг фикрини шу ерда кутилмаган қўнғироқ бўлди :

- Алло бизга Али Азмиддинович керак эдилар .

- Менман , Али Азмиддинович. Эштаман , қулоғим сизда.

*- Сиз " Илмга сармоя" корхонаси раҳбари Аслиддинов Али
Азмиддиновичсиз шундайми ?*

*- Ҳаа , мен сиз айтаётган одамман . Худди ўзиман , - Алининг
хуноби ошди, - яна қандай маълумот керак сизларга?*

*- Али Азмиддинович, сиздан зудлик билан Республика тез
тиббий шошилинич ёрдам ҳизмати марказига етиб келишингиз
сўралади.*

*Алининг юраги шув этиб кетди . У беихтиёр ўтирган стулига
янада қапишиб олгандек бўлди .:*

- Нима учун ?- аранг сўради у .

*- Аёлингиз Аслиддинова Райҳона Субҳонбековна
бошқарувидаги давлат рақами АА 01 - рақамли каптива*

русумли машина Тошкент ҳалқа йўлининг - километрдан йўл - транспорт ҳодисасига учраган ҳолда топилган. Маълум бўлишича машина йўлнинг асосий қатнов қисмидан чиқиб кетган ва қиялик бўйлаб жарликка қулаган. Қолган маълумотларни марказга етиб келганингизда олишингиз мумкин . Аёлингиз у ерга ярим соатлар оралиғида етказиб борилади.

- Шошманг ! Аёлим .. Унинг аҳволи яхшими ?

- Аёлингиз машинаси билан ўн - ўн икки метрдан зиёд баландликдаги жарликка қулаган . Бу маълумот унинг аҳволи қай даражада эканлигини фаҳмлаш учун етарлидир ? Аммо бахтингиз бор экан. Машина тошдан-тошга урилганда ҳам ёнғин чиқмаган. Қолган гапларни кейин гаплашамиз.

Али алоқа узилгач , тоғасининг рақамини базўр тера олди :

- Тоға... Келмасангиз бўлмайди...

Али шошилиш тиббий марказнинг қабулхона эшиги ёнида Райҳонани олиб келишларини кутиб қолди.

Унгача фалокатга учраган икки беморни қабул қилиб олишди. Кўп ўтмай касалхонага тегишли ҳизмат машинасида Райҳонани олиб келишди . Уни қабул қилиш учун огоҳлантирилган шифокорлар бригадаси зудлик билан ичкаридан югуриб чиқишди. Райҳона ётқизилган "носилка"ни кўпчилик бўлиб ичкарига олиб кира бошлаганда Али

@Xazon_Rezgi /117

#ҚАСД

унга интилди :

- Райҳонааааа...

Райҳонанинг юзлари бўздек оқариб кетган , ўнг кўзи ва юзи қаттиқ зарб олгандан шишиб кўкариб қолган , пешонаси ёрилган бўлса керак, қони қотиб қизариб турган энли қизил из яққол билиниб турар эди.

- Райҳонааааа ! - шифокорлар ҳалқасини ёриб ўтишга ҳаракат қилиб талпинди Али

Шу пайт кимдир унинг қўлидан тортди :

- Уларнинг ишлашларига халал берма, жиян...

Али орқасига ўгирилиб тоғасини кўрди . Ўзини боса олмай ўкириб йиғлаб юборди :

- Энди нима қиламан, тоға ?! Унга бирон нима бўлса қандай

яшайман?! Қизимга нима дейман?!

Тоғаси унинг билагини маҳкам қисди:

- Ўзингни қўлга ол . Элбурутдан обидийда қилма. Айнан шу топда ҳар доимгидан ҳам кучли бўлишинг талаб этилади. Тушундингми?! Тушундинг-а? - Али "ҳа" дея бош ирғади. Бўлмаса мен ичкаридан хабар олай.

Кўп ўтмай Асад Акбаров изига қайтиб чиқди.

- Райҳона ҳозир текширувда экан. У ердан тўғри операция хонасига олишади. Танасидаги бир нечта қовурғалари синган эмиш. Аниғини рентген кўрсатади дейишяпти. Битта ёки бир нечта қовурға сина туриб ўпкани тешган дейишяпти. Чап қўл - оёғида ҳам жароҳат излари бор дейишяпти. Шу жумладан синган - чиққан аломатлари ҳам . Ички аъзолари қай аҳволда эканлиги ҳозирча номаълум . Аммо энг жиддийси бу бош... - Асад Акбаров надомат билан бошини сарак- сарак қилди,-ана шуниси чатоқ жиян , ана шуниси. Ҳозир бор умидимиз Аллоҳдан.

Мен бу гаплар билан сени қўрқитмоқчи эмасман. Эркаксан, буларни кўтаришга мажбурсан!

Айтганча , Райҳонанинг операция қилишлари учун энг кучли шифокорлар жамоасини йиғишмоқда. Мен раҳбариятга бизда пул масаласида муаммо йўқлигини , қанча пул керак бўлса шунчасини бемалол сўрашлари мумкинлигини билдирдим. Улар бу таклифни эътиборга олиб қўямиз дейишди.

Асад Акбаров ранги докадек оқариб кетган Алига қараб юраги эзилди. У Алини елкасига қўл ташлади:

- Юр, жиян, тоза ҳавога чиқайлик ... Бу ерда тургандан фойда йўқ ...

Райҳонанинг операцияси саккиз соатга чўзилди.

Операциядан сўнг шифокорлар жамоасига бошчилик қилган тиббиёт фанлари доктори Иноғом Мажидов ўзини илҳақ бўлиб кутиб турган беморнинг яқинларига кўп гап гапирмади:

- Биз қўлимиздан келган барча чорани кўрдик , шифо сўраб дуода бўлиб туринглар...

Шифокорлар жамоаси бундай мураккаб операцияни натижасини ўзлари ҳам муштоқ бўлиб кутишаётган эди.

Улар Райҳона ўзига келса , навбатдаги тиббий хулосани олиш учун энг кичик ўзгаришни ҳам назардан қочирмаслик илинжида эдилар.

Бироқ ...

Райҳона кун бўйи ўзига келмади...

Эртасига ҳам...

Ундан кейинги кун ҳам ...

У...

Райҳона операция вақтида чуқур кома ҳолатига тушиб қолган эди...

Навбатдаги учрашувда профессор Мажидов Алини жиддий қабул қилди :

- Мен сизга ҳеч қандай умид берадиган гап айтмоқчи эмасман. Барчасини рўйи - рост айтаман. Беморнинг қачон комадан чиқиши аниқ эмас. Бу муддат балки эртага, балки бир хафтадан сўнг , балки бир ой , балки бир йил , балки йиллаб бўлиши мумкин. Балки эса ...

У жим сукут сақлади.

Мажидов ўрнидан туриб Алининг ёнига келди.

- Дунёда банданинг қўлидан келмайдиган ишлар жуда кўп ... Баъзи ҳолларда эса шунчаки томашабин бўлиб кутиб ўтиришдан бошқа иложимиз йўқ ... Шунинг учун ҳам номимиз ожиз банда , ҳа , ожиз банда ...

Профессор Мажидов Алининг рўпарасига чўқди.

- Ука ... Кома ҳолати ҳар бир организм учун индивидуал ҳисобланади. Менинг бу йўналишда бироз шуғулланган ерим бор. Айтмоқчи бўлганим шу-ки, баъзи беморлар бу ҳолатда ташқи дунёдан буткул узилиб қолсалар , баъзилари бизни кўриб , эшитиб туришлари мумкин , фақатгина ташқи таъсирларга жавоб бериш хусусиятидан мосуво бўладилар.

Кома ҳолатидан қайтиб ўзига келган баъзи беморлар беҳуш ётганларида фақатгина давомли тушлар кўришганини айтишса , баъзилар умуман ҳеч нарсани эслай олмаганлар . Баъзилар эса шунчаки чуқур фалаж ҳолатида бўлганликларини , яқинларининг ширин сўз ва далдалари туфайли ҳаётга қайтганликларини гапириб беришган.

@Xazon_Rezgi /118

#ҚАСД

Бугундан бошлаб сизга аёлингизни ёнига киришингизга ижозат берамиз. Сиз унга кўнглингиздаги энг чиройли гапларингизни айтишингиз мумкин. Аммо зинҳор ёмон воқеаларни гапирманг. Дилини ранжитадиган нарсаларни эслатманг . Фақат умид берадиган энг гўзал орзулар ҳақида гапиринг. Хуллас шу ...

Унутманг . Сизнинг ташрифингиз ҳам муолажамизнинг бир қисми саналади. Мени тушундингиз- а ?

- Қачон ? Қачон кира оламан... Унинг ... аёлимнинг ёнига ... -
Алининг овози титраб чиқди.

- Истасангиз ҳозир ... Фақат унга тегинманг ... Орадаги
масофани сақлайсиз . Паст ва оҳиста овозда ниқоб орқали
гапирасиз ...

- Яхши... Мен борай бўлмаса ...

Али ҳаяжондан гандираклаб кетди.

- Майли. Сиз борверинг. Мен бўлим шифокорига қўнғироқ
қилиб огоҳлантириб қўяман.

* * *

Али Райҳонанинг ёнига кириб келганда ўзини у ётган
кроватьга отишдан базўр тийиб қолди .

У ўзини кузатиб келган ҳамшира Райҳонанинг оёқ
томонидан узоқроққа қўйиб берган курсига индамай ўтирди.
Ўтирган жойида Райҳонага , ўзининг Райҳонасига , ўзининг
Райҳонига , ўзининг Жамбилхонига , ўзининг Жаннат гулига
интизор тикилди...

Райҳона кўзлари ярим очиқ , ҳаракатсиз ётар эди. Жароҳат
излари билиниб турган оппоқ юзлари янада оқариб кетган,
атиргул ғунчасидек қип- қизил лаблари оч пушти тусга
айланган, аммо қоп- қора қош киприклари янада тим қора

рангга кирган, узун киприклари эса қайрилма бўлиб, икки чеккасидаги жингалак зулфлари билан ҳусн талашиб ётар эди.

Райҳона... Ал Мусаввир бўлмиш Буюк Яратганнинг бетакрор ижоди эди...

Ҳамшира Алини Райҳона билан ёлғиз қолдириб палатадан чиқиб кетди.

Эшик ёпилгач, Али кафти билан лабларини ёпди. Елкалари силкиниб узоқ йиғлади...

Сўнгра ердаги гиламга тиззалади. Шу ҳолатда Райҳонага яқинлашди. Ундан бир қулоч оралиқдаги масофада тўхтади...

- Райҳонаааа , - шивирлади у , - жаннат гулим ... Йўғ- у борим ... Ягона бахтим ...

Райҳона... "Исм инсонга йўлдош бўлади. Исм инсоннинг тақдирига таъсир кўрсатади" деган гапни эшитганимда ҳайрон бўлган эдим. Аммо ҳозир сенга қараб туриб бу сўзларни айтганлар нақадар ҳақ бўлганликларига тан бермоқдаман.

Бу дунёда ифори райҳонникига тенг келадиган иккинчи гулни топиб бўлмаса керак. Райҳонни жаннат гули деб ҳам аташади. Қачонки инсон ёруғ дунёдан кўз юмса унинг ёнига хушбўйлантериш учун райҳон қўйишади. Ёзда янгисини дасталаб , қишда эса қуритилган шодалари ила икром қилинади. Узоқ йили бир синфдошимнинг онаси дунёдан ўтганда тобут елкага олинган чоғ бутун ҳовлини райҳоннинг хушбўй , ўткир иси тутиб кетган эди. Ўшанда оломон бир

овоздан "Субҳаналлоҳ... Субҳаналлоҳ... Бу ҳид онамизнинг жаннатий эканликларига бир далолатига ишора бўлса керак " деб бир - бирларига гапиришган эди, ҳолбуки ўшанда ён - атрофда бир кафт ҳам райҳон йўқ эди.

Бу гапларни нима учун айтаяпман?!

Сен ҳам мени ҳаётимнинг хуш хабарисан.

Райҳон шундай гул-ки, у ҳар қандай кўринишда атрофидагиларга бахт улаша олади. Кафтлар орасида эзилганда ўзи адо бўлаётиб ҳам фақат ва фақат хуш ифор тарқатаверади.

Худди-ки, менинг ҳаётимни ўзинг хуш ифоринг билан муаттар қилганинг каби....

Жаннат гулим ...

Сен доим менга "Мендан кечсангиз ўлганим ўша" дер эдинг-а... Мен бўлсам аллақачон бир ўлиб , сен туфайли қайта тирилган бир ошиғингман.

Ёдингдами ?

Сени ўғирлаб кетиш учун ярим кечаси хонангга бостириб кирганим? Ўшанда сен оппоқ кийимда Яратганга дуо қилаётган эдинг . Мен ўша вақт сенга қарадим- у, бир умрлик асирингга айландим. Кўзларимни бир юмдим ва бир очдим. Шундан буён кўзларимда фақат сенинг гулрухсор суратинг намоён . Кўзларимга қараган бошқа инсон у ерда фақат Райҳонани кўради.

Ягонам... Биламан... Сен мени эшитяпсан. Буни кўнглим айтяпти. Чунки кўнглим "Райҳона ҳеч қачон сени ташлаб кета олмайди, бундай бўлиши мумкин эмас, сен унга қанчалик муҳаббат билан боғланган бўлсанг, унинг муҳаббати сеникидан юз чандон ортиқдир" деяпти.

Йўғу- борим... Илтимос, яшаш учун кураш ... Сен нафақат ўзинг, балки мен учун, Иймона қизимиз учун ҳам яшашинг керак.

@Хазон_Резги /119

#ҚАСД

Биз ҳали қизалоғимизни тўйларини кўришимиз керак. Сен она, мен ота бўлиб оқ фотиҳа бериб янги ҳаётга кузатишимиз керак.

Ягонам ... Илтимос, ҳаёт учун курашгин...

Билиб қўй... Сен кўзингни очган кун ҳаётимдаги энг бахтли кун бўлади. Нима учун дейсанми? Чунки сен минглар, миллионлар ичида Аллоҳ менга ҳалол қилган Ягона аёл танмаҳрамимсан.

Сени кутаман. Интизор бўлиб кутаман. Барчамиз кутамиз ...

Райҳона узоқ учди. Учар экан боши айланиб - айланиб кетар эди. Сирли мавжудотлар уни жуда авайлаб олиб кетардилар. Йўлак қоронғи бўлса-да , майда юлдузларга ўхшаш алланималар милт - милт қилиб ёниб қоларди. Вақт ўтиши билан йўлак ёриша бошлади. Райҳонанинг назарида юзларига майда шаффоф томчилар урила бошлагандек бўлди. Аста - секин теварак - атроф яшилликка буркана бошлади. Тўғрида кенг сайҳонлик кўринди . Райҳонани олиб келаётганлар уни аста ўша сайҳонликка қўндирдилар ва ўзлари ортларига қайтиб учиб кетдилар. Райҳона турган жой яшил майсалар ва майда - майда оппоқ тусли гулларга бой чечакли майдон эди.

Райҳона бир зум турган жойида ажабланиб қотиб қолди. Зум ўтмай у турган манзара алмашина бошлади .

Райҳонанинг ён - атрофи турфа гўзалликларга тўлиб кетди. У энди гуллари қийғос очилган буталар , шингил мевалари бол йиғиб камалақдек эгилиб тушган дарахтзорлар , сувлари тошдан- тошга урилиб қўшиқ кўйлаётган анҳорлар қуршовига тушиб қолган эди.

Кўп ўтмай Райҳонага таниш овоз эшитилди :

- Райҳона ... Гўзалим ўзимнинг ...

41-ҚИСМ

Райҳона ўгирилди.

Қаршисида юзларидан нур ёғилганча дадаси Субҳонбек

турар эди.

У жилмайганча Райҳонага қараб сўзида давом этди:

- Нурюзлигим... Сени жуда соғинган эдим...

- Адажон ...тили базўр айланди Райҳонанинг, - мен ҳам сизни жуда соғингандим ... Мен ... Биз қаердамиз , адажон ?!

- Қизим ... Сен икки олам орасидасан... Мен эса бу ерга боқий оламдан келдим...

- Мен ... Мен ...

- Райҳона... Мен сенга бир сўзни айтиш учун бу ерга келдим... Али бутунлай бегуноҳ . У булоқ сувидек тоза ва пок йигит. Сен унга ишонишинг керак ... Бу ишонч қалбингдаги барча ранж , аламни ювиб ташлайди. Унутма ! Иккингиизга дунё ҳаётида жуда камдан - кам инсонга тухфа қилинган муҳаббат инъом қилинган. Шу чоққача бошингга тушган синовлар ҳам айнан ана шу муҳаббат учун тўловдир. Сен Алининг муҳаббати қай даражада қийматли эканлигини билмоқчимисан ? У ҳолда унга бўлган ҳисларингни тарозига сол. Торози кўрсатган меъзон Алининг сенга бўлган муҳаббатининг чексиздан бир улушидир.

Қизим ... Ёдингдами ? Али сен тарафга қараб биринчи қадамини босганда унинг келаётган хабарини тушингда

етказган эдим.

Тушларда келадиган рўёби бор хабарлар фақатгина фитрати энг тоза инсонларга юборилади.

Энди айт-чи , сенинг фитратинг бу қадар тоза бўлса , сен учун муносиб деб юборилган тан маҳраминг нечоғлик покиза инсон экан...

Қизим , энди кетишим керак...

- Адажон , мен-чи ?! Мен нима қиламан?

- Болам сен маълум вақт шу ерда бўласан... Сўнгра икки оламдан бирига борасан. Аммо қайси бирига? Буни билмайман...

- Агар мен сиз каби "Боқий дунё"га кетишим мумкин бўлса , унда нима сабабдан жуфтим ҳақидаги хабарни келтирдингиз ?! Буни нима ҳожати бор эди?!

- Ҳар икки ҳолатда ҳам , яъни ўзинг келган дунёга қайтсанг ҳам ёки қайтмай нариги дунёга ўтадиган бўлсанг ҳам қалбинг мусаффо бўлиши керак. У ерда гина, ранж , адоват қолмаслиги керак...

Қолмаслиги керак...

Қолмаслиги керак...

Отасининг овози борган сари узоқлаша бошлади...

- Жооон , дадажон. Илтимос , руҳсат беринг... Мен ёмон нарса сўраётганим йўқ- ку ...

Профессор Иноғом Мажидовнинг қизи Марямхон отасининг кабинетида яна тихирлик қила бошлади.

- Сиздан нима кетди? Жон дадажон, гаплашиб берақолинг. Сўз бераман, мен у аёлга қўлимни учини ҳам теккизмайман. Агар шундай қилишга тўғри келиб қолса сиз ёки бўлим бошлиғини албатта огоҳлантираман...

- Марямхон ...

- Жоооон , дадажон ... Биласиз: ку , мен айнан ана шу йўналишга қизиқаман. Фикримча бемор бизни эшитяпти. Менинг бунга ишончим юз фоиз комил . Қаердан дейсизми ? Гарчи унинг бутун танаси ташқи таъсирларга жавоб реакциясини бермаётган бўлса ҳам , аммо кўзлари турлича товланмоқда. Айниқса эри ёнига келган вақтда кўзларидан бошқача шуъла таралади.

- Қизим... - деди Мажидов қизига жиддий тикилиб,- мени кечиргин- у сенинг ёшингда ҳаётдаги барча воқеа- ҳодисалар шундай рангли кўринади. Аммо тиббиётда масалани юрак

эмас ақл ҳал қилади.

**- Дадажон , сиз айтган ўша "ақл" ҳозир нима деяпти ?
Кутишдан бошқа иложимиз йўқ деяпти - а ? Аммо юрак "Бир
бор бўлса-да уриниб кўрайлик , ана шу чалажон бўлиб ётган
аёл ҳам биз каби инсон. Унинг ҳам нафас олишга ,
фарзандини қучишга , эри билан қўша қаришга , умуман
айтганда яшашга ҳаққи бор ..." демоқда. Дадажон , вақти
келиб виждонимиз олдида ҳисоб берганимизда "Вазиятга қул
бўлганим йўқ , қўлимдан келганча бор имконимни ишга
солиб шу бемор ҳаёти учун курашдим" дея ёруғ юз билан айта
олайлик.**

**- Қизим , сени билмаган одам ҳеч ҳам тиббиёт
олийгоҳининг тўртинчи босқич талабаси демайди,-
Марямхонга жилмайиб боқди Мажидов,- билмадим кимга
тортдинг ўзи ? Сўзларни шунақаям териб гапиряпсан-ки ...**

**Майли , сен айтганча бўлақолсин ... Хўш бемор Райҳона
Аслиддинова борасидаги режаларинг билан бўлишасанми ?**

**- Дадажон , менга бир ёки узоғи икки ой муҳлат беринг.
Муҳлат тугагач , хузурингизга ёзма хулоса билан кираман.
Розимисиз ?!**

@Хазон_Резги /121

#ҚАСД

- Ҳаа , майли ... Аммо юқорида айтганимдек, беморга тегишли

**муҳим қарорларни қабул қилишда мен билан албатта
маслаҳат солишинг шарт . Тушунарлими ?**

Марямхоннинг юзи ёришиб кетди :

- Тушунарли , дадажон. Каттакон раҳмат сизга !

Дадажоон ...

Иноғом Мажидовнинг қошларига тугун тушди :

- Ҳаа ?! Яна нима дейсан ?

- Сизни жуда , жуда яхши кўраман...

**Марямхон дадасининг юзидан "чўлп" этиб ўпди- ю , хонани
тарк эди.**

У ташқарига чиқа солиб курсдошига қўнғироқ қилди:

**- Алло , Усмон. Мени эшит . Кеча гапирган гапларим
ёдингдами ? Ҳа, ҳа ўша комадаги аёл тўғрисидаги гапларимни
айтяпман. Хуллас мен дадамларни кўндиришга муваффақ
бўлдим. Бу ёғига энди сенинг ёрдаминг керак. Айтганларим
эсингдами ? Жуда яхши. Демак , эртага сени шу ерда кутаман.
Иккинчи бўлим, еттинчи палатада ...**

Али ишга келганда Настарин ҳали келмаган эди.

Али кабинет ойналарини очиб , иш столига ўтирган ҳам эди-ки , остонада Настариннинг томоқ қиргани эшитилди.

- Ассалому алайкум, Али Азмиддинович ...

Настарин Али алик олгунга қадар у ўтирган стол ёнига келиб қўлидаги қоғозни қўйди.

- Нима бу ? - Али қоғозни олар экан ўқишга ҳафсаласи бўлмаётганини сўради

- Ишдан бўшашим ҳақидаги ариза , - оҳиста жавоб қайтарди Настарин , - ўша кунни воқеадан кейин олдингизда ҳижолатдаман.

Мен тугайли Райҳона опам шу аҳволга тушиб қолдилар. Бу ерда ортиқ ишлай олмайман.

Али ҳорғин қад ростлади :

- Настарин...- деди у дона- дона қилиб,- агар ўша кунги воқеа ҳақиқатдан ҳам ҳозир сиз айтгандек бўлганда эди, сизни бу ерда бир дақиқа ҳам ушлаб ўтирмаган бўлар эдим. Аммо

бундай эмаслигини иккимиз ҳам яхши биламиз. Шундай экан , бўлмаган воқеа учун ишдан бўшашингизга ҳожат йўқ. Иш жойингизга боринг ва берилган топшириқларни бажаринг . Ҳа - я мана бу аризангизни ҳам ола кетинг.

Настарин юзидаги айбдорлик кўринишини сақлаган ҳолда ортиқча қаршиликларсиз "хўп" деганича аризасини олиб хонани тарк этар экан , эшик ёнига етганда хўрсинди :

- Яхшиям дунёда сиздакалар бор... Раҳмат...

Настарин қабулхонадаги иш столига борар экан, чўнтагидаги қўл телефони майин овоз чиқариб жиринглади.

У телефонига қарамасдан қўнғироқ қилувчининг кимлигини тахмин қилди . Настарин телефонини қўлига олар экан , тахмини ҳақиқатда тўғри чиққанини кўриб ижирғанди.

Настаринни йўқлаётган Сарвар эди.

Настарин ҳозир жавоб бермаса Сарвар кун бўйи тинч қўймаслигини билиб ноилож тармоққа уланди :

- Алло эштаман .

- Сени ўлдираман. Қараб тур ! Нега телефон қилганда дарров кўтармайсан ?!

Настарин Сарварнинг важоати яхши эмаслигини пайқаб дарров тилёғламалик қилишга тушди:

- Сарвар ака . Ишдаман. Биласиз- ку иш вақтида тез жавоб бера олмайман.

- Алдагани бола яхши ! Хўп бугун ишдадирсан ? Аммо кеча нима учун кўтармадинг ?! Кун бўйи лоақал бир марта жавоб қайтармадинг ?! Фақат якшанбада ҳам "ишда эдим" деб қулоғимга лағмон осмагин?! Майлими ? Ишонарли баҳона топ. Бўлмаса мени биласан- а ?! Ўзимга жавоб бермайман...

- Кеча телефоним овозсиз режимда қолиб кетган экан. Шунга чақирганизни билмабман. Хабарим бўлмабди. Хабарим бўлганда эса вақт ярим кечадан ошганди.

- Нима ?! Вақт ярим кечадан ошганди ?! Шу гапларни сен айтяпсанми ? Соат неччи бўлишидан қатъий назар вақтга қараб ўтирмай "Соғиниб кетдим" деб ҳоли жонимга қўймайдиган сенмасмидинг ?

- Уффф, Сарвар ака! Кейин гаплашайлиик , ҳозир ишдаман! Ишларим кўўўп!

- Яхши кечга ҳар доимги жойимизда кутаман. Агар яна қилиқ қилсанг ўзингдан кўр! Билиб қўй мен билан хазиллашишни оқибати ёмон бўлади , тушундинг-а ?

*Настарин Сарварнинг таҳдидли саволига "ҳа , тушундим"
деб жавоб қайтарган бўлса- да , аммо алоқа узилгач ўйланиб
қолди:*

- Уфф, бу балодан қандай қутилдим энди ?!

*Райҳона комага тушиб қолгач Настариннинг режалари
бутунлай ўзгариб кетган эди. У энди ҳақиқатдан ҳам Алини
бошини айлантириб , унга турмушга чиқишни истаб қолган
эди. Бу йўлда қизга ҳалақит бериши мумкин бўлган бирдан-
бир одам унинг ҳозирда кўнгли бутунлай*

@Xazon_Rezgi /122

#ҚАСД

совиб кетган йигити Сарвар эди.

*Аслида Настарин учун бойвачча отанинг ёлғиз арзанда,
тантиқ ўғли бўлмиш Сарварни бошини айлантириб ўзига
шайдо қилишнинг ўзи бўлмаган эди.*

*Бироқ ҳозирда Настариннинг режасидан ташқари
Райҳонанинг кома ҳолатига тушиб қолиши ва унинг ўзига
келишидан кўра келмаслиги аниқроқ эканлигини эшитган
қиз зумда Сарвардан қутилишга қарор қилган эди. Тўғри-да ,
уммонга эгалик қилиш ҳуқуқи нақд бўлиб турганда , қайси
ахмоқ ариқнинг даъвосини қилади. Худди шу каби уч , тўртта
катта супермаркети бор бойваччанинг арзандаси қаерда-ю,
қўл остида бир неча ўн минглаб одам ишлайдиган "Илмга
сармоя"корхонасининг раҳбари қаерда? Боз устига ўша*

раҳбар ёш, иқтидорли ва айниқса кўркам йигит бўлса ...

Настарин шуларни ўйлаб бурнини қийшайтириб қўйди :

- Менга ҳаёт аталмиш ўйинни ўйнаш Али ака билан қизиқроқ ...

** * **

Таътил вақти бўлганлиги учун мана уч хафтадир-ки, Марямхон Райҳонанинг ёнида. У хатто беморнинг эри Али билан танишиб олди. Гарчи қизлик ҳаёси Алидан кўп нарсаларни сўрашга изн бермаса-да , у энг асосий саволга жавоб ола билганди.

Райҳона ва Али бир-бирлари учун яралганлар !

Бир - бирларини ўз жонларидан кечишга тайёр қадар севадилар !

Бир-бирлари учун ҳаётнинг мазмунилар....

Али еттинчи палатага кунига икки бор ташриф буюради. Биринчи бор тонгда , ишга кетишдан аввал . Иккинчи бор эса ишдан қайтишда ...

Гарчи кўпчилик ходимлар, "Йўқ, Марямхон, сенга шундай туюляпти" деб қатъий эътироз билдирса-да, қиз ўзича ҳақ. У Райҳона Алининг интизор бўлиб кутишини қалбан ҳис қилади. Алининг оёқ қадамлари узун даҳлиз бўйлаб қўйила бошлаган вақтданоқ Райҳонанинг кўзларида нур жилвалана бошлайди. Шундай пайтда Марямхон Райҳонанинг бошига энгашиб шивирлайди:

- Опажон ... Акам сизга интизор бўлиб келяптилар... Менга энди руҳсат...

Ташқарига йўл олган Марямхон кўпинча Али билан остонада тўқнаш келиб қолади :

- Ассалому алайкум ... - Марямхон салом бера туриб Райҳона ётган тарафга ишора қилиб жилмаяди , - биз сизни кутяпмиз ...

Али бугун ҳам ҳар сафаргидек эрталабки олти- ю ноль - нолда касалхонага ташриф буюрди. Марямхон палатада экан.

Икковлари сўрашиб бўлгач, Марямхон ташқарига чиқиб кетди.

Али Райҳонанинг ёнида ярим соатдан ортиқ бўлиб , сўнг ташқарига чиққанида ўзини кутиб турган қизни кўриб ҳайрон бўлди :

-Али ака , сизни бир минутга мумкинми ? - сўради Марямхон Алига яқинлашиб , - сиздан битта нарсага руҳсат сўрамоқчи эдим...

Али қошларини кериб қизга савол назари билан боқди:

- Эшитаман... Қулоғим сизда...

**- Нима десам экан? - сўз топа олмай тараддудланди
Марямхон,- шу десангиз ...**

- Тортинмай гапираверинг , - қизга далда берди Али

**- Мана Райҳона опам касалхонага келганларига ҳам бир
ярим ойча бўлди.. Жароҳатлари ҳам анча битиб қолди.
Шифокорлар ҳозирча бошлари билан олган жароҳатга тиғ
теккизмасликка , авария вақтида ҳосил бўлган ички
гематома ўзи сўрилиб кетишига умид қилишмоқда.**

**Биласиз , мен кўп вақтимни Райҳона опамнинг ёнларида
ўтказмоқдаман. Улар ҳудди эртақлардаги таърифланган
уйқудаги маликага ўхшайдилар. Сиздан бир нарсани илтимос
қилмоқчиман. Биласиз уларнинг сочлари жуда қалин ва узун.
Ётган жойларида сочлари орасида ҳам ҳаво айланса
дегандим. Шунга уни биров калталатишга руҳсат берсангиз .
Ўзларини анча енгил ҳис қилармидилар дейман-да ... -
Марямхон шундай деб умид билан жилмайди , - опажоним
ўзларига келиб оёққа туриб кетганларидан сўнг яна ўстириб
олаверардик.**

Али кўп ўйланмади :

- Агар шундай қилиш мумкин бўлса , бемалол . Сиз нима десангиз шу . Аммо бу ишни ким бажаради?

- Менинг бир сартарош дугонам бор. Гаплашиб кўриб , кейин сизга жавобини айтаман, -деди Марямхон кўзлари чақнаб .

Али "майли" дея у билан қайта хайрлашди.

Кечга томон Райҳонанинг палатасига қадам босган Али аёлига яқинлашар экан , ҳайратдан қотиб қолди .

Райҳонанинг узун бўлиб тақимини ўпиб турадиган қоп-қора сочлари елкасига қадар калталаб кесиб ташланган эди.

Марямхон Райҳонани бироз пардоз ҳам қилиб қўйибди.

@Xazon_Rezgi /123

#ҚАСД

Марямхон Райҳонани бироз пардоз ҳам қилиб қўйибди.

Райҳонани елкалари узра шаршарадек ёйилган жингалаклашиб кетган сочлари ва қилинган пардози шу даражада гўзаллаштириб юборган эди-ки, Али унга боқиб ҳатто ўзининг ортидан палатага кирган Марямхонни ҳам

сезмай қолди .

- Биз опам билан сизнинг ишдан келишингизни байрам қилиб кутиб олишга келишиб олдик . Қалай , чиройли бўлибмизми ?

Али Марямхонга ўгирилди :

- Ҳой қиз ! Мени туни билан касалхонада ўтириб чиқишимни хоҳлаяпсизми ? Уйга қандай кетаман энди ? Кетсам ҳам туни билан рашк қилиб ухلامасдан чиқсам керак .

Марямхон кулимсиради:

- Хавотир олманг, ака . Бугун ўзим шу ерда навбатчилик қиламан. Ҳозир ўқишдан таътилдаман- ку, шунга вақтим бемалол . Ҳозир эса сизларни ёлғиз қолдираман. Опамнинг сизга айтадиган сўзлари йиғилиб қолган , - Марямхон шундай деб Райҳонага гап ташлади , - тўғрими , опажон ?!

Марямхон чиқиб кетгач Али Райҳонанинг ёнига яқинлашиб стулга чўкди . Унинг чап қўлини кафтлари орасига олди :

- Жаннат гулим... - деди Али овози товланиб,- шунчалик хушрўй бўлиб кетибсан - киии... Сени ҳатто сенга боққан кўзларимдан ҳам қизганиб кетяпман...

*Палатанинг қия очик эшиги ёнида турган Марямхон
Алининг бу сўзларини тинглаб кўзлари ёшланди ... Томоғига
тиқилган ҳавони қилт этиб ютди- ю , аста у ердан узоқлашди...*

*Сешанба куни Марямхон дадасидан Райҳонага қайта
текширув тайинланганини эшитиб:*

*- Мен текширувда ҳам қатнашай?! Жон дадажон , сизларга
ҳалақит бермайман?! - дея ялиниб - ёлвориб туриб олди ва бу
сафар ҳам отасига сўзини ўтказди.*

*Али Райҳонанинг қайта тиббий текширувдан ўтказилиши
ҳақида хабарни эрталаб эшитган эди. Марямхон эса уни
хотиржам қилиб "Ака, текширув натижаси ҳақида биринчи
бўлиб ўзим сизга хабар бераман" дея уни хотиржам қилиб
ишга кузатиб қўйган эди*

*Кундузги соат ўн иккиларда Алининг қўл телефони
жиринглади..*

*Али телефон экранига қараб чақирувчи "Марямхон"
эканини билиб ҳаяжонланиб кетди.*

*- Алло , Марямхон , эшитаман, - деди Али мумкин қадар
ўзини босишга ҳаракат қилиб*

*- Акааа... - Марямхоннинг овози йиғламсираганга ўхшаб
эшитилди ...*

- Нима бўлди , Марямхон ?! Тинчликми ?! - Алининг юраги ҳовлиқиб кетди,- гапиринг...

- Акаааа , сизни кўрмасам бўлмайди , илтимос ... Мен касалхонадан ташқарига чиқиб сизни кутиб тураман... Сизга кечиктириб бўлмайдиган муҳим гапим бор...- деди Марямхон қисқа- қисқа нафас олиб муддаосини аранг тушунтирар экан...

- Синглим , илтимос , юрагимни ёрманг ... - Алининг ҳам сўзлари ғўлдираб чиқа бошлади.

- Ака, бу телефонда айтиладиган гап эмаас...

42-ҚИСМ

Али касалхонанинг дарвозаси ёнига қандай етиб борганини ўзи билмай қолди. У ерда ҳақиқатдан ҳам Марямхон сумкачасини ғижимлаб ушлаб турганча йўл пойлаб турарди .

Али қизга яқинлашиб сигнал чалди.

Марямхон уни кўриши билан илдамлаб келиб машинанинг орқа ўриндиғига ортиқча мулозаматларсиз чиқиб ўтирди ва машинанинг орқани кўрсатадиган ойнаси орқали ўзига ҳайрон қараб турган Алига :

- Кетдик, - деди ва бироз тин олиб қўшимча қилди, -ака илтимос , мени бирор тинчроқ жойга олиб борсангиз. Ҳаммасини ўша ерда бафуржа тушунтириб бераман.

Али узоқ юрмади, сабаби Марямхоннинг ўзига нималар демоқчи бўлаётганлигини билиш истаги унда жуда кучли эди.

Али машинасини йўл ёқасидаги "Бир зумда" кафеси ёнига тўхтатди. Тушлик вақти бўлишига қарамай кафе нима учундир одамлар билан тирбанд эмасди.

- Иккита шарбат , - деди Али йўлда учраган официант йигитга. Ўзи эса Марямхонни ойна олдидаги салқин жойга етаклади.

- Али акааа , - деди Марямхон ўзига кўрсатилган ерга жойлашиб олгач , - сизни ҳам қийнаб юбордим- а ? Мен сизга бор гапни айтишдан аввал бир , иккита саволимга жавоб берсангиз .

- Майли. Хўп ... Аввал айтинг-чи , Райҳонанинг ҳаётига ҳеч нарса даҳл қилмаяптими ? Текширув натижасини назарда тутаяпман, - деди Али ўзини босишга ҳаракат интилиб.

- Бундан сира ҳавотир олманг, ака... Опамнинг ҳолатлари яхши, хатто жуда яхши десак ҳам бўлади. Жароҳат олган тўқималарнинг барчаси тикланиш босқичида, - Марямхон шундай деб Алига илтижоли боқди , - энди саволларимга жавоб берасизми ?

- Хўп , қани беринг- чи саволларингизни ? - деди Али Марямхоннинг сўзларидан кўнгли хотиржам тортиб.

- Айтингчи , Райҳона опам фалокатга учрашларидан аввал қандай кайфиятда эдилар ? Инжиқ ё қувноқ ?

Али хўрсинди.

- Ўша кунлари Райҳона қандайдир хомуш тортиб қолган эди. Тез - тез асаби бузилар , сал нарсага жириллаб кетар , кўпинча уйдаги иш кабинетига кириб ёлғиз ўзи шеър тинглаб ўтиришни яхши кўрар эди. "Иштаҳам йўқ" деб кўпинча овқат ҳам емасди, - Али ўзини берилиб тинглаётган Марямхонга тушунча берган бўлди , - бундан уч ой аввал Райҳона акасидан жудо бўлган эди. Гарчи ўгай бўлса-да , у акасига қаттиқ куйганди.

- Ҳммм , - деди ўйчанлик билан Марямхон, - шундай деб ўйлайсизми ?

Марямхон Алига жиддий тикилди. Али унинг нигоҳларига дош бера олмай кўзларини олиб қочди.

- Тўғриси айтсам, Райҳона охириги кунларда ... мени ишхонамдаги котибамдан қаттиқ рашк қила бошлаган эди. У сездирмасликка ҳаракат қилар эди- ю ... - Али шундай деб Марямхонга дардли тикилди , - ишонинг менинг бошқача ниятим бўлмаган. Мен Райҳонага умуман ҳиёнат қилмаганман. Бу фикр ҳатто хаёлимда ҳам бўлмаган.

- Биламан, Али ака , биламан,- деди Марямхон,- Сизнинг қанақа инсон эканлигингиз ҳақида аллақачон бир тўхтамга келиб бўлганман...

- Унда бу савол - жавоблар нима учун?! Мақсад нима? Яна мени ҳавотирга солиб бу ерга чақирганингиз - га...

Акаа ... - деди Марямхон хўрсиниб , - мен сизни ака деганимга қаршимасмисиз ?

Қизнинг саволидан Али шошилиб қолди :

- Йўғеей нега ? Мен ҳам сизни ўз синглимдек кўраман.

- Очиғини айтсам Райҳона опамларга меҳрим тушиб қолди. Нима учундир уларни ўзимга ўхшатаман. Мен ҳам улар каби ёлғиз қизман. Мен ҳам улар каби гўдак чоғимда онасиз қолганман. Мен ҳам улар каби нафис санъатга қизиқаман... Хуллас ўхшаш томонларимиз кўп.

Шу сабаб уларни худди опамдек кўрдим. Сизни эса салгина кечроқ танидим . Аслида сизни почча десам ҳам бўлар эди- ю , ҳай майли , тилга осон деб ака деб қўяқолдим. Энди ака, - Марямхон қаддини ростлади ,- навбат сиз кутган асосий гапга !

#ҚАСД

Юқорида сиз Райҳона опамларни автоҳалокатга учрашдан олдин инжиқ бўлиб қолганларини айтдингиз- а ? Аслида бу сиз келтирган сабаблар туфайли бўлмаган. Балки қайсидир маънода бўлгандир ҳам . Аммо энг асосий сабаб - Райҳона опам ўша вақтда.. иккинчи бор ҳомиладор бўлганликларида эди.

Ҳа, ака!

Нотўғри эшитмадингиз !

Опам ҳалокатга учраган вақтда юраклари остида тахминан икки ё уч хафталик ҳомила ривожланаётган бўлган. Бугунги текширув уларда саккиз - тўққиз хафталик ҳомила мавжудлигини тасдиқлади.

Марямхон охириги сўзларни тантановар эълон қилар экан ўз сўзларига шодон овоз билан қўшиб қилди :

- Суюнчи сиздан, акажон . Қарздорсиз !

Али ҳозиргина эшитган хабаридан талмовсираб қолди .

У Марямхонга кўзларини катта - катта очганча тикилиб :

- Бу ахир қанақасига ... Бу ахир... - дея сўзларида узук - юлуқ тутилиб гапира бошлади,- ахир Райҳона фалокатга учраганда ўша гўдак, яъни ҳомила қандай қилиб омон қолган бўлиши мумкин ?! Машина бир неча метр баландликдан қулаган бўлса ... Шунча зарбдан Райҳонанинг бир неча суяклари синганган- у ...

- Акааа ...- жилмайиб унинг сўзларини бўлди Марямхон, - аввало бу Аллоҳнинг иродаси . Аллоҳнинг мўъжизаси . Ҳомила қандай омон қолганини Аллоҳ билади , биз эмас ... Қолаверса ўша вақтда ҳомила жудаям кичик ўлчамда бўлган. Шунинг учун опам шифохонага келтирилиб илк бор текширилганларида ҳатто аппаратлар ҳам кўрсатиб бера олмаган.

Айтиш мумкин-ки , у ҳозир ҳам жуда кичкина ҳажмда . Нима десам экан ?

Ҳа!

У тахминан гуруч донасидек катталиқда.

Бу сўзларимдан сиз бироз бўлсада тушунтириш ола билдингизми ?

Али "Ҳаа" дея бош силкиди , бироқ ўзини навбатдаги ташвишлантираётган саволдан тия олмади.

- Райҳона бу аҳволда бўлса , энди ҳомилага нима бўлади ?

- Ака, ҳозир бир мўъжизага гувоҳ бўлдик . Насиб қилса навбатдаги мўъжизаларни ҳам қабул қилиб олаверамиз. Фақат бунга қаттиқ ишонсак бўлгани . Карами кенг Аллоҳ қудратининг чеки - чегараси йўқ . Насиб қилса барчаси яхши бўлади. Боя опамни текширган шифокорлар ҳам анча жонланиб қолишди. Ҳомиланинг борлиги улар учун опамнинг ўзига келишидан дарак, умид , хушxabар бўлиб туюлди. Организмда янги ҳаётнинг ривожланиши ҳақиқатдан ҳам хушxabар-да ахир !

Марямхоннинг сўзлариги тинглаган сари Алининг юзларига қувонч ёйила бошлади:

- Марямхон... Бир гап айтайми ?! Энди сиз билан қиёматли ака - сингилмиз. Сизнинг гапларингиз менга шунчалик куч бермоқда-кии , буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ҳозир юрагим таърифлаб бўлмайдиган аллақандай ҳисларга лиммо- лим тўлиб кетмоқда. Қаранг , бир кунда иккита хушxabар эшитдим . Биринчиси менинг яна бир бор ота бўлишим ҳақидаги хабар. Иккинчиси Райҳонанинг тузалиб кетишига умид хабари ...

Мен ҳозир шундай ҳолатдаман- ки , сизга қараб туриб "Тиланг тилагингизни!" дегим келяпти.

Марямхон Алига кулимсираганча тикилиб қолди :

- Шунақа деяқолинг. Сиздан тилайдиган битта тилагим бор эди...

** * **

Райҳона ўзи қўним топган масканда оёқлари ерга тегмай учиб- қўниб юрибди. Шу топда отаси ва онасини жуда кўргиси келди. Улар ҳақида ўйлаши билан ҳар иккаласи ёнида пайдо бўлишганини кўриб ажабланмади. Зеро кейинги вақтда унда ажабланиш деган туйғу аста-секин йўқолиб бораётган эди.

- Адажооон , аяжооон... - деди Райҳона уларга талпиниб , - сизларга айтадиган муҳим хабарим бор ...

Улар жилмайишди. Бу жилмайиш ортида "Биз ҳаммасидан хабардормиз" деган маъно ётар эди.

Райҳона уларга бу хабарни ўз оғзидан илингиси келди :

- Мен яна бир бор она бўламаан..

У шундай деди -ю , бирдан бўшашди :

- Бу гўдакни соғ- саломат дунёга келтира олармиканман...

Шунда онаси унга яқинлашди :

- Гўдак аллақачон сенинг раҳмингда. Сен аллақачон унга она бўлиб тайин қилиб бўлдинг...

- Аммо уни ...

Онаси Райҳонага "жим" дея ишора қилди ва қўли билан тўғрини кўрсатди. У ерда сочлари укпардек товланган ширинтой ўтлоқда қийқирганча капалак қувлаб югуриб юрар эди.

- Қизиқ у қизмикан ёки ўғил болами?

@Xazon_Rezgi / 126

#ҚАСД

Райҳона шундай деб ота- онаси тарафга юзланди. Аммо улар ҳозиргина турган жойларида йўқ эдилар ...

** * **

Кун пешиндан оққан вақтда дарвоза қўнғироғининг жиринглашидан ҳайрон бўлган Иноят хола ҳозиргина чўмилтириб чиққан Иймонага "Жойингда қимирламай ўтириб тур" деди- ю , ўзи эшикка йўл олди.

У Алининг "Ойи , менман" деган овозидан ажабланганча эшикни очганда унинг ёнида турган Марямхонни кўриб суюниб кетди:

- Ассалому алайкум , холажон, - деди Марямхон уни қучиб олар экан, - сизни бир йўқлаб келай дедим .

Иноят хола Марямхон билан анча синашта бўлиб қолган эди. Ҳозир қизнинг кайфияти яхшилигини кўриб унинг саломига хотиржам алик олар экан:

- Зап иш қилибсан-да , қизим. Қани келақол, қадамларингга ҳасанот , - деди ва уй томонга йўл бошлади.

- Ойи , - деди Али Иноят хола дастурхонга фотиҳа ўқигач, - Марямхон ҳозиргина менга хушxabар олиб келди. Уни эшита солиб бу ёққа югурдим. Ундан кейин Марямхон ҳам мендан бир тилак сўраганиди. Шунга ...

Али Иймонани қучиб ўтирган Марямхонга имо қилди:

- Ўзингиз айтинг ..

Холажон , - деди Марямхон жилмайиб, Иймонанинг жингалак сочларини тутамлаб ўйнаганча , - Иймона қизимиз ҳадемай опача бўлади.

Иноят хола ҳам эшитган хабаридан Али сингари қалқиб кетди :

- Мен тўғри эшитдимми ? - деди у ютинганча , - ахир бу

қанақасига ?!

Марямхон холага барчасини бир бошдан тушунтириб берди

Иноят хола қизни тинглар экан , ҳар икки гапнинг бирида "Ё , Аллоҳ , Ё Қодир Эгам , ўзингга беҳисоб ҳамдлар бўлсин" дея қўшимча қилиб турар эди.

Бир вақт Иймона :

- Марямхон хола, Аяжонимни жудаям соғиниб кетдим. Менга "Агар яхши қиз бўлсанг аянг келади" дейишган эди. Мен роса кўп яхши қиз бўлдим. Бувижонимга ёрдам беряпман, чангларни артяпман, идишларни топ- тоза қилиб ювишни ўргандим. Адажоним ишдан келсалар кўп савол бермайман. Уларни бошларини , қўлларини босиб қўяяпман. Айтинг , аяжоним қачон уйғонадилар ? - дея сўраб ўтирганларни юрагини эзиб юборди.

Марямхон уни бағрига қаттиқроқ босди ва :

- Асалим , бувижонинг сенга шунча нарсаларни ўргатдиларми ? Аяжонинг бу ҳақда эшитсалар роса хурсанд бўлиб кетардилар. Уларга нималарни ўрганганингни айтиб беришни ҳоҳлайсанми ? - деб сўради

Иймона "ҳа" дея бош силкиди.

- Агар адажонинг рухсат берсалар , сени ўзим билан олиб

кетаман , хўпми ? Сен ҳамма гапни аяжонингга гапириб берасан майлими ? Фақат йиғлаш йўқ! Келишдик- а ?! - Марямхон Алига юзланди , - уни ишдан қайтишингизда олиб келардингиз. Руҳсатми , ака ?

Али "хўп" дея бош силкиб розилик билдирди .

- Ойи , - деди Али Марямхоннинг тилаги ёдига тушиб , - Марямхон ... Райҳонанинг иш кабинети билан танишмоқчи эди. Бу унга тадқиқотлари учун керак экан.

- Тадқиқоти учун ?! Майли болам , майли. Бемалол . Сиз уларни олиб кираверинг , мен шундоқ қозонга қараб юборай.

- Холажон , ҳеч нарсага уринманг , биз кўп ўтмай кетишимиз керак. Али акамниям ишдан қўйдим.

- Ундай дема , қизим чучвара тайёр . Шундоқ қайнатиб олсам бўлди.

- Опам қайтганларида бир йўла катта зиёфат қилиб қўлингиздан ош еймиз , холажон.

- Ин шаа Аллоҳ қизим. Аллоҳ юзимизни ёруғ қилсин , илойим. Райҳона қизим ҳам бағримизга эсон - омон қайтсин , - Иноят хола дуога қўл очди.

Марямхон Али ва Иймона етовида Райҳонанинг иш кабинетига кирганда унинг юксак дидига қойил қолди.

Иймона хонага киргач Марямхоннинг қўлини қўйиб юборди . У кабинетда ўзи учун жиҳозланган мўъжазгина столга бориб ўтирди ва табиат манзараси тасвирланган мозаикани йиға бошлади.

Хонанинг кираверишдаги ўнг тараф деворига Райҳона ўзи ишлаган суратларни илган , бурчақда эса қўл меҳнати билан ясалган бири- бирдан бетакрор турли ижод намуналари жойлаштириб қўйилган эди.

Дераза тоқчаларида беш хилдан ортиқ рангдаги ёронгуллар барқ уриб очилиб ётар эди.

Корхона маҳсулотларига ясалган логотиплар , ёрлиқларнинг хомаки чизмалари тўртта қалин файлни тўлдирган бўлиб , улар иш столининг ён тарафидаги жавондан жой олган экан.

@Xazon_Rezgi / 127

#ҚАСД

Марямхоннинг диққатини иш столи бурчагида турган мўъжазгина плейер тортди.

- Ака , тинглаб кўрсам мумкинми ? - деди у плейерни қўлига олиб , опам қандай аудиоларни эшитишга қизиққанлар ?!

- Райҳона шеърлар тинглашга қизиқарди, - деди Али хўрсиниб , - марҳамат, бемалол тинглаб кўраверинг.

Марямхон плейерни қўлига олиб креслога бориб ўтирди. У плейни ишлаш режимига созлади. Кўп ўтмай хонага дардли овозда ўқилган кўнгил мисралари таралди :

*Жоним оташларда кетди қоврилиб,
Бир оғиз ширин сўз юракка мадор
Ғунча гул очмасдан умрим соврилиб,
Кетмасин ...*

Кераксан деб алда бир бор

*Умидим чирпирак, осмонда тўзон,
Шабнаммисол изсиз кетади такрор
Наҳот "Ёлғон дунё" шунчалар ёлғон,
Сен ҳам ёлғон сўзла...
Алдайқол бир бор...*

*Қўшиқлар куйлагин,
Сен учун деб айт...*

Сочинг сунбул дегин, кўзларинг ҳумор,

*Маҳзун дил алданиш ҳоҳлагани пайт,
Яғонам ўзингсан деб алда бир бор...*

*Сендан кечай дедим , кеча олмадим,
Шунча зорлар туриб , кўнглим сенга зор...
Бу не синоат ?!Ҳеч еча олмадим...
Сен учун яшайман ...
Деб алда бир бор ...*

*Талабим шунчалар оғир биламан,
Истагим шунчалар экан-а беор...
Сенинг алдовингдан тирик қоламан ,
Яшасам майлими ?!
Алдагин бир бор ...*

*- Яшасам майлими ? Алдагин бир бор , - такрорлади
Марямхон, - Али ака , ана шу плейерни маълум муддатга
менга бериб тура оласизми ? Опам иккимиз кечалари тинглаб
турар эдик...*

*- Райҳона тинглайдиган шеърлар бунчалик ғамгин
эканлигини у ёнимда йўқ вақтида ҳис қилдим , - хўрсинди Али ,
- майли олақолинг ...*

- Раҳмат,- миннатдорчилик билдирди Марямхон, -Али ака , энди йўлга тушсак ҳам бўлар , - сўнг Иймонага яқинлашди , - оппоғим кетамизми ?!...

* * *

- Ака , - деди Марямхон таниш палатага яқинлашганда , - менимча сизларни бироз ҳоли қолдириш ақлли одамларнинг иши бўлса керак. Биз эса Иймона билан яхши қиз бўлиб , музқаймоққа бориб келамиз. Кейин эса ойижонимизга музқаймоқ еб , ўша музқаймоққа ўхшаб шириин қизча бўлганимизни айтамиз - а , Иймона ?

Иймона ҳеч нарсага тушунмаса ҳам жовдираганча "ҳа" деганича бошини силкиди.

Марямхон Иймонани тўрдаги эшиқдан ташқарига олиб чиқиб кетди.

Али енгил қадамлар билан палатага қадам босди. У ҳар кунги жойига ўтирар экан, Райҳонанинг чап қўлини кафтлари орасига олиб лабларига босди.

- Жаннат гулим ...

Алининг кўзлариларидан икки томчи ёш мавжланганча ажралди, бир муддат киприкларига туриб қолди , сўнгра бирин- кетин Райҳонанинг кафтларига томди.

- Мен яна ҳақ бўлиб чиқдим- а ... Райҳон... Нима деган эдим сенга ? "Райҳон ўзи эзилиб адо бўлса-да хуш ифор таратишда давом этади" деганим ёдингдами ? Сен шу ҳолатингда ҳам ҳаётимга чечак қадаяпсан, гул ундираяпсан...

Мен яна ота бўлар эканман-а ?

Ягонам ... Марямхоннинг тахмин қилишича сўнги кўришган вақтимизда ўзинг ҳам юрагинг остида фарзандимизни олиб юра бошлаганингни билмаган эмишсан. Балки у ҳақда сен ҳам менга ўхшаб бугун хабар топгандирсан ?! Билмадим... Билганим шу-кии , мен сени жуда - жуда яхши кўраман . Бир гап айтаман . Эшитасанми ? Ҳа дедингми ? Эшит унда :

- Агар қайта уйғонмасанг, ўлганим ўша ...

Али гапира олмай қолди. У бир муддат тин олди . Сўнг сўзида давом этди :

@Xazon_Rezgi / 128

#ҚАСД

Мен боя бир шеър эшитгандим. Ҳа сенинг плейерингда. Унда "Яшасам майлими ?!

Алдагин бир бор ..." деган мисралар бор эди.

Бу мисралар мени жуда қаттиқ таъсирлантирди.

Сочлари сумбулим, кўзи хуморим,

Ягонам ўзингсан, сен йўғ- у , борим,

**Мен учун яралган танҳо дилдорим,
Сен учун яшайман, сени деб ёрим...**

**Ягонам... Илтимос ... Тезроқ кўзингни очгин . Бўлмаса
уйғонганингда қаршингда корхонани туппа- туззук
директорини эмас , балки ишқингда девона телба бир
шоирни кўрасан.**

Али юзини Райҳонанинг кафтига босди...

*** * ***

**- Али Азмиддинович , чин , чин, чин қалбимдан
табриклайман,- деди Зиёда ундан хушxabарни эшитиб , -
илойим шу баҳона бўлиб Райҳонамиз ўзига келсин.**

**Дугошимнинг вужудида униб- ўсаётган янги ҳаёт
Райҳонанинг ўзини ҳам ёруғликка олиб чиқсин .**

**Фақат сиздан бир илтимос , мени ҳам бир сафар ўзингиз
билан унинг ҳузурига олиб киринг. Ўзим икки марта бордим,
аммо ... - Зиёда ўпкаси тўлиб ерга қаради, - аммо киришимга
руҳсат беришмади. Яхшиям бахтимга Иймона бор экан, уни
бағримга босиб дугонамни кўргандек овунаяпман...**

Алининг Зиёдага қараб туриб раҳми келди :

**- Зиёда , сизга бир сирни айтаман, фақат орамизда қолсин.
Эртага Райҳона ётган бўлимда Раҳима опа номли аёл
навбатчиликда турадилар. Улар махалламизда яшайдилар,**

Ўзаро салом - алигимиз бор. Ҳар уч кунда навбат алишадилар . Касалхонага "сокин соат" тугалланадиган вақтдан сал аввал бориб "Али ака юборгандилар" десангиз сизни секин ўтказиб юборадилар .

- Вой Али ака , катта раҳмат - деди Зиёда қувончдан энтикиб , - эртагаёқ борганим бўлсин.

Али билан Зиёданинг гапларини пойлаб турган Настариннинг кўзларида қув табассум жилваланди :

- Демак , Раҳима опа... Эртага навбатчи ... Келаси навбатчилиги уч кундан кейин... - у шундай дея ўйланди- ю лабларидан кўнглидаги сўзлар учди , - сизга Али акамдан катта салом , Раҳима опа ...

43-ҚИСМ

- Опажооон , мен келдим ...

Чароғбонингиз Иймонахон билан уйга кетдилар...

Энди иккаламиз мусиқа тинглаймиз . Бугун анча таассуротларга тўла кун бўлди- а ? Қайси мусиқани қўйиб берай ?

Шеър сўраманг ... - Марямхон лабларини чуччайтирди , - барчаси дардли шеърлар экан. Бирам юрагимни эзиб юборди.

Ҳозир сизга Бетховеннинг "Ой сонатаси"ни қўйиб бераман...

Хонага сокин тарона таралди.

Райҳона Марямхонга жуда ўрганиб қолганди. Мана ҳозир ҳам унинг барча сўзларини эшитиб ётибди. Фақат жавоб қайтара олмайди. Энг қизиғи у Марямхоннинг ҳам ўзини сўзсиз тушунаётганини билади.

Марямхон ҳатто Иймонанинг туғилган куни эканлигини ҳам сезганди. Ўша куни тонг сахардан палатага кирган Марямхон Райҳонага бир зум боқди-ю, тезда ҳаммасини тушунди. Райҳона унга "Бугун ажиб кун, бугун қизалоғимнинг туғилган куни" деди кўзлари билан.

Марямхон Райҳонанинг нимадир демоқчилигини қалбан ҳис қилди , аммо айнан нима учун ҳурсанд бўлаётганлигига тушунмади . У дарҳол Алига қўнғироқ қилди.

- Алло ака, Ассалому алайкум. Безовта қилмадимми?- деди Марямхон ва Али саломга алик олиб "Йўқ, безовта бўлганим йўқ" дея жавоб қайтарганидан сўнг , кўнглидаги тўкиб-солди ,- ака , бугун опам қандайдир бошқачалар- а ?

- Тушунмадим , Марямхон. Райҳона қанақасига бошқача бўлиши мумкин?

Али ҳақиқатдан ҳам Марямхоннинг сўзларига тушунмаган эди.

- Ўзим ҳам ҳайронман. Бугун палатага кирсам опамнинг юзларидан нур таралиб ётибди. Шунга ...

- Билмадим ... Билмадим... Бугун ... - бирдан Алининг ҳовлиққан овози эшитилди , -э айтганча бугун Иймона беш ёшга тўлади. Бугун қизимизнинг туғилган куни ...

- Айтим- а ўзим ҳам , - шодон овозда Марямхон, - бу ерда бир гап борлигини сезгандим . Ака , демак опам иккимиз сизларни кечга томон кутамиз , бўптими !

Марямхон Али билан хайрлашгач , Райҳонанинг бошига эгилди , - ўх-хў , опажон, бугун ишимиз кўп экан. Сизни кечга ясантириб шундоқ чиройли қўғирчоқ қилиб қўяй-ки , акам ҳам сизни кўриб "Вооох !" деворсинлар ...

Райҳона унга "раҳмат" деди . Марямхон буни "эшитди" ва қошини қоқиб қўйди :

- Арзийсиз , опажоним , арзийсиз...

Райҳона бахтдан яна уча бошлади. У ҳар доимги жойда ота-онасидан суюнчи олишга интилар эди.

- Аяжоооон , Аяжоооон , - деди Райҳона оппоқ ҳаррир либоси денгиз каби мавжланаётган онасининг истиқболига пешвоз чиқиб , - инсонлар бунчалар яхши аяжон !

Айтинг-чи , Марямхон инсонми ёки фаришта ?

Онанинг жавоби қисқа бўлди :

- У мукофот ! Аллоҳнинг мукофоти!

- Мукофот ? Қанақасига ?

Онаси жилмайди:

**- Баъзи инсонлар баъзилари учун мукофот бўладилар .
Марямхон сенинг ва Алининг қилган яхши амалларингиз ,
эзгу ишларингиз , пок кўнглингиз учун мукофот тарзида
ҳаётингизда пайдо бўлди. Бу қиз сиз учун иккинги
кутганингиздан ҳам кўра кўпроқ яхшилик қилади.**

Райҳона онасига ҳайрон қаради :

- Қанақасига ?

- Вақти келиб билиб оласан , қизим...

**- Аяжоон, Марямхон бизнинг ҳаётимизда қоладими ? Бир
умрга ?**

Онаси бош силкиди :

- Ҳааа Сен ва Али бор жойда Марямхон доим бўлади. У энди сизнинг ҳаётингиздан ҳеч қачон чиқиб кетмайди.

- У қиз бола ... Вақти келиб турмушга чиқиб кетса ...

Шунча вақтдан буён суҳбатга қўшилмаган отаси Райҳонанинг саволига жавоб қайтарди :

- Али уни қўйиб юбормайди... Марямхонни...

Райҳона отаси имо қилган тарафга қаради .

Узоқда Марямхон ва ...у турар эди. Қўлларида митти гўдак...

Райҳона тақдирдан рози бўлиб жилмайди :

- Ўзингга шукр ...

*** * ***

Душанба куни кечга томон палатага кирган Марямхон Райҳонага назар ташлаб кўзи тиниб кетди. Марямхон уни илгари сира ҳам бу кўринишда кўрмаган эди. Райҳонанинг

оппоқ юзлари сўлинқираган , кўзлари шу қадар мунгли бўлиб қолган эди- ки , Марямхон бирдан сесканиб кетди. Айна вақтда Марямхон Райҳонада шу вақтгача ҳеч ҳам кузатилмаган бир ҳолатни пайқаб қолди. Райҳонанинг кўзларида биллурдек ёш ғилтилар эди.

Марямхон бироз ўйга толди .

@Xazon_Rezgi /130

#ҚАСД

- Опажон ... Опажоним ... Сизга нима бўлди ? Нима учун бу аҳволдасиз ? - Марямхон Райҳонага саволли тикилди , - ким сизни хафа қилди ?

Қизнинг хаёлига шу савол келиши билан ўрнидан сакраб турди.

Чўнтагидан телефонини олди ва дарровда курсдошига қўнғироқ қилди :

- Усмон , қаердасан ?! Тезда бу касалхонага етиб кел. Оёғингни қўлингга олгин ва етиб кел ... Бўлақол тез! Эээ сўрама ... Келганда биласан...

Марямхон Усмон етиб келиши билан бир неча хафта олдин

Ўзи унга илтимос қилиб Райҳонанинг тумбаси устига атайин қўйдириб сунъий гуллар билан безатилган гул вазага ўрнатилган мўъжаз видеокамера тарафга ишора қилди :

- Тез ! Менга тез шу камера ёзган охирги ўн икки соатдаги маълумотларни флешкага кўчириб бер ! Камера нимани қайд қилганидан қатъий назар миридан сиригача , ипидан - игнасигача ? Эҳтиёт бўл ! Эҳтиётсизлик қилиб ўчириб юборма тағин !

Усмон Марямхоннинг талабини тезда бажарди.

Марямхон у келтирган маълумотни бир - бошдан аста - секин кадрларни ўтказиб - ўтказиб кўра бошлади. Даставвал ҳеч қандай ғайриоддий нарсани илғамаган Марямхон кун асрга яқинлашган вақтдаги кадрларни кўра бошлаганда бирдан сергак тортди...

Орадан ярим соат ўтар - ўтмас ўзини босиб олишга ҳаракат қилган Марямхон Алига қўнғироқ қилди :

- Акааа ... Қаердасиз ? Сизни зудлик билан кўрмасам бўлмайди. Зудлик билан ...

Сешанба кuni ишга келган Настарин Алининг тонг сахардан ўз кабинетида эканлигини кўриб ажабланди. Али одатда бу вақтда касалхонада бўлар эди.

Настариннинг бу ҳолатдан кайфияти чоғ бўлди. "Демак , Али ака ҳам ҳаётга тўғри кўз билан қарайдиган бўлиб қолибдилар. Демак , менинг кўчамда ҳам байрам бошланажак. Афтидан "Уйқудаги малика"дан фойда йўқлигини тушуниб етган жаноб Аслиддинов биз тарафга ҳам бир қараб қўйишга қарор қилган кўринадилар. Аммо мен асло сир бой бермаслигим керак. Таклифларига дарровда кўнсам қадрим тушиб кетмасин яна..."

Настариннинг хаёлини Алининг овози бузди :

- Настарин , беш минутга қараворинг .

Гарчи Настарин ҳозиргина ўзининг "қадри тушиб кетмаслиги" ҳақида ўйлаб турган бўлса- да , бироқ Алининг овози эшитилиши билан учиб - қўниб ўрнидан турди.

У столидан бир қадам узоқлашди- ю , аммо яна ортига қайтди. Стол тортмасида турган сумкачасини олиб ичидан атирини олди . Ундан кофтасининг ички ёқасига бироз пуркади ва кўнгли тўлиб атир идишини турган жойига қайта жойлаштирди.

"Мана энди бўлди" - ўзича табассум қилди Настарин ва таманно билан бошлиғининг кабинетига йўл олди.

- Ассалому алайкум, Али Азмиддинович, - деди Настарин кўзлари билан ер чизганча , - сизни эшитаман.

- Бугун бошқачароқмисиз , Настаринхон,- деди Али сира ўзига ўхшамаган ҳолда , - сизнинг бу қадар латофатли , жозибали қиз эканлигингизни аввал пайқамаган эканман.

Настариннинг юзларидан олов чиқиб кетди. Ўзини жилмайишдан аранг тўхтатиб қолди:

- Вой , Али ака?! Бу нима деганингиз ?! - у шундай деб гапини давомини аста шивирлаб тугатди , - уялтирманг...

- Гўзални гўзал, мафтункорни мафтункор дейишнинг нимаси уят ?! Нотўғри гапирганлар уялсин. Мен борини бор дейман, - Али шундай деб Настаринга тагдор нигоҳ ташлади, - майли бу гаплар ўз йўлига. Сиздан битта нарсада ёрдам сўрамоқчи эдим.

Настаринга Алининг хушомад гаплари мойдек ёқаётган эди. Унинг мавзуни бошқа тарафга бурганидан норози бўлган бўлса- да , аммо сездирмасликка ҳаракат қилди . Унинг ўрнига кўзларини карашма билан сузганча :

- Қўлимдан келса , бажонил , Али Азмиддинович , - деди.

- Қўлингиздан келади. Келмаса келтирасиз , - деди Али у тарафга қадам ташлаб овозини пасайтириб, юзини юзига тегар даражада унга яқинлаштириб .

Настарин нафасида Алининг нафасини сизди . Боши

айланди ва оҳиста :

- Сизга ҳеч қачон йўқ дея олмайман, - деди у ўзини тўхтата олмасдан.

- Унда яхши , - деди Али Настаринга , - шу гапингиз ёдингизда турсин. Энди бундоқ . Сиз ҳозир мана бу

@Xazon_Rezgi /131

#ҚАСД

компьютердаги видеороликни кўрасиз , сўнг эса унга баҳо берасиз. Сиз берган баҳо мен учун жуда муҳим. Тайёرمىсиз ?!

Настарин "Ҳаа" дея бош ирғади.

- Унда қулайроқ ўтириб олинг , - деди Али керакли тугма устига қўлини қўйиб , - демак бошладик.

Али тугмани босиши билан экран живирлашди , сўнг бирдан ёришди.

Настарин дастлаб ҳеч нарсага тушунмади . Кадрда касалхонадаги Райҳона ётган кровать йирик планда кўринди. Видеотасвирнинг асосий объекти Райҳона эди.

Настарин ҳеч нарсага тушунмай безовталаниб Алига қаради. Али унга "Қара" дегандек экранга ишора қилди.

Кўп ўтмай эшик ғирчиллаб очилиб хонага қип-қизил кийими устидан халат ва юзига ниқоб тутиб олган бир қиз кириб келди .

Настарин охирги кадрга кўзи тушиши билан ҳаммасига тушунди.

Кадрдаги қиз ўзи эди !

Настарин ўтирган жойида қимирламади . Юз ифодаси без бўлиб қотди...

Али эса видео тасвир овозини баландлаштирди. У бир Настаринга , бир экранга қараб видеони томоша қила бошлади.

Настарин дадил қадамлар билан Райҳонанинг ёнига яқинлашди, унинг бошига эгилди ва дона - дона қилиб гапира бошлади :

- Ҳаа, мендан салом кутяпсизми ? Ассалому алайкум дегани "Сизга соғлиқ тилайман" дегани . Айни дамда мен сизга умуман соғлиқ тиламайман ! Мен сизни қуриб, қовжираб, абгор ҳолда ўлиб кетишингизни ҳоҳлайман!

Нега дейсизми ?!

Сиз жавоб беришингиз керак эди !

Барчаси учун !

***Куйиб кўмирга айланган болалигим, истиқболи йўқ
келажагим, етиб бўлмас орзуларим, завол бўлган умидларим
учун! ...***

Барчаси учун !

Эрингизнинг таъкидлаши бўйича сиз эшитар эмишсиз !

Унда эшитинг !

Мен- ўшаман !

***Мен сизнинг дастингиздан умр - йўлдошидан , мол-
мулкидан бир кунда айрилган, тўрт нафар болалари билан
кўчаларда сарсон бўлган беайб аёлнинг қизиман !***

***Мен сиз тугайли умри турмада чиришга маҳкум эркакнинг
қизиман!***

Мен- ўша !

Сизни кўришга кўзи йўқ , сиздан қасд олиш бир умрлик орзуси , ҳаётининг мазмуни бўлган қизман !

Мен - ўша !

Сизга аноним тарзда "Ҳайрихоҳ опа" бўлиб хат ёзиб , фикрларингизни чалғитган, эрингизга қарши қайраган қуюшқондан чиқарган қизман !

Мен - ўша ! Сизнинг йўлингизни пойлаб "Қовоғари" томошасини уюштирган қизман!

Янаям аниқроғини билмоқчимисиз ? !

Менинг энг асосий режам сиз билан Али акани бир-бирларингизга қарши қайраб, ажраштириб юбориш ва қизингизни тирик етим қилиш эди ! Қизингиз мен каби ҳаётнинг қоронғу кўчаларида изиллаб йиғлаб юришини хоҳлаган қизман!

@Xazon_Rezgi /132

#ҚАСД

Менинг режам шундан иборат эди.

Бир аллома айтган экан:

"Агар бирон бир нарсани чин дилдан истасангиз , ўша истагингиз амалга ошиши учун бутун коинот ёрдамга келади" деб .

Дарҳақиқат шундай экан!

Бўлмаса биз оиламиз билан яшайдиган ижара уйимизда Али аканинг аввалги котибаси Васида опа билан қўшни бўлармидик!

Васида опанинг ўзи корхонангизга котибаликка тавсия қилиб , менга қанчалик яхшилиқ қилганидан хабари йўқ !

Айнан шу аёл туфайли биринчи режам деярли амалга ошди.

Деярли ...

Аммо кўп ўтмай ушбу режамни сиз туфайли ўзгартиришга қарор қилдим.

Сиз автофалокатга учрагач , менда бошқа режа туғилди . Бу режа биринчиси билан солиштирганда жуда мукамал даражадаги режадир.

Мен энди барига эга бўлмоқчиман! Мана кўрасиз бўламан ҳам ! Қандай қилиб дейсизми ?! Сизнинг Алингизга эга чиқиб !

Ҳаа ! Ҳаа! Шундай !

Менимча бу унчалик қийин эмас , айниқса сиз бу аҳволга тушиб турганингизда !

Аммо Али акангиз анча садоқатли ва қайсар чиқиб қолдида . У ҳали ҳам сизни деяпти. Бунинг устига сиз уни қорнингиздаги итваччангиз билан ушлаб турибсиз !

Майли кўпи кетиб , ози қолди .

Али акангизни мен билан бахтли бўлиши учун ўзимга ўзим қарашиб юбормасам бўлмайди шекилли .

Бунинг учун бундан олти йил аввал дадам чала қолдирган ишни якунлашим шарт! Ҳа нотўғри эшитмадингиз ! Мен ўша қатор йиллар давомида сизни даволаган юрак шифокорингиз - Зоиржон Мадумарович Тоировнинг қизи бўламан! От изини той босар ! Дадам битира олмаган ишни якунига энди ўзим етказаман. Сизнинг жазоингиз биргина укол ! Марҳамат , кутинг ! Уч кун қолди ... Мана шу уч кунда яшаб олинг...

Мен бугун бу ернинг ...

43- ҚИСМ

паст- у баландини олиш учун келгандим. Ундан кейин сизга кўнглимдагиларни бир тўкиб - солиб хумордан чиқмоқчи эдим. Ҳар иккала ниятимга етдим.

Энди хайр.

Айтганча , суюклиларингиз ташриф буюрса яхшилаб хайрлашиб олинг.

Бугун бормиз , эрта йўқ ... Ана шунақа гаплар опажоним.

Кўришгунча. Келаси сафар кўришганда эса сизга охирги айтадиган сўзим "Алвидо" бўлади !

Настарин шундай деб ўгирилганча палатадан чиқиб кетди.

** * **

Али видеотасмани ўчирди.

Настарин беихтиёр ўрнидан турди .

Али Настаринга юзма - юз келди.

- Мен сени тегишли идораларга топширишни истамайман, аммо қайта кўришни ҳам , овозингни қайта эшитишни ҳам истамайман. Иккинчи кўзимга кўринма. Ҳозир эса ҳеч ким йўқ жойга боргин- да , қилган ишларинг тўғрисида яхшилаб ўйлаб, хулоса чиқариб ол. Агар шунда ҳам "Танлаган йўлим тўғри!" дейдиган бўлсанг Аллоҳнинг ўзи жазоингни берсин.

Бошқа гапим йўқ...

Мени ҳоли қолдир...

*Настарин хонани тарк этар экан , ортига ўгирилди .
Кўзларидан совуқ учқун заррачалари атрофга сочилгандек бўлди :*

- Мен барибир қилган ишимдан пушаймон эмасман. Аммо кўнглимдаги гапни айтиб кетаман. Бу занжирда биттагина одамни севдим. Яъни сизни.

Али хўрсинди :

- Қайта кўришмаймиз дея умид қиламан...

Настарин хонадан чиқиб кетгач , Али ўз ўрнига бемажол чўқди. У кеча Марямхондан мазкур флешкани олиб кўргандан буён тунни билан ухламаган эди. Аммо ҳозир ҳам уйқуси келмаётган эди. Алининг шу топда биргина истаги бор эди. У

ҳам бўлса Райҳонани кўриш эди.

Али барча ишларини ташлади-ю , суюклисининг ёнига ўқдек учди. У Райҳонани, Райҳонасини жуда соғинган эди...

Орадан икки ой ўтиб ижтимоий тармоқларда "Сўнги тезкор хабарлар" рукнида бир хабар тарқалди .

*Тошкент шаҳридан бўлган ўн тўққиз ёшли Н.М. исмли қиз С. Д. исмли севган йигити томонидан танасига етказилган тан жароҳати туфайли Республика шошилинич тез тиббий ёрдам марказига олиб келинди. Маълум бўлишича улар пойтахтдаги ** номли кафедра бир - бирлари билан сўз таллашиб уришиб қолишган . Мажаронинг асосий сабаби рашк. Рашк натижасида С. Д. қизнинг қорин соҳасига етти марта пичоқ санчган.*

Кўрсатилган тез тиббий ёрдамга қарамай қиз олинган жароҳатлар ва бунинг натижасида кўп қон йўқотилиши натижасида марказда вафот этган.

С.Д. эса қилмишлари учун жавобгарликка тортилиш мақсадида қўлга олинган"

Бугунги тезкор замонда ижтимоий тармоқларда кунига бундай хабарлар юзлаб , минглаб тарқалганлиги учун бу

хабар ҳам кўп обуначилар тарафидан "ҳа шундайми ?" дея бир бора ўқилгач, ўтказилиб юборилди. Эътибор эса унинг ортидан жойланган бошқа хабарга йўналтирилди.

Бу хабарни ўқимаган Али учун эса Настариннинг ўзи билан хайрлашгандан сўнгги ҳаёти мавҳумлигича қолди. Али у қиз ҳақида ортиқ билишга ҳаракат ҳам қилмади . Уни қизиқтирадиган , ўртантирадиган ўз олами , яъни Райҳонаси бор эди...

Райҳонаси бор эди...

Али палатага кириб борганда қуёшнинг заррин нурлари бутун хонани ўз ҳукмронлигига олиб улгурган эди...

@Xazon_Rezgi / 134

#ҚАСД

Али ҳар сафаргидек Райҳонанинг ёнидаги стулдан жой эгалламади. У шунчаки ерга ёзилган гиламга қунишибгина чўккалади. Шу ўтиришда ҳар доимги одати бўйича аёлининг қўлини оҳиста тутганча шу қўлларга лаб босди.

Сўнгра Райҳонанинг билинар- билинмас дўппайиб қолган қорнига ўнг қўлини қўйди. Аста силади.

Райҳонанинг Иймонага ҳомиладор бўлган вақтида гамбургерга бошиқоронғи бўлиб , ўзи билан уришиб-талашганча , кўнгли суст кетган емагини ола келтириб оғзини тўлдирганча шоша- пиша еганлари кўз ўнгига келиб юраги эзилди.

"Райҳона...

Қани эди "фалон нарсани егим келяпти" десанг , - дея ўйлади Али, - бу кичкинтойимиз фақат томчи дори билан катта бўлмоқда".

Али ўтирган куйи кўзи илинди.

У шу алфозда қуш уйқусида қанча ухлади билмади.

Бирдан ...

Бирдан ўзининг қўлига бировнинг оҳиста туртганини сезиб дарҳол кўзини очди. Аммо хонада ўзи ва Райҳонадан бошқа ҳеч ким йўқлигини кўриб таажжубланди.

Райҳона ўз ўрнида ҳар доимгидек ҳаракатсиз ётар эди.

" Уйқусирадим шекилли , - дея ўйлади Али хаёлларини бир жойга жамлашга ҳаракат қилиб , - қўлим ҳам увишиб қолган кўринади" . Али қўлини силаб юбориш ниятида энди олмоқчи

бўлганида яна ...

Яна қўллари ожизгина зарбани туйди...

Али қўлларига қаради. Сўнг Райҳонага...

У барчасига тушунган эди !

Али Райҳонанинг юраги остидаги ўз дилбандининг илк бор тепинганини ҳис қилган қилган эди.

- Болаам...- деди у кўнгли эриб ,- болааммм , илтимос ҳаётимизга ёруғлик олиб кел ...

Ўзинг билан аяжонингни етаклаб кел ...

Биз сизларни кутаяпмиз...

Интизор бўлиб ...

Муштоқ бўлиб ...

Илтимос , болам , илтимос...

*** * ***

Райҳонада ҳомиладорликнинг охирги ойлари оғир кеча бошлади . Унинг гоҳида юрак уриши тезлашар , гоҳида сустлашиб қолар , баъзи кунлари қон босими тез - тез кўтарилиб- тушиб атрофдагиларни ҳуноб қилиб қўярди.

Шифокорлар ҳам энди кунда - кунора Райҳонанинг атрофида уймаланиша бошлашди.

Райҳонанинг ҳолати тиббиёт тарихида кўпда учрамайдиган ҳодиса бўлганлиги сабабли , республиканинг энг таниқли , номи чиққан шифокорлари ҳам унинг касаллик тарихига қизиқиб қолишган , беморнинг соғлиғи юзасидан тез - тез консилиумлар ўтказиб туришар , орада чет эллик ҳамкасблар билан ҳам онлайн тарзда мулоқат ўтказиб туришар эди.

Бўлажак туғруқ жараёни учун масъуллар қаторига Райҳонанинг илк фарзандини дунёга келтиришини тўлиқ назорат қилган шифокор Шоҳида Туроповна ҳам киритилган эди.

У ҳамкасбларига бемор Аслиддинова аввалги туғруқ вақтида бош фарзандини муддатидан илгари дунёга келтиргани ҳақидаги маълумотни бот- бот такрорлар ва организм бу сафар ҳам ушбу ҳолатни қайта бошдан кечириши мумкинлиги ҳақида таъкидлар эди.

Аммо барча қўрқинчлар ортда қолди.

Райҳонанинг ҳомиласи тўққизинчи ойнинг юзини кўрди.

Шифокорларнинг галдаги жавоб истаган саволлари фақат битта эди :

- Райҳона билан боғлиқ туғруқ жараёни қандай кечади ?

@Xazon_Rezgi /135

#ҚАСД

Шифокорлар жамоасининг охириги йиғилиши қатъий қарор қилди :

- Райҳонанинг фарзанди кесарча кесиш йўли билан дунёга келади!

Бундан бошқа йўл ҳам , эътироз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Операция чоршанба кунига тайин қилинди.

Бу ҳақида хабардор қилинган Али зудлик билан Иноғом Мажидовнинг ҳузурига ошиқди :

- Ассалому алайкум , - деди Али унинг ҳузурига киришга руҳсат олган Али профессор Мажидовнинг кабинетиди Шоҳида Туроповнага кўзи тушгач , ҳар иккала шифокорнинг суҳбат мавзуси Райҳона эканлигини тахмин қилди , - кирсам мумкинми ?

- Марҳамат кираверинг , - дея унга жой кўрсатишди шифокорлар Алининг саломига алик олишар экан.

Али улар кўрсатган жойга ўтиргач , ҳижолатдан муштига йўталди :

- Мен ... Мен ...- деди у гапни нимадан бошлашни билмай.

- Али ... Ука ... Биз иккимиз , - Мажидов шундай деб Шоҳида Туроповнага қисқа назар ташлаб ишора қилиб қўйди ва гапида давом этди,- сизнинг нима мақсадда бу ерга ташриф буюрганлигини биламиз. Нима савол бермоқчи эканлигини ҳам .

Энди гап шундай , ука. Биз ундоқ, бундоқ деб қўйинлигини пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи эмасмиз.

Аёлинлигини шу чоққача бу аҳволида ҳомиладор ҳолида яшаши , унинг вужудидаги гўдакнинг , тан олиб айтиш мумкин бўлса , тўққиз ой ривожланиши бу -мўъжизанинг ўзгинаси !

Энди бу ёғига ...

Шу пайт Мажидов кабинетининг эшиги зарб билан очилди.

*- Иноғом ака , - деди ҳансираганча эшикни очган ҳамшира , -
Шоҳида опа , тезроқ !*

*Тезроқ ! Еттинчи палатадаги бемор Аслиддинова ғалати
аҳволга тушиб қоляпти. Мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.
Унинг аъзои - баданидан тинимсиз тер қуйилмоқда !*

*Мажидов ўрнидан ўқдек сакраб турди . У хонадан отилиб
чиқар экан, Шоҳида Туроповнага баланд овозда кўрсатма
берди :*

*- Операция хонасини тайёрлашсин. Афтидан беморда тўлғоқ
жараёни бошланган бўлиши керак!*

*Али уларга эргашар экан , тўсатдан Марямхоннинг
касалхонада эмаслиги ёдига тушди. У тезда қизга қўнғироқ
қилди :*

*- Марямхон , қаердасиз ?! Райҳонани тўлғоқ тутди . Менимча
...*

Марямхон Алининг гапини охиригача эшитмади . У :

- Ака, мен ҳозироқ етиб бораман, - деди-ю алоқани узди .

Марямхон Райҳонани операция хонасига олиб кириб кетишгунларигача қадар улгуриб етиб келди .

Операция узоқ давом этди. Бу вақтда Алининг бўлари бўлди . Яхши ҳам-ки , ёнида далда бериб туриш учун етиб келган тоғаси ва Севара келинойиси бор экан. Уларни касалхонага етказиб келган ўғиллари Азаматнинг ҳам анча фойдаси тегди. Азамат ҳали онаси , ҳали отаси , ҳали эса Алига тинчланиб олишлари учун сув тутар , айниқса тоғаваччасига бир оғиз ширин сўз билан далда бўлишни истар эди.

"Тикилган қозон қайнамайди" деганларидек , кутганда вақт ўта қолмайди.

Али шу дақиқалар ичида ўзини бир неча йилга қаригандек ҳис қилди.

Ва ниҳоят ...

Коридор бошида Марямхон кўринди.

Али қизни кўриб қўрқиб кетди.

Марямхон бу тарафга хўнграб йиғлаб келар эди.

*У Али ҳамда унинг яқинлари томонига яқинлашар экан
ингроқ овозда :*

*- Акаааа... Али акаааа ...- деди ва қўлларини Али томонга
чўзганча ...*

44- ЯКУНИЙ ҚИСМ

*Райҳона ўзини ҳар доимги таниш сайҳонликда кўрди. Ям -
яшил майсалар митти чечакларни ўз бағрига ошиён қилган
таниш сайҳонлик. Бу ерда чегара йўқ. Осмон ҳам, ер ҳам қўл
узатсанг етгулик жойда. Райҳона бу ерда нимани кўришни
истаса ўша нарса кўз ўнгида намоён бўлишини аллақачон
фаҳмлаб улгурганди. Шу сабаб сайҳонлик бор бўйи билан гоҳ
чаман гулзор, гоҳ сувлари дилга ором бериб ястаниб
оқадиган катта дарё , гоҳида эса эрка жайронларни бағрида
сийлаган пурвиқор тоғлар , гоҳида ҳар бир новдаси шинғил
мева тутувчи танти боғлар кўринишига келиб қолар эди.*

Райҳона бу ерда битта нарсани тушунди.

*Кўнгил - ўзинг кўришни истаган воқелик экан. Унда нимани
кўришни истасанг намоёни, тақдими ҳам шу экан. Агар сен
Аллоҳдан фақат яхшилик ва яхшиларни тиласанг , унда худди
ана шу неъмат сенга рўбаро бўлар экан.*

Райҳона ҳам тилашни ўрганди.

У Аллоҳдан энг хайрлисини тилади .

Ва Аллоҳ бу йўлда нимани ихтиёр этса шунинг қабули учун бош эгар бўлди.

- Қизиим..

Райҳона ҳар сафаргидек ота ва онасини кўришни истаган эди.

- Адажооон ... Аяжооон ...

Райҳона уларга салом берган каби бошини эгди.

У барчасини тушунган эди. Ота ва онасидан ажралиш палласи яқин...

Райҳона ўзини онасининг бағрига отди. Отаси эса шу туришда унинг сочларини силади :

- Қизим ... - деди онаси унга меҳр билан боқиб , - вақти келди...

Сени икки дунё оралиғида тутиб турган ҳаёт риштаси энди

*алоҳида бир вужуд сифатида яшашга ҳозирланаяпти.
Ҳадемай у ёруғ дунёга келади . У ўғил бола...*

*- Сен ва Алининг ўғли бўлган бу бола ўсиб, улғайиб тенгсиз олим бўлади. Жуда кўп ечилмаган саволларга жавоб топади. У хатто бедаво деб ҳисобланган дарднинг ҳам давосини кашф қилади. Ўғлингни номи тилларда дoston бўлади , -
Райҳонанинг отаси фахр билан жилмайди.*

- Иймона эса отасининг ишини давом эттиради, уни янада кенгайтириб, ривожлантиради. У илм, зиё улашувчи покиза қалб эгаси бўлади. Ҳар бир ишни нозик дид ва нафосат билан бажариш унга онаси , яъни сендан ўтади, - эрининг сўзларига қўшимча қилди онаси.

Қизим ... Бу айтган сўзларимиз фарзандларинг шу даражага етишганда "Алҳамдулиллоҳ" деган вақтдагина ёдингга тушади...

- Мен-чи ? Менга нима бўлади , адажон , аяжон ?! Мен ортга қайта оламанми ?! Ёки насибам фарзандларим камолини у дунёдан кузатиш бўладими ?

- Сен жойинг Аллоҳ ўзинг учун тақдир қилган ерда , яъни бахтлилар орасида. Биз эса аянг ва мен ҳамиша ёнингдамиз.

Отаси кўзи билан тўғрига ишора қилди. У ерда булутлар оғушида бир гўдак жилмайиб сузиб келар эди.

Райҳонанинг боши айланди.

Зум ўтмай оппоқ, ҳаррир либосга бурканган мавжудотлар уни икки қўлидан ушлаб қувурга ўхшаш нурли йўлак бўйлаб учириб кета бошладилар...

Орадан қанча вақт ўтгани Райҳонага англашинилмади.

Кўп ўтмай Райҳона ўзини аллақандай оқ рангли хона шифтида кўрди ... У шифтда муаллақ турганча пастдагиларни кузата бошлади. У ерда бир гуруҳ оқ халат кийган инсонлар доира мисол тўпланиб нимадир қилишар эди.

- Мана бўлди ! Полвонимизни қабул қилинг ! - аёл кишининг дилбар овози эшитилди .

Иккинчи аёл бағридаги йўргакка ҳозиргина дунёга келган гўдакни босиб улардан ажралди . У чақалоққа қарар экан , ҳайрон овозда ҳитоб қилди :

- Шоҳида Туроповна, бола йиғламаяпти.

Райҳона пастлаб гўдакка яқинлашди. Гўдак Райҳонани кўрди . Онасини таниб оғизчаси билан нимадир демоқчи бўлгандек унга талпинди.

- Полвонимиз йиғламайди. Кўзларига қаранг . У кўзлари

билан гапириб ётибди- ку !

Райҳона гапга қўшилган қизни таниди : Марямхон!

- Қизим , яна кўзлар гапиряпти деб бошладингми? Ундан кўра беморга қара ! Унинг кўзлари нималарни гапирмоқда ?

Райҳона эркак шифокор ишора қилган тарафга қаради ва ўзини кўрди. У ердаги Райҳона ҳаракатсиз бир нуқтага тикилиб ётар эди.

@Xazon_Rezgi /137

#ҚАСД

Райҳона дастлаб ҳеч нарсага тушунмасдан тепадан туриб ердаги ўз танасига тикилганча муаллақ тураверди.

Шу вақт Марямхон гўдакни кўтариб турган шифокордан сўраб олди ва унинг юзини Райҳонанинг юзига босди.

Гўдак тамшаниб онасининг юзини митти лаблари билан тамшаниб сўра бошлади. Аммо ҳаракати бесамар кетгач , қип - қизариб тиришганча жаҳл билан бор овозида "инга"лаб йиғлаб юборди.

Райҳона чидай олмади . Барчасини унутиб шифтдан пастга - гўдагига отилди :

- Болааам...!!!

Шу вақт операция столида ётган Райҳона ожизгина қимирлади. Нималардир демоқчи бўлди . Аммо гапира олмади . Гавдасини бошқара олмай кўзларидан бир томчи ёш сизиб чиқди.

Марямхон унинг "Болааам" деган ҳитобини яхши англаган эди.

У гўдакни бағрига босар экан ...кўзларидан шашқатор ёш оқиб кетди... Гапира олмади... Икки оғиз сўзни айтиш шу қадар қийин эканлигига ҳайрон қолди . У "Дунёимизга хуш қайтибсиз !" демоқчи эди. Айта олмади . Аранг :

- Дада ... - дея олди халос.

Профессор Мажидов қизига қараб жилмайди. Ортиқча гапирмади. Фақат "Сен менинг фахримсан , қизим" деди шивирлаганча .

Райҳонанинг танаси аста - секинлик билан фаол ҳолатга ўта бошлади...

Юрак уруши , қон босими меъёрий ҳолатга яқинлашди.

Мажидов Райҳонанинг ёнига яқинлашди:

- Ўзингизни ортиқча уринтирманг. Фарзандингиз соғлом дунёга келди . Ундан асти ҳавотир олманг. Энди барчасини бошидан бошлаш учун куч тўплаймиз. Бахтли яшаш учун !

Профессор Мажидов шундай дея ҳамкасбларига ўгирилди:

- Руҳсат берсангиз беморни яқинларига хушxabарни Марямхон етказса . Мен буни ота сифатида эмас , балки бир ...

Мажидовнинг сўзларини Шоҳида Туроповна бўлди :

- Марямхон тез борақолсин ! Тўққиз ойдан буён кутавериб уларнинг ҳам кўзлари тешилди ..., - у Марямхонга ишора қилди,-

Чаққон қимирла , қизим !

Марямхон кўлидаги гўдакни яқинида турган шифокорга авайлаб тутқазди...

У операция хонасидан узун коридорга чиқар экан бирдан кўнгли тўлиб кетганлигини ҳис қилди.

Коридорнинг у бошида Али кўринди . Марямхон ўзини тута олмади . Шашқатор йиғлаб юборди.

- Акааа... Али акаааа ... - деди ва қўлларини Али томонга чўзганча талпинди.

Али Марямхоннинг ҳолатидан қаттиқ кўрқиб кетган эди.

- Мар ... Марямхон ... Нима ... Нима гап ... ? Гапиринг , юрагимни куйдирманг ! Гапириииинггг!

Марямхон йиғлай туриб жилмайди:

*- Ака , Райҳона опам ... Райҳона опам ўзларига келдилар ...!
Ака, ўғил муборак !*

У кулиб йиғлар, йиғлаб кулар эди.

Али турган жойида қалқиб кетди . Ва ўша ернинг ўзида тиз чўқди. У бошини саждага қўйди.

Икки мартаба шукр саждасини адо этди.

- Шукр ... Ё ,Аллоҳ , ўзингга шукр !!! Минг бир шукр ... Чексиз шукр ...

Алининг ҳам кўзларидан ёш қуйилиб келарди ...

Марямхон Алининг қариндошларини жилмайганча табриклар экан , улар орасида ўзини бошқача кузатаётган Азаматга кўзи тушиб юраги бир ўйнаб кетди :

"Бу йигит Али акага бир томчи сувдек жуда ўхшар экан- а ? "

Иш тугашига яқин Алини шифокорлар жамоаси алоҳида қабул қилишди . Улар Алини Райҳонанинг ҳаётга қайтгани ҳамда ўғиллик бўлганлиги билан табриклашди. Ҳар қайси мутахассис ўз йўналиши бўйича тавсиялар бериб ўтишди.

Алининг қулоғига эса умуман гап кирмади. Англаб , тушунгани эса фақат Райҳонанинг бирдан тузалиб, юриб кетмаслиги , шунча ойлик ётоқдан кейин тўқималар фаолияти бирмунча издан чиққанлиги , барини ўз ўрнига қайтиши учун вақт керак эканлиги бўлди.

Али :

- Сизлар, нима десангиз шу , - деди ва шоша - пиша сўради , - уларни қачон кўришим мумкин ?

@Xazon_Rezgi. /138

#ҚАСД

- Янги меҳмонимизни бугун кўришингиз мумкин . Аёлингизни

эса эртага , - дейишди шифокорлар бир овоздан.

Эртаси куни Марямхон Алини Райҳонанинг ёнига бошлаб борар экан, унга эшик ёнида бироз кутиб туришни тайинлаб, палатага ёлғиз ўзи кирди .

- Ассалому алайкум , опажон . Мен Марямхонман . Танидингизми ? - деди қиз унга меҳр билан боқиб , - кеча ҳузурингизга кирсам ухлаб ётган экансиз. Бугун эса яна келдим.

Опажон ... Мени танидингизми ?

Райҳона "ҳаа" деганча бош силкиди. Жилмайишга ҳаракат қилди , аммо юзи билан шу ифодани чиқариб бериш учун ҳам қийналди .

- Опажон , ўзингизни қийнаманг . Ҳали гаплашиш учун вақтимиз кўп бўлади. Аммо айти дамда кечиктириб бўлмайдиган асосий бир ишимиз бор. Ҳозир ...

Марямхон ташқарига чиқиб Алини ичкарига таклиф қилди. Ўзи палатани эшигини ёпиб мамнун жилмайди. Шу пайт сал нарида бир даста гул кўтариб келаётган Азаматга кўзи тушди :

- Уларни бироз ёлғиз қолдириш керак , - деди у Азаматга , - Али ака яқиндагина опамнинг ёнларига кирдилар .

Азамат қўлидаги гулдастани Марямхонга тутди :

- Буни аслида сиз учун келтиргандим. Акам ва келинойимга қилган яхшиликларингиз учун...

**Марямхон беихтиёр гулга қўл узатар экан ,
кўнглидан "Тавба , овози ҳам худди Али аканикига ўхшайди-
я?!" деган ўй кечди ва оҳиста оҳангда:**

- Раҳмат , - деди ийманибгина.

**- Мабодо яқин атрофда қаҳва сотадиган жой йўқми ,
эрталабдан жуда хумори тутаяпти , - деб сўради Азамат
хаёлига келган баҳонадан ўзи қувониб .**

Марямхон унга савол назари билан қаради :

**- Қаҳва сўрашингиздан талабамисиз дейман ?! - у шундай деб
жавобни кутмасдан йўл бошлади , - юринг ошхона бу тарафда...**

**Али Райҳонанинг ёнига келиб кровати ёнига тиззалаганча
анча вақт бир сўз дея олмади. Ҳолбуки унинг ўз яғонаси учун
айтадиган гаплари жуда кўп эди...**

**- Жаннат гулим ...-деди Али ваниҳоят тилга кириб , -
кичкинтойимизга Ҳаётбек деб исм танладим. Бу исм ҳар доим
мен ва сени бир кунда биргалиқда ҳаётга қайтганимизни
эслатиб турсин ...**

Ахир сенсиз менга ҳаёт йўқ ... Сен ...

*- Б и л а м а н , - бемажол шивирлади Райҳона , - м е н г а
ҳ а м с и з с и з ҳ а ё т й ў қ ...*

- Менга ҳам, яғонам - шивирлади Али, - менга ҳам ...

Керагидан керагим ўзингсан...

Жаннат гулим, Райҳонам ...

#тамом

Муаллиф : Хазонрезги

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН ТАШАККУР !

Каналга уланиш :

https://t.me/joinchat/AAAAAFB59SM9yhwXJGeW_g

#ташриф

Ассалому алайкум , қадрдон...

Ҳайрли кеч...

Мана бугун навбатдаги яна бир "ҚАСД" номли қиссамга охирги нуқтани қўйдим.

Ўзимга савол :

Мен қиссани ёзишни бошлаганда ўз олдимга қўйилган мақсадга эришдимми ?

Жавоб : Нисбатан.

Тўғрисиям шу, ахир. Нима учун десангиз қачон қўйилган мақсадга тўлиқ эришдим деган қарорга келсам, ўйлашимча бошқа бирор сатр ёзишимга ҳожат қолмаса керак.

Асар бир вақтнинг ўзида бир неча канал ва гуруҳларда кўчириб чоп этилди. Камтарона ижодимга бефарқ бўлмай асарнинг тарқалишига ўз ҳиссасини қўшган барча ижодий жамоалар ва админларга чексиз эҳтиром.

Шунингдек, асар ҳаёти билан бирга яшаган куйинчак , обуначилар, сизларга ҳам ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан. Қисса юзасидан сизлар билдирган муносабатлар , фикрлар мени асарни тугатишимда жуда катта куч ва мадад

бўлди.

Нима ҳам дейман :

Барингизни Аллоҳ учун яхши кўраман.

Каналга янги уланган обуначиларимиз ўз муносабат ва таклифларини билдиришлари учун қуйидаги қадрдон гуруҳ линкини қолдираман.

<https://t.me/joinchat/jKSdRi8qooY1Yzk6>

Дўстлар ...

Аллоҳ қодир қилса , ижод қилиш бахти ила сийлашда давом этса, келгусида сизлар билан албатта яна янги асарлар орқали учрашиш ниятидаман.

Қисса 15 май куни чоп этила бошлаган экан. Маълум сабабларга кўра орадаги узилишлар билан бугун 15 - июль куни тугалланди.

Сўнгсўз !

Ҳар доимги гапим :

Мен қиссани ёзишга кетган вақтим , умрим , кўз нуримга розиман .

Сиз ҳам уни ўқишга кетган вақт , умр , кўз нурингизга "розиман" деб қўярсиз.

Доимо Аллоҳнинг паноҳида бўлинг ...

Сизнинг - Ҳазонрезги

Каналга уланиш :

https://t.me/joinchat/AAAAAFB59SM9yhwXJGeW_g